

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ
АКАДЕМИЯСИ**

**Касимова Гулляр Ахматовна
Шаакрамов Каҳрамон Кучкарович**

Маҳаллий бюджетлар

Ўқув қўлланма

Тошкент – 2012

65.261.3

Ш74

Касимова Г.А., Шаакрамов К.К. Махаллий бюджетлар. Ўкув кўлланма. –Т.: «Молия», 2012. -260 б.

ББК 65.261.3

УДК: 336.14 (075)

Ушбу ўкув кўлланмада махаллий молиянинг таркибий қисми, бюджет тизимида махаллий бюджетни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, бюджет ижросида ғазначилик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари баён этилган. Шунингдек махаллий бюджетни бошқариш жараёнларида махаллий ҳосимиёт органларига юқлатилган вазифалар ва функциялар, махаллий бюджетнинг ғазна ижроси механизми, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш ҳамда махаллий бюджетларнинг даромадларини кўпайтиришнинг ҳозирги замон муаммолари ёритилган. Ўкув кўлланма иктисадиёт йўналишидаги талабалар учун фойдали бўлиб, унда махаллий бюджетни ташкил этишининг назарий, ҳукукий, ташкилий асослари, ҳозирги кунда махаллий бюджетларни самарали бошқариш чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Мазкур ўкув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясидаги «Давлат молиясини бошқариш» ва «Бюджетнинг ғазна ижроси» йўналишидаги магистрантларга «Махаллий молия» фанидан фойдаланишга тавсия этилади. Ўкув кўлланма молия ва ғазначилик органлари ходимлари, талабалар, магистрантлар, илмий ходимларга илмий тадқиқот ишларида яқиндан ёрдам беради.

Ушбу ўкув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2009-2011 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий дастури доирасида 2-015 рақамили “Ғазначилик тизимида махаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш” мавзусидаги илмий лойиха бўйича тайёрланди ва нашр қилинди.

Масъул мұхаррир:

Вахабов А.В. – иктисад фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Йўлдошев М. И. – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедра мудири, и.ф.д., профессор,

Каримова З. Х. – Тошкент молия институти кафедра мудири, и. ф. н., фахрий профессор.

№2424-7224

ISBN 978-9943-302-60-0

**© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси,
«Молия» нашриёти, 2012 й.**

КИРИШ

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлига эга бўлган мустақил давлат сифатида намоён бўлди. Республика ўз даромадларини мустақил тасарруф этадиган, ўз ҳаражатларини тўла-тўқис копладиган мамлакат сифатида танилди. Буларнинг барчаси давлатнинг зарурий хусусияти саналувчи бюджет тизими ва бюджет жараёнида ўз тасдиғини топмоқда. Ўзбекистоннинг маҳаллий давлат ҳокимият идоралари вилоятлар, шаҳар ва туманлар билан ўзаро муносабатлари янгича иқтисодий асосларда кайта ташкил этилди.

Ўзбекистон учун миллий суворенитети ва давлат мустақилликини кўлга киритган дастлабки кунлариданоқ иқтисодий мустақилликка эришиш, айниқса, иқтисодий соҳада ўзига хос йўлини, ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифа саналди. Ушбу вазифаларни тўғри бажарилиши натижасида Ўзбекистоннинг банк-молия, солик, бюджет, газначилик тизими шаклланди. Мамлакатимизда молия, бюджет, пул ва кредит тизимини бошқарища, бюджет, фискал ва солик сиёсатини амалга оширишда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос ижтимоий ҳимояланган, босқичма-босқич йўли танланди. Ўзбекистон Республикасида демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида молия, бюджет, солик, пул-кредит сиёсати чоратадбирлари такомиллаштирилди.

Республикада ҳар бир соҳада иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, бюджет тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни алоҳида таъқидлаб ўтиш лозим. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий кудрати шу давлатнинг мукаммал бюджетига эга эканлиги билан ифодаланади. Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг 20 йил ичida чукур иқтисодий сиёсат негизида баркарор молиявий тизимни, шунингдек, унинг асосини ташкил этувчи маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро этиш соҳасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

“Юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг баркарор ва ишончли фаолият юритиши, изчил юқори ўсиш суръатлари, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация килиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилди”¹. Иқтисодий ўсиш суръатларини таъминланган ва молиявий баркарорликка эришишга йўналтирилган ислоҳотларни чукурлаштириш даврида давлат

¹ Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётини асосий мезонидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011. Т. 19.

молияси, ҳайникса, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш мухим стратегик вазифа хисобланади.

Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларнинг марказида маҳаллий бюджет даромадларини тўлиқ ва ўз вақтида тушириш, республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини режалаштириш хамда харажатларни молиялаштиришда янги шакл ва усуслардан самарали фойдаланиш, бюджетдаги тақчилликнинг ўсишига таъсир кўрсатувчи сабабларнинг олдини олиш, иш ҳақи ва нафакаларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш, шунингдек, газначилик тизимида бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида бюджет интизомига риоя этиш масалалари туради.

Узбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй берадиган туб ўзгаришлар ижтимоий-иктисодий яратувчилик руҳида маҳаллий бюджетларни бошқариш, газначилик, молия ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг хукуқ ва мажбуриятларининг қайта тақсимланишини қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди. Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини қайта тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда мухим ахамиятга эга. Мамлакатда яратилган ЯИМни худудлар бўйича қайта тақсимлаш ҳамда аҳолига етказиш бюджет даромадлари ва харажатлари орқали таъминланади. Аҳолини ижтимоий химоя килиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар хисобидан амалга оширилади.

Ушбу ўкув кўлланмада газначилик тизими тараққиётида худудларда маҳаллий молияни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетнинг ўрни, маҳаллий ҳокимият органларига юқлатилган вазифалар ва функциялар, маҳаллий бюджетларни бошқаришда газначилик тизимини жорий килиниши масалалари батафсил ёритилган.

Мазкур ўкув кўлланма ватанимиз ва чет эл адабиётларидан, матбуотда зълон қилинган мақолалардан фойдаланган ҳолда тайёрланди. Шунингдек, интернет тармоғи орқали олинган маълумотлар билан хам бойитилди. Ўкув кўлланманинг ҳар бир боби якунида талабанинг билимини мустаҳкамлаш ҳамда мустакил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш максадида ўзини ўзи текшириш учун саволлар ва топшириклар берилди.

Муаллифлар ўкув кўлланмани тайёрлашда ўз маслаҳатлари билан якиндан ёрдам берган Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори и.ф.д., профессор А.В. Вахабовга, тақризчилар и.ф.д., профессор М.И. Йўлдошевга, иқтисод фанлари номзоди, фахрий проф. З.Х. Каримовага катта миннатдорчилик билдирадилар. Ўкув кўлланма бўйича барча фикр-мулоҳаза ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ўкув, илмий-услубий кенгашига юборишингизни сўраймиз. Бу келгусида мазкур ўкув кўлланманинг янада мукаммал тарзда ўкувчиларга дарслик сифатида тақдим этилишига ёрдам беради, деб умид қиласиз.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1-БОБ. “МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР” ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ

1.1. Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва аҳамияти


Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, киска вакт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ахоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташки савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, бюджет тизимини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуклар кўлга киритилди.

Ўзбекистонда 2011 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим максади ва асосий устувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом этириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқизорзга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юкори ва барқарор суръатлари, самарадорлиги ва макроиктисодий мувозанатни таъминлашдан иборат. Амалга ошириладиган тадбирлар каторида турли даражадаги маҳаллий бюджетлардан иборат бўлган бюджет тизимини бошқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Бюджет ишлаб чиқариш ҳосиласи, у нимани ва қанча яратса, шунга караб бюджет шаклланади. Унинг мавжудлиги иқтисодий зарурат ва бу ижтимоий неъматларнинг такроран яратилиб турилишини юзага келтиради. Бюджет иқтисодиётга давлат томонидан таъсир этишининг фаол воситаси хисобланади. У иқтисодиётнинг ўсишига қайта таъсир этганда, ишлаб чиқариш ресурсларини ривожлантириш давлат бюджети ва турли даражадаги бюджетдан молиялаштириш орқали юз беради. Давлатнинг молиявий салоҳияти ва имкониятларидан оқилона фойдаланишинг асосий омилларидан бири – давлат бюджетидир. Бугунги кунга келиб, бюджет нафақат молиявий, иқтисодий, балки сиёсий масалага айланди. Бюджет ҳар қайси оила, ҳар қайси корхона ёки тармок ҳаётida ўзининг таъсирини шундай кучли намоён қиласиди, бу масалада қандайдир хатога йўл кўйилса, сўнг уни ўзгартириш қийин бўлади.

Бюджет тизими – бу иқтисодий муносабатлар йигиндиси бўлиб, давлат тузилиши ва қонун нормаларига асосланган, маъмурий-худудий тузилишига мос ҳолда шакллантирилган, бюджет муносабатларида мустакил бўлган бюджет ташкилотлари ва жамғармалар мажмуудиди.

Бюджет тизими республика бюджети ва барча маҳаллий бюджетларнинг жамламаси хисобланади. У давлатнинг сиёсий ва иқтисодий тизимига ҳамда республиканинг маъмурий-худудий бўлинишига асосланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тузилмаси

Бюджет тизимиning ижтимоий-иктисодий ва ташкилий тамойиллари, тузилиши унда бирлашиб кетадиган бюджетларнинг ўзаро алокадорлигини, давлат бюджети тузилмасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тузилмаси куйидагиларни: Республика бюджети; Қоракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида муҳим таркибий қисми Республика бюджети ташкил этади. Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тузидағи тадбирларни молиялаштиришда фойдаланадиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари миқдори назарда тутилади. Мамлакатдаги ЯИМни Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёни Республика бюджети орқали тартибга солинади. Республика бюджети турли даражадаги маҳаллий бюджетлар харажатларининг даромадлари билан қопланмаган қисмини

коплаб турувчи ва харажатлар кисмининг бажарилишини назорат килувчи юқори бюджет саналади.

Бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йигиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди². Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиши, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими уч гурухдан иборат омиллар таъсирида фаолият кўрсатади:

– солик кодекси ва бюджетга оид янги қонунлар билан боғлиқ бўлган бюджет ислоҳотлари;

– Ўзбекистон Республикасида бюджет тузилмаси, ҳокимият тузилмаси ва механизmlарини давлат томонидан ислоҳ қилиш, республика ва минтақалар бюджетлари ваколатларининг белгилаб кўйилиши;

– бюджет кўрсаткичларининг ўзаро иктисадий таъсири.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш шароитида бюджет тизимининг барча бўғинларини бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим характерли томонлари мавжуд. Биринчидан, ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида ва керакли микдорда молиялаштириш учун бюджетга етарли бўлган даромадларни таъминлаш лозим. Иккинчидан, аҳолининг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган иктисадий соҳаларни зарур даражада ривожлантиришни таъминлаш керак. Учинчидан, хусусий бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш лозим.

Россиялик иктисадчилар Г.С. Закревская ва С.В. Мишинанинг фикрларича, бюджет ислоҳотларини ривожлантириш қарорларини қабул қилишда назарий жиҳатдан «кўп киррали» бюджет тизими тушунчасининг мазмунига эътибор берилади. Бюджет тизими – умумижтимоий эҳтиёжларни таъминлаш, ижтимоий-иктисадий дастурларни молиялаштириш учун йўналтирилган бюджет сиёсати, бюджет ҳукуки ва бюджет механизмини ўз ичига оладиган молия-бюджет институти ва фондларининг йигиндисидир. Куйидаги 2-расмда Россия Федерациясининг молиявий, ҳукукий ва ташкилий характердаги элементлардан ташкил топган бюджет тизимининг таркиби кўрсатилган.

² Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конуни. 33-модда.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ

Бюджет

Бюджет жамгармасини шакллантириш ва фойдаланиш муносабатлари

Бюджет тузилиши

Бюджет механизми ва фоидларни шакллантиришнинг бошқарув даражалари бўйича меъёрлари: Федерал бюджет, Федерация субъектлари бюджети ва муниципал бюджетлар

Бюджет сиёсати

Хокимият органларининг маълум босқичда ижтимоий ва иктисолий самарадорликка эришини мақсадида бюджет функцияларини амалга ошириш учун бюджет жараёнларини бошқариш соҳасидаги харакат ҳамда тадбирлар тизими

Бюджет механизми

Бюджетта маблаг тўплаш ва бюджетдан маблаг ажратиш ҳамда бюджетлараро муносабатларни мувоффиклаштириш услубларининг йигинидиси

Юридик меъёрлар

Молия ва бюджет соҳасидаги Федерал қонунлар, РФ субъектлари қонун хуҗжатлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг муниципал хуқукий актлари

Молия-бюджет аппарати

Бюджет-солиқ жараёнини амалга оширадиган давлат ва муниципал хокимият органлари гаркиби

2-расм. Россия Федерацииси бюджет тизимининг таркиби

Бюджет тизими мураккаб механизм бўлиб, муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иктисодий тузилиши, шунингдек, давлат курилишини акс эттиради. Мазкур тизим муайян давлатни тавсифлайдиган ижтимоий-иктисодий, хуқукий хусусиятларнинг бутун мажмуи асосида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «бешинчи устувор йўналиш – марказий ва юкори давлат бошқарув органи идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуий тузилмалариiga фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришини таъминлаш»³ зарур.

Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми хисобланади. Иктисолиётни

³ Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. “Халқ сўзи”. 2002 йил 30 август.

модернизациялаш ва янгилаш шароитида маҳаллий бюджетларга эътибор янада кучайди. Маҳаллий бюджет – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шахар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир кисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишли худуднинг иқтисодий ва ижтимоий таракқиётининг барча соҳалари ҳамда йўналишларини тўла камраб олади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимиётнинг фаолият кўрсатишларида молиявий маңба бўлиб ҳисобланади. Давлатнинг ижтимоий сиёсатини жойларда амалга оширишда асосий роль ўйнайди. Моддий маънода бюджет – тегишли даражадаги давлат ва маҳаллий ҳокимиёт идоралари фаолиятнин таъминловчи, уларга юклатилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни бажариш имконини берувчи марказлаштирилган пул маблағлари фондидир. Давлат томонидан режалаштирилган тадбирларни бюджет ҳисобидан молиявий таъминлаш деганда бюджетнинг айнан ана шу моддий маъноси кўзда тутилади.

Молия, бюджет ва давлат молиясига оид адабиётларда кўрсатилишича, «бюджет муносабатлари» иқтисодий категория сифатида молиявий муносабатларнинг таркибий кисми ҳисобланади. Демак, уларга пул шакли ва молиянинг асосий вазифалари хос. Давлат билан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги молиявий муносабатлар бюджет муносабатлари дейилади.

Бюджет муносабатларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, давлат ва уни куйи бошқарув органлари иштироқида тақсимлаш жараённида вужудга келса, иккинчидан, умумжамият талаб ва эҳтиёжини таъминлаш учун керак бўлган марказлаштан пул фондининг шаклланиши ҳамда самарали фойдаланиши билан боғлиқ. Бюджет муносабатлари – жамият иқтисодий тизимининг элементи. Унинг амал қилиши, аввало, давлат ва унга тегишли функцияларни амалга ошириш учун зарур моддий-молиявий база шакллантирилиши учун объектив зарурдир. Такрор ишлаб чиқариш жараённида бюджет муносабатларига мувофиқ келувчи моддий шакл кўрининшини олади.

Иқтисодчи В.Родионованинг фикрича, бюджет муносабатлари – жамият иқтисодий тузилишининг ажралмас кисмидир, бюджет тизимини амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарур моддий-молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади.

Иқтисодчи олимлар проф. А.Ваҳобов ва З.Срожиддиноваларнинг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети» ўкув кўлланмасида соликлар бюджет муносабатларига таъсир кўрсатувчи муҳим омил деб каралади, «соликлар ривожланган товар ишлаб чиқариншнинг муҳим категорияси бўлиб, у янада кенгроқ категория – давлат бюджети билан

чамбарчас бөғланган, солиқлар бюджетнинг шаклланишида иштирок этади»⁴ деб таъкидлаб ўтилган. Солиқлар молиявий ресурсларнинг давлат ихтиёрида тўғланиб боришини таъминлади, бу ресурслардан иктисодий ривожланишнинг умумдавлат, минтақавий вазифаларни ҳал қилиш, ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб даромадларни тартибга солиш учун фойдаланилади.

Маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иктиносидий ривожланиши молиявий маблаглар билан таъминланади. Республикаизда қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда, аҳолининг кам таъминланган табақаларини аниқ тарзда қўллаб-кувватлаш, соглом авлодни тарбиялаш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлиги ва аниқ тарзда молиявий қўллаб-кувватлашни кучайтирища маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва самарали ижросини таъминлашнинг аҳамияти катта.

Маҳаллий бюджетлар маҳаллий эҳтиёжларни тўлиқ ҳисобга олиши ва ҳаражатларни маҳаллий бюджет даромадлари билан мувофиқлаштириши керак. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари даромадларнинг маҳаллий бюджетга доимий келиб тушиши ва мавжуд молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланишдан манфаатдордир. Чунки жойларда ҳудудий иктиносидиётнинг ўсиш суръатлари маҳаллий бюджет маблағларини сафарбар этишга, бюджет маблағларини режали сарфлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини муваффакиятли бажаришга имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва жойлардаги молия органлари ходимларининг қонун ҳужжатларида қўрсатилган вазифа ва функцияларни бажариш жараёнларида маҳаллий бюджетларни бошқаришни фақатгина амалий жиҳатларини билибгина қолмасдан, балки маҳаллий бюджетларнинг моҳияти, зарурлиги, ўзига хос ҳусусиятлари, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий бюджет ҳаражатлари, маҳаллий бюджетларнинг газна ижроси, газничилик тизимида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш каби назарий масалаларни билишлари лозим. Шу сабабли «Маҳаллий бюджетлар» фанини чуқур ўрганиш мухим аҳамиятта эга.

1.2. «Маҳаллий бюджетлар» фанининг мақсади, предмети ва вазифалари

Иктиносидиётни модернизациялаш ва янгилаш шароитида бюджет тизимини бошқариш ислоҳотларини ўтказиш жараёни, аввало, ижтимоий-иктиносидий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириш, ҳудудларни молиявий таъминлашни мустаҳкамлаш,

⁴ Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. Тошкент. 2005. 36-б.

бутунлай янги молия, бюджет, ғазначилик ва солиқ механизмини яратиш, ғазначиликда бюджетлараро муносабатларни тартибга солиши, шунингдек, маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини таъминлашнинг янги услубиёти ва тамойилларини аниқлашни ўз ичига олади.

«Маҳаллий бюджетлар» фанини ўқитишининг зарурлиги давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти ўсиб бораётганилигидан келиб чиқади. [Маҳаллий бюджетгда асосий аҳамиятга эга бўлган харажатлар молиялаштирилади] Масалан, таълим, маданият, соғликни сақлаш, ижтимоий таъминот, ижтимоий химоя, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа харажатлардан иборат. Маҳаллий бюджет харажатларини ўз вактида, тўлиқ молиялаштириш ва қўшимча молиялаштириш маблағларини топиш, бюджет ташкилотлари томонидан маблағларни самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан назоратни амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда маҳаллий бюджетларни ўз ичига қамраб олган давлат бюджетида маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланишда ғазначилик тизими жорий килинди. Ғазначилик тизими ёрдамида дастлабки, жорий ва якуний назорат жараёнини такомиллаштириш бўйича катта ўзгаришлар амалга оширилди. Ғазначилик органларининг максади – бюджет ташкилотларини узлуксиз молиялаштириб бориш, бюджетдан маблағ олувчиликар томонидан ажратилган ресурсларни меъёрий хужожатлар талабларидан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларига етказиш ва уларнинг топшириғига асосан касса операцияларини юргизишдан иборат.

«Маҳаллий бюджетлар» фанини ўрганишининг мақсади – юкори малакали иқтисодчилар, молия ва ғазначилик органлари ходимлари бўлиб етишадиган талабалар учун маҳаллий бюджетларни бошқариш тизими тўғрисида назарий билимлар бериш, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида давлатнинг жойларда амалга оширилаётган молия ва бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича назарий маълумотлар беришдан иборат.

«Маҳаллий бюджетлар» фанининг мақсади ва вазифалари талабаларни ғазначилик тизимида мустақил ишлашга тайёрлашдан иборат. Мазкур фан ғазначилик ва молия тизимининг мутахassisларини тайёрлашида етакчи назарий фанлардан бири хисобланади. «Маҳаллий бюджетлар» фанида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ижро этиш, бюджет тизимини бошқаришда ғазначилик тизимидан фойдаланиш, ғазначилик институтини ташкил килиш билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, Ягона Ғазна Ҳисобвараги ва Худудий Ғазначилик Ҳисобваракларидан маҳаллий бюджет харажатларини амалга оширишни такомиллаштириш каби масалалар кўриб чиқиласди.

«Маҳаллий бюджетлар» фанининг ҳам бошқа фанлар сингари ўзига хос предмети ва вазифалари мавжуд. «Маҳаллий бюджетлар» фанидан олинган билимлар молия соҳаси мутахassisларини давлат молиясини бошқариш,

бюджет амалиётига оид фаолиятларида учрайдиган долзарб масалаларни хал килишда ҳамда маҳаллий бюджетта доир адабиётларни ўрганишда ва малакаларини оширишларида ёрдам беради.

Ушбу фан предметини ўрганиш қўйидаги мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади:

- худудлар даражасида бюджет тизимини бошқариш хусусиятлари ва муаммоларини ўрганиш;
- маҳаллий бюджетларнинг ижтимоний-иктисодий моҳияти ва асосий вазифаларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни ўрганиш;
- маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш механизмини ўрганиш;
- маҳаллий бюджетларнинг газна ижросини амалга оширишнинг назарий-хуқуқий асосларини ўрганиш;
- маҳаллий бюджетни ғазначилик тизимида бошқаришнинг ҳозирги замон стратегик вазифаларини ўрганиш.

«Маҳаллий бюджетлар» фани бозор иктисодиётини тадқик қилувчи фанларнинг бири сифатида ўзида кўплаб бозор иктисодиётига оид аниқ фанларнинг хulosаларини мужассамлаштиради.

1.3. «Маҳаллий бюджетлар» фанининг бошқа иктисодий фанлар билан боғликлиги

«Маҳаллий бюджетлар» фани «Иктисодий назария», «Ғазначилик», «Давлат бюджети» каби фанлардан олинган назарий асосларга таянади. Шу билан бирга «Ғазначилик фаолияти механизми», «Ғазначиликда давлат максадли жамғармалари» каби фанларни ўзлаштириш учун назарий-услубий асос бўлиб хизмат қиласди. Унинг серкірралиги ва аниқ ҳисоб-китобларга асосланганлиги, компьютерлардан фойдаланиш зарурияти ушбу фанга катта масъулият билан ёндашиш кераклигини кўрсатади. Мазкур фанни ўрганиш жараёнида талабалар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бирга бюджет амалиётида иктисодий таҳлил ва баҳолаш, дастурий режалаштириш ва молиявий режалаштириш, молиявий таҳлил усувларидан фойдаланади.

«Маҳаллий бюджетлар» фанини чукур ўргатиш амалиётда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари режаларининг тўлик ва ўз вақтида бажарилишига эришишда ёрдам беради. Мазкур фаннинг вазифаси молия ходимларини назарий билимлар ва услубий кўлланмалар билан таъминлашдан иборат. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг бюджет амалиётини ўрганиш ва таққослаш асосида тегишли хulosалар ишлаб чиқиш ҳамда республикамизда мазкур тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш ўргатилади.

Таянч сўз ва иборалар

Давлат бюджет тузилмаси, маҳаллий бюджет, маҳаллий молия, жамланган бюджет, бюджет тизими, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий бюджет харажсатлари, республика бюджети, соликлар, йигимлар, Солиқ кодекси, бюджетдан маблаг олувлар.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида маҳаллий бюджетларнинг аҳамиятини оширишда қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?
2. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. «Маҳаллий бюджетлар» фанини ўқитишнинг максади нималардан иборат?
4. «Маҳаллий бюджетлар» фани нимани ўргатади?
5. «Маҳаллий бюджетлар» фанининг вазифалари нималардан иборат?
6. Молия ва газначилик органлари ходимларини тайёрлашда «Маҳаллий бюджетлар» фанининг ўрни қандай?
7. «Маҳаллий бюджетлар» фанининг бошқа фанлар билан боғликлиги ҳакида сўзланг.
8. Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрнини кўрсатинг.

2-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

2.1.Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий-ижтимоий мөхияти

Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш ҳукуматимиз бюджет сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласидан мухим омил эканлиги шубҳасизdir, бу борада уларни янада кўллаб-кувватлашга харакат қилинмоқда. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар режасини шакллантириш ва маблағларини харажат килиш миқдори вилоят, туман, шаҳар ҳокимият органлари томонидан тасдиқланади. Маҳаллий бюджетлар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тузилишининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий бюджетлар мустакил юридик ташкилот ҳисобланади. Маҳаллий бюджет маблағларининг асосий қисми **ижтимоий-маданий тадбирлар ва аҳолини ижтимоий хизоялаш** харажатларига йўналтирилади. Маҳаллий бюджетлар давлат молия тизимининг асосий таркибий қисмини ташкил этади.

Иқтисодий адабиётларда маҳаллий бюджетга турли даражада марказлаштирилган пул маблағлари фондини вужудга келтириш, тақсимлаш ва фойдаланишга оид асосий молиявий режа бўлиб, маҳаллий бюджет тегиши давлат ёки маҳаллий идора томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган юридик хужжатдан иборат деб таъриф берилишида айнан маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

„Макроиктисодиётдаги реал айланишда давлат маҳсулотлар ва хизматлар билан иштирок этса, молиявий айланишда бюджетдаги маблағлари билан иштирок этади. Оддий килиб айтганда, маҳаллий бюджет жойларда ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларини аҳолига етказишнинг асосий каналларидан бири ҳисобланади. Мазкур бюджетлар орқали марказлашган жамғармалар аҳолининг айрим қатламлари ўргасида тақсимланади. Маҳаллий бюджетлардан ишлаб чиқариш соҳасининг тармоқлари, биринчи навбатда, озик-овқат ва маҳаллий саноат, коммунал ҳўжалик ва аҳолининг турмуш кечирици учун зурур бўлган аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси молиялаштирилади. Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларнинг молия-бюджет ҳукукларини оширишни, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда етарли маблағлар билан таъминлашни талаб этади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида ўз-ўзини бошқариш мухим ўрин тутади. Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларнинг бюджет соҳасидаги ҳукукларини кенгайтириш, юклатилган вазифаларни амалга оширишда етарли маблағлар билан таъминлашни талаб этади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида маҳаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатларини мувофиқлаштириш республика ва унинг худудларининг ривожланишида мухим аҳамият касб этади. Албатта, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг асосий молиявий негизи – маҳаллий бюджетлар хисобланади. Маҳаллий бошқарув органларига юқлатилган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши уларнинг молиявий маблағларга эга бўлишлари билан bogлиқ. Маҳаллий ресурсларни самарали бошқариш, худудий иқтисодиёт субъектларининг ўзаро алоқаларини мувофиқ равишда ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда маҳаллий ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун молиявий имкониятларни кенгайтириш имконини беради.

Худудий иқтисодиётни худудий хўжалик, худудий тузилма ихтиёрида бўлган мулкни ва маҳаллий бюджетни бошқариш ташкил этади. Худуд доирасида фаолият кўрсатувчи барча корхоналарнинг ривожланиш йўналишларини эътиборга олмасдан, маҳаллий молия ва маҳаллий бюджетнинг ривожланиш йўналишлари белгиланмайди.

Мамлакатдаги ҳар бир маъмурий-худудий бирлик ўз бюджетига эга бўлганлиги учун бу босқичда ана шу бюджетларнинг (худудларга мўлжалланган жамгармаларнинг) умумий ҳажмини тўғри аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. У ёки бу бюджетнинг ҳаражатлари жойларда олинган даромадларнинг ҳажми билан мос келмаслиги оқибатида уларни кўшимча маблағлар билан таъминлаш зарурияти вужудга келади, барча қуий бюджетларни баланслаштириш амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишли худуднинг иқтисодий-ижтимоий таракқиётининг барча соҳалари ва йўналишларини тўлиқ камраб олади маҳаллий бюджет ҳар йили ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда молия йили давомида 1 январдан 31 декбргача ижро этилади. Маҳаллий бюджет маблағларнинг эгаси сифатида амалдаги мөтёрий ҳужжатларга асослантиб, умумий ҳажми бюджет қонунчилигида белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади.

Хорижий мамлакатларда маҳаллий бюджет мустакил равишда маҳаллий солиқлар ва йигимлар хисобига шакллантирилади. Бизнинг • республикамизда ҳам маҳаллий бюджет даромадларини маҳаллий солиқлар ва йигимлар ташкил этади. Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, ижтимоий инфратузилмани саклаш ва ривожлантиришга давлат маблагларини таъсимилашда алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакат бюджетининг тузилиши, биринчи навбатда, давлат тузилишига bogлиқ bўлади. Унитар тузилишга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими икки босқичдан, давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат. Федерал тузилишга эга бўлган мамлакатларда бюджет тизими уч бўғиндан иборат.

Жаҳон иқтисодиёти интеграциялашуви жараёни мамлакатимизнинг ҳам бюджет тизимини бошқаришни доимий тарзда такомиллаштириш заруриятини юзага келтироққа. Шунга кўра, бюджет ижросининг хорижий мамлакатларда жорий этилган ва кисқа муддат мобайнида ўзининг ижобий натижасини кўрсатаётган ғазначилик тизими фаолияти такомиллаштирилмоқда. Ҳозирги кунда давлат бюджети самарали ижросини таъминлашнинг давлат тадбирлари ичидаги маҳаллий бюджетларни бошқаришда ғазначилик хизматидан кенг фойдаланиш ва бюджет амалиётида шу асосда туб ўзгаришларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллий бюджетда ғазначиликни жорий этиш учун зарур хукукий шакллантириш, услугубий базани такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган чоратадбирлар аниқ белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон қарорининг 20-бандида кўрсатилишича. Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, жумладан, республика бюджетидан молиялаштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштирокида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга рухсат берилди. Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларда ғазначилик тизимини жорий этиш бўйича жуда кўп амалий ишлар қилинди. Албатта, ғазначилик фаолиятини амалиётта татбиқ этиш бюджет тизимининг барча жабхаларидаги ўзгаришларни, меъёрий-хукукий хужжатлар ҳолати, ташкилий услугубий ишлар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёнларини қамраб олади.

❖ 2.2. Маҳаллий бюджетларнинг асосий вазифалари

Маҳаллий бюджет маблағларнинг эгаси сифатида амалдаги меъёрий хужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет конунчилигига белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Маҳаллий бюджет харажатларига маблағлар ажратиш давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия-кредит идоралари тизими орқали тегишли маблағларга эктиёж сезилган пайтдан (молия йилтида) бошлаб уларни сарф-харажат килгунга кадар бўлган бутун давр мобайнида юз беради.

• Маҳаллий бюджет объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, у иқтисодиёт тармокларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан эса, бу харажатлар ҳудуддаги корхоналарнинг даромадидан ташкил топади. Маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари чамбарчас боғлиқидир. Албатта, ЯИМнинг пастроқ даражаси, ўз навбатида, ишлаб чиқаришда катнашувчилар даромадларининг нисбатан камрок бўлишини, иқтисодиётнинг келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятларининг

қисқаришини, айниқса, вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги аҳолининг кам таъминланган қатламларини иқтисодий ахволига салбий таъсир кўрсатади. Давлат бошқарув органлари томонидан ўрнатилган соликлар ва тўловларнинг турли шакллари давлат қонунларида, молиявий бошқарув органларининг меъёрий хужжатларида ўз ифодасини топган, объектив омилларга маълум даражада боғлик.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ҳар бир бўгини у ёки бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган турли пул жамғармаларни ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишига қаратилган ўзига хос вазифаларни бажаради. Маҳаллий бюджетнинг аҳамияти эса унинг бажарадиган вазифалари орқали намоён бўлади. Маҳаллий бюджетлар куйидаги вазифаларни бажаради.



З-расм. Маҳаллий бюджетларнинг вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари йўл тутиши даврида маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади. Шундай экан, маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ҳозирги даврда республика ва унинг худудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Худудий иқтисодиётни ривожлантириш ва маҳаллий бюджетларни баркарорлаштириш учун куйидагиларга ўтибор бериш керак:

- шаҳар ва кишлoқларда саноатни, айниқса, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни устувор ривожлантириш;
- мавжуд агроиклим, сув ва ер ресурсларидан оқилюна фойдаланилган холда қишлоқ ҳўжалигининг баркарор ривожланишини таъминлаш;

- маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда барча худудларда хизматлар соҳасининг устувор ривожланишини таъминлаш, янги хизмат турларини кенгайтириш;
- кичик бизнес, касаначилик, бозор инфратузилмасини ривожлантириш асосида ахоли бандлиги, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш даражасини ошириш;
- энергетика тармоқларини сув билан таъминлаш, локализация тизимини, автомобиль ва темир йўллар шохобчаларини янгилаш ҳамда кенгайтиришдан иборат.

2.3. Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг роли

Хозирги замон бозор иктисодиёти хуқуқий, иктисодий, ташкилий ва бошқа механизмлар билан тартибга солинади. Ўзбекистоннинг бозор иктисодиёти ривожланишига давлат аралашувининг асосий мақсади, иктисодиётга янги демократик усуллар билан раҳбарлик қилиш, барча хорижий мамлакатлар билан самараали иктисодий интеграцияга ўтиш, чет эл ютукларидан фойдаланиш асосида барча худудларда ахолининг турмуш даражасини кўтаришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидла ганларидек, «...Бугун жойларда иктисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғлиқ катта, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кимгадир исбот қилиб беришга ҳожат йўқ. Бу авваламбор, ахоли бандлиги, унинг иш ҳаки ва даромадларини ошириш, бу охир-оқибатда республикамиз худудлари, шаҳар ва туманларимиздаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш демакдир»¹.

Ўзбекистонда бюджет тизимини самараали бошқариш, тури даражадаги бюджет даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш ҳозирги молиявий-иктисодий инкиroz шароитида республика ва унинг худудларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритгач, суверен давлатнинг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган бюджет тизимини аста-секин, миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожлантироқда.

Худудий иктисодиёт бу – мамлакатнинг алоҳида худуди ёки алоҳида қисми бўлиб, табиий-иклим шароитлари билан узвий боғланган, ижтимоий-иктисодий, демографик, ташкилий жойлашган, мослаштирилган ва ишлаб

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Мажхамаси мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи”. 2008 йил 9 февраль.

чиқарувчى күчлар йигиндисидир. Худудий иқтисодиёттинг мазмун-моҳияти ва хусусияти илмий асосланган минтақавий сиёсатни самарали ишлаб чиқаришга күмак беради. Илмий адабиётларда худуд вилоят, шаҳар, ўлка, воҳа, водий каби маъноларда кенг фойдаланилади. Иқтисодий адабиётларда кўрсатилишича, худудий иқтисодиёт ижтимоий ишлаб чиқариш, худудий ташкил топиш қонуниятлари ва унинг ҳаракат механизмидан иборат. Хорижий адабиётларда худудий иқтисодиёт халк хўжалиги соҳалари, тармоклари ўзаро алокадорлигининг мураккаб мажмуи сифатида кўрсатилади.

Ўзбекистон учун «худудий иқтисодиёт», «минтақавий иқтисодиёт», «муниципал иқтисодиёт» «маҳаллий бюджет барқарорлиги» атамалари амалиётдаги муҳим тушунчалар хисобланади. Мустақилик йилларигача вилоят, шаҳар ва туманга факат маъмурӣ худудий бўлиниш нуқтаиназаридан ёндашилган, иқтисодиёт миллий даражада тилга олинган. Вилоят, туман ва шаҳар даражаси ҳақида сўз кетгандан асосан «маҳаллий хўжалик» атамаси қўлланилган. Маҳаллий бюджетларни бошқариш ишларига, ўз навбатида, коммунал хўжалиги корхоналари мажмуи, бальзан эса маҳаллий ҳокимият ва ўз-ўзини бошқариш органларининг ободончилик эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган фаолияти деб қаралган. Иқтисодий адабиётларда «худудий иқтисодиёт» тушунчасига тарьиф берилмаган. Шунга қарамай маҳаллий соҳага боғлиқ иқтисодий масалалар билан ишлашда қулайлик тутдириш нуқтаи назаридан мазкур тушунчадан фойдаланилган. Айни пайтда, «худудий иқтисодиёт» тушунчаси маҳаллий миқёсда содир бўладиган жараёнларни, молиявий ҳолатни ва иқтисодий ходисаларни ўрганиш учун зарур.

Худудий иқтисодиёт хар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг бўлинмас ва узвий бир бўғини сифатида фаолият юритади. «Худудий иқтисодиёт» тушунчасининг мазмуни масаласи бугунги кунда баҳсли бўлиб қолмоқда. Маъмурӣ бошқарувнинг анъанавий концепциялари нуқтан назаридан содда ва тушунарли бўлган биринчи қарашга кўра, худудий иқтисодиёт – маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан бевосита назорат килинадиган барча иқтисодий жараёнлардан иборат.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан худудларнинг ривожланиш даражаси ва ўсиш суръатларига боғлиқ. Худудларнинг мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланиши макроиктисодий баркарорлик, миллий иқтисодиёт хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади. Чунки баркарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, авваламбор, минтақалардаги ижтимоий-иктисодий вазиятта, уларнинг мутаносиб ва комплекс ривожлантириш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ислоҳотларнинг асосий юки худудий бирликлар ва маҳаллий бошқарув органлари зиммасига тушади. Таъкидлаш жоизки, худудларда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар макроиктисодий сиёсатнинг кичиклаштирилган нусхасини англатмайди. Чунки ҳар бир худудий бирлик – бу ўзига хос

ижтимоий-иктисодий ва табиий ресурс тизимири, унинг молиявий холати ва иктиносидий потенциали маҳаллий бюджет харажатлари ҳамда даромадларида кўринади.

Худудий ривожланиши давлат томонидан тартибга солища минтақаларро тафовутларни камайтириш, минтақаларнинг табиий иктиносидий салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланиши рағбатлантириш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш ва барқарорлигини тъминлаш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш, экологик шароити нокулай бўлган минтақаларни кўллаб-куватлашга асосий эътибор қаратилиди.

Турли мамлакатлар ёки худудлар ишлаб чиқариш омиллари ва ривожланиш шартлари уйғунлигининг ҳар хиллиги иктиносидий ривожланиш даржасини бир хил нуктан назардан баҳолаш имконини бермайди. Бунинг учун бир катор асосий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

1. Худудий ялпи ички маҳсулот.
2. Худудий иктиносидиётнинг таркибий тузилиши.
3. Аҳоли жон бошига асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш.
4. Аҳолининг турмуш даражаси ва бандлик.
5. Иктиносидий самарадорлик кўрсаткичлари.
6. Маҳаллий бюджетнинг даромад базаси².

Маҳаллий бюджетлар орқали худудларнинг ижтимоий-иктиносидий ривожланиши молиявий маблағлар билан тъминланади. Худудий мақсадларга мўлжалланган жамғармаларнинг шаклланиши юз беради, яъни умумдавлат пул фондини бўлишнинг мураккаб тақсимланиш жараёни амалга оширилади. Ташиб томондан барча иктиносидий ва ижтимоий бўлинмаларга ажралган ички бюджет жараёнидек кўринади. Ҳақиқатда эса, бу тақсимланиш ижтимоий-муносабатларнинг барча соҳаларини қамраб олади. Бу боскичда худуддаги барча субъекларнинг манфатлари ўзаро тўқнаш келади.

Жаҳон молиявий инқизозининг Ўзбекистонга таъсирининг жиддий бўлмаганигини бошқа омиллар билан бирга Ўзбекистонда молия, бюджет, банк, пул-кредит тизими, шунингдек, худудларда иктиносидиётнинг реал сектори корхоналари ва тармокларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини тъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганларидек, „Жойларда ижтимоий-иктиносидий тараққиёт муаммоларини муваффакиятли ва молиявий инқизозларсиз ҳал этиш маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлигини, шу жумладан улардаги инвестицион, солик, валюта имкониятларининг бир текис тақсимотини талаб этади ва бу нисбатдошлиқда худудларнинг иктиносидий фаоллиги рағбатлантирилиши лозим“².

² Каримов И.А. Эришган мэрраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчиш бориш – асосий вазифамиз.|| Қишлоқ ҳаёти. 2004.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширишнинг ички захиралари, худудларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, жойларда иктисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқ. Маҳаллий бюджетларнинг мавқенини янада ошириш хукуматимизнинг бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган муҳим омил эканлиги шубҳасиздир. Бу борада маҳаллий бюджетларни янада кўллаб-куватлашга ҳаракат қилинмоқда.

2.4. Маҳаллий бюджетларнинг таркибий тузилиши

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимини ташкил этган бюджетларнинг бутун мажмуини йингма ва алоҳида ажратилган бюджетларга бўлиш мумкин. Ўзбекистонда Давлат бюджетининг таркибини ва бюджетларро муносабатларнинг асосини белгилаган биринчи хужжат – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.


Маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий ҳокимиёт органлари фаолиятининг молиявий базаси бўлиб хизмат қиласи, ҳаражатлар эса минтақавий эҳтиёжларни таъминлайди. Маҳаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатлари алоҳида мустақил категория ҳисобланади, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Маҳаллий бюджетлар орқали худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджетлар Давлат бюджетининг асосини ташкил этганилиги учун маҳаллий бюджетлар даромадларни ошириш мамлакатимиз иктиносидиётининг ривожига жуда катта хисса кўшиш билан бир каторда ҳалқимиз фаровонлигининг ошишига ёрдам беради.

Мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилганлиги натижасида жамиятда муайян барқарорлик таъминланади, маҳаллий бюджетларда аҳоли даромадлари ва ижтимоий хизмат билан таъминланганлик даражасида тафовутлар кескин ошиб кетишига йўл кўйилмайди. Маҳаллий бюджет ҳаражатлари билан экологик жиҳатдан оғир шароит юзага келган худудларда ижтимоий-иктисодий вазият кескинлашувининг олди олинди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, миллӣ моделимиз тамоиллариiga асосланиш, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган оқилона иктиносидий сиёсат натижасида худудларнинг ишлаб чиқариш ҳажми кескин пасайишининг олди олинди. Қиска вакт ичида иктиносидиётининг барча соҳалари ва тармоқларида баркарор ўсиш таъминланди. Иктиносидий ислоҳотлар ва маҳаллий бюджетларда таркибий ўзгаришларини амалга ошириш натижасида барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иктиносидий ривожланиш даражасида сезиларли ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Айниқса, давлат томонидан турли иктиносидий, молиявий ва ташкилий-

маъмурий усууллар воситасида худудлар ривожланишининг тартибга солиниши, мураккаб инқироз шароитида хавфсизликни таъминлаш ва худудлар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутларнинг кескин ортиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

Куйидаги 4-расмда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг тузилиши берилган.



4-расм. Ўзбекистон Республикаси махаллий бюджетларининг тузилиши

Бюджет сиёсатининг аҳамияти, бюджет жараёнларида махаллий бюджетларнинг роли, махаллий бошқарув органлари фаолияти, молия ва бюджет сиёсати масалалари, худудий иқтисодиёт тараккиёти хамда махаллий бюджетлар харажатларини молиялаштиришни ҳал этишининг долзарб масалаларидир. Махаллий бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар таркиби маълум ўзгаришларга дуч келмоқдаки, бюджет харажатларини минимал харажатлар билан максимал самарага эришиш, бюджет ажратмаларини ишлатишнинг мақсадли хусусияти, бюджет маблағларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш ўлчами ва берилган ажратмалардан фойдаланишини ҳисобга олиб бориш каби тамоиллар асосида молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизими тараққиётининг ҳозирги босқичи давлатнинг яхлит бюджет ва ижтимоий сиёсатининг манфаатлари муштараклигини таъминлаш асосидаги ўта маъсуллиятли вазифаларнинг самарали бошқарилишини талаб этмоқдаки, ушбу вазифанинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Биринчидан, давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижроси ёки худудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашуви олдининг олинишидир, иккинчидан, махаллий бюджетлар хуқуқ ва мажбуриятларининг кенгайиб бориши шароитида шунга мос тарзда улар имкониятларини яхшилашнинг

зарурлигидир. Ҳар икки жиҳатнинг ўзаро боғлиқ тарзда биргалиқда олиб борилиши мамлакат ижтимоий-иктисодий таракқиётининг ҳозирги кундаги ўта мухим муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради.

Бюджет харажатлари соҳасидаги ҳукукий муносабатлар, уларнинг иштирокчилари ҳукуқларининг белгиланлиги билан ажралиб туради. Бу муносабатларда давлат манфаатларини ифодаловчи, унинг номидан иш юритиш ваколати берилган бюджет маблағлар олувчиларга нисбатан ҳокимият таъсирини ўтказиш усулида иш олиб борилади. Давлат белгиланган тартибда бюджет ҳисобига молиялаштириладиган харажат турлари, меъёрлари, молиялаштириш объектларини белгилайди, белгиланган тааллублар бажарилмагандага эса айборларга нисбатан қатъий чоралар кўради.

Мустақиллигимизнинг ilk кунлариданоқ давлатимиз ўз олдига кўйган мақсад ва вазифаларини бажаришда бюджет тизимини ташкил килиш ҳамда унинг меъёрий-ҳукукий базасини яратишдек мухим масала турди. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва соҳа раҳбар ходимлари бошчилигига ушбу масалага катта эътибор қаратилди. Чунки жамиятнинг равнаки, ахолининг фаровонлиги, юртнинг тинчлигини таъминлаш ва бошқа максадларни амалга ошириш, давлатимизнинг ҳозирги кунда бюджет харажатларини бошқариш ва бюджет сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

Давлат бюджети, маҳаллий бюджет, худудий иқтисодиёт, худудий бирлиқ, бюджет тизимини бошқариши тамойиллари, маҳаллий саноат, маҳаллий эҳтималлар, бюджет тизими ягоналиги, минимал харажат, максимал натижса.

Назорат саволлари:

- Худудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларинг роли нималардан иборат?
- Давлат бюджети таркибидаги маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва салмоғи қандай?
- «Бюджет» ва «маҳаллий бюджет» атамалари таърифини солиштиринг.
- Маҳаллий бюджетнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
- Бюджет тизимини бошқаришнинг ягоналик тамойили ҳакида нимадея оласиз?
- Худудий иқтисодиётни ривожлантириш ва маҳаллий бюджетни бошқариш масалаларининг ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.

З-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти

Давлатнинг молиявий сиёсати макроиктисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг моҳияти давлат ва жамият олдига кўйилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа стратегик мақсадларни рӯёбга чиқаришга кўлланиладиган ҳуқуқий воситалар, иқтисодий усуllар, аниқ йўналишлар билан белгиланади. Мавжуд шарт-шароитлар аниқ хисобга олинган ҳолда, улардан самарали фойдаланишга эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнида маҳаллий ҳокимиятлар ваколатини кенгайтириш асосида бошқарув органлари фаолиятини ислоҳ қилиш ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми хисобланади. Маҳаллий ҳокимиятларнинг ваколатини кенгайтиришининг энг асосий йўналишларидан бири – уларнинг бюджет жараёнидаги ваколатларини ошириш билан бевосита боғлиқ. Чунки, маҳаллий бюджет маблағлари ҳокимиятлар фаолиятида уларга юқлатилган вазифаларни бажариш учун иқтисодий негиз хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузаларида маҳаллий ҳокимиятлар ролини ошириб боришнинг асосий йўналишлари кўрсатилган.

“..Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича фоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилди”¹.

Бугунги кунда давлат тузилиши бошқарувида демократик тамоилларнинг ривожланиш жараёни тезлашади. Демократик давлат тузилишининг муҳим таркибий қисми – маҳаллий давлат бошқарув органлари ва уларнинг фаолияти хисобланади. Маҳаллий давлат бошқарув органлари ўзларига юқлатилган вазифаларни бажариш учун, муайян мулк ва молия-бюджет ҳуқукига эга бўлади. Республикаизда қонун хужжатларида вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан амалга ошириладиган молиявий фаолият, бу соҳада маҳаллий идораларга берилган ваколатлар ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати белгилаб қўйилади.

¹ Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириши концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидағи маъруzasи. // Норма маслаҳатчи, 2010 йил 16 ноябрь.

Бюджет жараёнида ҳукукий муносабатлар субъектлари доирасига куйидагилар киради:

- давлат, маъмурый-худудий тузилмалар;
- давлат ваки́ллик, ижроия ва маҳаллий идоралар;
- давлат ва маҳаллий ташкилотлар.

Биринчи гурухга Ўзбекистон Республикаси идоралари, вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари киради. Иккинчи гурухга ҳукумат, вилоят, шаҳар, туман маъмурияти, молиявий идоралар тизими (молия бошқармалари ва бўлимлари, ғазначилик бошқармалари ва бўлинмалари, банк муассасалари, солик инспекцияси) киради. Маҳаллий бюджетта қарашли бюджет ташкилотларини учинчى гурухга киритиш мумкин.

Ҳокимият ваки́ллик идоралари томонидан бюджет ижроси устидан амалга ошириладиган назорат соҳасидаги ваколатлар куйидагича бўлинади:

- назоратни ташкил этиш юзасидан ваколатлар;
- бевосита назорат қилиш ваколатлари.

Ҳокимият ваки́ллик идоралари бюджет ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида турли ташкилий тузилмалар (комиссиялар ва ишчи гурухлари) ташкил этишлари мумкин. Улар тегишли идораларга бюджет ижросини ташкил этиш, бюджетта ўзгаришлар киритиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришлари мумкин. Бюджет конунчилиги ҳокимият ваки́ллик идоралари томонидан тегишли бюджет ижросини текшириш учун аудиторларни жалб этиш мумкинлигини назарда тутади. Бюджет ижросини текшириш жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан айбдор мансабдор шахсларга жазо чоралари қўллаш масаласи ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурый жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексга 175-2 модда ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси»га 184-1-моддаси орқали «Бюджет интизомини бузиш» тўғрисидаги бандлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси «Маъмурый жавобгарлик тўғрисидаги» Кодексининг 175-2-моддасига асосан, бюджет интизомини бузиш, бюджет маблағларини бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтириш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш каби хатти-ҳаракатларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш хақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солиш каби маъмурый чора кўриш ҳукуки назорат-тафтиш Бош бошқармасига берилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурый Жиноят Кодексининг 184-1-моддасига асосан, бюджет интизомини бузиш, бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар тўлаш бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг

лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай холатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача камоқ билан жазоланади. Ўша ҳолат кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу ҳолатлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органлари вазифаларига қўйидагилар киради:

- қонунийликни, хукукий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
- худудларни иктисадий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий соликлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;
- маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;
- норматив хужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Юқорида қайд этилганлар ичida учинчи бандда белгиланган вазифа ижтимоий-иктисодий моҳияти жиҳатидан алоҳида мавқега, хусусиятга ва масъулиятга мойил вазифалардан бири хисобланади. Чунки, маҳаллий соликлар ва йигимлар маҳаллий ҳокимиятларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қоплашда энг муҳим восита ва манба бўлиб ҳисобланади. Бинобарин, маҳаллий ҳокимиятларнинг зиммасига ваколатидаги бошқа вазифаларни тўлиқ бажариш, кўпинча молиявий ресурсларчинг мавжуд миқдорига бевосита боғлиқ. Кўрсатилган вазифа, хуққу ва мажбуриятлардан кўринниб турибдики, маҳаллий бюджетларга ўз худудини иктисадий, ижтимоий, маданий ривожлантириш масъулияти юкланган. Амалга оширилаётган ислоҳотлар маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимиятларининг худудларини иктисадий ҳамда ижтимоий ривожлантиришдаги муаммоларни ўз вактида ечишдаги ролини кучайтиришни талаб қиласди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш энг долзарб вазифа қилиб кўйилган экан, бунда маҳаллий ўз-ўзини бошқарни мухим ўрин тутади. Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларнинг молия-бюджет хукукларини оширишни, уларга юклатилган вазифаларни амалга оширишда етарли маблаглар билан таъминлашни талаб этади.

Молия ҳуқуқига оид адабиётларда «молия тизими» тушунчаси давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари мажмуйи сифатида кўлланилади. Бу мъянода молия тизими молия органлари, кредит муассасалари, солик хизмати органларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, уларга давлат пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тегишли ваколатлар берилди. Маҳаллий ҳаражатларни бюджет маблағлари ҳисобига коплаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси, давлат манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларни берувчи – молия органидир. Бюджет ҳаражатларининг айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, ўзгартиришларни амалга ошириш, бюджет маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия идоралари томонидан амалга оширилади.

Бюджет орқали молиявий таъминлаш юзасидан муносабатлар иштирокчиларидан бири – банк муассасалари ҳисобланади. Банк мұаассасаларида бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар учун ғазначиликнинг худудий ҳисобрақамлари очилади. Ғазначилик органлари бюджетнинг касса ижросида ва молиявий интизомга риоя этиш юзасидан назоратни амалга оширишда иштирок этади. Бюджет орқали молиялаштиришнинг учинчи иштирокчиси бўлиб бюджет маблағларини тақсимловчи бюджет ташкилоти ҳисобланади. Бюджет ташкилотининг раҳбари ташкилот учун ажратилган бюджет маблағларини тақсимлайди.


3.2. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конунига мувофик маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқ ва вазифаларининг белгиланиши

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ти Конунида таъкидланишича, маҳаллий ҳокимият органларига маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий соликлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил килиш ваколати берилган. Шу билан маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет жараёнларини бошқариш соҳасидаги фаолиятининг конституциявий асоси ўрнатилган. Маҳаллий ҳокимият органлари бюджет ижросини ташкил қиласди, молиявий интизомга риоя қилиниши устидан назорат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конунинг (1993 йил 2 сентябрь) «Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асоси» деб номланган 11-моддасида таъкидланганидек, вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ максадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек, республика бюджетидан ажратилган субвенция ва дотациялар ташкил этади. Мазкур Конунда курсатилишича, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадлари қуидагилардан иборат (5-расм).

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондларнинг ва аник мақсадга қаратилган фондларнинг маблағлари вилоят, туман, шаҳар мулкидир. Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган мухандислик инфраструктураси обьектлари ва бошқа обьектлар, корхоналар ва бирлашмалар, халқ таълими, соғлиқни саклаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи хисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек, улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қўмматли қоғозлар ва молия активлари вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

Махаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асоси



5-расм. Махаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асоси

Махаллий давлат ҳокимият идораларининг молиявий фаолияти солик ставкалари ва имтиёzlари соҳасидаги қарорлар, фармойишлар чиқариш, турли даражадаги бюджетларни тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш, ўз ҳудудидаги давлат идоралари, корхоналари, бюджет ташкилотлари молиявий фаолиятини назорат қилиш, тегишли маъмурий-худудий бирликлда ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни молиялаштиришни амалга ошириш каби шаклларда амалга ошади.

Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шаклларини қарор топтириш, кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш асосида бюджетнинг даромадлар тушуми қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланган соликлар ва соликсиз тўловлар асосида тўпланади. Вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадларига кўйидагилар киритилади:

– Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган соликлар ва йигимлар;

– вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;

– қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни текшириш вақтида аниқланган яшириб колинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларнинг муайян қисми;

– Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Мазкур қонуннинг 15-моддасида айтилишича, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, вилоят, шаҳар валюта фондини ташкил этиш ва улардан халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига биноан фойдаланишга ҳақлидир.

Молиявий фаолиятни амалга оширувчи барча давлат идоралари кандай даражада бўлишидан, ваколатлари доирасидан қатъи назар, мамлакат иқтисодий ва молиявий кудратини ошириш, иқтисодий барқарорликни ва ривожланишини таъминлаш, маҳаллий молияни мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қиласи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида айтилишича, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши:

– фуқаролар, мулкчиллик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайриялардан;

– Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;

– бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фонdlар хосил қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимият ва бошқарув, марказий ва маҳаллий идоралар амалга оширадиган молиявий фаолият улар олдига кўйилган мақсад ва вазифаларга, берилган ваколатларга мувофиқ турли шаклда амалга оширилади. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳокимлар, халқ депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида маҳаллий молия фаолиятини амалга оширадилар. Маҳаллий давлат ҳокимият идораларининг молиявий фаолияти молиявий масалалар соҳасидаги қарорлар, фармойишлар чиқариш, турли даражадаги бюджетларни тасдиқлаш ва ижросини

таъминлаш, ўз худудидаги давлат идоралари, корхоналари, ташкилотлар, молиявий фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, тегишли маъмурий-худудий бирликда ижтимоий-иктисодий тараккётни таъминловчи тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни молиялаштириш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш каби шаклларда амалга ошади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг молиявий фаолияти асослари белгилаб қўйилган. Молия органлари билан ўзаро муносабатларда барча корхоналар, бирлашмалар, фуқаролар ҳам қонунга қатъий амал қилишлари лозим. Давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи идораларнинг хукукий ҳолатлари ва уларга юклатилган вазифалар уларга таалукли қонунчилик хужжатларида белгилаб қўйилди. Мазкур конунда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан амалга ошириладиган молиявий фаолият, маҳаллий идораларга берилган ваколатлар ва уларнинг хукукий ҳолати белгилаб қўйилди. Маҳаллий ҳокимиятлар таркибидаги молия, ғазначилик бошқармалари, молия бўлимлари ва ғазначилик бўлинмаларининг хукукий ҳолати тасдиқланган низомга кўра маълум тартибда белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари билан “давлат солик, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини таҳсилотчи органлар, Давлат бюджетида маълағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек, бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижроси соҳасидаги маълумотларни конун хужжатларида белгиланган тартибда алмашиб туради»².

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини ислоҳ қилиш маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришнинг ҳозирги кундаги амалиёти ва назарияси олдига унинг қатор янги муаммоларига ечим топишни қўндаланг қўйимкода. Ўзбекистонда амалга оширалаётган ислоҳотлар жараённица маҳаллий ҳокимиятлар ваколатини кенгайтириш асосида бошқарув органлари фаолиятини ислоҳ қилиш ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми хисобланади. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимиятларнинг ваколатини кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири – бюджет жараёнидаги ваколатларини ошириш билан бевосита боғлиқ, чунки, маҳаллий бюджетлар ҳокимиятлар фаолиятида уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун иктиносидий негиз хисобланади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида худудий иктиносидётни ривожлантириш, маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижросини

² Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Конуни. 8-модда. Ғазначиликнинг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари.

таъминлашда маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ҳамда хукукий ролини ошириш хозирги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Хозирги замон бозор иқтисодиёти хукукий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа механизмлар билан тартибга солинади. Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва хукукий базани таъминлаш вазифаларини бажаради. Хукукий базаларни таъминлаш юридик ва жисмоний шахсларга хукук бериш ҳамда уларнинг мажбуриятларини белгилаш ва бошқа соҳаларда намоён бўлади. Айниска, маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш, хукукий ва иқтисодий меъёрларни белгилаш ҳамда корхоналарнинг фаолият кўрсатишлари учун тартиб-коидаларни ишлаб чиқиши тегишли давлат органларининг асосий вазифаси бўлиб хисобланади.

Вилоят бюджети унга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Туманларга бўлинадиган шаҳар бюджети шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади. Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туман бюджети туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Шу тарика, маҳаллий бюджетлар ҳар бир маҳаллий давлат ҳокимияти органининг фаолиятини амалга оширишни таъминлайдиган аниқ молия базасини яратади. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талабнинг иложи борича эътиборга олинишига имкон беради, давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган тадбирларни молиявий таъминлашни тўғри хисобга олади. Маҳаллий ҳокимият органлари доимий равишда маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришга ва бу маблағларни иқтисод қилиб ишлатишга харакат қиласидилар. Жойларда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ўсиш суръатлари тўғридан-тўғри маҳаллий хўжалик захираларини қай тарзда йўналтиришга боғлик.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими ягона, бир бутун механизмдан иборат бўлганлиги учун Xалқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз тасаррӯфларида бутун давлат молиясига нисбатан аниқ белгиланган функцияларни бажарадилар. Масалан, улар худудларда даромадларнинг республика бюджетига келиб тушишини таъминлайдилар, тасдиқланган бюджетдан ажратилиган маблағлар доирасида давлат эҳтиёжлари учун асосий жамғармалар ва воситаларни олиш ҳамда қайта ишлаш учун капитал харажатларни амалга оширадилар. Xалқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз ваколатлари доирасида тегишли маъмурий-худудий бирликлар молиясига раҳбарлик қилинишини таъминлайдилар. Ушбу органлар, хусусан, маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини ишлаб чиқадилар, уларни тасдиқлайдилар ва ижро этадилар. Шунингдек, мазкур бюджетлар ижроси тўғрисидаги хисоботларни тасдиқлайдилар, қонуқчиликка мувофиқ равишда маҳаллий бюджетга келиб тушадиган маҳаллий соликлар, йиғимлар ва тўловлар миқдори ҳамда улар бўйича сарфланадиган бюджетдан ташкири жамғармаларни ташкил этишлари мумкин.

Давлатнинг молиявий фаолиятини амалга оширишда давлат хокимияти ва маҳаллий бошқарув органларининг барчаси иштирок этади, чунки уларнинг ҳар бирни молия билан боғлиқ бўлган муайян функцияларни бажаради. Шу билан бирга улар молиявий фаолиятининг хусусияти ва мазмуни бир-биридан фарқ килиб, бу ушбу органларининг вазифалари ва ҳукуқий ҳолатидаги фарқлар билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг хокимият ва бошқарув, марказий ва маҳаллий идоралари амалга оширадиган молиявий фаолият улар олдига кўйган мақсад ва вазифалар, берилган ваколатларга мувофиқ турли шаклда амалга ошириладилар. Маҳаллий хокимият идоралари, хокимлар, ҳалқ депутатлари кенгашлари ўз ваколатлари доирасида маҳаллий молия фаолиятини амалга оширади. Юкоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маҳаллий хокимият органларининг маҳаллий бюджетларни режалаштириш ва ижро этишдаги ҳукуқларини кенгайтириш керак. Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг ўзаро алокаларининг қонуний асосларини янада такомиллаштириш зарур.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ўз тасаррӯфидаги худудларни ҳар томонлама ва барқарор ривожлантириш, саноатнинг изчили тараққий топишини таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва маҳаллий меҳнат бозорини ташкил этиш масалаларида маҳаллий хокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда.

3.3. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг аҳамияти

Мамлакатда молия умумиқтисодий вазифаларни ҳал қилишга, ижтимоий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга имкон беради. Шу сабабли молия тизими бир-бирига боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи бўғинлар сифатида амал қиласди. Ушбу тизимда бюджет тизимини бошқариш, мувофиқлаштириш давлат молиявий фаолияти самарадорлигининг муҳим воситаларидан саналади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг асосида чиқарилган қонунларга мувофиқ давлатнинг молиявий фаолияти ҳокимият, бошқарув ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари томонидан амалга оширилади. Маҳаллий бюджетни бошқариш давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи катор тамойиллар, етакчи қоидаларга мувофиқ равишда олиб борилиши лозим. Бу тамойиллар молия, ғазначилик, кредит, солиқ ва банк соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилади. Қонунийлик тамойилига амал қилиш молиявий муносабатлар баркарорлигини таъминлаш, давлат молия фаолиятидан

кўзланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига эришиш, оқибатда давлат молиявий ва иқтисодий қудраги, қолаверса, мустақилликнинг мустаҳкамланишига хизмат қиласди. Молиявий фаолият давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан мамлакатимизда молиявий сиёсатнинг йўналишлари белгиланиб, молия тизими ва бюджет тизимини ривожлантиришнинг хукуқий асослари кўрсатиб берилди. Молия, бюджет ҳамда пул-кредит соҳасида амалга оширилган изчил ва оқилона сиёсат туфайли мамлакатимизда мукаммал солиқ-бюджет тизими яратилди. Даставвал, асосий комусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимизнинг давлат бюджети шаклан қонуний асослаб берилди. Ўтган давр ичидаги барқарор бюджет тизимини тўлиқ шакллантириш соҳасидаги барча ишларимиз ва тажрибаларимиз бу соҳадаги жаҳон тажрибаси билан уйғунлашди. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунда ўзининг хукуқий аксини топди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунинг 2000 йил 14 декабрда қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини ҳамда давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва изро этиш тартиби жараёнларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичida тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларни белгилаш юзасидан қарорлар қабул қиласди.

Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар янада чукурлаштирилаётган даврда иқтисодиётимизнинг барча соҳалари каби бюджет тизимида ҳам бошқаришнинг тамойиллари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат³:

- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги;
- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет хужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- Давлат бюджети баланслилиги;
- давлат даромадларининг аниқ манбалар бўйича ва харажатларининг йўналишлар – моддалар бўйича режалаштирилиши;

³ Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. З-модда.

- Давлат бюджети харажатларининг бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағ доирасида сарфланиши;
- барча даражадаги бюджетларнинг мустакиллиги.

Бюджет тузилишининг ягоналиги тамойили ўзида давлат ва маҳаллий бюджет даромадлари ҳамда харажатлари яхлитлиги, ҳар бир даромад учун бириктирилиши ва унинг ягона бюджет томонидан бошқарилиши, жами даромад ва харажатларнинг камраб олиниши, юритилаётган хужжатларнинг бир хиллигини ўзида акс эттиради.

Бюджет тизимини бошқаришнинг ягоналиги тамойили ҳақида гап кетадиган бўлса, хукукий база, бюджет таснифи, бюджет хужжатлари шакли, бюджет жараёни муддатлари, пул тизими бирлиги, давлат бюджети маблағлари билан хисоб юритиш, хисобот тайёрлаш ва назорат қилишда ягона гартиб амал қиласди. Амалдаги бюджет қонунчилигига мувофиқ, барча даромадлар ва харажатлар бюджет тизими даражалари ўргасида тақсимланади. Бюджет даромадлари ва харажатларини тақсимлаш деганда, ҳар бир даражадаги бюджетга киритилиши лозим бўлган даромадлар ҳамда харажатлар турлари ва ҳажмини белгилаш тушунилади. Барча даражадаги бюджетларнинг мустакиллиги тамойилида Ўзбекистан Республикаси маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари мустакил равиша маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тузилиши, маҳаллий депутатлар кенгаси томонидан тасдиқланниши ва бажарилиши кўзда тутилади.

Бюджет тизимини бошқариш тамойилларининг барчаси бюджет барқарорлигини таъминлаш ва хўжалик соҳалари, иқтисодий худудлар ўргасида маблағларни тақсимлаш, зарур нисбатларни шакллантириш, бюджет харажатларини даромадларга мос баланслаштириш, молиявий захираларни ташкил қилиш учун хизмат қиласди. Бу эса давлат молиявий сиёсатининг бош максадидир. Албатта, мазкур ишларни амалга оширишда маҳаллий бюджетлар маблағларини самарали бошқариш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингунга қадар Давлат бюджети маблағларини турли даражадаги бюджетлар ўргасида қайта тақсимлашнинг аниқ усули кўрсатилмаган ҳолда амалга оширилиб келинди. Қонунда турли даражадаги бюджетлар ўргасидаги маблағларни қайта тақсимлашни амалга ошириш мезонлари кўрсатилди.

Давлат бюджети тузилмасига кирадиган бюджетлар ўргасида қайси бюджетлардан йўналтирилаётган бўлса, улар учун харажат хисобланади, айни бир вактда қайси бюджетларга бориб тушаётган бўлса, улар учун даромад хисобланадиган маблағлар қўйидаги шаклда тақсимланниши мумкин: бюджет дотациялари; бюджет субвенциялари; бюджет ссудалари.

Давлат бюджетига мувофиқ амалга ошириладиган бошқа ўзаро хисобкитоблар.

Турли даражадаги бюджетлар ўргасида маблағларни қайта тақсимлаш юқори даражадаги бюджет орқали амалга оширилиши белгиланди. Турли

даражадаги бюджетлар ўргасида маблағларни қайта таксимлаш кўшимча равища олинадиган даромадлар ёки фойдаланилмай қолган ажратма манбаларни сарфлаш тартиби белгиланди. Шунингдек, тўлов интизомини мустахкамлаш бўйича чора-тадбирлар натижасида тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари қўшимча равища олинган суммалар худудларнинг тасарруфида колиши белгиланди.

Таянч сўз ва иборалар

Молия тизими, бюджет тизимини бошқариши тамоилиллари, молия ҳуқуқи, бюджет ваколатлари, штат-смета интизоми, бюджет тизими, маҳаллий бошқарув органлари, молиявий назорат, мониторинг, бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари, бюджет ссудалари, жарима, бюджет ҳуқуқи

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда маҳаллий ҳокимият органларининг роли нималардан иборат?
2. Маҳаллий бюджетларни бошқариш ва Халқ депутатлари кенгашлари ваколатлари масалаларининг ўзаро боғликлигини тушунтиринг.
3. Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимини бошқариш тамоилиллари хақида нима дея оласиз?
4. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг аҳамиятини тушунтиринг.
5. Бюджет интизомини бузиш ҳолларида «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси»га қандай ўзгаришлар киритилди?
6. Маҳаллий бюджет маблағларини назорат қилишда ғазначилик органларининг роли нималардан иборат?

4-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ТУЗИШ ТАРТИБИ

4.1.Маҳаллий бюджетларни бошқариш

Давлатнинг молиявий фаолиятини бошқаришнинг энг тезкор ва юқори натижка берадиган усуллари, механизмлари сифатида хукукий меъёрлар ишлаб чиқиш, уларни қўллаш орқали молиявий бошқариш маъқул деб эътироф этилган. Бу усул давлатнинг мажбурловини, ҳокимият кучини ўзида мужассамлаштирганилиги учун ҳам мамлакатнинг иқтисодий, молиявий соҳадаги воеқеа-ходисалар ва жараёнларга кучли тасъир кўрсатиш, маблағларни мақсадли тарзда йўналтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси молиявий муносабатларни тартибга солишининг бош қоидалари, бу соҳадаги давлат идоралари фаолияти асосларини белгилаш билан молия хукуки соҳасининг янада ривожланишига ёрдам беради. Давлат бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан иқтисодий қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва фармонлари қабул килинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва низомлари ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йўрикномалари қабул килинди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳудудларни ижтимоий-иктисодий томондан бошқаришдаги ролини ошириш асосий масалалардан бири хисобланади. Биринчидан, марказий бошқарув органлари мъйлум даражада ортиқча вазифалардан холи бўлади, иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органларини ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги масъулияти ошади. Учинчидан, ушбу ҳудуддаги муаммоларнинг тез ечилишга олиб келади.

• Маҳаллий ҳокимиятлар қўйидаги ишларни бажаришлари шарт:

- ўзига биринчирдан вазифаларни бажаришда бюджет даромадларининг режасини бажаришни таъминаш жавобгарлигини ошириш;
- ҳудуддаги маҳаллий бюджет даромадлари салоҳиятини ошириш;
- бюджет маблағларидан самарали ва масъулиятли тарзда фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан маҳаллий ҳокимиятлар ўзларининг бюджет ва бюджетдан ташқари фондларини тузиш хукуқига эга, Бугунги кунда эса ушбу хукуқларнинг моддий асосини яратиш ва ривожлантириш зарур. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конунида ҳам маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш бўйича маҳаллий ҳокимиятларнинг хукуқлари кўрсатиб берилган. Бу қонунга мувофиқ, Кораколпогистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бюджет тизимини бошқариш соҳасида тегишли равишда маҳаллий бюджетларни қабул килади, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги хисоботларни тасдиқлайди.

Маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий соликлар ва йиғимларни белгилаш хамда ундиришда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлишини узвий таъминлаши лозим. Конун хужоатларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл кўйилмайди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий соликлар ва йиғимларнинг тўловчиларини белгилаш солик объектини аниқлаш ставка ва имтиёзларни худуддаги иқтисодий, ижтимоий, демографик вазиятни хисобга олган ҳолда, объектив белгиланишини тақозо этадики, бу маҳаллий ҳокимликларниң энг асосий вазифаларидан бири эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий ҳокимият органларининг иқтисодий фаолиятини таъминлаш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳсус қарор қабул қилинади ва шу қарорга мувофиқ маълум солик ва йиғимлар маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилади. Маҳаллий бюджетларни шакллантириш масалалари тўғридан-тўғри маълум бир худуднинг маҳаллий ҳокимият органлари учун жойларда давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатини амалга оширишини таъминлаш масалаларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар сифатида намоён бўлади.

Бюджет тизимини бошқаришининг хусусиятлари “бюджетларро муносабатлар” категорияси билан аниқланадиган йўналишда ўзгармокда. Республикаизда ушбу категория билан ифодаланадиган турли даражадаги бюджет муносабатларининг шаклланиши 1992 йилдан ривожлана бошлади. Бунда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ажратилди, солик тизими шаклланди, бюджет тузилиши, бюджетлараро муносабатлар ва бюджет жараёни асослари аниқлаштирилди. Бюджет амалиётида режадаги маблаглар ажратмаларига ўзgartиришлар киритилмаганда давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари қандай бўлиши аниқ тартибга солинди. Бюджет тизимини бошқаришининг ҳар бир даражасида бюджетнинг кўрсаткичларини ўзgartирниш лимитлари конун даражасида белгиланди.

Келгуси молия йилига мўлжалланган маҳаллий бюджетлардан иборат Давлат бюджети лойиҳаси:

1) бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини;

2) умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек, мазкур бюджетларниң даромадлари, шу жумладан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари хамда харажатлари миқдорларини;

3) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблаги меъёри миқдорларини;

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган

харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги микдорларини;

5) Давлат бюджети тақчиллигининг энг юкори микдори ва уни молиялаштириш манбаларини;

б) давлат ички ва ташки қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юкори микдорларини ўз ичига олади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади. Кўриниб турибдикি, республикамизда бюджет тизимининг ягоналиги Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конунда ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган бўлиб, унда куйи бюджетлардан ҳар бири юкори бўғинга кириши назарда тутилди.

Худудларда маҳаллий бюджетларни бошқаришда куйидаги муаммолар мавжуд:

- маҳаллий бюджетларда солиқларнинг йигувчанлик даражасининг юкори эмаслиги;
- маҳаллий бюджетларда бокиманда қарздорликларнинг йилдан-йилга ошиб кетаётганлиги;
- мавжуд ресурс салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётганлиги;
- солик тўловчиликларнинг тўлиқ давлат рўйхатига олинмаганлиги;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналарнинг камлиги.

4.2. Маҳаллий бюджетлар фаолиятининг тамойиллари

Бюджет тизими, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг яхлитлигини белгилаб беради. Бюджет тизими бутун республика худудида Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг бир бутун тизимига асосланади. Бюджет тизими яхлитлиги бюджеттага доир режалаштириш ва прогнозлаштириш (истикబони белгилаш) услубиётини ташкил этиш бир бутунлигини кафолатлади. Турли даражадаги бюджетларнинг яхлитлиги туфайли республика ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган жамғармасини олади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бирлаштирилган барча бюджетларнинг мажмуй тизимининг яхлитлиги ва бир бутунлиги қонун томонидан мустаҳкамлаб кўйилди.

Маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш ва ундан фойдаланишининг хуқукий асосларини такомиллаштириб бориш бозор иқтисодиётининг асосий долзарб муаммоларидан биридир. Ҳозирги кунда "бюджетларни бошқариш" тушунчаси маҳаллий бюджетлар тўғрисидаги адабиётлар ва бюджет иши жараёнида кенг кўлланади. Давлат бошқарув органлари, ҳокимиятлар, уларга

юқлатилган вазифаларни бажариш учун, ўз даромадларидан ташқари қўшимча маблағлар ажратади, шу асосда давлат барча бюджетларни бошқаради, уларнинг даромад ва харажатларини тенглаштиради. Маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг оптимал йўналишлари танлаб олингандан сўнг, ўз навбатида, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг қайта тақсимотини тўғри йўлга кўшиш биринч галдаги вазифа бўлиб қолади.

«Бошқариш» атамаси кенг маъно ва мазмунга эга. Бошқариш оркали ташкилотдаги барча ресурсларга таъсир кўрсатилади, фаолият турларига мувофиқлаштирувчи, ечим ва қарорлар қабул қилувчи, ташкил этувчи, режалаштирувчи, назорат қилувчи вазифаларни амалга оширилади. Шу билан бир вактда бошқаришнинг илмий асосланганлиги, тўғри белгиланганлиги ташкилотнинг мақсадига эришиш учун муҳим.

Ташкилот фаолиятини бошқариш амалиётида холис қонун-коидалар, анъаналар, одатлар, умумий талаблар, меҳнат тақсимоти, интизом, тартиб, ваколат, масъулият, фаолият йўналишининг бир хиллиги, шахсий манфаатларни умумий манфаатларга бўйсандириш, ходимларни рағбатлантириш, марказлашиш ва номарказлашиш, адолат каби «тамойил»¹лар ҳал қилувчи механизм ҳисобланади. Бошқаришнинг қонун-коидалари, тамойиллари барча учун маҳбурий меъёр, одат, коидадир. Бу тамойиллар мамлакатимизнинг ўзига хос шароитларини хисобга олган холда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга аста-секин, босқичма-боскич бозор муносабатларига ўтишни билдиради. «Бошқаришни ташкил этишдаги асосий тамойиллар қанчалик илмий асосланган бўлса, бошқариш истикболли, самарали ва мақсадларга эришиш учун эҳтиёж кучаяди.

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет тизимининг кўрсаткичлари ёрдамида мамлакатда тузиладиган ва давлат молиявий балансида акс эттириладиган молиявий ресурсларни марказлашириш даражаси аниқланади. Жамланган бюджет кўрсаткичлари ҳисобисиз мамлакат бўйича молиявий режалаштиришни умумлаштириш мумкин эмас. Республика бюджетидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари Қорақалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига қабул қилинган Давлат бюджети доирасида ажратилади. Бюджет амалиётида режадаги маблағлар ажратмаларига ўзгартиришлар киритилмаганда давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳукуклари қандай бўлиши аниқ тартибга солинди. Эндиликда бюджет тизимини бошқаришнинг ҳар бир даражасида бюджетнинг кўрсаткичларини ўзгартириш лимитлари қонун даражасида белгиланди.

¹«Тамойис» атамасининг маъноси изоҳли лугатларда, рус ва инглиз тилларида «принцип» деб аталса, ўзбек тилида назария, таълимот, фаннинг асосий қонун-коидасини англатади.

Маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда ўзгартирилади.

1. Тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизига қадари:

– Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

– Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

– Коракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал кўйилмалар моддалари бундан мустасно).

2. Тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизидан ортиги:

– Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

– Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиланадиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

Коракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Коракалпогистон Республикаси Жўгорги Кенгеси хамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал кўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Махаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда ўзгартирилади.

4.3. Махаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши тартиби

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, марказий ва махаллий давлат ҳокимияти идораларининг барча бўғинлари ўз бюджетларини тайёрлаш ва ижро этишда мустакил бўлсалар-да, бюджет лойиҳасини тайёрлаш, қўриб чиқиши, тасдиқлаш, қабул қилиш ва ижро этиш масалаларини тартибга солувчи процессуал хукукий қоидалар, барча бюджет бўғинлари учун умумий бўлган тартиб белгилаб қўйилган. Бундай умумий қоидалар Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги билан белгиланган бўлиб, уларнинг мазмуни қўйидагилардан иборат:

1. Бюджетлар муайян худуд ижтимоий-иктисодий тараққиёти истиқболини белгилаш кўрсаткичлари ҳамда дастурларига мувофиқ равишда амалга оширилиб, бюджет лойиҳаси тайёрлангунинг кадар тегишли миллий-давлат ҳамда маъмурӣ-худудий бирликлар тараққиёти режалари, тахминлари ишлаб чиқилади. Улар асосида ҳокимиятнинг ижроия идоралари тегишли бюджеттинг даромадлари, ҳаражатлари, жамлама бюджет, куйи худудий идораларнинг минимал бюджет кўрсаткичлари тўғрисида ҳокимиятнинг вакиллик идораларига таклифлар ҳамда ахборотлар тақдим этади. Бундай ахборотларнинг тақдим этилиши муддатлари ва тартиби қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли ҳокимиятларнинг ижроия ва вакиллик идораларига белгилаб қўйилган муддатларда кейинги йил бюджетининг ўзига хос хусусиятлари, бюджет лойиҳаси ҳисоб-китоблари, ижтимоий ва молиявий меъёрлари тўғрисида хабарлар юборади.

3. Бюджет лойиҳаси тайёрланаётган пайтда қўйидагилар асос килиб олинади:

- тартибга солинадиган даромадлардан ажратиладиган фоизлар лойиҳаси ва бу даромадлар таркиби;
- тегишли юкори турувчи бюджет ҳисобига амалга оширилиши мўлжалланаётган дотация ва субвенциялар кўрсаткичлари;
- тегишли худудий бюджет даромадлари рўйхати ва бу даромадларнинг ҳиссаси (фоизда);
- юкори турувчи бюджет бирлиги томонидан берилган ҳаражатлар рўйхати.

4. Ҳокимиятнинг ижроия идоралари ўзларига юкори ташкилотлар томонидан берилган бюджет кўрсаткичларини чукур ва ҳар томонлама таҳлил қиласи, уларга аниқлик ҳамда тузатишлар киритиш хусусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин. Бюджет лойиҳасига аниқликлар ва ўзгартиришлар киритишлар тўғрисида таклиф-мулоҳазалар тегишли юкори турувчи ижроия идоралари томонидан қўриб чиқилади ва улар рад этилган тақдирда манфаатдор ижроия орган иштироқида мавжуд келишмовчиликлар

тўғрисида тегишли баённома тузилади. Баённомада бюджет лойиҳасига тузатиш киритиш асослари ҳам, бу таклифларни рад этиш асослари ҳам кўрсатилади. Келажакда ушбу муаммони ҳал килиш учун тегишли куйи ва юқори ҳокимият вакиллик идораси ўртасида ўзаро тенглик асосида келишириш комиссияси ташкил этилади, унинг келишмовчиллик бўйича қабул қилган қарори куйи ва юқори ижроия идораларига маълум қилинади.

5. Тегишли ҳудудни ривожлантириш режалари ва истибор кўрсаткичлари асосида ижроия идора ҳокимият вакиллик идорасига бюджет харажатлари юзасидан моддама-модда таклифлар тақдим этади. Айни пайтда бюджет даромадларини белгилаш юзасидан ҳам ўз хисоб-китобларини маълум қилади. Бу таклифлар тегишли вакиллик идораси қўмиталари ва комиссияларида мақсадга мувофиқлиги, долзарблиги, уларни молиявий ва моддий жиҳатдан рўёбга чиқариш мумкинлиги нуқтаи назаридан қаралган ҳолда муҳокама этилади.

6. Бюджетларни тасдиқлаш даромадлар ва харажатларнинг ҳар бир моддасини муҳокама қилиш, улар юзасидан қарор қабул килиш йўли билан амалга оширилади. Бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тегишли бюджет таснифига мувофиқ равишда амалга оширилади.

7. Бюджет лойиҳасини тайёрлашга оид амалий ишлар тегишли молия идоралари томонидан амалга оширилади. Турли даражадаги бюджетларнинг барча даромад манбалари ва харажат йўналишлари белгиланади. Бюджет таснифи конун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Бюджетларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конуни билан, Қорақалпогистон Республикаси бюджети Қорақалпогистон Республикаси Жўғориги Кенгеси конуни билан, маҳаллий бюджетлар эса тегишли ҳалқ депутатлари кенгашлари қарорлари билан расмийлаштирилади.

4.4. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда молия ва ғазначилик органларининг роли

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат қурилишининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Республика ва маҳаллий ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўзгаришини шарт қилиб қўйди, уларнинг бюджет маблағларини чеклади ва бюджетлараро муносабатларни табақалаштириди. Маҳаллий давлат идоралари таркибидаги молия бошқармалари ва молия бўлимларининг хукуқий ҳолатлари белгиланган тартибда улар тўғрисидаги тасдиқланган низомга кўра белгиланди.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини мустаҳкамлаш ва харажатларини мувофиқлаштиришда молия идоралари ролини оширишининг энг асосий босқичи бу органлар фаолияти хукуқини белгилаб беришдир. Вилоят молия

бош бошқармалари фаолиятини белгилаб берувчи тартиб вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқлади.

• Республикамизда бюджет параметрларининг қонун доирасида ижро этилишини таъминлаш мақсадида, Қорақалпогистон Республикаси Молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошликлари ҳамда шаҳар, туман молия бўлими мудиrlарининг зиммасига куйидагилар юклатилилган:

– худудлардаги солик органлари билан ҳамкорликда маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган даромадларининг йиллик ва чораклик параметрларини солик манбалари ҳамда барча ҳудудлар бўйича тўлик бажарилишини таъминлаб бориш, тушумларни доимий равишда таҳлил ва прогноз қилиш;

– маҳаллий ҳокимият органларига хўжалик юритувчи субъектларнинг солик ва йигимлардан бюджетта бокиманда қарздорликларининг қисқартириш, даромадларнинг тасдиқланган кўrsatkiчларини муттасил бажарилишини таъминлаш, худуднинг солик базасини ва молиявий салоҳиятини кенгайтириш бўйича самарали чора-тадбирлар қабул қилиш учун амалий таклифлар киритиш.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар Коракалпогистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай тегишли молия органларига тақдим этилади. Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

– туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органлари томонидан – маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгилаган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг йигирма бешинчи июнидан кечиктирмай юқори молия органларига;

– Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг биринчи июнидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Даълат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси га бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари:

- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қиласи, шунингдек, уларнинг ижроси тўғрисидаги хисоботларни тасдиқлайди;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий соликлар ва бошка мажбурий тўловлар миқдорларини белгилайди, маҳаллий соликлар бўйича имтиёзлар беради;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошка ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси ва тегишли ҳокимлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул килиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида хисоботлар тузади;
- бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ташкил этади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошка ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларда ҳаражатлар ҳамда даромадлар ўртасидаги вактинчалик кассали фарқ айланма касса маблаги, юқори бюджетдан бериладиган бюджет ссудаси билан, ўтган даврда ишлатилмай қолган бюджет маблағлари хисобига копланади. Айланма касса маблаги меъёри – молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджет хисобваракларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдоридир. Айланма касса маблаги меъёри қонун ҳужжатларига мувофиқ молия йили бошида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджет хисобваракларида белгиланган йиллик бюджет доирасидаги ҳаражатларнинг, иш ҳаки ва унга хисобланадиган ажратмаларнинг ўн иккidan бир қисмини ташкил қиласидиган пул маблағларининг минимал миқдоридир. Марказлашган тадбирларни молиялаштириш мақсадида куйи даражадаги бюджетлар даромадига ажратмалар ажратадиган юқори даражадаги бюджетларда даромадлар марказлаштирилиши мумкин. Айланма касса маблаги ва ажратмалар меъёрининг ҳажми конунда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди, уни жорий йилнинг

ўн бешинчи сентябрингача Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хulosаси билан бирга жорий йилнинг биринчи октябрингача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

Бюджет тизимини бошқариш жараёнидаги бюджетнинг ғазна ижроси мураккаб механизmdir. Бугунги кунда ғазначилик бюджет тизимининг самарали фаолиятини таъминлайдиган механизм сифатида майдонга келди десак бўлади, бу эса ғазначиликнинг энг ижобий томонларидан бирини намоён қиласди. Пул оқимлари ва пул операциялари тезкорлиги, турли даражадаги бюджетдан қонуний маблағ олувчилар талабининг кондирилиши, бюджет ресурсларини мақсадли ишлатишни таъминланishi, бюджет маблағларининг марказлашган ҳолда ва аниқ мақсадда бошқарилиши билан бюджет тизимининг самарали амал қилишдаги механизм эканлиги тасдиқланади. Колаверса, давлат молиясининг, турли даражадаги маҳаллий бюджетларнинг молиявий ресурсларининг ишончли сакланишини, талонторож қилинмаслиги ва тижорат максадида ишлатилмаслигини таъминлайди.

Республикамизда ҳозирги кунда маҳаллий бюджетларни бошқаришда ғазначилик тизимини татбиқ этиш бўйича бир қанча амалий ишлар қилинмоқда. Албатта, ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга татбиқ этиш бюджет тизимининг барча жабхаларидаги ўзгаришларни, бу асосан хукукий-меърий хужжатлар ҳолати, ташкилий услубий ва ахборот технология ўзгариши жараёнларини камраб олади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун хужжатларида белгилаб кўйиладиган маҳсус ваколатли молия органи ҳамда унинг Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралда қабул килинган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сон Қарорига асосан ғазначилик зиммасига аниқ вазифалар ҳамда функциялар юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2007 йилнинг 1 июня идае «Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармалари тўғрисидаги Низом» тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ ғазначилик худудий бошқармаларининг зиммасига юклатилган асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

— Республика бюджети, Коракалпогистон Республикаси бюджети, вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳар бюджетининг касса ижросини амалга ошириш;

²Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Конуни. 6-модда.

– тегишли бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишга қаратилган ҳудудий ғазначилик хисобрақамларини жорий этиш орқали Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари маблағларини бошқариш;

– бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари хисобидан капитал курилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномаларини мажбурий равишда рўйхатга олиш ва бунда шартномаларнинг харажатлар сметасида, курилишларининг манзил ва титул рўйхатларида кўрсатилган суммалар ҳамда максадлар доирасида бўлишини назорат этиш асосида бюджет ташкилотларининг маълум мақсадларга йўналтирилмаган, асосланмаган харажатларининг олдини олиш;

– бюджет ташкилотларини, жумладан, давлат маъмурий идораларини молиялаштиришга йўналтирилган бюджет маблағларининг ишлатилишини оптималлаштириш бўйича мониторинг олиб бориш;

– бюджетдан маблағ олувчилар номидан ва уларнинг топшириғига биноан бевосита товарлар етказиб берувчилар хисобрақамларига тўловларни амалга ошириш орқали тўлов тартибига қатъий риоя килишни таъсирчан назорат этишни таъминлаш;

– Қоракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари ғазна ижросининг бухгалтерия хисоби ҳамда хисботларини юритиш, уларнинг бажарилиши бўйича ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш.

Таянч сўз ва иборалар

Махаллий бюджетларни бошқариш, бюджет ташкилотлари, бюджет жараёнлари, бухгалтерия хисоботи, бюджет лойиҳаси, маҳаллий бошқарув органларининг мажбуриятлари, бюджет ижроси, сўровнома, молиявий назорат, ғазначилик органлари.

Назорат саволлари:

1. Махаллий бюджетларни бошқариш деганда нимани тушунасиз?
2. Махаллий ҳокимият органларининг махаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро этишдаги ҳуқук-мажбуриятлари нималардан иборат?
3. Махаллий бюджетларни бошқаришда бюджет ҳуқуки тушунчasi хақида нима дея оласиз?
4. Ғазначилик органлари махаллий бюджетнинг ижросида кандай вазифаларни бажаради?
5. Махаллий бюджетни бошқаришда молия органларининг вазифалари нималардан иборат?
6. Ҳудудларда махаллий бюджетларни бошқаришда кандай муаммоларни ҳал этиш керак?

5-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5.1.Махаллий бюджет даромадлари ва харажатлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқиш босқичлари

Давлат молиявий фаолиятига тааллукли муносабатларни тартибга солишга қаратилган хуқуқ соҳаси Ўзбекистон Республикаси миллый хуқуқ тизимидағи мустақил хуқуқ соҳаси – молия хуқукини ташкил этади. Молия хуқуки марказий ва маҳаллий давлат органларининг ўз вазифаларини бажаришлари билан боғлик бўлган молиявий ресурсларни ёки пул фондларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хуқукий нормалар мажмуасидан иборат. Молия хуқуки Ўзбекистон Республикасидаги хуқуқ тармоқларидан бири сифатида бюджетни ишлаб чиқиши, қабул килиши, даромадлар ва харажатлар бўйича ижро этилишини таъминлайди. Молия соҳасидаги марказий ва маҳаллий давлат органлари ташкилий тизимини, ваколатларини белгилаш, молия соҳасида юридик ва жисмоний шахсларни, давлат ва жамоат органлари фаолиятини назорат қилиш тамоиллари ҳамда тартибини аниқлаш каби вазифаларни бажаради.

Бюджет хуқуки тушунчаси Ўзбекистон Республикаси худудида бюджетни шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланиш юзасидан молиявий-хуқукий мезонлар йигиндинсини назарда тутади. Бюджет хуқуки жумласига куйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси бюджет тузилиши ва бюджет тизими соҳасидаги муносабатлар;
- Ўзбекистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетнинг даромадлар ва харажатлар тузилиши, уларнинг турли бюджет бўғинлари ўргасида тақсимланиши соҳасидаги муносабатлар;
- Ўзбекистон Республикасининг бюджети ва маҳаллий бюджетлар ваколатлари доирасини белгилашга оид муносабатлар;
- бюджет жараёни билан боғлик муносабатлар;
- бюджет ижроси юзасидан назоратни ташкил этиши билан боғлик муносабатлар.

Юкорида санаб ўтилган муносабатлар бюджет хукукий мезонлари билан тартибга солиниши натижасида бюджетга оид хукукий муносабатларга айланади. Бошқа молиявий муносабатлардан фарқли равишда бундай хукукий муносабатлар бюджет фаолияти натижасида вужудга келади.

Бюджет хуқуки мезонлари моддий-хукукий ёки процессуал бўлиши мумкин. Моддий – хукукий мезонлар бюджет қурилиши, бюджет тизими, бюджет даромадлар ва харажатлар таркибини белгилайди. Процессуал мезонлар эса бюджет жараёнини, уни қабул қилиш ва ижро этиши тартибини белгилайди. Бюджет конунчилиги тақдим этилган бюджет лойиҳасини давлат

хокимияти вакиллик идоралари томонидан кўриб чиқиш муддатини белгилайди. Улар кўриб чиқиш натижаларига кўра тақдим этилган бюджет лойиҳасини тузатиш ва тўлдириш учун қайтариб юборади.

Бюджетни режалаштириш турли даражадаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш тартиби, унинг меъёрий хукуқий базаси ва ташкилий асоси тарзида бюджет жараёни, мамлакат бюджетини тузишнинг назарияси ва услубиёти масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бюджет бўйича режалаштириш асослари мамлакат Конституцияси ва конунлари билан белгиланади.

Бюджет жараёни бюджетни шакллантиришнинг асосий шакли сифатида хокимият органларининг давлат бюджети ва унинг таркибидаги бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва кабул қилиш, уларнинг ижросини назорат қилиш, ижроси тўгрисидаги хисоботларни тасдиқлаш бўйича конун хужжатлари билан тартибга солинган фаолиятдан иборат.

Бюджет жараёни куйидаги босқичлардан иборат:

- бюджет лойиҳасини тузиш;
- бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- бюджетни ижро этиш;
- бюджетнинг ижросини назорат қилиш;
- бюджет ижроси тўгрисида хисобот тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда, келгуси молия йили учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларидан бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичига тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар кабул қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар бюджетлари, давлат бюджети кабул қилингандан кейин икки хафта муддат ичига тегишли равиша Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгаши ҳамда вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик томонидан;

– Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичига туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

– шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юкори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузишга доир ишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади ва амалга оширилади. Коракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли хокимиятлар молия бошқармалари Коракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тузишга оид ишларини мувофиқлаштиради ва амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси даромадлар ва харажатлар бўйича мамлакат ҳамда Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри иқтисодиётининг макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёнида бюджет даромадларини ташкил этиш манбалари бўйича келиб тушиш прогнози ҳамда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти макроиктисодий ривожланиш параметрлари лойиҳасида назарда тутилган иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришигга риоя этиш учун харажатлар прогнозини белгилаш таъминланади.

Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёни амалдаги бюджет конунчилиги меъёлларида аник-равшан белгилаб берилган бир неча кетмат-кет босқичларни ўзига камраб олади:

- бюджет сўровини жўнатиш;
- тегишли ҳудудлар бюджетлари, бюджетдан ташқари фонdlар ҳамда мақсадли давлат жамғармалари сўровлари ва лойиҳаларини бериш;
- Давлат бюджети ва бюджетномалари лойиҳасини тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасида харажатлар назарда тутилган даромадлардан келиб чиқиб, тақчилликнинг чегара миқдори хисобга олинган ва уни қоплаш манбаи аниқланган ҳолда белгиланади. Кейинги йил учун мўлжалланган Коракалпогистон Республикаси бюджет лойиҳалари, маҳаллий бюджетлар лойиҳаларида назарда тутилган харажатларни қоплаш учун ўтган молия йилида тегишли бюджетлар натижалари бўйича ҳосил бўлган бюджет маблағларининг бўш турган қолдиқлар суммаси ҳам ишлатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини тузиш жараёнида республика бюджети, Коракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўргасида маблағларни бюджетлар ўргасида қайта тақсимлаш бўйича юзага келадиган ўзаро муносабатлар, жумладан, тартибга солувчи умумдавлат соликларидан республика бюджети, Коракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга ажратиладиган маблағлар миқдори белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари республика бюджети, Коракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўргасида чегараланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий ривожланиши параметрлари лойиҳаси билан назарда тутилган тадбирларни молиялаштириши таъминлаш вазифалари Коракалпогистон

Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг умумдавлат аҳамиятидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш даражасидан келиб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси молия тизими ягона, бир бутун механизмдан иборат бўлганилиги муносабати билан Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз тасарруфида бутун давлат молиясига нисбатан аниқ белгиланган функцияларни бажаради. Масалан, улар худудларида даромадларнинг республика бюджетига келиб тушишини таъминлайди. Тасдиқланган бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида давлат эҳтиёжлари учун асосий жамғармалар ҳамда воситаларни олиш ва қайта ишлаш учун капитал харажатларни амалга оширади. Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлар ўз ваколатлари доирасида тегишли маъмурий-худудий бирликлар молиясига раҳбарлик қилинишини таъминлайди. Ушбу органлар маҳаллий бюджетлар лойихаларини ишлаб чиқади, уларни тасдиқлайди ва ижро этади. Шунингдек, мазкур бюджетлар ижроси тўғрисидаги хисоботларни тасдиқлайди, конунчиликка мувофиқ равишда маҳаллий бюджетга келиб тушадиган маҳаллий соликлар, йигимлар ва тўловлар микдорини белгилайди ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддатларда кейинги молия йили учун бюджет сўровини қўйидагиларга:

– республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга – улар уч кун давомида бюджет буюртмаларини тузиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида бўйрук чиқаради;

– Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети ҳокимиятига улар томонидан тегишли худудлар бюджетлари лойихаларини тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети ҳокимияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича тегишли худудларнинг бюджетлар лойихаларини тузади. Бу лойихалар куйидагиларни ўз ичига олади.

1. Даромадлар бўйича – соликлар, йигимлар, божлар ва бошка мажбурий тўловлар контингенти ҳамда Давлат бюджетига бошка мажбурий даромадлар бўйича хисоб-китоблар тегишли минтақалар ва даромадларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тузилади.

2. Харажатлар бўйича – кўрсаткичлар рўйхати, унинг асосида бюджет маблағларини олувчилар бюджетдан ажратилган маблағларни олиш учун буюртмалар тузилиши керак, тармоқлар, штатлар ва контингентлар бўйича кўрсаткичлар тузилади.

Бюджет қонунчилигида Давлат бюджетини бюджет маблағларини олувчиларга етказиш билан боғлик бўлган бюджет жараёнининг алоҳида босқичи ажратилиши муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бюджет жараёнининг кўриб чиқилаётган босқичи муҳим элемент, бюджет кўрсаткичлари ва бюджетни ижро этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни етказиш муддатлари хисобланади. Бунда улар бюджет кўрсаткичларини етказиш жараёни режалаштирилаётган молия йили бошлангунига кадар тугалланиши, янги молия йилининг биринчи кунидан бошлаб бюджетни амалда ижро этишга киришиш учун бюджетни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш муддатлари билан албатта боғланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига мувофиқ Молия вазирлиги Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимияти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошкармаларига куйидаги маълумотларни етказади:

– Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети даромадлари ҳамда ҳаражатлари ҳажмлари;

– Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети айланма касса микдорлари;

– Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети тартибга солувчи умумдавлат соликларидан ажратмалар нормативлари.

Бундай ахборот ва маълумотлар асосида Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар вакилик органлари Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичida тегишли бюджетларни қабул килишади. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимиятлари ва Тошкент шаҳар бюджети қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичida жойлардаги давлат солиқ хизмати органларига – кўрсатилган бюджетлар тасдиқланган даромадлар ҳажмларини, ушбу бюджетлардан молиялашибирладиган ташкилотларга улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини маълумот учун етказади. Республика ва вилоятларга қарашли туманлар ва шаҳарлар бюджетлари, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бюджетлар кўрсаткичлари тегишли солиқ органларига ҳамда тегишли бюджетлардан маблағларни олувчиларига шундай тартибда ва муддатларда етказади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет қонунчилиги ҳозирги вақтда янада ривожланиши мамлакатимиз бюджет тизимининг самарали ишланини белгилаб берувчи меъёрлар қанчалик тўлиқ ва объектив акс эттирилишига боғлиқ.

5.2. Хорижий мамлакатларда бюджет лойиҳасини тузиш жараёнлари

Буюк Британияда, Японияда бюджет йили 1 апрелдан, АҚШда 1 октябрдан, Францияда 1 январдан бошланади. Бюджет йили бошланысадан олдин, бюджет лойиҳаси тузилади. Бу жараён Германияда-б ой, Японияда – 7 ой, Францияда – 14 ой, АҚШда 18 ой давом этади. Бу мамлакатларда бюджет лойиҳаси молия вазирлиги томонидан тузилса, АҚШда Президентта карашы Мамырий бюджет бошқармаси томонидан ишлаб чыкылади.

Бюджеттинг даромадлар ва харажатлар кисмини хисоблашда ҳамда келгуси йил бюджеттини тузышда турли хил усулдан фойдаланилади. Автоматик усулда бюджеттинг ўтган йилги харажатларни даромадларининг жами янги даврга ўтказилади. Бу усул бюджеттинг алохиди боблари ва моддалари учун кўлланилади. Иқтисодий таҳлил усули ўтган йил бюджеттинг бажарилиши даражаси аниқланади ва фарқларнинг сабаблари ўрганилади. Бу жорий йил бюджети бажарилиш даражасини белгилайди. Меъёрий усул асосида моддалар харажатларининг белгиланган меъёри ётади. Натурал бирликни меъёр кўрсаткичига кўпайтириб, харажатларнинг умумий суммаси ўрнатилади. Экстраполяция усули ўтган йиллар хисобот маълумотларидан келиб чишиб, молиявий кўрсаткичлар динамикаси асосида уларнинг молиявий кўрсаткичларини белгилайди ва олинган суммаларни келгуси йилга татбиқ этади. Мажорация ва минорация усулида 10–15 йилдан иборат динамия каторларни статистик ишлаб чишишга асосланган бўлади. Каторлар тенденцияси аниқланади ва бюджеттинг даромадлар кисми корректировка қилинади. Агар бунда бюджеттинг даромадлар ва харажатлари микдори ўсиш суръатлари мавжуд бўлса, мажорация усулидан, камайган ҳолда минорация усулидан фойдаланилган бўлади. Бевосита баҳолаш усули эса реал конъюнктурани ўрганишга асосланади. Бюджет тузувчилар бевосита баҳолаш усули ёрдамида давлат бюджеттинг кутилаётган тушумларини ва бюджеттинг харажатлар кисмининг ўзгаришини аниқлайдилар.

Кўпгина мамлакатлар амалиётида ўрта муддатли бюджетни режалаштириш ва прогнозлаштириш ривож топди. Эндиликда бу занжирли ва сирпанувчан бюджетлар тузышда, умуман, бюджетни режалаштиришда бюджетни режалаштириш-дастурлаштириш услуги ишлаб чиқилди. Бу усул хукуматнинг узоқ муддатли дастурларининг амал қилишига асосланади.

Бюджет даромадлари ва харажатларини хисоблашда, бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишида турли услублардан фойдаланилади. АҚШда 1960 йилларда кенг масштабли молиявий ресурсларни йўналтириш мақсадида, бюджетни ишлаб чиқиши жараённида янада самарали услублардан фойдаланиш мақсадида мақсадли режалаштириш услуги кўлланила бошланди. 1961 йилдан АҚШ Мудофаа вазирлигига ушбу услуг кўлланилди, 1965 йилдан бошқа вазирликларда ёйилди. Мазкур услубнинг моҳияти, мамлакатнинг келгусидаги ижтимоий-иктисодий ривожланишини зътиборга олган ҳолда,

унинг иктиносидий дастурлари билан боғлаган ҳолда бюджетнинг жуда кўп варианatlари ишлаб чиқилди. 1973 йилдан алоҳида вазирлик ва идораларнинг ишлаб чиқсан дастурлари асосида бюджет тузила бошлади. Бюджет амалиётида «о» га асосланган услуб кўлланилади. Бунда хукуматнинг ривожланиши дастурларини ҳар йили кўриб чиқиш тамойилига асосланади, ўтган йили қилингандар харажатлар хисобга олинмайди.

Францияда бюджет лойиҳаси қуий ва юкори парламент палатада, АҚШда бир вактнинг ўзида икки палатада кўриб чиқилади. Бу палаталарда бюджет лойиҳасининг даромадлар ва харажатлари алоҳида моддалар бўйича кўриб чиқилади, ўзгартиришлар киритилади ва тузатилади. Парламентда бюджет лойиҳасини кўриб чиқишида бюджет инициативалари алоҳида аҳамиятга эга. Франция ва Буюк Британияда парламент аъзолари бир вактнинг ўзида хукумат аъзолари бўлса ҳам, бюджет лойиҳасини кўриб чиқиши жараёнида бюджет харажатларини ошириш, янги соликларни жорий қилиш бўйича таклифларини бера олмайди. 1974 йилги АҚШ Конгресси Қонунида Конгресс аъзоларининг бюджет жараёнида асосий роль ўйнаши хукуқий таъминланди.

Иктиносидий ўсиш суръатларининг юкорилиги натижасида давлат харажатларининг ҳам ўсиши бир қатор давлатларда ўрта ва узоқ муддатли мўлжалланган истиқбол кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган бюджетлар тузилишига олиб келди. Чунки бундай бюджетлар давлатнинг кейинги йиллардаги маблағларга бўладиган эҳтиёжини ўзида акс эттирган. Ушбу бюджетлардаги асосий маълумотлар, табиийки, йиллик бюджетларни тузиш ва харажатларни режалаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилган ҳамда давлат сектори харажатларининг тез ошиб бориши, ўз навбатида, ўрта ва узоқ муддатли бюджетларни ривожлантиришда, бюджет харажатларига бўлган талабни ҳам кўрсатилиши тақозо киласди. Истиқбол кўрсаткичлари йиллик бюджетлар учун энг юкори чегара – базавий нуқта бўлиб хисобланади. Харажатларнинг прогноз кўрсаткичлари, келгуси давр харажатлари энг юкори нуқтаси сифатида белгиланади ҳамда бошка харажатларни ошириш учун ташабbus ва таклифларга йўл қўйилмайди. АҚШ, Швеция ва Нидерландияда ўрта ва узоқ муддатли бюджет прогнозларининг жорий бюджет билан мутаносиблигини таъминлашнинг энг муҳим шарти – бу уларнинг битта идора томонидан тузилишидир. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Дания, Финландияда З йиллик, Туркияда 5 йиллик, Швеция, Испания, Португалияда 4 йиллик бюджетлар истиқбол кўрсаткичлари тузилади ва улардан келгуси йил бюджетини тузиш ва уни Парламент тасдиғига киритишида база сифатида фойдаланилади.

5.3. Махаллий бюджетлар ижроси тўғрисида ҳисоботларни тайёрлаш

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этишининг ягоналигидан иборат. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби

ғазначилик, давлат солиқ ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия хисоби хисобваракларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия хисоби хисобваракларининг ягона режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ғазначиликда бухгалтерия хисоби ва хисботини такомиллаштириш куйидагилардан иборат:

- бюджет хисоби ва хисботини компьютер дастури орқали юритиш;
- бюджет ижроси хисботи ва молиявий хисботларни касса усули ёрдамида юритиш;
- боскичма-боскич ҳақиқий ҳаражат усулига асосланган молиявий хисботни татбиқ қилиш;
- Ғазначилик Бош китоби тизимининг янги ягона ғазначилик хисобвараклар режасини татбиқ қилишдан иборат.

Ғазначиликда бухгалтерия хисоби ва хисботига алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга ушбу хисботларни тақдим этиш жараёнлари соддалаштирилади ва уларни тақдим этиш муддати камаяди.

1. Автоматлаштирилган тизим қуйидаги хисботларни тайёрлашни таъминлайди:

- давлат молияси статистикаси ҳақидаги йўрикномалар стандартлари (GFS 2000) асосида республика ва маҳаллий бюджетлар ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳақидаги ахборотларни ўзида акс эттирадиган, хукуматнинг жамланган молиявий операциялари бўйича аналитик хисбот;
- бюджетдан маблағ олуви чи ташкилотларнинг кредитор қарзлар субъектлари бўйича тақсимланган қарзлар ҳақидаги хисботи;
- функционал тасниф асосида ва кўп йиллик давлат дастурлари бўйича бюджет ижроси ҳақидаги хисбот;
- хукумат томонидан кафолатланган қарзлар ва келгуси 5–10 йилга қарзларни маблағ билан таъминлаш қийматлари тўғрисидаги маълумотларни кўшган ҳолда давлат қарзлари ҳақида хисбот;
- молиявий бозорларда давлат томонидан олинган қарзлар ҳақида маълумот;
- хукумат томонидан ажратилган кредитлар ҳақида хисботлар;
- хукумат хисобракамлари бўйича ликвидлилик (даромадлар ва харажатлар) ҳақидаги хисбот;
- солик имтиёзлари ва субсидиялар ҳақида хисбот;
- шартли ва ўзга мажбуриятлар ҳақида хисбот;
- бюджетдан маблағ олуви чи ташкилотларнинг активлари ҳақида хисбот;
- грантлар ҳақида хисботлар.

2. Автоматлаштирилган тизим ҳисоботни давлат молияси статистикаси йўрикномаларидағи давлат секторини бошқариш қисми доирасида ажратишлар услуби асосида тайёрлайди.

3. Автоматлаштирилган тизим бюджет маблағлари эвазига капитал кўйилмалар бўйича ҳисоботларни тайёрлайди. Лойиҳа бир неча йилда амалга ошириладиган ҳолларда келгуси йиллар учун қурилиш билан боғлик харажатлар келтирилади. Ахборот бухгалтериянинг касса услуби ва ажратишлар услуби бўйича берилади.

I-жадвал

Газначилик тизимида бюджетнинг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар

| | Банк тизимида | Газначилик тизимида |
|---|--|---|
| 1 | Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини гузини кўп меҳнат талаб қиласди | Ҳисобга олиш ва ҳисбог тузиш Автоматлаштирилган тизим ёрдамида тез ва аниқ амалга оширилади |
| 2 | Халқаро талабларга мувофиқ ҳисоботларни тайёрлаш имконияти чекланади | Ҳисоботлар ДМС-2001 талабларига мувофиқ келади |
| 3 | Молиявий ҳисоботлар касса усулида тузишга асосланади | Молиявий ҳисоботлар ҳисблаш усулида тузишга асосланади |
| 4 | Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида тезкор маълумот олиш имконияти чекланади | Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида аниқ ва тезкор ҳисбот хамда кундалик баланс маълумотлари олиш имконияти яратилади |

Газна тизими ичida рўйхатдан ўтказиш услублари: катта ҳажмдаги маҷбуриятлар бўйича алоҳида транзакциялар, бошқа шартномавий маҷбуриятлар бўйича ҳисоблар режалари асосида ифода этилади. Банклар томонидан бериладиган белгилар, тармоқлар ва бюджет таснифи бўйича ҳисоботлар энди керак бўлмайди. Аммо хавфсизлак ва ҳисбот тизимидағи муддатларни бузмаслик учун қиска муддатли ўтиш даврида мавжуд банк тизимидағи ҳисоботларни саклаб қолиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳисоботларни тайёрлашдаги асосий ўзгаришлар шулардан иборатки, бюджет таснифи бўйича касса ҳисботи ғазна томонидан амалга оширилади. Банклар солиштириш ва хукуматнинг умумий касса ҳолатини баҳолаш учун ўзларининг операциялари бўйича ҳар куни ҳисбот бериб борадилар. Шартномавий маҷбуриятлар ва солиштириш (верификация) натижалари ғазна журналларида рўйхатдан ўтказилади. Газначиликнинг Автоматлаштирилган тизимида йирик ҳажмдаги алоҳида маҷбуриятлар ва бюджет таснифи бўйича кичкина ҳажмдаги операциялар бўйича ҳар ойлик якуний ҳисботлар тайёрламади.

Газначилик тизимида хисоб-китоб юритиш ва хисоботларни тайёрлаш

| Харажатлар айланыш даври | Масъунийят ва хисоботлар даврнйлиги | |
|--|---|--|
| | Хозирги ҳолат | Газна тизимидағы ҳолат |
| Ажратмалар | Бюджет бошқармалари – худудий молия органлари | Бюджет бошқармалари – худудий молия органлари |
| Таксимлаш (смета-ёйилма) | Бюджет бошқармалари – худудий молия органлари | Бюджет бошқармалари – худудий молия органлари |
| Бюджетни йыл ичидә қайта күріб чиқиши | Бюджет бошқармалари – худудий молия органлари | Бюджет бошқармалари – худудий молия органлари |
| Мажбуриятлар (шартнома, буюргма) | Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда. Кредитор қарзлар ва ҳақиқий харажатлардан фарқ қыладыган мажбуриятлар хисоботларда күрсатылмайды | Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда. Газначиликта рўйхатдан ўтказиш керак. А. ҳар ойлик хисобот |
| Верификациялари (ётказиб бериш) | Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда чораклик хисоботлар | Бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда. Газначиликта рўйхатдан ўтказалади. Мумкин бўлган рўйхатга олиш режимлари: мажбуриятларга нисбатан. Ҳар ойлик хисобот |
| Касса лимитлари (масалан, йўрикнома/сертификатлар) | | Газна ҳар ойлик/ҳар кунлик хисоботлар |
| Тўлов хабарномалари | | Газна ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия билан биргаликда ҳар ойлик / ҳар кунлик хисоботлар |
| Тўловлар (банкка жўнатиладиган ўтказиш ҳақидаги топширик) | Банклар: касса баланси: ҳар кунлик хисобот Белги-тармок-параграф: ҳар ойлик хисобот | Газначиликта ҳар ойлик/ҳар кунлик хисоботлар Бюджетдан маблаг олувчи ташкилотлар (Ахборот газнага электрон йўл билан узатилада) Ҳар ойлик/ҳар кунлик хисоботлар. Касса баланслари ҳақида кунлик хисоботлар |

Юқорида келтирилган жадвалда ғазначилик тизими жорий қилиниши муносабати билан ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларидаги кутилаётган ўзгаришлар кўрсатилган. Юқори турувчи органларга бюджет маблаглари олувчилар томонидан тақдим этиладиган бухгалтерия ҳисоботлари ҳисобот берувчи ташкилотнинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Марказлаштирилган бухгалтерияда бухгалтерия ҳисоботлари ташкил этилган бошқарув идораси ёки ташкилот раҳбари томонидан ҳамда марказлаштирилган ҳисобхонанинг бош ҳисобчиси томонидан имзоланади.

Давлат бюджети газна ижроси механизмига ўтказилган ташкилотларнинг тегишли бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланади. Вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари)нинг Молия вазирлиги ҳамда худудий молия органларига тақдим этиладиган жамлама бухгалтерия ҳисоботлари тегишли равишда мазкур бошқарув идораларининг ваколатли раҳбари ва ушбу идораларнинг бухгалтерия хизмати раҳбарлари (ҳисобчилари) томонидан имзоланади. Юқорида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг имзоларисиз ва вазирликлар, идоралар, ҳокимликларнинг бошқармалари (бўлимлари)нинг муҳларисиз бухгалтерия ҳисоботлари ҳакиқий деб ҳисобланмайди.

Худудий молия органларининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимлари томонидан хизмат кўрсатиладиган халқ таълими муассасаларининг (юридик шахс мақоми берилмаган) бухгалтерия ҳисоботлари мазкур молия органининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғи (ёки бош иқтисодчи халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари) ҳамда бош ҳисобчи халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари (ёки мактабгача болалар муассасалари ва бошка муассасаларнинг молиявий ҳисоб операциялари сектори мудири) томонидан имзоланади ва тегишли молия органининг муҳри билан тасдиқланади.

Республика бюджетида турадиган бюджет маблаглари олувчилар бухгалтерия ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли буйрӯкларига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ўрнатилган муддатларда тақдим этадилар. Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) бюджетларида турадиган бюджет маблаглари олувчилар бухгалтерия ҳисоботларини тегишли вазирлик ва идораларга, ҳокимликлар бошқармаларига (бўлимларига) улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар. Бюджет маблаглари олувчилар тегишли молия органларига улар томонидан белгиланган муддатларда жамлама бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этадилар. Муддатлар тегишли бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг юқори турувчи молия органига ўз вактида тақдим этилишини таъминлаш ҳисобига олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш

тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ти қарорига мувофик, молия йилига кўшимча вақт этиб белгиланган давр мобайнида операцияларни амалга оширувчи бюджет маблағлари олувчилари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳисоботларни топширишнинг алоҳида муддатлари белгиланди.

Республика бюджетида турадиган бюджет маблағлари олувчилар юкори турувчи идораларга ҳисоботларни бўйсунишига қараб ҳамда улар томонидан белгиланган муддатларда тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари чораклик жамлама бухгалтерия ҳисоботларини ҳисобот давридан кейин 30 кундан кечиктиримасдан, йиллик бухгалтерия ҳисоботларини эса ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 25 февралидан кечиктиримасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатилган муддатлар доирасида вазирлик ва идоралар томонидан чораклик ва йиллик жамланма бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этишининг табакалаштирилган муддатларини белгилайди. Харажатларнинг тўланиши йил давомида бир бюджетдан бошқасига ўтказилган ёки бир вазирлик (идора) тасаруфидан бошқасига ўтказилган бюджет маблағлари олувчиларда ўтказиш санасига бухгалтерия ҳисоботи (йиллик ҳисобот шакллари ҳажмида) тузилади ҳамда у илгариги ва хозирги юкори турувчи идораларга тақдим этилади. Келгусида ҳисобот факат янги юкори турувчи идорага тақдим этилади. Бюджет маблағлари олувчилар учун бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш санаси улар томонидан ҳақиқатда тақдим этилган сана ҳисобланади. Ҳисобот тақдим этиш учун белгиланган муддат дам олиш кунига тўғри келган тақдирда ҳисобот дам олиш кунидан сўнгти иш кунида тақдим этилади.

Давлат бюджети ғазна ижросининг ҳисобини юритиш, ҳисоботини тузиш ва тақдим этиш конунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар ва муддатлар бўйича амалга оширилади. Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари ва бўлимлари ҳамда бошка бюджет маблағларини олувчилар томонидан ҳисоботлар белгиланган муддатда топширилмаган тақдирда Молия вазирлиги ва худудий молия органлари бюджет маблағларини олувчилар раҳбарларини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бюджетдан харажатларини тўлашни чеклашлари, зарур ҳолларда эса тўхтатиб қўйишлари мумкин. Юридик шахс мақоми берилган умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар бухгалтерия ҳисоботларини худудий молия органларининг ҳалқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлимларига тақдим этади. Кейин ушбу бўлим томонидан мазкур бухгалтерия ҳисоботлари жамланади ва жамлама бухгалтерия ҳисоботлари худудий молия органларига тақдим этилади.

Бухгалтерия ҳисоботларида ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Ҳатолар тузатилган тақдирда тегишли кайдлар қилинади, уларни ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар. Бухгалтерия ҳисоботларига киритилган барча тузатишлар

ҳақида уларни юқори турувчи бюджет маблағлари олувчилар томонидан кўриб чикиш пайтида мазкур бухгалтерия ҳисоботлари тақдим этилган барча жойларга (манзилларга) мажбурий тартибда хабар килиниши шарт. Идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) ҳамда бошқа бюджет маблағларини олувчилар, бюджет маблағларининг бош тақсимловчилари ўз тасарруфларида бюджет маблағлари олувчиларнинг бухгалтерия ҳисоботларини қабул қиласидилар, кўриб чиқадилар ҳамда тасдиқладилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли молия органлари зарур ҳолларда ўтган молия йили якунларини чиқаришида вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар бошқармалари (бўлимлари) томонидан ўз тасарруфларида бюджет маблағлари олувчиларнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларини кўриб чиқишида иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари куйидаги ҳукукларга эга:

- зарур ҳолларда бухгалтерия ҳисоботида келтирилган маълумотлар юзасидан тушунтиришлар талаб қилиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари маълумотлари ҳамда асосланган хужжатлар;
- тафтиш далолатномалари ва бюджет маблағлари олувчининг молия-хўжалик фаoliyatiini ўрганиш материаллари.

Бухгалтерия ҳисоботи шаклларида барча реквизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Ташкилотларда тегишли активлар, пассивлар ва операцияларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устидан чизиб қўйилади. Бухгалтерия ҳисобот шаклларининг манзил қисми куйидаги тартибда тўлдирилади:

- а) "ташкилот номи" реквизитида ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилади;
- б) "бўлим, боб, параграф" реквизитида ташкилотнинг Давлат бюджети харажатлар таснифининг ташкилий ва вазифа жихатдан бўлиниши келтирилади;
- в) "даврийлик (ҳисобот даври)" реквизитида ҳисобот тузилаётган тегишли давр (йил, чорак, ой) кўрсатилади;
- г) "вазирлик" реквизитида ташкилотнинг вазирлиги ёки юқори ташкилотнинг номи кўрсатилади;
- д) "бюджет тuri" реквизитида ташкилот томонидан ҳисобот берилётган маблағнинг манбаси (Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси ёки маҳаллий бюджет номи) келтирилади;
- е) "ўлчов бирлиги" реквизитида ҳисобот тузилаётган ўлчов бирлиги келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари бухгалтерия ҳисоботлари, ушбу бухгалтерия ҳисоботлари бўйича ноаникликлар ва тушунмовчиликлар бўйича ўз эътироз ва таклифлари ҳақида тегишли молия органларига келиб тушган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар бошқармалари,

бўйимларига хабар қиласидар. Бухгалтерия ҳисоботларини топширган бюджет маблағлари олувчилари олинган эътироzlар ва таклифларга рози эмасликлари ҳакида 5 кун муддатда Молия вазирлиги ёки ҳудудий молия органларига хабар килмаган тақдирда, берилган таклифлар қабул килинган деб ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар

Махаллий бюджет даромадлари, бухгалтерия ҳисоботлари, молия тизими, солик бекимандалиги, бюджеттаро муносабатлар, соликларни тақомиллаштириши, мажбурий тўловлар, солик имтиёзлари, биринчирилган даромадлар, унитар давлатлар, солик тизими, бюджет даромадларини тақсимлаш, автоматланаширилган тизим, молиявий ҳисобларнинг касса усул.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни босқичлари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси хукуқ соҳасидаги бюджет хукуки нималардан иборат?
3. Бюджет сўровномалари деганда нимани тушунасиз?
4. Махаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солик органларининг қандай вазифалари мавжуд?
5. Махаллий бюджет даромадларини бошқаришда молия органларининг вазифалари нималардан иборат?
6. Фазначилик тизимида ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисоботларни таёrlаш жараёни тушунтириб беринг.
7. Давлат бюджети ғазна ижроси механизмига ўтган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари қандай расмийлаштирилади?
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари қандай хукукка эга?
9. Давлат бюджети ғазна ижроси шароитида бухгалтерия ҳисобот шаклларининг манзил қисми қандай тўлдирилади?

6-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ БОШҚАРИШ

6.1. Махаллий бюджет даромадларининг аҳамияти

Республикамиз бюджет тизимининг молиявий аҳволини белгиловчи кўрсаткич сифатида маҳаллий бюджетларнинг ўрни муҳим ҳисобланади, айрим соҳаларда эса у етакчи ўрин тутади. Маҳаллий бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишили худуднинг иктиносидий ва ижтимоий таракқиётининг барча соҳалари ҳамда йўналишларини тўла камраб олади.

Республикамиз бюджет тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда Давлат бюджети даромадларини ошириш, маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш имкониятларини кенгайтириш масалалари туради. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришнинг янги моделига бўлган зарурият бюджетни қайта ўзгартиришга олиб келди. Давлат бошқаруви тамоилилари ўзгариши хозирги пайтда мақсадлар ва бюджетни худудий тартибга солиш тамоилиларининг ўзгариши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга. «Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республикаси бюджетидан, Коракалпогистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат»¹. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллигини, молия соҳасида қайта ўзгаришларни ва маҳаллий бюджетларнинг даромад асосларини мустаҳкамлаш йўлларини излашни талаб қилади.

Иктисолиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларнинг худудларни ижтимоий-иктиносидий ривожлантиришдаги роли янада ошади. Мамлакатимизда баркарор иктиносидий ўсишни таъминлашда мавжуд табиий-иктиносидий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига худудлар ижтимоий-иктиносидий ривожланишини таъминлаш асосида миллий иктисолиётнинг худудий таркибини такомиллаштириш, худудий бирликлар ривожланиш даражасидаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш лозим. Бюджетга тушадиган соликлар ва гўловларнинг турли шакллари давлат қонунларида, молиявий бошқарув органларининг меъёрий хужжатларида, ўз ифодасини топган объектив омилларга маълум даражада боғлиқ.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш республика ҳамда унинг худудларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бошқарув тизими таркибини ўзгартириш ва бу жараёнлар давомида худудларда маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириб боришини талаб этади. Республика хукумати ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромад кисмини шакллантириш масалаларида ижобий силжиш кузатилди.

¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2008. 122-модда. Молия ва кредит. 33-б.

| Бугунги кунда маҳаллий бюджетни шакллантиришда унинг ҳам харажатлар қисмини, ҳам даромадлар қисмини белгилаш мухим, чунки бюджетнинг даромадлари ва харажатлари ўзаро бир-бирини тақозо этади, уни тўлиқ хисобга олмаслик, бюджетни тўлиқ ижро киласлик ноҳуш оқибатларни келтириб чиқаради. Бюджет сиёсати ҳамиша давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифалари билан белгиланганки, булар маҳаллий бюджетнинг даромадлар қисмига ҳам, харажатлар қисмига ҳам бевосита тъасир кўрсатади.»

Иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида бюджет тизимини бошкариш ишлари жуда мухим ва мураккаб масаладир. Ҳар бир худуднинг ривожлантирилиши, кам таъминланган оила ва шахсларнинг етарли даражада ижтимоий ҳимоя килиниши, ҳар бир худуд маҳаллий ҳокимият органлари молиявий масалаларни тўғри ҳал қила билишига боғлиқ. Бунда маҳаллий бюджеттага тушадиган солиқ ва йигимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида ўрин тутади. Ҳар бир худудни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, шу худуддаги аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш бевосита ҳокимиятлар зиммасига юқлатилганлиги сабабли, бу масалаларни ҳал этиш бўйича уларга қўшимча ваколатлар бериш ва улар ихтиёрида даромадларнинг етарли мағбаларининг бўлиши, бюджет соҳасидаги сиёсатнинг самарадорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиёти сари йўл тутишида маҳаллий бюджетларнинг республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади. Шундай экан. маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида республика ҳамда унинг худудларини ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади.

Куйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджет даромадлари салмоғининг ўсиши кўрсатилган.

3-жадвал.

Давлат бюджети даромадларида маҳаллий бюджетларнинг ўрии²

| Кўрсаткичлар | ЙИЛЛАР | | | | |
|--------------------|--------|-------|-------|-------|-------|
| | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 |
| Давлат бюджети | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 | 100,0 |
| жумладан | | | | | |
| Республика бюджети | 54,6 | 56,0 | 54,0 | 52,2 | 57,2 |
| Маҳаллий бюджетлар | 45,4 | 44,0 | 46,0 | 47,8 | 42,8 |

²Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджет даромадларининг Давлат бюджетидаги салмоғи ошиб борган. Маҳаллий бюджет даромадларининг Давлат бюджетидаги салмоғи 2007 йилда 45,4 фоизга, 2010 йилда 47,9 фоизга тенг бўлган. Шунингдек, 2008 йилда 44,0 фоизни, 2009 йилда 46,0 фоизни ташкил этган, лекин 2011 йилда 42,8 фоизга тушган. Шунга қарамасдан, Республика бюджети даромадларининг Давлат бюджети даромадларидаги улушкининг пасайиши ижобий ҳолат хисобланади, маҳаллий бюджетлар даромадлар базасининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Маҳаллий бюджет даромадларининг режасини шакллантириш ва маблағларини харажат килиш микдори вилоят, туман, шаҳар ҳокимият органлари томонидан тасдиқланади. Маҳаллий бюджетлар орқали худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши молиявий маблағлар билан таъминлаб борилади. Маҳаллий бюджет ижросининг асосий вазифаси – маҳаллий бюджетда тасдиқланган соликлар ва бошқа тушумларининг ўз вактида ва тўлиқ тушиши ҳамда худудларда амалга ошириладиган чора-тадбирларни тўлиқ молиялаштириш хисобланади.

Иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёни бюджет даромадларини бошқаришида республика ва худудий бошқарув органларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини анча ўзгартирди. Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий талаб эҳтиёжларини тўлиқроқ хисобга олиш ва давлат томонидан марказлашган тартибда амалга ошириладиган чора-тадбирлар билан тўғри олиб бориш имконини берди. Бюджетларaro муносабатларнинг муҳим шарти – турли даражадаги бюджетларнинг молиявий базасини шакллантиришининг ўзаро боғлиқлигини таъминлашдир. Бу база ҳар бир бюджетнинг ўз даромадидан, биринтириб қўйилган ва тартибга солувчи соликлардан тушадиган тушумлар, шунингдек, юқори бюджетлардан ажратиладиган турли шаклдаги молиявий ёрдамлардан иборат.

Маҳаллий бюджетларнинг энг биринчи даромад манбаи бўлиб маҳаллий солик ва йигимлар хисобланади. Улар хозирга қадар давлатчилик муносабатлари ривожланишига мутаносиб равиша тақомиллаштирилмоқда. Агар республикамизнинг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ турли соҳаларда амалга оширилган ва давом эттирилаётган ислоҳотларга назар ташлайдиган бўлсак, маҳаллий бюджетларнинг мавқеини ошириш борасидаги чора-тадбирларнинг аник йўналиши маҳаллий бюджетнинг даромад манбаини мустаҳкамлашга қаратилди. Маҳаллий соликлар ва йигимлар жорий этилган пайтдан шу кунга қадар улар таркибида ўзгаришлар нафақат сон жихатдан, балки моҳият жихатидан ҳам кент кўламли ўзгаришларга эришилди. Бугунги кунга келиб уларнинг янги турлари жорий этилди ва амалиётда самарали кўлланилиб келинмоқда.

Солик тизимида маҳаллий солик ва йигимларга хос бўлган умумий хусусиятларнинг сифатида қўйидагиларни қайд этиш мумкин:

- маҳаллий соликлар ва йиғимлар маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тасарруфида бўлган худудлар эҳтиёжи учун ишлатилиди;
- маҳаллий соликларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетларнинг бевосита ўзлари томонидан жорий этилади;
- маҳаллий соликлар ва йиғимларни хуқукий жиҳатдан тартибга солишда маҳаллий бюджетларга бир қатор ваколатлар берилади;
- маҳаллий солик ва йиғимларни белгилаш усулига кўра икки гурухга, республика қонунчилиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қонунчилиги билан жорий этиладиган маҳаллий соликлар ва йиғимларга бўлинади.


Бугунги кунда маҳаллий ҳокимиятлар ўз бюджетларини шакллантиришда таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқишилари керак. Шунда маъмурий худудларнинг даромадлари республика бюджети ажратмалари хисобига шакллантирилмайди. Давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини таъминлайдиган маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларидан бири – уларнинг мустақиллиги ва имкониятларини оширишdir. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимият органлари доимо маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш ва бу молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш тадбирларини олиб боришилари керак. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маҳаллий бюджетлар даромад базасини кўпайтириш, маҳаллий бюджетлар харажатлар қисмини таркибий кайта кўриш каби шароитлар яратилганда, баланслаштирилган, соғлом, етарли бюджетни шакллантириш мумкин.

6.2. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш манбалари ва усуллари

Бюджет амалиётида турли даражадаги маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигидан келиб чиккан ҳолда, улар давлат томонидан қўллаб-куvvatланади, минтакавий даромадлар манбалари белгиланади, маҳаллий бюджетлар даромадлари ўз даромадлари ёки бириктирилган соликлар ва тартибга солинувчи соликлар хисобига шакллантирилади. Республикаизда хам маҳаллий бюджет даромадларини маҳаллий соликлар ва йиғимлар хамда умумдавлат соликларидан ажратмалар ташкил этади. Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларнинг молия-бюджет хуқуқларини кенгайтиришни, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда етарли маблағлар билан таъминлашни талааб этади. Бюджет даромадларининг режасини шакллантириш ва маблағларини харажат килиш миқдори вилоят, туман, шаҳар ҳокимият органлари томонидан тасдиқланади.

Маҳаллий йиғимлар ҳам бириктирилган даромадлар таркибига киради ва маҳаллий бюджетларга тўлик тушади. Уларнинг маҳаллий соликлардан фарқи шундаки, маҳаллий соликларнинг таркиби, ставкалари, объектлари давлат томонидан конуний йўл билан белгилаб кўйилади. Маҳаллий

йигимларни эса маҳаллий бошқарув органлари томонидан мустақил белгилаш, микдорларни аниклаш ва бекор килиш мумкин. Маҳаллий бюджет даромадлари шаклланишининг амалдаги ҳолати ва ушбу жараёндаги даромад манбаларини таҳлил қиласиз. Маҳаллий бюджет даромадлари манбаларининг таркиби қуидаги расмда берилган.



6-расм. Маҳаллий бюджет даромадларининг манбалари

Маҳаллий бюджет даромадлари Ўзбекистон Республикаси «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конунда назарда тутилган манбалар хисобидан шакллантирилади. Мазкур Конунга мувофиқ, маҳаллий бюджет даромадлари қуидагилардан иборат:

- конун хужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ, маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий соликлар, йигимлар, божлар ва бошка мажбурий тўловлар;
- конун хужжатларида бегиланган нормативларга мувофиқ, маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат соликлари, йигимлари, божлари ва бошка мажбурий тўловлар;
- конун хужжатларида бегиланган нормотивларга мувофиқ, давлат мулки обьектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинадиган даромадлар;

- конун хужжатларига мувофиқ, мерос олиш, ҳадя этиш хукуки бўйича давлат мулкига ўтган пул маблаглари;
- юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади.

Тартибга солинадиган даромадлар – юқори бюджетлардан куйн бюджеттага уларнинг даромад ва ҳаражатларини бошқариб туриш мақсадида бериладиган пул маблаглари мажмуасидир. Тартибга солинадиган даромадларга ушбу мақсадлар учун ишлатиладиган барча молиявий ресурслар, алоҳида умумдавлат соликларидан ўтказмалар, дотациялар, субвенциялар, юқори бюджетдан ўзаро ҳисоб-китоб асосида олинган маблаглар киради.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимининг мазмуни ва уни ташкил этишининг ҳукукий асослари яратилди. Маҳаллий бюджетларни баланслаштириш мақсадида соликлар ва бошқа кўринишдаги даромадлар манбалари турли даражадаги бюджетлар ўртасида куйидаги тамойилларга асосан тақсимланади:

- бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида даромадлар тақсимланиши ягона тамойиллар ва ёндашувлар асосида барқарор равишда бўлиши эътиборга олинади;
- ҳар бир даражадаги бюджет бўғинининг ўз даромадлари уларга бириктириб қўйилган ҳаражатлар ваколатларини бажариш учун асосий ресурслар манбаи ҳисобланади;
- солик ваколатлари ва даромад манбалари тақсимланиши бюджеттинг вертикал (бюджет бўғинлари ўртасида) баланслаштириш тамойилларига асосланади;
- тартибга солувчи соликлардан тушадиган тушумларнинг бир қисми маҳаллий бюджетлар ўртасида шаклланган усуллар асосида (аҳоли сони бўйича, бюджет таъминоти бўйича) тақсимланади.

Ўзбекистонда соликларни тақомиллаштириш – бу солик турлари ва ставкаларини ўзгариб бораётган шарт-шароитларга узлуксиз равишда йўналтириш, солик тизими фаолиятини объектив омиилларга мослаштириб борищдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Республика Давлат бюджетини тегишли йилга тасдиқлаш чоғида солик турлари ва ставкаларини қайтадан кўриб чиқади. Соликларнинг умумдавлат ҳамда маҳаллий соликларга бўлинини давлат идораларининг республика ва маҳаллий бошқарувга бўлинини хусусиятидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг ягона солик тизими яратилди, умумдавлат соликлари, маҳаллий соликлар ҳамда йигимлар киритилди. Куйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида жорий килинган соликлар ва мажбурий тўловлар тизими берилган.

**Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган солиқлар ва
мажбурий тўловлар тизими**

| Солиқлар | Мажбурий тўловлар |
|---|---|
| Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги | Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар: <ul style="list-style-type: none"> - ягона ижтимоий тўлов; - фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурга бадаллари; - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар |
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги | Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар: <ul style="list-style-type: none"> - Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; - Республика йўл жамғармасига йигимлар. |
| Кўшилган қиймат солиги | Давлат божки |
| Ақциз солиги | Божхона тўловлари |
| Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар | Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилини ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш хукуки учун йигим |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | |
| Мол-мулк солиги | |
| Ер солиги | |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузимани ривожлантириш солиги | |
| Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилгиси ва газ ишлатсанлик учун олинадиган солик | |

Хар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлишлари керак. Республика бюджети умумдавлат кўламда жуда катта вазифаларни – мудофаа, хавфсизликни саклаш, тартиб-интизом ўрнатиш, бозор инфратузимасини яратиш, фуқароларнинг ижтимоий химоясини ташкил этиш ва бошқа бир катор йирик хизматларни бажаради. Шунинг учун республика бюджетининг солиқлари ҳам салмокли бўлиши шарт. Умумдавлат солиқларининг муҳим хусусияти шундаки, республика бюджетига тушадиган солиқлар маҳаллий бюджетларни бошқариб бориш учун ажратма сифатида тушиши мумкин. Агар келгуси йили маҳаллий бюджетларнинг ўз манбалари кўпайса, республика солиқларидан ажратма

беришнинг ҳожати колмайди. Республика ва маҳаллий соликлар ягона мөхиятга эга бўлиб, бюджетта тўланиши лозим бўлган тўловлардир. Маҳаллий соликлар маҳаллий хукумат бажарадиган вазифаларга қараб белгиланади, уларга доимий ва тўлик биринтириб берилади.

Соликларни гурухлаш уларнинг иқтисодиётга ижобий ва салбий тасирини ўрганишнинг илмий ҳамда амалий услуби ҳисобланади. Республика ва маҳаллий соликларнинг ягона хусусияти шундаки, уларнинг ҳар иккиси бюджетта тўланиши лозим бўлган тўловлардир. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган мухим вазифаларидан келиб чиқиб, ўз бюджетларига ва уни шакллантирадиган соликларга эга бўлишлари керак.

Давлат бюджет-солик ва пул-кредит сиёсати орқали иқтисодиётни қучли тартибга солади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджет даромадларининг асосий манбаи соликлардан ташкил топишига алоҳида эътибор қаратилади. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий эҳтиёжларни тўлик ҳисобга олади ва уларни маҳаллий бюджет даромадлари билан молиялаштириш учун мувофиқлаштирилади.

Маҳаллий бюджетлар ўзининг манбалари ҳисобига ва умумдавлат даромадлари ҳисобига шаклланади. Маҳаллий соликлар ва йигимларнинг бюджетта тўлиқ тушишини ташкил килиш маҳаллий молия органлари ва солик инспекцияси ходимларининг зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексида маҳаллий бошқарув органларига кўрсатилган соликларни ўз худудларида жорий қилиш, маҳаллий соликлар ва йигимларга (мол-мулк ва ер солигидан ташқари) имтиёзлар бериш хукуки берилган.

Бюджет даромадлари ва харажатларини тақсимлаш деганда, ҳар бир даражадаги бюджетта киритилиши лозим бўлган даромадлар ҳамда харажатлар турлари ва ҳажмини белгилаш тушунилади. Бюджет тизими даромадлари у ёки бу бюджетнинг даромад кисмига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорларда келиб тушадиган мажбурий тўловлардир. Ушбу тўловларнинг турлари, уларни шакллантириш, бюджет тизимининг тегишли даражаларига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари билан белгиланади. Маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларининг барча даражадаги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини шакллантиришдаги роли, мустакиллиги оширилади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида маҳаллий хукумат ва бошқарув органларини жавобгарлиги билан бирга, уларнинг масъулиятини ошириш, давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетнинг салмоғини кўпайтириш максадида маҳаллий бюджетлар ихтиёрида куйидаги умумдавлат соликлари ва йигимларини тўлалитича қолдириш кўзда тутилган³:

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макройқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сон Қарори.

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- юридик шахс мақомига эга бўлган, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ягона солик;
- юридик шахс мақомига эга бўлмасдан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслардан олинадиган ягона солик;
- республикада ишлаб чиқариладиган пиво, ўсимлик ёғидан олинадиган акциз солиги.

Махаллий бюджетлар даромадларининг баркарорлигини таъминлаш учун, аввалимбор, жаҳон амалиётида синалган соликка тортиши механизмини тадбик этиш лозим. Оптимал солик юки солик тизимининг самарадорлигининг мухим кўрсаткичларидан хисобланади. Бюджетлар ўргасида муносабатларни ислоҳ қилиш жараённида бюджетлар ўргасидаги тартибга солувчи соликлар муаммоси бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳар бир давлатда мавжуд, чунки ресурслар танқислиги сабабли умумдавлат соликларидан ажратмалар маҳаллий бюджетларнинг асосий даромадлар манбаи бўлиб хисобланади. Республикаизда умумдавлат соликларидан ажратмалар нормативларини 3–5 йилга ўзгартирмасдан кўйиш тажрибасини татбиқ этиш керак.

Бизнинг мамлакатимизда амалдаги бюджет конунчилигига мувофиқ барча даромадлар ва харажатлар бюджет тизими даражалари ўргасида таксимланади. Махаллий бюджетлар даромадларини шакллантириша куйидаги муаммоларни ҳал қилиш керак:

- бюджет даромадларининг шаклланишида маҳаллий соликлар ва йигимларнинг улуши паст бўлиб қолмоқда;
- харажатларни молиялаштирища бюджетдан ташқари манбаларни жалб қилишнинг хуқукий-меъёрий базаси ишлаб чиқилган бўлса-да, бу имкониятдан тўлалигича фойдаланилмай келинмоқда;
- ҳудуднинг бюджет даромадларининг шаклланишида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари кам бўлиб қолмоқда;
- бюджетни ижро этиш жараённида бюджет даромадларининг интиқболларини белгилаш ва ўзгаририш киритишнинг оптимал услубиёти такомиллаштирилиши керак.

6.3. Бюджет даромадларини шакллантириша молия ва солик органларининг вазифалари

Бюджет сиёсатида ҳудудий молия ва солик органлари фаолиятини ислоҳ қилишни чўқурлаштириш, бюджет жараённи такомиллаштириш, турли даражадаги маҳаллий бюджетлар ролини ошириш, бюджет интизоми ва солик интизомини мустаҳкамлаш, бюджет параметрлари мухокамалари ва қабул килишнинг очиқлигини таъминлашни назарда тутади.

Республикада барча соликлар ва йигимларни жорий этишнинг энг асосий максадларидан бири – бюджет тизимига кирувчи республика ва маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантиришдан иборат.

Тўловларнинг турлари, уларни шакллантириш ва бюджет тизимининг тегиши даражаларига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидалари билан белгиланади. Давлат соликларни бюджетни шакллантириш учун амалга киритади. Соликлар аниқ харажатларни қоплаш максадига эга эмас, бу – айрим турдаги бюджет даромадларидан амалга ошириладиган харажатлар уларга боғлиқ бўлиб қолишининг олдини олиш зарурияти билан асосланган.

5-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти органлари томонидан жорий этиладиган маҳаллий соликлар ва йигимларнинг энг юқори ставкаси⁴

| Солик тuri | Энг юқори ставкаси |
|--|---|
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги | Корхона ихтиёридаги соғ фойданинг 8%и |
| Исғемол учун жисмоний шахслардан ундириладиган солик | |
| Транспорт воситалари учун бензин, дизель ёкили | 1 литр учун 175 сўм |
| Транспорт воситалари учун газ | 1 кг учун 175 сўм |
| Савдо қилиши хукуки учун йигим | |
| Савдо қилиш хукуки учун лицензион йигим алкоголли маҳсулотлар | Бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 5 баравари |
| Савдо қилиш хукуки учун лицензион йигим кимматли тошлар ва кимматли металлар | Бир ойлик савдо учун энг кам иш ҳақининг 3,5 баравари |
| Автотранспорт сакчаш жойларида пуллук хизмат учун ҳар ойлик йигим | Энг кам иш ҳақининг 8 баравари |

Маҳаллий соликлар ва йигимларнинг бюджетга тўлиқ тушишини ташкил қилиш маҳаллий молия органлари хамда солик инспекцияси ходимларининг зиммасидаги асосий вазифа хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солик кодексида маҳаллий бошқарув органларига кўрсатилган соликларни ўз ҳудудларида жорий қилиш, маҳаллий соликлар ва йигимларга (мол-мулк ва ер солигидан ташқари) имтиёзлар бериш хукуки берилган.

Республикамизда ҳар бир даражадаги бюджет даромадларининг ўз манбалари, шунингдек, жойлардаги ваколатли ҳокимият органларининг конунларида белгиланган доирада маҳаллий соликлар ва йигимлар солик ставкаларини ўзgartириш хукуки конун асосида мустаҳкамлаб кўйилган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроинқисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сон Қарори.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишининг айрим тоифадаги солиқ тұловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни хисоблаң чыкариш ва тұлашынғ, шунингдек, улар юзасидан солиқ хисоботини тақдим этишининг маҳсус қоидалари құлланылышини назарда тутади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлық соҳаси учун солиқ ва бошқа тұловлар борасыда құлайлық ҳамда енгилликлар яратып билан боғлик. Албатта, сүнгіті йилларда хұжалик субъектлари учун ягона солиқ тұлови ставкасини 2005 үйлдегі 13 фойздан 7 фойзге тушириш ёки қарийб 2 баробар камайтырыш бүйінча күрілген чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлық ривожи учун катта имкониятлар туғедірмекі. Шу борада кириб келген 2011 үйлден бастап күрсаткычнинг 7 фойздан 6 фойзге туширилиши, ҳеч шубхасиз, давлатимиз томонидан ишбилармен ва тадбиркорларға күрсатылған янғын бир имтиёз бўлди.



7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлық субъектлари учун белгиланған солиқ ставкаси

Махаллий бюджет тушумини такомиллаштириш ҳисобига махаллий ҳокимият органдары үз худудларыда жойлашған корхоналар фаолиятининг самарадорлигини оширишдан манбаатдор бўладилар. Бундан ташкари, солиқларнинг тұлық ва үз вактида тұланиши устидан назорат қилиб туриш учун кизиқиши пайдо бўлади. Чунки, Республика бюджетига ушбу солиқлардан тушган умумий тушумдан белгиланған мөйөрлар асосида ажратма қилишдан кўра, мазкур худудда ушбу солиқлардан тушган тушумда үз улушини қонуний тартибда кафолатлаб кўйилиши афзal.

Махаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқлар ва йиғимларнинг бюджеттега үз вактида тұлық үтказилишини таъминлаш тұлов интизомини мустаҳкамлашны талаб этади. Бу вазифанинг тұлық ҳал этилмаганлиги солиқ сиёсати таъсирчанлиғи ва самарадорлигининг юкори эмас-

лигидан, соликларнинг барча функциялари тўлиқ бажарилмаётганлигидан далолат беради.

Маҳаллий бюджет тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаслиги давлат учун зарур бўлган даромадларнинг ўз вақтида шакланмаслигига вә бунинг натижасида маҳаллий бюджет харажатларини молиялаштиришда жиддий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Тўлов интизомини мустаҳкамлаш йўли билан бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш масаласи ўзининг тўлиқ ечимини топиши керак. Таҳлил маълумотларидан кўринадики, умумдавлат соликлари бўйича тўловсизлик даражаси юқориличига қолди. Бу эса умудавлат соликларини ундириш юзасидан солик инспекцияси ходимлари томонидан олиб борилаётган тадбирларнинг самарадорлик даражаси паст эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий соликлар бўйича солик боқимандалиги муаммосини ечиш учун:

- муддати ўтган солик боқимандалигининг ошишига олиб келадиган тўловлар механизмини амалиётда кўллашдан воз кечиш;
- маъмурий бошқарув аппаратига солик вакилларини киритиш билан алоҳида ишлар олиб бориш;
- соликлар бўйича қарзлари жуда кўп бўлган шароитда корхона ва ташкилотларга нисбатан банкротлик муолажасини кўллаш;
- мулкдорлар ва корхона раҳбарларининг бюджетга солик тўлаш масъулиятини белгилаш;
- солик боқимандалиги кўп бўлган солик тўловчиларнинг мулки юзасидан чора-тадбирлар кўллаш керак.

Бугунги кунда бюджетда солик юкини кўпайтириш хисобига даромадларни ошириш яхши самара бермайди. Шунинг учун солик имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бюджет процедураларини такомиллаштириш, шунингдек, маҳаллий, умумдавлат солик ва йиғимларини тўплашни таъминлайдиган тўлов интизомига риоя килиш хисобига маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш мумкин.

Солик сиёсатининг асосий йўналишлари ҳам давлат учун, ҳам бозор қатнашчилари фаолият кўрсатиши учун шароитни таъминлаши керак, шунинг учун солик тизимидағи иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш зарур. Бунда солик ислоҳотларининг устувор йўналишлари маҳаллий бюджетлар даромад базасини кўпайтиришга қаратилган бўлишигина эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тадбиркорларнинг фаоллигини ошириши лозим.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасини кўпайтириш учун солик ислоҳотларини янада чукурлаштириш лозим. Жумладан:

- соликка доир хужжатларни соддалаштириш;
- соликка тортиш базасини кенгайтириш;
- солик ставкаларини қайта кўриб чиқиш;
- солик имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бекор килиш;

- бир хил солик базасига эга бўлган соликларни бирлаштириш;
- қонун ҳужжатларига риоя қилишда қаттиқ назоратни белгилаш;
- жисмоний шахслар ва корхоналарни солик тўлаш бўйича масъулиятини ошириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабхатарида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар бюджет-солик тизимида ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунининг қабул килингани бюджет сиёсатини амалга оширишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат килади. Вилоятларда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилиб, сезиларли натижаларга эришилмоқда, ишлаб чиқариш ҳажмлари баркарорлашмоқда, инфляция даражаси пасайиб бормоқда. Барча соҳалар қатори бюджет сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда молия тизими ходимларининг вазифалари ва масъулияти ҳам ошиб бормоқда.

Республикамизда бюджет сиёсатини олиб боришда солик ислоҳотларини чуқурлаштириш асосида маҳаллий бюджетлар тушумларини кўпайтиришнинг ўйлари изланмоқда. Жумладан:

- маҳаллий ҳокимият органларига бўйсунадиган корхона ва ташкилотлар хўжалик фаoliyatiining иқтисодий натижалари яхшиланмоқда;
- маҳаллий саноат, қурилиш, транспорт, савдо, маиший хизмат ташкилотлари маҳаллий ҳокимият органларига бўйсунади, яъни алоҳида тармокларни марказлаштирилган ҳолда бошқаришдан воз кечилмоқда;
- юқори бюджет томонидан маҳаллий бюджетларга дотация ва субвенция ажратишининг шартлари ўзгартирилмоқда;
- минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда, заёмлар чиқариш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга сотиш масалалари кўрилмоқда.

Солик йигиши жараёнини иложи борича арzonлаштириш керак, солик йигиши давлат томонидан ҳам, солик тўловчилар томонидан ҳам иложи борича кам сарф-харажат бўлиши кўзда тутилади. Ўзбекистон Республикасида бунинг учун соликларни макбуллаштириш, компютер технологияларини, солик тўловчининг харажатларини камайтириш мақсадида соликларга доир ахборотлар ишончлилигини билвосита назорат қилиш усусларини кўлаш билан соликка тортиш механизмини такомиллаштириш билан бир қаторда солик идоралари кошида сервис-марказлар тизими, шунингдек, соликка тортиш масаласи бўйича солик идораларининг бепул маслаҳатлари ташкил этилди. Чунки солик қонунчилиги мураккаблашганлиги сабабли, солик тўловчиларга мураккаб вазифаларни бажаришда ёрдам кўрсатишни тақозо этади.

6.4. Хорижий мамлакатларда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш тажрибалари

Мамлакат бюджетининг тузилиши, биринчи навбатда, давлат тузилишига боғлик. Унитар давлатлар бюджет тизими бюджет ресурсларини юкори даражада марказлаштириш ва маҳаллий бюджетларнинг ҳукук ва маъжбуриятлар даражаси камлиги билан ажралиб туради. Федерал тузилишига эга давлатларда эса бюджет тизими маҳаллий бюджетларнинг нисбатан мустақиллиги ва ваколат доирасининг кенглиги билан ажралиб туради. Бюджет тизими бир неча даражалардан иборат бўлиши мумкин, ушбу даражалар сони у ёки бу мамлакатнинг бюджет тузилиши билан белгиланади. Унитар давлатларда – Франция, Италия, Япония, Буюк Британияда икки даражали тизим, Федератив давлатларда – уч даражали тизим мавжуд – Россия, АҚШ, Германия. Унитар давлатлар бюджет тизими икки поғонали бўлиб, алоҳида солик турлари мос равишида марказий ва маҳаллий соликларга бўлинади. Федератив давлатларда (АҚШ, Германия, Канада) уч бюджет поғонасига мос равишида уч поғонали – федерал, худудий, маҳаллий соликлар мавжуд.

Хорижий мамлакатларда турли даражадаги бюджетлар ўргасида даромадларни тақсимлашнинг кўплаб усусларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу усуслар бюджет автономияси даражасига, уларни амалиётта жорий этишининг мураккаблик даражасига, шунингдек, худудлараро қайта тақсимоти даражасига кўра бир-биридан фарқ қиласди.

Жаҳон тажрибасида даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўргасида тақсимлаш ваколатининг асосан уч шакли кенг қўлланилади.

– солик манбаларини бюджетлараро тақсимлаш ва улардан алоҳида фойдаланиш;

- федератив бюджетда даромадларнинг бир қисмини тақсимлаш;
- солик солишида бир манбадан биргаликда фойдаланиш.

Турли давлатларда ҳар хил моделлардан фойдаланилади. Германия моделида олинган солик тушумларининг федератив бюджет ва маҳаллий бюджетлар ўргасида бўлиниши устунликда ишлатилади. Айни вактда Канада ва АҚШда эса солик тушумларининг бўлиниши қўлланилади. Масалан: мол-мулк солигидан Германия, Россия, Канада ва АҚШда солик тўловларидан алоҳида фойдаланиш модели асосида амалда иш юритилади. Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини жорий қилишда Россия, Канада ва АҚШда солик манбаларидан биргаликда фойдаланиш модели ишлатилса, Германияда олинган солик даромадларининг бўлиниши қўлланилади. Россияда бюджет тизимининг турли даражаларни ўргасида солик ваколатларини тақсимланишининг уч усули расман қўлланилади. Асосий соликлар бўйича тушумлар турли хил бўғиндаги бюджетлар ўргасида тақсимланади. Жисмоний шахслардан даромад солиги федерал ва худудий бюджетлар бўйича тенг улушда (42,5% дан) ва қолдиқ (15%) маҳаллий

бюджеттега ўтказилади. ГФРда кўшилган киймат солиги асосий назорат солиги ролини ўйнайди, чунки харажатлар қайта тақсимланганда федерал ва ҳудудий бюджетлар КҶС умумий тушуми миқдори ўзгариши катта таъсир кўрсатади.

АҚШда бюджет-солик сиёсатининг амалга оширилишида бюджет воситаларининг шаклланиши ва харакатланиши марказий ўринни эгаллайди. Ҳар қандай мамлакатнинг бюджет тизими ундаги давлат тизимининг қандай шаклланишига чамбарчас боғлиқ. Федерал бюджет – АҚШ молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хисобланади. АҚШнинг бюджет тизими ҳакида гап кетар экан, авваламбор, унинг ўта мураккаблиги кўзга ташланади. АҚШ молия тизимида етакчи ўринни бюджет тизимининг 60 фоиз даромад ва харажатларини амалга оширувчи Федерал бюджет тизими эгаллайди. АҚШда федерал бюджет давлатнинг иқтисадий ва ижтимоий муносабатларини тартибга солиб турувчи асосий восита хисобланади. Америка Кўшма Штатлари 50 та штатдан иборат федератив республика хисобланади. Ҳар бир штат ўз конституциясига эга, ҳар бир штат ичида одатда, округ ва шаҳар, шаҳарча ёки кишлок сифатида белгиланган.

Конституция Штатлар хукуматлари ва маҳаллий ҳокимият органларининг автономлигини кафолатлади. Маҳаллий ҳокимият органлари Штатлар хукуматининг бўлинмалари хисобланади. Маҳаллий соликлар ва бошқа тушумлар миқдори жойларда аникланади ва уларнинг миқдори Штатлар томонидан белгиланади. Штатлар савдо солиги, автомобиль эгаларидан тушумлар, мол-мулк солиги, турли комиссиян тўловларни бошқаради. «Федерал хукумат Штатларга ва маҳаллий ҳокимият органларига хукумат хизматларини амалга ошириша кўмаклашиб мақсадида грантлар ва солик субсидияларини тақдим этади. Штатлар ва муниципал ҳокимият органлари ўз қарзлари бўйича жавобгардирлар. Федерал хукумат, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўп режалидир. АҚШда йирик ва доимий тушумга эга бўлган соликлар Федерал бюджеттега йўналтирилади. Федерал харажатлар умумдавлат харажатларининг таҳминан 60 фоизини ташкил этади, қолган 40 фоизи штатлар ва маҳаллий ҳокимият идораларининг бюджетларига тўғри келади. Штатлар бюджетларига солик тушумларининг умумий ҳажмида жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган даромад солиги 39,0 фоизни, маҳсулот сотишдан олинадиган солик 49,0 фоизни, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиги 2,0 фоизни, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарганлик учун табиий ресурсларниң мулқдорлари томонидан тўланадиган солик 2,0 фоизни, лицензияларидан фойзи билан шуғулланиш хукуқини берганлик учун олинадиган лицензия йиғимлари 6,0 фоизни ташкил этади. Муниципал маъмурлар жисмоний шахсларга даромад соликлари, акцизлар, компаниялардан лицензия йиғимлари, касб учун солик, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарганлик учун солик, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солик солиши мумкин. АҚШ бюджет тизимига хос бўлган рағбатлантирувчи ёндашув бошқа ҳар қандай тизимга нисбатан кучлироқдир.

Бундай ёндашув факат иктисодиётга эмас, балки жамият ҳаёгидага хам жараёнларчынг самарали ривожланишини таъминлайды.

Буюк Британия давлат молияси Давлат бюджети, махсус фондлар, маҳаллий молия, давлат корпорациялари молиясидан иборат. Бюджет тизими молия тизимининг етакчи бўғини бўлиб, у мазкур давлат тузилиши шаклига мувофик, давлат бюджети ва кўп сонли маҳаллий бюджетлардан ташкил топган. Бошқа давлатлар сингари Буюк Британияда бюджет тўғрисидаги асосий қонун мавжуд бўлиб, ҳар йили ҳукуматга муҳокама учун тақдим этилади. Молия вазири Парламент олдида жорий йилда иктисодиётнинг ривожланиш натижалари ва келгуси молия йилида ҳукуматнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳусусида маъруза қиласди. Маърузада давлатнинг жорий харажатларини молиялаштириш учун ҳукумат томонидан янги солик тўловларини жорий қилиш, солик сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш каби масалалар янада аниқлаштирилган ҳолда ўз аксини топади.

Буюк Британия молия тизимининг учинчи бўгинини маҳаллий молия ташкил этади. Улар иктисодий муносабатлар тизимини ўзида акс эттириб, тегишли ҳудудларни ижтимоий ва иктисодий жиҳатдан ривожлантириш учун умумдавлат ва маҳаллий молия ресурсларини тақсимлаш амалга оширилади. Буюк Британия маҳаллий ҳокимият органларининг харажатлари умумдавлат харажатларининг 25 фоизини ташкил этади. Харажатлар, асосан, таълим соҳасига, қонун ва ҳукуқ, тартибот, ижтимоий хизматлар, атроф-муҳитни асрарш, йўллар ва транспорт соҳаларига йўналтирилади. Бундан ташқари, маҳаллий молия ҳўжалик субъектлари ва ҳудудий бюджетдан ташқари фонд маблағлари ҳисобига ҳам шакланади.

Франциянинг маҳаллий солиқлари ичидаги касб солиғи, уй-жой солиғи, курилиши ва иморатларга солинадиган ер солиғи алоҳида аҳамиятга эга. Касб солиғи юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланади. Соликни ҳисоблаш учун иккита элемент йигиндинини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланган солик ставкасига кўпайтириш асосида амалга оширилади. Бу икки элемент бўлиб, солик тўловчи касб фаолиятида ўз эҳтиёжи учун фойдаланадиган кўчмас мулкнинг ижара киймати ҳамда солик тўловчининг ўз ишчиларига тўлайдиган иш ҳаки ва солик тўловчи оладиган даромаддан аниқ бир фоиз ҳисобланади. Уй-жой учун соликни мулк эгалари билан бир қаторда ижарачилар ҳам тўлайди. Юқорида изохланган солиқлардан ташқари, маҳаллий ҳокимият органлари бошқа маҳаллий солиқлар ва йигимлар, божларни ўз ҳудудида жорий қилиш ҳукуқига эга.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджет даромадлари, молия тизими, солик боқимандалиги, бюджетчаро муносабатлар, солиқларни тақомиллаштириши, маъжбурий тўловлар, солик имтиёзлари, биринчирилган даромадлар, унитар давлатлар, солик тизими, бюджет даромадларини тақсимлаши.

Назорат саволлари:

1. Махаллий бюджет даромадларининг аҳамияти нималардан иборат?
2. Махаллий бюджет даромадларининг маёнбалари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ҳакида нима дея оласиз?
4. Махаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ органларининг қандай вазифалари мавжуд?
5. Махаллий бюджет даромадларини бошқаришида молия органларининг вазифалари нималардан иборат?
6. Махаллий бюджет даромадларини шакллантиришда тартибга солувчи солиқларнинг ўрнини кўрсатинг.
7. Германияда солиқ даромадларининг бўлиниши қандай амалга оширилади?
8. АҚШ молия тизимида маҳаллий солиқларнинг ўрнини қандай баҳолайсиз?
9. Буюк Британия молия тизими ҳакида нима дея оласиз?

7-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

7.1. Махаллий бюджет харажатларининг аҳамияти

Хўкуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вактида қабул қилинган хужжатларда, аввало, мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий кўллаб-куватлашга қаратиган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди.

“Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-куватлаш тадбирларида, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга кўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тудги. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юқдан ҳалос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий микдори 1 трилион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, кўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди”¹.

«Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик мухим стратегик аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришга бутун зарурат йўқ, деб ўйлайман. Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун куйидаги ракамларни келтириб ўтмокчиман. Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг хиссаси атиги 14,2 фойзни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фойзни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишида 7,7 ва 12,4 фойзни ташкил этди, хизматлар бўйича бу ракам 37 фойздан 49 фойзга ўсди. Кишлөк хўжалигининг улуши эса 30,1 фойздан 17,5 фойзга тушди»². Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юкори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровоилитини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон”. 2010. 39-б.

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровоилитини оширишга хизмат қиласди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуплари ва 2011 йилга мўлжалланган энг мухим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи. // “Халқ сўзи”. 2011 йил. 21 январь.

Мамлакатда худудлардаги иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши маҳаллий бюджетлар харажатлари кисмидаги ўзининг ёркин ифодасини топади. Маҳаллий ҳокимият органларининг асосий вазифаси шу минтақадаги иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Туманлар ва шаҳарларда аҳоли сонининг ўсиши, туаржой-коммунал хўжаликни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўсишини талаб этади. Маҳаллий бюджет харажатларининг ўсиши янги куришишлар, туаржой ва маданий-майший объектларни сақлаш харажатларининг ўсиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганлариdek, хайётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли – марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг куйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб боришини таъминлаштириш. “Мамлакат бюджети даромад кисмининг 56 фоизини ва харажат кисмининг 52 фоизини худудий бюджетлар ташкил этмоқда. Агар барча бошқарув масалалари молиявий йўл билан ҳал этилишини назарда тутадиган бўлсак, мана шу рақамлар худудий ҳокимият тузилмалари ваколатларини кенгайтириш борасида қилинган ишлар салмоғини яққол кўрсатиб турибди”³.

Республикамида ЯИМни бюджет орқали тақсимлаш, бир вактнинг ўзида ўзаро боғланган ва маълум даражада мустақил бўлган уч босқичга эга:

- давлат миқёсида пул жамғармаларини шакллантириш;
- худудий мақсадларга мўлжалланган кўп сонли турли даражадаги бюджет жамғармаларини яратиш;
- маҳаллий бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш.

Маҳаллий бюджетлар орқали маҳаллий худудларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантириш молиявий манбалар билан таъмишлаб борилади. Маҳаллий бюджетлар харажатларининг кейинги йилларда ўсиб бориши уларнинг давлат бюджетидаги салмоғининг ҳам ошиб боришига олиб келган, буларнинг сабаби, маҳаллий бюджетлар томонидан олдинги йилларда республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилган таълим харажатлари ошиди. Буни ўрта маҳсус ўкув юртлари харажатларини молиялаштирилишининг ортиши, давлат капитал кўйилмаларининг маҳаллий бюджетлардаги ҳажмининг ортиб бориши ҳисобига ҳамда аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган тадбирлар харажатларининг сезиларли даражада ўғсанлиги билан изоҳлаш мумкин.

Давлат ўз вазифаларини бажариш жараённада бир катор харажатлар килиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция килиш учун мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтириш учун

³ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари. 2002 йил 30 август.

режалаштирилган, ижтимоий вазифаларни бажаришга ажратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга қаратилган харажатлардан иборат. Ушбу умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади.

Бюджет тизимиning барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланади, бу эса у ёки бу харажатларнинг муайян бюджетга киритилишини англатади. Бу, биринчидан, молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки муассасанинг республика ва маҳаллий органларга карашли бўлиши, иккинчидан, молиялаштириладиган тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқади.

Маҳаллий бюджет маблағларининг эгаси сифатида амалдаги меъёрий хужжатларга асосланиб, умумий ҳажми бюджет конунчилигига белгиланган миқдорда пул маблағларини ажратади. Бюджет харажатларида давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, молия ва ғазначилик органлари орқали таъсири тегишли маблағларга эҳтиёж сезилиган пайтдан бошлаб уларни сарф-харажат килгунга қадар бўлган бутун давр мобайнида юз бериб туради.

Маҳаллий бюджет харажатлари объектив иқтисодий категория бўлиб, икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, иқтисодиёт тармокларини молиявий таъминлашга қаратилган харажатлардан иборат. Иккинчидан эса, бу харажатлар корхоналарнинг ва жисмоний шахсларнинг даромадидан ташкил топади. Харажатларни бюджет маблағлари хисобига коплаш соҳасидаги хукуқий муносабатнинг биринчи қатнашчиси бу – давлат манфаатларини ифода этувчи ва давлат номидан маблағларини берувчи молия ташкилотидир. Бюджет харажатларининг айрим турларини белгилаш, чораклар бўйича тақсимлаш, бюджет маблағларидан тўғри ҳамда самарали фойдаланиш устидан назорат олиб бориш молия ва ғазначилик идоралари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет орқали молиявий таъминлаш борасидаги муносабатлар иштирокчиларидан бири – ғазначилик органлари хисобланади. Ғазначиликда бюджетдан молиялаштирилувчи ташкилотлар учун хисобракам очилади. Ғазначилик бюджетнинг касса ижросида ва молиявий интизомга риоя этиши юзасидан назоратни амалга оширишда иштирок этади. Ғазначиликка ўтилишидан аввал бюджет харажатларини амалга оширишда бир катор камчиликлар бўлди. Хусусан, бюджет маблағларининг хисобидан согиб олинидиган товарлар баҳосини сунъий равишда ошириш, бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳоллари кўп учради.

Бюджет орқали молиялаштиришнинг учинчи иштирокчиси бюджет маблағларини тақсимловчи бюджет ташкилоти хисобланади. У ўз корхонаси учун ажратилган бюджет маблағларини тасарруф қиласди. Республика молиялаштиришнинг амалга оширишда маҳаллий бюджетлар харажатларининг давлат бюджети харажатлари таркибидаги улушнинг ошиб бориши кузатилмоқда.

“Ғазначилик ўзининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда давлат бюджетининг газна ижросини амалга оширадиган маҳсус ваколатли молия

органи хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги тизимига бевосита унга бўйсунадиган Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Газначилик бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) Газначилик бўлимлари киради⁴. Газначилик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошка органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бюджет ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда бевосита ва ўзининг ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширади.

Бюджет маблағларининг тақсимловчилари, тақдим қилинган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китобни амалга оширувчilar – бюджетдан маблағ олувчилардир ёки бюджет ташкилотларидир. Бюджет амалиётида маблағларни сарфлаш жараёни уч босқичга бўлинади. Тасдиқланган бюджет маблағларини олувчиларга етказиш босқичида Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тасдиқланган микдори етказилади. Бу босқичнинг асосий вазифаси - харажатларни амалга оширишдаги мажбуриятларни қабул қилишда бюджет ташкилотларига бюджет мажбуриятларининг лимитини белгилаш ва етказишдир. Бюджет мажбуриятларининг лимити – бюджет ижросини амалга оширувчи, бюджет маблағларини тақсимловчи ва олувчи органлар учун аниқланган ва тасдиқланган бюджет мажбуриятларининг йигиндисидир.

Бюджет ташкилотларининг молиялаштириш лимити - жорий молия йилида бериладиган пул маблағларининг чегарасидир. Бюджет ташкилотлари фақат юкори бюджет маблағларини тақсимловчilar томонидан чегаралangan маблағларни сарфлашни амалга ошириш хуқуқига эга бўлишлари керак. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш режасининг хажми давлатнинг бюджетдан маблағ олувчига бюджет мажбуриятларини қабул қилиш хуқуқининг берилishiдир.

Бюджет харажатларини кассали ижро этиш босқичида белгиланган тартибда ва чегаралangan маблағлар доирасида, тасдиқланган харажатлар сметасига асосан қабул қилинган бюджет мажбуриятлари тўлови амалга оширилади. Давлат бюджетидан мажбуриятлар тўлови белгиланган тартибда расмийлаштирилган бюджет маблағи олувчилари тақдим қилган ва бюджет мажбуриятлари ижросини тасдиқловчи хужжатлар асосида харажатлар амалга оширилади.

Коракалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари тасдиқланган бюджет доирасида харажат килинади. Коракалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида куйидагича амалга оширилади:

⁴“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартағи 53-сон қарори билан тасдиқланган.

1. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида.

2. Жорий бюджет трасферлари шаклида.

3. Капитал харажатлар шаклида.

– асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлик ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

– давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган хукуқни ва бошқа номоддий активларни олишга.

4. Конун хужожатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Давлат бюджетининг касса даромадлари бюджет хисобига ҳақиқатда келиб тушган даромадлардир. Касса даромадлари бюджет даромад қисмисининг ижроси даражасини белгилайди. Шунинг учун ҳам бюджет даромадларининг тушуми ҳақида факат касса даромадлари бўйича баҳо берилади. Газначилик бюджетда кўзда тутилган харажатлар чегарасида маблағ беради. Бюджет маблағлари накд пул ҳамда пулсиз хисоб-китоблар йўли билан берилishi мумкин. Бюджет кассасидан берилган суммалар бюджетнинг касса харажатлари деб аталади. Бюджет маблағлари хисобидан ҳақиқатда қилинган харажатлар суммаси ҳақиқий қилинган, аммо ҳали тўланмаган харажатлар давлат бюджетининг ҳақиқий харажатлари дейилади. Бюджетнинг ҳақиқий харажатлари молия органларида хисобга олинади. Ҳақиқий харажатлар хисоби бюджет ташкилотларида ва хўжалик юритувчи субъектларда олиб борилади. Молия органлари касса харажатлари ҳақида маълумотларни газначилик органларидан, ҳақиқий харажатлар ҳақида маълумотларни эса бюджет ташкилотларидан олади. Касса ва ҳақиқий харажатлар бюджет ижроси жараёнининг турли босқичларини тавсифлайди. Молия органлари бюджет ижросининг касса даромадлари ва харажатлари кайд этади.

Бюджет ташкилотларининг харажатлари касса харажатлари ва ҳақиқий харажатларга бўлинади. Касса харажатлари бюджет ташкилотининг газначилик томонидан накд пул ва пулсиз хисоб-китоблар йўли билан тўланган харажатлардир. Ҳақиқий харажатлар бюджет ташкилотини саклашга бюджет маблағлари хисобидан қилинган харажатлардир. Бюджет маблағлари хисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатларни ташкил қилувчи суммалар ва хисобланган ёки амалга оширилган, лекин ҳали тўланмаган харажатлардир.

Маҳаллий бюджетлар харажатларини режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги режадаги даромадларидан келиб чиқади, худудлар эса ўз харажатларини режалаштиришда эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бюджет жараённада маҳаллий бюджетларнинг энг мақбул харажатлари режаси аниқланади, бу режа эса бюджетнинг даромадлар базасидан келиб чиқади. Баъзи салбий холатларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий бюджетлар харажатлари мөъёр асосида амалга оширилади. Хозирги босқичда маҳаллий бюджетлар харажатларини жон бошига тўғри

келадиган мөйөрлар асосида соҳалар бўйича аниқлаш, бунда туман коэффицентларини хисобга олиш энг оддий ва альтернатив усулга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва молия органлари давлат бюджети хамда унинг тузилмасига кирувчи маҳаллий бюджетларнинг конун хужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Бюджет харажатларига маҳаллий бошкарув органлари томонидан тегишли маблағларга эҳтиёж сезилган пайтдан сарф-харажат бутун давр давомида юз берib туради. Харажатларни режалаштирища амал килиниши лозим бўлган коидалардан бири – бюджет маблағларини таксимлашда мақсадли молиялаштириш ва барча даражадаги бюджет маблағлардан самарали фойдаланишга эришиш учун пул маблағларини таксимлашда мутаносибликка амал қилишдан иборатдир.

Республикамизда мавжуд бюджет харажатларини режалаштириш тизими хозирги долзарб муаммоларнинг ечишилишида мухимдир. Маълумки, бюджет лойихасининг тузилишида бюджет ташкилотлари бюджетдан маблағ олиш учун ўзларининг ҳақиқий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бюджет сўровига талабнома тузиб, молия органларига тақдим этадилар. Худудий молия органлари олинган талабномалар асосида маҳаллий бюджет лойихасини тузадилар. Лекин бюджет жарёнининг кейинги босқичларида, маблағ ажратилишида исботланган ҳақиқий эҳтиёжлар эмас, олдинги йиллардаги ҳақиқий харажатлар ҳал этади (иш хаки ва ажратмалардан ташқари). Амалиётда бюджет харажатларини режалаштирилиш амалиётида, базавий харажатлар кўзда тутилаётган инфляция даражаси микдорида индексацияланади. Яъни, жорий даврга маблағ ажратишнинг асосий услуби бўлиб, олдинги йилнинг харажатлар базаси бўлиб хизмат киласи. Бу эса маҳаллий бюджет маблағларини бюджет ташкилотлари томонидан тежажали сарфланшишига рағбатлатиrmайди.

2.7. Маҳаллий бюджет харажатларининг тарқиби тузилиши

Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар тарқиби бир хил бўлмайди, шу минтақадаги турли даражадаги ташкилот ва идораларнинг ҳажмига боғлиқ. Шунинг учун вилоят, шаҳар, туман бошкарув органларига бўйсунадиган маҳаллий саноат, тураржой-маиший хўжалик, савдо муассасаларининг маҳаллий бюджет харажатларидаги салмоғи анчагина. Вилоят, шаҳар, туман бошкарув органларига асосан ижтимоий-маданий муассасалар бўйсунади, шундан келиб чиккан ҳолда, маҳаллий бюджет харажатларининг 60 – 80 фонзи ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Республикамизда бюджет тизимида олиб борилаётган ўзгаришларда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган иқтисодий-ижтимоий соҳа харажатларини ўз вақтида молиялаштириш масалалари туради.

Коракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан конун хужжатларида белгиланган тартибда куйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт;
- ижтимоий таъминот;
- аҳолини ижтимоий ҳомоялаш;
- Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

– иқтисодиёт тури тармокларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджет ташкилотларини сақлаш;

– қонун хужжатларига мувоғиқ, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

– қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар таркибида ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари жуда тез суръатларда фан, таълим, соғлиқни сақлашга харажатларнинг ошиши туфайли кўпаймоқда, бу эса шу бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий соҳа муассасалари кўпайиши ва илмий текшириш ишларининг кенгайиши, маъмурий-худудий комплекснинг ривожланиши, маҳаллий хўжаликни бошқаришнинг автоматлаштирилиши билан бөглиқ. Бугунги кундаги бюджет харажатлари бўйича ваколатлар бўлиб қўйилган.

Куйидаги жадвалда маҳаллий бюджет харажатларининг 2006–2010 йиллардаги динамикаси таҳлили кўрсатилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджетидаги салмоғи ошиб борган. Маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджетидаги салмоғи 2006 йилда 2293638,8 млн. сўмга, 2010 йилда 7804723,7 млн. сўмга тенг бўлган. 2006 йилда маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджетидаги нисбатан салмоғи 53,8 фоиз бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 52,0 фоизга тушган, лекин 2008 йилда 55,5 фоизга кўтарилган, 2009 йилда 57,1 фоизни ташкил этган, 2010 йилда 56,8 фоизга тенг.

6-жадвал.

Маҳаллий бюджет харажатларининг 2006–2010 йиллардаги динамикаси таҳлили

(млн. сўм)

| Харажатлар | 2006 йил | | 2007 йил | | 2008 йил | | 2009 йил | | 2010 йил | |
|--------------------|-----------|------|-----------|------|-----------|------|------------|------|------------|------|
| | милодори | % | милодори | % | милодори | % | милодори | % | милодори | % |
| Давлат бюджети | 4263269,3 | 100 | 5334229,1 | 100 | 7453076,9 | 100 | 10913026,4 | 100 | 13732502,5 | 100 |
| Республика бюджети | 1969630,5 | 46,2 | 2560429,9 | 48,0 | 3315911,8 | 44,5 | 4677738,0 | 42,9 | 5927779,0 | 43,2 |
| Маҳаллий бюджет | 2293638,8 | 53,8 | 2773799,1 | 52,0 | 4137165,1 | 55,5 | 6235288,0 | 57,1 | 7804723,7 | 56,8 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари.

Ўзбекистоннинг мустакиллик йилларидағи ислоҳотларнинг дастлабки боскичларида, Республика бюджети маҳаллий бюджетларидан устун мавқеда турди. Бирок, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида долзарб масала бюджет компонентларнинг ўзаро муносабатлари хақида эмас, балки Республика бюджетининг функционал ролини қисқартириш ва маҳаллий бюджетларнинг асл функцияларини шакллантириш масаласи бўлди.

2.2. Маҳаллий бюджеттада ижтимоий-маданий тадбир харажатлари

Иқтисодиётни модернизациялаш маҳаллий бюджетнинг ижтимоий ўйналтирилган харажатларини кўпайтириш, фуқароларнинг ижтимоий химоя қилинишини кўпайтириш, кенг кўламли ижтимоий дастурларни маблаг билан таъминлаш манбалари билан оқилона уйғулаштириб боришни тақозо этади. Мамлакатда ЯИМ бюджет ёрдамида тақсимланади ва давлатнинг ижтимоий зарурий харажатларини молиялаштиришга ўйналтирилади. Давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсати маҳаллий бюджетлар орқали устун равицда амалга ошириб борилади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида маҳаллий бюджет харажатларининг давлат бюджетидаги ҳажми ошиб борди. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари ошиб бориши билан бирга харажатлар таркибида ҳам ўзгаришлар амалга оширилади, бу давлат томонидан олиб борилаётган молия-бюджет сиёсати билан боғлиқдир. Маҳаллий бюджет харажатларининг асосий қисмини ижтимоий-маданий ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш харажатлари ташкил қиласди.

Ўзбекистон учун табиий ресурслар, сармояни жамғариш билан бирга инсон капиталига сарфланган маблаг – аҳолини ижтимоий химоя қилиш, қадрлар малакасини ошириш, соғлиқни сақлаш, таълим, касбга қайта тайёрлаш, илмий тадқиқотларга сармоялар йўналтириш иқтисодий юксалишининг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиздаги мураккаб демографик вазият ҳисобга олинади, аҳоли сони ўсишиниг юкори суръатлари ва аҳоли таркибида ёшларнинг катта улушкини ташкил этиши бюджетдан ижтимоий соҳадаги муассасаларга маблағлар сарфлаш кўрсаткичига таъсир қиласди. Шу муносабат билан ҳар йили ижтимоий соҳа эктиёjlари учун таълимнинг устуворлигини таъминлайдиган миқдорда маблағ ажратилишини кафолатлайди.

Инсонга муносаб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришда вазифанинг ижебий ҳал этилиши айнан ижтимоий-маданий соҳалар тараққиётiga боғлик. Шуни назарда тутган холда, ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий соҳа харажатлари асосан маҳаллий бюджетлардан молиявий таъминланади. Ижтимоий-маданий тадбирларни ўtkазиш ва бюджет ташкилотларини алоҳида харажатларнинг белгиланган меъёрларга асосан молиялаштириш ижтимоий-маданий тадбир харажатлари келгуси йил бюджет лойихаси параметрларига киритилади. Аҳолини ижтимоий химоялаш

тадбирларининг лойиха параметрларида кам таъминланган болали оиласларга тўланадиган нафакалар ва ахоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар учун фаркни бюджетдан қоплаш билан ифодаланади.



8-расм.Ижтимоий соҳа харажатларининг таркиби

Давлатнинг ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган харажатлари факат ижтимоий эмас, балки иқтисодий аҳамиятга эга, у жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга ёрдам беради, чунки давлат амалга ошираётган, аҳолининг барча катламлари манфаатларига даҳлдор бўлган иқтисодий фаолият натижалари ижтимоий соҳа харажатлари оркали рўёбга чикади. Шунинг учун «...Молиявий аҳвол қанчалик мураккаб бўлмасин, таълим, соғлиқни саклаш, фан ва маданият соҳасини кўллаб-куvvатлаш ва ривожлантириш учун зарур маблағ қидириб топилиши шарт»¹.

Ижтимоий-маданий соҳалар иқтисодиётнинг катта бир бўлаги ҳисобланади, жамият ва унинг аъзоларига номоддий хусусиятдаги хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириши билан шугулланади. Улар шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни кондиришга хизмат килади. Фуқароларнинг ижтимоий таъминотга бўлган ҳукуки асосий қонунимиз бўлган Узбекистон Республикаси Конституцияси томонидан кафолатланади. Ижтимоий ёрдам тизимини ҳукукий асосда барпо этиш ва бу борадаги қонунларнинг ижро этилишини молиявий таъминлаш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласининг устуворлиги, Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя килиш бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг энг устувор йўналиши сифатида тан олинди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов томонидан илгари сурилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири – аҳолининг демографик тарқибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳисобланади. Шу сабабли маҳаллий бюджетлардан аҳолининг кам таъминланган катламларига тўланадиган ижтимоий тўловлар ҳажми оциб беради. Ижтимоий соҳа харажатларининг 80 фоизи ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг 100 фоизи маҳаллий бюджетлардан амалга оширилади.

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. – Т.: “Ўзбекистон”. 1996. 143-б.

Ўзбекистон Республикасида бюджет ижросининг амалдаги ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий бюджетлар хукуматнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсатини амалга оширишда мавқеини янада кўтаришга сабаб бўлаётган қатор омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Барча даражадаги бюджет харажатларининг ошиши бозор муносабатлари шароитида кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши билан ҳам боғлиқ. Бу харажатлар жумласига ахолини ижтимоий химоялаш бўйича чоратадбирлар учун ажратиладиган харажатлар хисобланади, улар болали оиласлар ва кам таъминланган оиласларга бериладиган нафақалар ҳамда бюджет хисобидан ахолига ижтимоий аҳамиятдаги хизматларга кўйиладиган нерхлардаги фарқларни қоплаштируйчилаши.

3.4. Маҳаллий бюджетлар ўртасида харажатлар мажбуриятларининг тақсимланиши,

Бюджет тизими даромадларини тақсимлашнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини алоҳида бюджетлар ўртасида шундай қайта тақсимлашдан иборатки, улардан ҳар бири ўзига ажратилган барча харажатларни копладиган маблағлар билан таъминланган бўлиши шарт.

Бюджет амалиёти шуни кўрсатадики, харажатларни тақсимлашда ваколатлар бўлиниши, соликларни бириттириб кўйиш, куйи бюджетларга молиявий ёрдамлар тақдим этиш шакллари турличадир. Ўзбекистон Республикасида харажат ваколатларини аниқ бўлиб кўйиш тартиби харажатларни куйи даражадаги бюджетларга тақчилликни юклаш мақсадида қайта тақсимлашга имкон беради. Алоҳида харажатларининг самарасиз молиялаштирилишига ва кескин камайтирилишига олиб келади. Баъзи ҳолларда юкори бюджетдан маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ижро этиш устидан кучли назорат бўлишига қарамасдан масъулият ва жавобгарлик пасайди.

Харажат ваколатларини бўлиб бериш коидасига кўра, хукумат ҳар бир соҳани молиялаштирувда улушкини белгилайди, шунга кўра ахолини химоя қилиш харажатлари тўлиқ маҳаллий бюджет хисобидан амалга оширилади. Табиийки, аксарият ҳолларда маҳаллий бюджет маблағлари ушбу мақсадларга етарли бўлмайди, бу эса бюджет ссудалари оқимини кўпайнишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолатни бартараф этиш мақсадида молиявий маблағлар Республика бюджетидан мақсадли субвенциялар кўринишида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айrim харажатларни мақсадли молиялаштириш учун куйи бюджетлар хисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин. Бу тартибда қайта тақсимлашдан шу нарса яққол кўринадики, аксарият ҳолда

маҳаллий бюджетлар холати ҳеч қандай химояланмайди. Бундай вазиятда, маҳаллий бюджетлар күшимиш даромад топишдан кўра республика бюджети маблағларини қайта тақсимлашдан манфаатдор бўлиб қолади.

Давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг айрим турларининг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бажарилиши ғоят самарали бўлишини тасдиқлайдиган кўпдан-кўп илмий далиллар мавжуд. Кўпгина ҳолларда давлатнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги сиёсати, биринчидан, турли маъмурий-худудий бирликлар ўртасида фарқ килиши лозим. Иккинчидан, даромадларни қайта тақсимлаш ва макроинтисидий барқарорлаштириш соҳасида давлат сиёсати мақсадлари бу вазифаларни марказий ҳокимият органларига юклашни белгилаб беради.

Умуман олганда, давлат ҳокимияти даражалари ўртасида ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги концепциялар кўпгина мунозараларга сабаб бўлди ва ижтимоий сектор иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги боскичида ҳам ўз аҳамиятини саклаб келмоқда.

Ҳозирги кунда илмий тадқиқотчилар бюджет тизимини бошкаришнинг асосий муаммоларидан бири -- бюджети тизими даражалари ўртасида харажатлар ваколатларини тақсимлаш муаммосидир деб хисоблайдилар. Бюджет федерализм соҳасидаги тадқиқотчилардан бири А.Токвиль ўз асарида давлат ҳокимиятининг турли даражалари ўртасида харажатлар мажбуриятини тақсимлашнинг асосий тамойилларини аниқлаш орқали янада ойдинлаштиргди. Харажатлар мажбурияятларининг бир қисми бюджет тизимининг кўйи даражаларига берилиши шарт, чунки мустақил бюджетларни бошқарадиган ҳокимият органлари мавжуд. Бунда турли даражадаги ҳокимият органларининг асосий функцияларидан бири ушбу маъмурий-худудий бирлик резидентларининг талаб-ҳошишларига мувофиқ ҳолда, маҳаллий ижтимоий неъматларни тақсимлашдан иборат. Фукаролар маъмурий-худудий тузилманинг турли бўгинларида таклиф этилаётган кўп турли ижтимоий неъматлардан ўзлари учун энг мақбулини танлаб олиш имконига эга бўладилар. Кўпгина ҳолларда давлатнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги сиёсати, биринчидан, турли маъмурий-худудий бирликлар ўртасида фарқ килиши лозим. Иккинчидан, даромадларни қайта тақсимлаш ва макроинтисидий барқарорлаштириш соҳасида давлат сиёсати мақсадлари бу вазифаларни марказий ҳокимият органларига юклашни белгилаб беради деб қаралади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, Россия Федерацияси Конституциясига мувофиқ, Россия Федерацияси ва РФ субъектларининг турли соҳаларда ишларни олиб бориш ва ваколатларини чегаралаш бюджет федерализми асосларини тацкил этади. Россия Федерациясида бюджет федерализмiga асосан алоҳида иш олиб бориш соҳалари қуидагилардан иборат:

– Федерал давлат мулкини бошқариши;

– федерал сиёсат ва Россия Федерациясининг иқтисодий, ижтимоий, экологик, маданий ривожлантириш бўйича федерал дастурлар асосларини белгилаш;

– федерал бюджет, федерал солиқлар ва йигимлар, минтақавий ривожлантиришнинг федерал фондларини бошқариш.

Россия Федерацияси ва РФ субъектларининг бюджет федерализмiga асосан биргаликда иш олиб бориш соҳалари куйидагилардан иборат:

– умумий тарбия масалалари, таълим, фан, маданият, жисмоний тарбия ва спортни бошқариш;

– соғликни саклаш, оиласи, она ва болаликни химоя қилиш, ижтимоий таъминот, ижтимоий химоялаш;

– давлат мулкини чегаралаш;

– ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш.

Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш бўйича қадам босишида, аввало, бюджетлараро муносабатлар соҳасидаги ислохотларни баҳолаш мухимdir. Бюджетлараро муносабатлар механизмида бюджет федерализмини ривожлантиришга эътибор берилади. Турли даражадаги бюджетлар учун қандай давлат хизматларини молиялаштириш бўйича ваколатларни бериш ва қай даражада уларнинг зиммасига юклаш лозим деган масалага жавоб бериш мумкин, бу масаланинг ечимини харажатлар мажбуриятларини тақсимлашда давлат харажатларининг самарадорлигини тадқиқ этиш орқали излаш керак.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш даврида давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган соҳаларда иктисодий ислохотларни чукурлаштириш, бюджет маблағларидан самараали фойдаланиши назоратини такомиллаштириш керак. Давлат хизматининг айрим турларини маҳаллий ҳокимият органлари орқали тақдим этиш билан уларнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай ҳолда минтақада аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлайдиган давлат хизматининг таркиби ва сифати аникланиши керак. Мазкур муаммоларни ечиш учун давлат харажатларининг самарадорлигини ошириш бўйича турли мамлакатлардаги харажатлар мажбуриятларини тақсимлаш варианtlарини ўрганиш зарур.

Жаҳон амалиётида харажатлар мажбуриятларини тақсимлашнинг хилмаси хил моделлари ва шунга мос молиялаштириш механизmlари кўлланилади. Бунда ўз даромад базасидан ташқари ва бюджет тизимининг юкори даражасидан келадиган трансферларнинг бўлиши давлат ижтимоий хизматини кўрсатишда минтақавий ва маҳаллий ҳокимият органларининг юкори бюджетта боғликлigidан гувохлик беради. Хорижий тажрибалар кўрсатадики, трансферларга боғланиб колиши худудларнинг аҳоли талабистакларигагига жавоб берадиган бюджет сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мустакиллигини чегаралаб кўяди.

Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришга мос ҳолда харажатларни самараали бошқаришга йўналтирилган ташкиллй-хукукий муносабатларнинг йигиндиси яратилди. Бу муносабатлар маҳаллий бюджетнинг даромадлари ва харажатлари бўйича муаммоларни қамраб

олганлиги сабабли, Ўзбекистон шароитида бюджет тизимини бошқариш тизимидағи ислоҳотларнинг марказидан ўрин эгаллайди. Мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг ҳозирги шароитида асосий эътиборни бюджет тизимини бошқаришни ривожлантириш ва халқаро тажрибалардан самарали фойдаланишига қартиш мухим вазифалардир.

Республикамизда амалга оширилаётган иктисадий ўзгаришларни таъминлашдаги жараёнлар, жумладан, бюджет ижросининг бажарилишини қатъий таъминлашда, бюджетдан биринчи даражали устувор ижтимоий харажатларни молиялаштиришда ва бюджет маблағларидан максадти, самарали фойдаланишда бюджет ингизомини мустахкамлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда, ҳар қандай харажатлар мажбуриятининг уч таркибий кисмини қонун билан тартибга солиш, молиялаштириш ва маъмурий бошқаришга бўлининишига эътибор бериш зарур.

Таянч сўз ва иборалар

Маҳаллий бюджет харажатлари, ЯИМни бюджет орқали тақсимлаши, бюджет харажатларининг санарадорлиги, бюджет ташкилоти, бюджет ташкилотининг молиялаштириши лимити, газначилик органлари, ҳақиқий харажатлар, ижтимоий соҳа, харажатлар мажбуриятлари, бюджет федерализми, бюджет трансферлари .

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий бюджет харажатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида маҳаллий бюджет харажатларининг ўзгаришини тушунтиринг.
3. Қорақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари учун бюджетдан маблағлар ажратилиш қандай амалга оширилади?
4. Маҳаллий бюджет харажатлари таркибидаги ижтимоий соҳа харажатларининг аҳамиятини тушунтиринг.
5. Харажатлар мажбуриятларини тақсимлашда молия органларининг қандай вазифалари мавжуд?
6. Бюджет федерализми деганда нимани тушунасиз ва унинг бюджет харажатларига таъсири нималардан иборат?
7. Давлат бюджети ғазна ижросида бюджет ташкилотларининг назорати қандай амалга оширилади?
8. Маҳаллий бюджет харажатларини молиялаштиришда газначилик органлари фаолиятини тушунтиринг.

8-БОБ. БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ


8.1. Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий-ижтимоий мазмуни

Бюджет давлат учун зарур бўлган молиявий ресурслар микдорини акс эттиради ва шунга қараб мамлакатдаги бюджет-солик сиёсати белгиланади. Бозор муносабатлари «Давлат бюджети» ва «бюджетлараро муносабатлар» категорияларининг ҳам жиддий ўзгаришини зарурий шарт қилиб кўйди. У «Давлат бюджети», «бюджет тизими» «бюджет таснифи» «бюджет муносабатлари» ва «бюджетлараро муносабатлар» каби иқтисодий категориялар билан чамбарчас боғлиқ (9-расм). Бюджет муносабатларининг амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарурий моддий-молиявий базани шакллантириш билан аникланади. Давлат бюджети оркали жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир килишининг молиявий дастагига эга бўлади. Давлат бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида турли даражадаги бюджетда давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларининг молиявий асосларини яратади. Бюджетлараро муносабатлар дегандан бюджет жараёнида турли даражадаги бюджетлар ўртасида солир бўладиган иқтисодий-хукукий муносабатларнинг мажмуми тушунилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш шароитида бюджет тизимини бошқаришнинг хусусиятлари “бюджетлараро муносабатлар” категорияси билан аникланадиган йўналишда ўзгармоқда. Республикамизда ушбу категория билан ифодаланадиган турли даражадаги бюджет муносабатларининг шаклланиши 1992 йилдан ривожлана бошлади. Бунда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ажратилди, солик тизими шаклланди, бюджет тузилиши, бюджетлараро муносабатлар ва бюджет жараёни асослари аниклаштирилди.

Бюджет тизими давлат истеъмолининг молиявий асоси сифатида намоён бўлади ва давлат томонидан турли худудларда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш учун фойдаланилади. Бюджет тизимини тартибга солишда бюджетлараро муносабатлар тизимининг аҳамияти катта. Бюджетлараро муносабатлар тизими маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг худудлар солик салоҳиятидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш функциясини бажаради. Стандарт минимал давлат ижтимоий хизматлари бўйича харажатларни худудий тенглаштириш имкониятларини шакллантиради.

Бюджетлараро муносабатлар – давлат ҳокимият органлари ўртасидаги, бюджетни тартибга солиш қондларига асосан солиқлар ва бошқа тўловларни турли даражадаги бюджетларга тақсимлаш бўйича (бюджет тизимининг вертикаллари бўйича) маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасидаги муносабатлардир.



9-расм. Бюджет қурилишининг таркиби

Бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг зарурӣ элементи бўлиб қолди. Мазкур қонун қабул қилингунга кадар давлат бюджети маблағларини турли даражадаги бюджетлар ўртасида қайта тақсимлашниш аник усули кўрсатилмаган холда амалга оширилиб келинди. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конунида бюджет тизимининг таркиби, бюджет тизими тамойиллари, давлат бюджетининг тузилиши, ижро этиш тартиби, даромадларнинг манбалари ва харажатлар йўналишлари қамраб олинган. Шунингдек, турли даражадаги

бюджетлараро муносабатларнинг механизми аниқлаб берилган. Давлат бюджети маблағларининг исплатилиши юзасидан назорат ва хисобот тартиби берилган. Ушбу қонун бошқа давлатларнинг шунга ўхшаш қонуни билан маълум ўхашликларга эга бўлиб, бир вактнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими ва бюджетлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Конунида турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги маблағларни қайта тақсимлаш жараёнлари, қайта тақсимлаш усувлари ва қайта тақсимлашни амалга ошириш мезонлари айтиб ўтилди. Турли даражадаги бюджетлар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш юкори даражадаги бюджет орқали амалга оширилиши белгиланди.

Бюджетлараро муносабатлар механизми асосида умумдавлат аҳамиятидаги соликлар ва бошқа даромадларни тақсимлашда минтақаининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, минтақада давлат инвестиция дастурига мувофиқ капитал кўйилмаларнинг молиялаштирилиши ва маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлашда ўз даромадларининг етишмаслиги мезон қилиб олинади. Бюджетлараро алокалар кўйидаги тамойиллар асосида йўлга кўйилади ва муҳим вазифалар бажарилади.

- ўзаро жавобгарликни таъминлаш;
- барча бюджетларни тўлдиришнинг ягона усулини кўллаш;
- минтақалар даромадларини тенглаштириш;
- бюджетлар ўртасидаги молиявий муносабатларни максимал даражада қисқартириш;
- маҳаллий бюджетларни хукумат қарори асосида тўлдириб бориш;
- маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджетлар даромадларини оширишга қизиқишини кучайтириш;
- бюджетлараро муносабатлар ошкоралигини таъминлаш.

Турли даражадаги бюджетлар ўртасидаги бюджетлараро муносабатлар бюджет ресурсларини давлат ҳокимиятлари ўртасида тақсимлаш, қайta тақсимлаш ва марказлаштириш функцияларини бажаради. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатлар воситаларига Республика бюджети, маҳаллий бюджетлар тизими, соликларнинг бюджетлар ўртасидаги тақсимлаш тизими, бюджет (молиявий) трансферлар тизими, ўзаро хисобкитоблар тизими, давлат дастурлари, бюджет дотациялари, бюджет ссудалари ва бюджет субвенциялар киради. Бюджетлараро муносабатларни шакллантиришнинг марказий муаммоларидан бири – турли даражадаги бюджетларни баланслаштиришдан иборат.

Давлат бюджетининг ажралмас қисми бюджетлараро муносабатлар хисобланади. Уларни ташкил қилиш давлат тузилиши билан бевосита боғлиқдир. Ривожланган давлатлarda бюджетлараро муносабатлар тизими аллакачон ишлаб чиқилган, унинг айрим таркибий қисмлари вакти-вакти билан ўзгартириб турилади. Хорижий давлатларда бюджет муносабатларини барпо этиш ҳамда уни ислоҳ этиш янги тамойиллар ва шарт-шароитларга асосланади.

8.2. Бюджетлараро муносабатларни амалга ошириш механизми

Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида күйидеги йўллар билан қайта тақсимланади. Щуни таъкидлаш лозимки, қайта тақсимлашнинг бундай механизми кўпчилик мамлакатларда кўлланилади.

Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида күйидеги йўллар билан қайта тақсимланади:



юкори бюджетлардан қуий бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари бериш



бюджет ижроси жараённада пайдо бўлган ўзаро хисоб-китоблар бўйича маблағларни юкори бюджетдан қуий бюджеттага, шунингдек, қуий бюджетдан юкори бюджетта йўналтириш



бюджет ссудалари ажратиш.

10-расм. Давлат бюджети маблағларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш

Республикамизда бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солицда харажатларнинг республика бюджетидан молиялаштирилиши давлат бюджети маблағларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда, турли даражадаги бюджетлар харажатларини молиялаштиришда уларнинг ваколатларини аник ажратиб белгилайди. Шунингдек, Қоракалпогистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга доир чекланишларни белгилайди. Бу эса амалдаги конунларга биноан бюджет интизомини мустаҳкамлашга, бюджет маблағларини мақсадли тарзда, оқилона сарфлашга кўмаклашади.

Жаҳон амалиётида бюджет тузилишининг бир қанча моделлари мавжуд.

1. Биринчи модель бўйича марказий ва маҳаллий бюджетлар автоном, ўзини мустақил идора қилиш хукуқига эга, шу сабабли улардан ҳар бири ўз харажатларини тўлиқ қоплай оладиган ўз даромад манбаларига эга.

2. Иккинчи модель ўзининг асосий кўриниши билан биринчисига ўхшайди, лекин марказий бюджеттага маҳаллий бюджетларга нисбатан муайян тартибга солувчи роль мустаҳкамлаб берилади.

3. Учинчи модель бюджетлараро муносабатлар механизми ёрдамида барча бюджетларни ягона давлат бюджетига бирлаштиришни назарда тутади.

Маҳаллий бюджетларнинг харажатлари таркиби бевосита маҳаллий ҳокимият органларининг худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги вазифалари ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш масалаларини амалга ошириш билан белгиланди. Маҳаллий бюджетлар худудларда ижтимоий инфраструктурани саклаш ва ривожлантиришда, миллий даромадни ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари

ўртасида тақсимланишда ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда мухим ўрин эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегиши 2016 йил учун давлат бюджети тўғрисидаги қарори билан ўрнатилган меъёрларга асосланиб маҳаллий бюджетларга ажратмалар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қоракалпогистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айrim харажатларни мақсадли молиялаштириш учун куйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

Турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларнинг ҳар қандай кўринишдаги тақсимланиши вертикал(тиқ) ва горизонтал(бўйлама) номутаносибликка олиб келиши мумкин. Бюджетнинг вертикал номутаносиблиги маҳаллий бюджет харажатларининг ўз манбаларидан оладиган даромадларидан ошиб кетишидир. Бюджетнинг горизонтал дисбаланси эса, турли даражадаги бюджетларда даромад ва харажат қолдикларининг ўзгариб туришидир. Бюджет номутаносиблигининг мавжудлиги давлатларининг ўтиш давридаги хос хусусият эмас. Хусусан, горизонтал дисбаланс харажатлар хажмидаги таъсир кўрсатадиган иқтисодий активлик, табиий ресурслар ва демографик омилларнинг географик нотекис тақсимланиши оқибатидир. Республика бюджетидан, маҳаллий бюджетларга горизонтал ва вертикал дисбалансни тенглаштириш, текислаш мақсадида турли шаклдаги молиявий ёрдамлардан фойдаланиллади, булар дотация, субвенция ва ссудалардир.

Қоракалпогистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетларда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги вақтингчалик кассали фарқ айланма касса маблағи, юкори бюджетдан бериладиган бюджет ссудаси билан, ўтган даврда ишлатилмай қолган бюджет маблағлари ҳисобига копланади. Айланма касса маблағи меъёри – молия йилида Қоракалпогистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджет ҳисобваракларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган энг кам миқдоридир.

Айланма касса маблағи меъёри қонун ҳужжатларига мувофиқ, молия йили бошида Қоракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджет ҳисобваракларида белгиланган йиллик бюджет доирасидаги харажатларнинг, иш ҳаки ва унга ҳисобланадиган ажратмаларнинг ўн иккidan бир қисмини ташкил қиласидиган пул маблағларининг минимал миқдоридир. Шунингдек, марказлашган тадбирларни молиялаштириш мақсадида куйи даражадаги бюджетлар даромадига ажратмалар ажратадиган юкори даражадаги бюджетларда даромадлар марказлаштирилиши мумкин. Айланма касса маблағи ва ажратмалар меъёрининг хажми давлатнинг бюджет тизими тўғрисидаги қонунида белгиланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет тизимини бошқариш жараёнлари, бюджет сиёсатининг аҳамияти, бюджет жараёнларида

маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, молия ва бюджет сиёсати масалалари худудий иқтисодиёт тараққиётни маҳаллий бюджетлар аҳамиятини ошириш муаммолари ҳал этилади.

Мамлакатни модернизация қилиш орқали, кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари белгилаб берилди.

Иқтисодиётнинг изчил ҳамда барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларининг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффакият гарови ҳисобланади. Айни лайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хуносалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, дастурларини янада тақомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади. Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб ҳисобланади. Республикаизда 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инкиrozга карши чоралар дастури самарадорлигини баҳолашга катта аҳамият берилмоқда. Инкиrozга қарши дастур доирасида амалга оширилган тадбирлар қаторида бюджетлараро муносабатлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини мувофикаштириш жаҳон молиявий инкирози шароитида республика ва унинг худудларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу – жараёнлар давомида худудларда маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириб бориши талаб этади.

Жаҳон иқтисодиётни интеграциялашуви жараёнида Давлат бюджети самарали ижросини таъминлашнинг давлат тадбирлари ичida турли даражадаги маҳаллий бюджетларни бошқаришда ғазначилик тизимидан кенг фойдаланиш ва бюджет амалиётида шу асосда туб ўзгаришларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда¹.

Республикаизда “Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар Ягона газна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишинча республика бюджети, Коракалпогистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади”. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблаглари Ягона газна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади. Давлат бюджетига чет эл валютасида тўланадиган солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, бюджет ташкилотларининг чет эл валютасида тушадиган бюджетдан ташқари

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Конуни. 10-модда.

маблағлари, агар конун хужжатларидан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ғазначиликнинг банкдаги валюта хисобваракларига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона газна хисобварагидаги ва ғазначиликнинг бошқа банк хисобваракларидаги Давлат бюджети маблағларини Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек, Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вактинча жойлаштириш ҳамда улар хисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджеттга, бинобарин, давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқарип боради.

Ғазначилик — Давлат бюджетининг газна ижросини таъминлашнинг усули сифатида Давлат бюджети ва турли даражадаги бюджет даромадларини Ягона газна хисобварагида тўпланишини таъминлади, бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли сарфланишичининг назоратини амалга оширади. Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги хисобот Ғазначилик томонидан Ўзбекистон Республикаси ~~М~~ия вазирлигига тақдим этилади.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсангиз, «Россия Федерацияси Ғазначилигининг асосий вазифалари ва фундаменталари куйидагилардан иборат»²:

1. Турли даражадаги бюджетларни ташкиллаштириш, амалга ошириш ва назорат килишни кассанинг ягоналиги принципига асосан ғазначилик хисобракамларидан даромадлар ва харажатларни бошқариш.
2. Бюджетларро муносабатлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг молиявий муносабатларини тартибга солиш, жамғарма маблағларининг тушуми ва уларнинг ижроси юзасидан назорат.

3. Давлат молиявий ресурсларининг қиска муддатли прогнози ва ушбу ресурслардан тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида тезкор бошқарувни амалга ошириш.

4. Бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг ҳолати тўғрисида юқори ижро органларига хисобот бериш борасида маълумотларни тўтилаш ва таҳлил килиш.

5. Россия Федерациисининг Банки ва бошка биринчиликларни билан биргаликда ички ҳамда ташки қарзларни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиши.


6. Газначиликка оид тегишли қўлланмана ва йўрикномаларни ишлаб чикиш, бюджет таснифи лойихасини тайёрлаш.

Жойларда Ягона газна хисобвараги орқали ғазначилик тизимининг жорий қилиниши бюджетга тушумларни туширишнинг тезкорлигини оширади ва бюджет тизимининг турли даражадаги бюджетларига соликлар йигиш назоратини кучайтиради.

² Акперов И.Г., Коноплева И.А., Головач С.П. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. –М.: “Финансы и статистика”. 2002. –С.35.

8.3. Махаллий бюджет даромадларини шакллантиришда умумдавлат солиқларнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конунининг 5-моддасида бюджет тизимининг асосий тамойиллари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ бюджетларни шакллантиришда турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги ва давлат бюджети балансигини таъминлаши шарт. Тартибга солинадиган даромадлар бу юкори хукumat органлари томонидан куйи хукumat органларига конунчилик актлари (конунлар, қарорлар, низомлар, буйруклар) асосида бериладиган даромадлардир. Махаллий бюджетларнинг тартибга солинадиган даромадларининг умумий тузилишини куйидаги расмда кўриш мумкин.



11-расм. Тартибга солинадиган даромадлар

Умумдавлат соликларидан маҳаллий бюджетларга ажратмалар, яъни тартибга солинадиган соликлардан тўлиқ ёки кисман ажратмалар белтилаш тизими амал қиласди. Умумдавлат соликларидан маҳаллий бюджетларга ажратиш меъёрлари худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасида номутаносиблик келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади. Меъёрларни аниқлашда маҳаллий ва умумдавлат соликларнинг тушуши мумкин бўлган истиқболдаги миқдоридан ва маҳаллий бюджетларнинг минимал харажатлари истиқболларидан келиб чиқади.

Республика бюджети, Қорақалпогистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тегишли кабул килинган

бюджетлар доирасида ажратилади. Юкори бюджетлардан ажратиладиган субвенция ва дотациялар бошқа даромад туридан фарқ қилиб, бу даромад турлари йил бошида тасдиқланган режа миқдорида олинади, яъни бу даромад турларига йил давомида ўзгартириншлар киритилмайди. Кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетларнинг бу даромад турларининг (дотация ва субвенциялар) ўзига хос томонлари мавжуд.

Дотация (лотинча, *dotatio* – ҳадя, ҳайр-эҳсон) – бюджетни тартибга солиш усули сифатида ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солишнинг бошқа маблағлари, хусусан, тартибга солувчи даромадларидан ажратмалар этишмаган тақдирда харажатлар ва даромадлар ўртасидаги фаркни қоплаш учун юкори бюджетдан қуий бюджетта катъий суммада бегараз ва кайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағларидир. Ҳозирги кунда юкори бюджетлардан маҳаллий бюджетларга бериладиган дотациялар маҳаллий бюджетларнинг муҳим даромад манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Дотация услуги маҳаллий бюджетларнинг республика бюджетига мурожаат этиш лозимлигини билдиради.

Субвенция (лотинча, *subvenire* – ёрдамга келиш) – юкори бюджетдан қуий бюджетта муайян мақсадларда фойдаланиш шарти билан бегараз ажратиладиган пул маблағларидан иборат.

Бюджет ссудаси – юкори бюджетдан қуий бюджетта ёки Республика бюджетидан юридик шахс – резидент ёхуд чет давлатга кайтариб беришга асосланган ҳолда ажратиладиган маблағларидир. Коракалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаси шаклида хам молиявий маблағлар келиб тушади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Коракалпогистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуий бюджетлар хисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин. Маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириш бевосита уларнинг молия-бюджет хуқуқларини ошириш, уларга юкланган вазифаларни бажаришда етарли маблағлар билан таъминлашни талаб этади.

Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, ижтимоий инфраструктурани сақлаш ва ривожлантиришига давлат маблағларини таксимлашда алоҳида аҳамиятта эга. Бизнинг республикамизда хам маҳаллий бюджет даромадларини, маҳаллий соликлар ва йигимлар хамда умумдавлат соликларидан ажратмалар ташкил этади. Ажратмалар берилишида айнан турли дараҷадаги маҳаллий бюджетларнинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Қуидаги жадвалда Қоракалпогистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар ва Тошкент шаҳар бюджетининг даромадлари ва харажатлари, Республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган субвенциялар ва дотациялар миқдори кўрсатилган.)

**2010 йил Коракалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг
даромадлари, харажатлари, субвенция ва дотацияларининг мисоди**

| (млн.сўм) | | | |
|------------------------------|--------------------|--------------------|---|
| Худудларининг номи | Даромадлар | Харажатлар | Ижтимоний нафаркалар, марказалашган инвестишиялар ва иш заҳи фондларин ажратмалар учун субвенция |
| | | | Дотация |
| Коракалпоғистон Республикаси | 347957.663 | 510354.517 | 162396.854 |
| Андижон вилояти | 441842.010 | 639454.785 | 197612.775 |
| Бухоро вилоти | 457097.435 | 457097.435 | |
| Жиззах вилоити | 220771.615 | 325914.033 | 105142.418 |
| Кашкадарё вилоити | 711579.061 | 711579.061 | |
| Навоий вилоити | 306430.281 | 306430.281 | |
| Наманган вилоити | 248038.590 | 607399.968 | 198256.864 |
| Самарқанд вилоити | 550355.544 | 819489.240 | 269133.696 |
| Сурхондарё вилоити | 398009.389 | 633084.163 | 235074.774 |
| Сирдарё вилоити | 159917.883 | 227964.133 | 68046.250 |
| Тошкент вилоити | 641721.993 | 641721.993 | |
| Фарғона вилоити | 820466.758 | 820466.758 | |
| Хоразм вилоити | 292186.072 | 428441.202 | 136255.130 |
| Тошкент шаҳри | 675326.191 | 675326.191 | |
| Жами | 6271700.485 | 7804723.760 | 1371918.761 |
| | | | 161104.514 |

Манба. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йили асосий макроэкономик кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўртисидаги 1245-сон Карори. Ўзбекистон Республикасининг конуни хуҷожалари тўплами. 2009 йил.

Куйидаги 8-жадвалда Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2005 – 2009 йиллардаги даромадлари динамикаси берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2006 – 2009 йилларда Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари миқдори уч бараварга ошган. 2005 йилда 170 039 948,0 минг сўмни, 2006 йилда 193 714 503,0 минг сўмни ташкил этган. 2007 йилда бюджет даромадлари 305 595 777,0 минг сўм миқдорида ижро қилинган бўлса, 2008 йилда 444 136 906,0 минг сўмга етган, 2009 йилда 488 896 053,0 минг сўм миқдорида даромадлар режаси ижро қилинган.

2009 йилги жами бюджет даромадлари таркибида харажатларни коплаш учун ажратилган маблағдан ташқари, бюджетларнинг йил бошига қолган маблағ қолдиқлари миқдори 4 794 534,0 минг сўмга тенг бўлган, жами бюджет даромадларини 0,5 фоизни ташкил этган. Субвенция миқдори 55155708,0 минг сўмни ташкил этган. 2008 йилги бюджет даромадларининг таркибида йил бошига бўлган бюджет маблағларининг қолдиқ миқдори 679 195,0 минг сўмга тенг, салмоғи 0,1 фоизга тенг бўлган.

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг жами даромадлари таркибида кўшимча киймат солигининг салмоғи жихатидан биринчи ўринда туради. Кўшимча киймат солиги 2005 йилда 6 818 6780 минг сўмни (3,5 фоизни), 2006 йилда 17 031 467,0 минг сўмни (9,3 фоизни), 2007 йилда 70 670 256,0 минг сўмни (22,9 фоизни) ташкил этган. 2008 йилда 117 944 051,0 минг сўм миқдорига (26,3 фоиз) кўтарилиган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 105 728 233,0 минг сўм миқдорида (21,5 фоиз) салмоққа эга бўлган.

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг жами даромадлари таркибида жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солик салмоғи жихатидан иккинчи ўринда туради. Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқлар 2005 йилда 31 752 381,0 минг сўмни (18,2 фоизни), 2006 йилда 39 745 133,0 минг сўмни (20,2 фоизни), лекин 2007 йилда 49 579 112,0 минг сўмни (16,0 фоизни) ташкил этган. 2008 йилда 70 742 480,0 минг сўм миқдорига (15,7 фоиз), 2009 йилда 74 105 971,0 минг сўм миқдорига (15,1 фоизга) тушган.

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг жами даромадлари таркибида барча мулк шаклидаги кичик корхоналар учун ягона солигининг улуши салмоклидир. Барча мулк шаклидаги кичик корхоналар учун ягона солик 2005 йилда 10 841 939,0 минг сўмни (5,8 фоизни), 2006 йилда 14 054 477,0 минг сўмни (7,2 фоизни), 2007 йилда 28 282 842,0 минг сўмни (9,1 фоизни) ташкил этган. 2008 йилда 44 877 443,0 минг сўм миқдорида (9,9 фоиз) бўлган. Кейинги йилда маҳаллий бюджетининг жами даромадлари таркибида барча мулк шаклидаги кичик корхоналар учун ягона солиқнинг тушиш тенденцияси кўтарилиган, 2009 йилда 55 244 721,0 минг сўм миқдорида бўлиб, 11,2 фоизни ташкил этган.

**Тошкент вилюти маҳаллий бюджетининг даромадлари динамикаси
(2005–2009 йиллар)**

| Даромадлар | 2005 йил | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2009 йил | Минг сўм |
|---|------------|------------|------------|-------------|-------------|-------------|
| | | | | | | Актиз солни |
| Кўпшумча киймат солни | 6 818 678 | 17 031 467 | 70 670 256 | 117 944 051 | 105 728 233 | |
| Актиз солни | 34 815 225 | 38 302 966 | 32 240 496 | 37 574 939 | 46 394 895 | |
| Корхона ва ташкилот фойдаасига солик | 5 405 356 | 10 480 470 | 19 295 555 | 29 127 858 | 37 453 269 | |
| Оридик пахсларга солинадиган мўлук солни | 14 166 817 | 18 801 367 | 26 220 707 | 35 638 337 | 34 641 128 | |
| Жисмоний шахслар даромадидан олиладиган солик | 31 752 381 | 39 745 133 | 49 579 112 | 70 742 480 | 74 105 971 | |
| Жисмоний шахсарнинг мол-мулк солиги | 738 316 | 765 168 | 898 233 | 1 298 488 | 5 962 946 | |
| Махаллий соликлар ва йигимлар | 866 117 | 882 259 | 746 882 | 932 902 | 1 307 342 | |
| Декон консултантларидан тушган бир марталик йитимлар | 1 118 860 | 1 120 641 | 1 328 012 | 1 553 102 | 1 994 397 | |
| Транспорт воситаатари учун бензин, дизель ёкиғиси ва суютирилган газларнинг истеъмол килининига жисмоний шахсардан олиладиган солик | 10 074 836 | 12 482 484 | 17 335 645 | 25 715 152 | 30 708 695 | |
| Давлат бози | 3 270 185 | 2 381 049 | 2 054 034 | 3 077 724 | 4 572 443 | |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | 4 160 674 | 5 713 987 | 8 612 084 | 10 585 381 | 14 549 425 | |
| Мусодора килинган товар-моддий кийматларни сотишдан тушган ва белгиланган жарималар | 438 659 | 767 582 | 1 514 620 | 2 582 675 | 4 259 668 | |

8-жадошалынның дағомы

| | | | | | |
|---|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| Барта мүлкі шақылдан кіткің корхоналар үтүн ягона солик | 10 841 939 | 14 054 477 | 28 282 842 | 44 877 443 | 55 244 721 |
| Ижтимайлы инфраструктурының ривожлантырылған солдаты | 9 066 930 | 12 791 716 | 18 500 301 | 23 376 389 | 19 042 580 |
| Тәйбіркорлық фәолітті билан шұхулдаудың жисемоний ва жорылған шақылдардармен солидалығын солник | 4 071 798 | 4 396 111 | 5 096 381 | 7 455 851 | 9 661 900 |
| Давынгасарруғынан чыкарышта хуусуздылыштырып фонднан йўналтирилган 15% мөндердән и маблағтар туптуыми | 676 450 | 407 979 | 583 245 | 927 072 | 320 426 |
| Юридик ва жисемоний шаҳстардан олинадылған ер солдати | 10 159 804 | 12 803 079 | 19 535 720 | 23 480 853 | 30 974 048 |
| Ижарага берилген мөл-мұлдексе жеке тұлғови | 91 354 | 154 697 | 233 856 | 228 704 | 408 378 |
| Йил болшага колтага бөліктегі колдик маблағтардың хисобидан харажасаларни көшпәлди | 2 962 403 | - | 1 285 029 | 2 810 491 | 7 021 929 |
| Болшак маҳаллай соңынан да ынғымтар | 710 136 | 882 259 | 1 582 766 | 4 207 014 | 4 543 659 |
| Даромадлар жами | 170 039 948 | 193 714 503 | 305 595 777 | 444 136 906 | 488 896 053 |
| Доганды | 12 316 847 | 12 745 742 | 13 726 023 | 12 083 173 | - |
| Субвенция | 9 517 836 | 13 072 237 | 16 303 867 | 40 183 747 | 551 557 08 |
| Кайтарыл берілділдік даромадлар | 172178 | 2 597 544 | 2 013 987 | 1 687 490 | 16 437 066 |
| Үзары хисоб-китоблар бүйінші олинған маблағтар (30-9- бүлім) | 10 422 126 | 11 697 588 | 6 088 763 | 32 992 685 | 58 978 304 |

8-жадедааттинг давоми

| | | | | | |
|--|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|--------------------|
| Үзаро хисоб-көтөлөптар бүйнчы олинганд маблажтар (30-11-бүлдем) | 20 037 036 | 22 722 491 | 22 728 644 | 54 895 566 | 95 743 122 |
| Үзаро хисоб-көтөлөптар бүйнчы олинганд маблажтар (30-12-бүлдем) | 24 517 319 | 18 985 427 | 25 700 081 | 68 015 736 | 49 829 820 |
| Даромаддарниң хаммаси | 247 023 290 | 275 535 532 | 392 157 142 | 653 995 303 | 765 040 073 |
| Йил болышда боржест ташкилоттар хисобракамида колтган маблажтар | | 726 | — | 679 195 | — |
| Харажаттарни колтап учун ажратылған маблайдан ташқари, бөлжеттарниң йил бошында колтган маблаж колдилстари | 1094059 | 1725459 | 2 102 756 | 2 823 087 | 4 794 534 |
| Баланс | 248 117 349 | 277 261 717 | 394 259 898 | 657 497 585 | 769 834 607 |

Манба. Топкент вилюти молия болжармасының маълумотлари.

9-жадвал майтумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида Тошкент шаҳри ва вилояти, Бухоро, Фарғона ва Навоий вилоятларидан ташқари барча вилоятларда ажратмалар меъёри 100 фоизга тенг. Бу ерда худудларни тенглаштириш максадида соликларнинг тақсимот вазифаси катта роль ўйнамоқда. Кам ривожланган худудларда солик тушумлари ушбу худудлар хисобида колмоқда.

9-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2010 йилда умумдавлат соликларидан
Корақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва маҳаллий
бюджетларга ажратмалар меъёри³**

| Худудлар номи | Яхона солик | Кўнинган киймат солиги | Даромад (фойда) солиги | Бройлчада фойдаланганлик ручи солиги | Жизоний макслатар гарондан созига | Яхна деромаси солиги | Ажратив максулотлар | | Боғлиқ | Дарёй ёънлиги |
|---------------------------------|-------------|------------------------|------------------------|---|--------------------------------------|----------------------|---------------------|----------------------|--------|---------------|
| | | | | | | | Андижон вилояти | Авиация учун көрсаки | | |
| Корақалпоғистон Республикаси | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 50 | | | |
| Андижон вилояти | 100 | 100 | 100 | | 100 | 100 | 50 | | | |
| Бухоро вилояти | 100 | 55 | 55 | | 50 | 100 | 50 | 55 | 40 | 55 |
| Жиззах вилояти | 100 | 100 | 100 | | 100 | 100 | | | | |
| Кашкадарё вилояти | 100 | 90 | 90 | | 100 | 100 | 50 | | | |
| Навоий вилояти | 100 | 62 | 62 | | 62 | 100 | | | | |
| Наманган вилояти | 100 | 100 | 100 | | 100 | 100 | 100 | | | |
| Самарқанд вилояти | 100 | 100 | 100 | | 100 | 100 | 100 | | | |
| Сурхондарё вилояти | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | | | |
| Сирдарё вилояти | 100 | 100 | 100 | | 100 | 100 | 100 | | | |
| Тошкент вилояти | 100 | 65 | 65 | | 50 | 100 | 50 | | | |
| Фарғона вилояти | 100 | 83 | 83 | | 100 | 100 | 50 | | 83 | 83 |
| Хоразм вилояти | 100 | 100 | 100 | | 100 | 100 | 50 | | | |
| Тошкент шаҳри | 15 | 5 | 5 | | 5 | 15 | 50 | | | |

Худудий максадларга мўлжалланган кўп сонли фондларнинг шаклланиши юз беради, яъни умумдавлат тул фондини бўлишининг мураккаб тақсимланиш жараёни амалга оширилади. Ташки томондан барча иктиносиди ва ижтимоий бўлинмаларга ажралган ички бюджет жараёнидек кўринади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1245-сонли Қарори.

Мамлакатдаги ҳар бир маъмурй-худудий бирлик ўз бюджетига эга бўлганилиги учун бу босқичда шу бюджетларнинг умумий хажмини тўғри аниқлаш аҳамият касб этади.

8.4. Бюджетлараро муносабатларни шакслантиришнинг хорижий тажрибалари

Бюджет тизимида мураккаб тақсимлаш жараёни содир бўладики, унда мамлакат маъмурй-худудий бўлинмаларининг барчаси иштирок этиб, уларнинг айримлари ўз маблағларини беришса, бошкалари эса бюджет механизми орқали бу маблағларни олади. Сиртдан караганда, худудлараро бюджетдан тақсимлаш бюджетларнинг юқори ва кўйи бўғинлари ўртасидаги муносабатлар сифатидек кўринади. Чунки бюджетни тартибга солиш юқори бюджетларнинг маблағлари хисобидан кўйи бўғинларнинг бюджет муносабатларини тартибга солувчи ҳар бир бюджет бўлинмаси амалда бу муносабатларнинг таркибига юқорида кўрсатилган баланслаштириш содир бўлаётган кўпилаб маъмурй-худудий бирликларни киритади.

Куйидаги 10-жадвалда айрим давлатлардаги бюджет тизимининг даражалари бўйича харажатларнинг тақсимланишини кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, федерал бюджет харажатларининг салмоғи 52,2 фоиздан 85,5 фоизгacha ўзгарган. Масалан, Аргентинада жами бюджет харажатларининг 85,5 фоизи федерал бюджет харажатларига, 14,5 фоизи маҳаллий бюджет харажатларига тўғри келади.

Айрим мамлакатлардаги таълим харажатларининг улушкини қиёсий таҳлил қилганимизда, маҳаллий бюджетнинг энг юқори салмоғи АҚШ (94,5 фоиз), Канада (86,0 фоиз) ва Хиндистонда (86,1 фоиз) кузатилади. Маҳаллий бюджетнинг энг кўйи салмоғи Индонезияда (18,4 фоиз) эканлиги жадвалда акс этган. Мамлакатимизда таълим харажатларининг 80,0 фоизи маҳаллий бюджет харажатларига тўғри келади. Соғлиқни саклаш харажатлари улушкини қиёсий таҳлил қиласак, маҳаллий бюджетнинг энг юқори салмоғи Канада (81,6 фоиз) ва Хиндистонда (71,6 фоиз) кузатилади. Маҳаллий бюджетнинг соғлиқни саклаш харажатларининг энг кўйи салмоғи Индонезияда (39,4 фоиз) эканлиги жадвалда акс этган.

✓ Бюджет тизимининг барча харажатлари турли бюджетлар ўртасида тақсимланади, бу у ёки бу харажатнинг муайян бюджетга киритилишини англатади. Бу, биринчидан, молиялаштирилаётган муассасанинг республика ва маҳаллий органларга қарашли бўлиши, иккинчидан, молиялаштириладиган тадбирнинг аҳамиятидир.

Маҳаллий ҳокимиятлар қўйидаги ишларни бажаришлари шарт: ўзларига биринчидан вазифаларни молиявий таъминлаш жавобгарлигини олиш; ўзларининг худудларидаги даромад салоҳиятини ошириш ва таъминлаш хукуқидан самарали ва масъулиятли тарзда фойдаланиш. Вертикал баланслаштириш барча муаммоларни ечишга имконият берга олмайди, шунинг

учун уни горизонтал баланслаштириш билан бирга амалиётда кўлланилади. Германия молия тизими – федерал бюджет, 16 та Федерал Ерлар бюджети, обшиналар бюджети, хукуматнинг бюджетдан ташқари фондлари, федерал темир йўл ва почта давлат корхоналари, ижтимоий сұгурта, меҳнат бўйича федерал идора молиясини ўз ичига олади.

10-жадвал.

Айрим хорижий давлатларда бюджет тизимининг даражалари бўйича харажатларнинг тақсимланиши⁴

| Харажатлар | АҚШ | | Канада | | Хиндустон | | Индонезия | | Аргентина | |
|--------------------------------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|----------------|-----------------|
| | Федерал бюджет | Махаллий бюджет |
| Давлат бюджети харажатларини жами | 85,5 | 14,5 | 47,8 | 52,2 | 44,4 | 55,6 | 84,9 | 15,1 | 52,7 | 47,3 |
| Таълим | 5,5 | 94,5 | 14,0 | 86,0 | 13,9 | 86,1 | 81,6 | 18,4 | 70,3 | 29,7 |
| Соғлиқни саклаш | 55,6 | 44,4 | 18,1 | 81,9 | 28,4 | 71,6 | 60,6 | 39,4 | 57,1 | 42,9 |
| Ижтимоий хизмоя | 72,4 | 27,6 | 67,8 | 32,2 | – | 100,0 | 88,8 | 11,2 | 97,1 | 2,9 |
| Коммунал хўжалик | 67,7 | 33,3 | 49,6 | 50,4 | 72,7 | 27,3 | 84,6 | 15,4 | 18,6 | 81,4 |
| Маданият ва дин | 15,4 | 84,6 | 36,1 | 63,9 | – | 100,0 | 55,5 | 44,5 | 82,7 | 17,3 |
| Иктисолий фюзият | 56,6 | 43,4 | 52,6 | 47,5 | – | – | 82,2 | 17,8 | 90,2 | 9,8 |
| Харбий харажатлар | 100,0 | – | 100,0 | – | 100,0 | – | 100,0 | – | 100,0 | – |

Бюджет тизими таркиби ва бюджет жараёни давлат тузилишининг федерал характеристига мос келади. Давлат бюджетига маъмурий бошқарувнинг учта даражаси мос келади: Федерация бюджети, Федерал Ерлар бюджети – худудий бюджетлар ва обшиналар бюджети. Давлат йигма бюджети уч даражасининг бюджетлар даромадлари ва харажатларини ўз ичига олади ва бюджетлараро муносабатлар трансферларни акратиш йўли билан хосил қилинади. Федерал бюджет парламент томонидан тасдиқланади. Федерал бюджетни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш кутилаётган даромадлар ҳамда харажатларни аниқлаш ва бухгалтерия хисобини юритиш, бюджет ижросининг ҳақиқий аксини кўзда тутади.

Германияда федерал органлари зиммасида мудофаа, ҳалкаро муносабатлар, фуқаролик муносабатлари, эммиграция ва иммиграция, валюта сиёсати, молиялаштириш ва федерал транспортни назорат қилиш, почта ва телекоммуникация хизматларини бажариш ётади. Федерал ерлар ваколати доирасига маданият, таълим, юстиция ва жамоат тартиби, соғлиқни саклаш,

⁴ Жаҳон Банки маълумотлари.

шунингдек, ҳудудий иқтисодий сиёсат масалаларини назорат қилиш киради. Маҳаллий органлар бошқаруви ваколатига эса коммунал хизматлар, соглини сақлаш маҳаллий муассасалари, спрот, уй, йўл ва мактаблар қурилиши киради. Ижтимоий сиёсат ва инфраструктура обьектлари қурилишига оид харажатлар барча бўғинлардаги бюджетлар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, харажатлар ваколатини куйи бўғинлар бюджет тизимига ўтказиш тенденцияси ҳам кузатилган. Бугунги кунда маҳаллий бюджетлардан давлат капитал харажатларининг 2/3 қисми молиялаштирилади, шундан молиялаштиришнинг йирик қисми юқори бюджетта тушади. Германия бюджет тизимига уч погонали бюджетлараро мувофиқлаштириш тизими таалукли хисобланади. Биринчидан, федерация субъектлари ўргасида ККС тушуми бўйича мувофиқлаштириш: Федерал Ерлар бюджети ККС тушумининг 25% и барча Ерлар ўргасида таксимланади. Бюджетлараро мувофиқлаштиришнинг иккинчи кўриниши сифатида бюджет ресурсларини Федерал Ерлар бюджетлари ўргасида таксимлаш федерал ҳукумат аралашувисиз бажарилади. Ҳудудларни молиявий қўллаб-куватлашнинг учинчи кўриниши бўлиб баъзи ҳудудларга ажратилувчи тўғридан-тўғри федерал грантлари хисобланади.

Турли хил бўғинлардаги бюджетлар дефицитини молиялаштириш мақсадида турли қарз маҷбуриятларини жалб этиши мумкин, бирок Маастрихт келишувига асосан белгиланган катый чекловлар асосида ресурслар жалб этилади. Бу келишув шартлари ГФР конституциясида белгиланган лимитга асосан федерал бюджетнинг режали бюджет харажатларига инвестиция мақсадида ажратиладиган қарз маблағларига чекловлардан келиб чиқиб тузилади.

Германия тажрибасидан маълумки, бюджетларни баланслаштиришнинг икки кўриниши мавжуд: вертикал ва горизонтал баланслаштириш. Вертикал баланслаштириш ўзида ҳар бир ҳокимият органи даражасида унинг даромадлар базаси салоҳияти билан харажатлари ҳажмини баланслаштиришни ифода этади. Агар даромадлар харажатларни қоплаш учун етмаса, унда ҳукумат етмаган бюджет ресурсларини куйи турувчи ҳокимият органига ўтказиб беради.

Турли даражадаги бюджетларда умумдавлат солиқларни тақсимлаш билан бир қаторда молиявий ёрдам бюджетлараро муносабатларни бошқаришнинг воситааридан бири хисобланади. Бюджет амалиётида, горизонтал ва вертикал бюджет мувозанати бузилишининг олдини олиш ҳамда уни тенглаштириш мақсадида юқори бюджетлардан турли кўринишдаги молиявий ёрдамлардан фойдаланилади. Вертикал бюджет мувозанатининг бузилиши маҳаллий бюджетлар харажатларининг ўз манбаларидан олган даромадлар молиялаштиришдан воз кечицдан иборат. Вертикал бюджет мувозанатининг бузилиши эса турли даражаги бюджетлар харажатлари ва даромадлари ўргасидаги тафовутлардан иборат. Бюджетлараро мувозанатнинг бузилиши факат ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига ва уларнинг бюджет тизимига хос эмас. Даромадлар ва

харажатларнинг ҳар кандай бюджетлараро тақсимоти бюджетнинг вертикал ва горизантал мувозанатининг бузилишига олиб келади. Хусусан, горизантал мувозанатнинг бузилиши харажатлар ҳажмига таъсир қилувчи иқтисодий фаоллик, табиий ресурслар ва демократик омилларнинг нотекис географик тақсимоти оқибатида юзага келади. Бизнинг республикамиз учун хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва шундан келиб чиқкан ҳолда бюджетлараро муносабатлар самарадорлигини ошириш зарур.

АҚШда ижтимоий сугурталаш ва мудофаа каби айрим ийрик харажатлар категориялари бўйича харажатларни молиялаштириш Федерал хукумат хисобидан амалга оширилади. Бироқ, айрим ҳолларда штатлар муайян харажатларни молиялаштириш бўйича жавобгарликни ўзаро тақсимлайди. Масалан, штатлар йўллар куради ва уларни саклаш харажатларини молиялаштиради. Тиббий хизмат кўрсатиш ва кам даромадли оиласаларга ёрдам каби ижтимоий хизмат кўрсатиш дастурлари бутунлай штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилади. АҚШ бюджет тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми маҳаллий бюджетлар хисобидан амалга оширилади, кейинги йылларда жами харажатларнинг 30–35 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Федерал бюджетнинг харажатлар қисми 20 та асосий бюджет гурухларига, жумладан, миллий мудофаа, ҳалқаро ишлар, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетикани ривожлантириш, соғликини саклаш, ижтимоий сугурта харажатларига, давлат қарзи бўйича фоизлар тўлашга ва бошқаларга бўлинади.

Қозогистон Республикаси баркарор бюджетлараро муносабатлар тизимини такомиллаштиришни ҳозиргача давом эттирмоқда, чунки бундай тизимнинг ташкил этилиши баркарор иқтисодий ўсиш ва аҳолининг фаровонлигини ошириш асосларини таъминлашга қаратилади. Ушибу мураккаб вазифани ҳал этиш учун «Қозогистон Республикасида 2008 йилгача бюджетлараро муносабатларни ислоҳ килиш концепцияси» ишлаб чиқилди. Бюджетлараро муносабатларни ислоҳ килиш вазифалари, тамоиллари ва мақсади ушбу хужжатда ўз аксини топган:

- Қозогистон Республикаси бюджет тизими молиявий ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- турли даражадаги бюджетлардан молиялаштириладиган ижтимоий кафолатларнинг Қозогистон Республикаси Конституциясида белгиланган минимал даражасини мамлакат бутун худудида амалга ошириш имконияларини тенглаштириш;
- худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш самарадорлигини ошириш учун шароит яратиш;
- бюджетлараро муносабатлар иштирокчиларининг манбаатлари уйғуналиги, турли даражадаги бюджетлар мустакиллигини таъминлаш;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромад манбалари ҳамда харажатлар бўйича ваколатлари ва масъулияtlарини конуний чегаралаш;

– вилоятлар ва бошқа мъмурний худудий тузилмалар таъминланиши учун бюджет маблағларини объектив қайта тақсимлаш.

Россия Федерациясида бюджет федерализмининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳокимиятлар хамда турли даражадаги бюджет тизими муносабатлари тартибида аниқ бир қанча принципиал ўзгаришларни талаб килди. Кейнинг йўнайтилар мобайнида «Федерал марказ» томонидан бюджет ва солиқ қонунчилигига ўзгаришлар киритиш, бюджетлараро муносабатларнинг янги тизимини мустаҳкамлаш бўйича қадамлар кўйилди. «Россия Федерациясида 1999–2001 йилларда бюджетлараро муносабатлар соҳасидаги ислоҳотлар Концепцияси» ва «Россия Федерациясида 2005 йилгача бюджет федерализмини ривожлантириш Дастири» асосида бюджетлараро муносабатлар ривожлантирилди.

Хорижий тажрибалар шуну кўрсатади, бюджетлараро муносабатларни ислоҳ килиш мақсадида куйидаги вазифаларни ҳал этиш зарур:

- худуднинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш;
- дотация олувчи худудлар сонини кискартириш ва мазкур худудларни кўшимча молиявий ёрдамлар билан таъминлаш;
- бюджет маблағлари қарама-карши оқимларини минималлаштириш;
- ғазначилик тизимида бюджет маблағларининг ишлатилиши юзасидан молиявий назоратни кучайтириш;
- худудда инвестиция фаoliyatiini қўллаб-қувватлаш механизмини яратиш, алоҳида лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун республика хамда маҳаллий бюджет маблағлари билан бирга бошқа маблағлардан молиялаштириш тартибидан фойдаланиш;
- худуднинг ишлаб чиқариш ва солиқ салоҳиятини ошириш орқали маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдорлигини кенгайтириш;
- марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият бошкаруви органлари ўтасида бюджетлараро муносабатларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджетлараро муносабатлар, умумдавлат солиқлари, биринchiрилган даромадлар, солиқ тизими, умумдавлат солиқларидан амраторнайлар, тартибга солувчи солиқлар, бюджет дотациялари, бюджет ссудалари, бюджет субвенциялари, бюджетни вертикал ва горизонтал баланслаштириши.

Назорат саволлари:

1. Бюджет тизимида бюджетлараро муносабатларнинг аҳамияти нималардан иборат?
2. Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий моҳияти нималардан иборат?

3. Бюджетлараро муносабатларнинг механизми ҳақида нима дея оласиз?
4. Бюджет тизимида умумдавлат соликларининг қандай вазифалари мавжуд?
5. Бюджетлараро муносабатларни бошқаришда газначилик органларининг вазифалари нималардан иборат?
6. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда тартибга солувчи соликларнинг ўринини кўрсатинг.
7. Германияда бюджетлараро муносабатлар механизми қандай амалга оширилади?
8. АҚШ бюджет тизимида бюджетлараро муносабатларнинг ўринини қандай баҳолайсиз?
9. Қозғистондаги бюджетлараро муносабатлар тизими ҳақида нима дея оласиз?

9-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

9.1. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш шароитида асосий эътиборни бюджет тизимини бошқаришни ривожлантириш, бюджет даромадларини шакллантиришнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қартиш каби муҳим вазифалар белгиланди. Давлат бюджети, хусусан, маҳаллий бюджет даромад базасининг барқарорлиги мамлакатимизда худудларнинг қўйи бўғинларида, яъни вилоятлар, туманлар, шаҳарлар доирасида амалга оширилётган иқтисодий ислохотларнинг муваффакиятини белгилаб беришда муҳим аҳамиятта эга. Конституцияда мустаҳкамланган маҳаллий ҳокимиятларнинг мустақиллиги молия соҳасида қайта ўзgartишлиарни ва маҳаллий бюджетларнинг даромад асосларини мустаҳкамлаш йўлларини излашни талаб килади. Маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш энг долзарб масалалардан биридир. Факат ўз даромад манбаига эга бўлган маҳаллий бюджетлар ўз фаoliyatларини тўлиқ амалга оширишлари мумкин. Акс ҳолда молиявий камчиликларга йўл қўйиш экҳтимоли мавжуд.

“Инқирозга карши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солик имтиёзлари ва преференциялар бериш хисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблаг хўжалик субъектлари тасарруфидаги қолдирилди. Бу маблаг худудларда уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди”¹. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида рўй берадиган ўзгаришлар маҳаллий бюджет даромадлари, бюджет жараёни, бюджет ижроси, маҳаллий бюджетларнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги асосида қайта кўриб чиқилмоқда.

Маҳаллий бюджетлар харажати ошиб бораётган ҳозирги кунда хукumat томонидан уларнинг даромадларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бириктирилган даромадлар сони кўпайтириб борилди, умумдавлат соликларидан ажратмалар миқдори ошибириб борилди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар даромадларининг ошибишига, демак, худудларда яратилаётган ЯИМни тақсимлашдаги ўринининг ошибишига олиб келади.

Маҳаллий бюджет асосий молиявий режа сифатида тегишли худуднинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг барча соҳалари ҳамда йўналишларини тўла камраб олади. Бюджет бошқа турдаги молиявий режаларга нисбатан мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради. Россиялик иқтисодчи олим Г.Б Полякнинг фикрича, «худудий молия – бу иқтисодий муносабатлар тизимидан иборат, унинг ёрдамида худудларни иқтисодий-

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон». 2010. 41-б.

ижтимоий ривожлантириш учун миллӣ даромадни ҳамда пул фондларини тақсимлаш ва кайта тақсимлаш амалга оширилади, улардан фойдаланиш жараёни йўлга қўйилади².

Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини хар томонлама ҳисобга олиши, ҳудудларда иктисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга ошириш тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикасида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида устувор куйидаги йўналишларга алоҳида эътибор каратилади. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик буғунги кунда маҳаллий бюджетлардаги молиявий, “...ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараккиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормокда”³.

Иктисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик:

- ҳудудий иктиносидёт тармоқларидағи таркибий ўзгаришларга олиб келади;
- миллӣ инвестиция муҳити шаклланнишининг асосий омиллари хисобланади;
- аҳолининг ижтимоий бандлиги ва пул даромадларини оширади. қўшимча иш ўринларини яратади;
- ишлаб чиқаришда чукур ихтисослашув ва тармоқлараро корпорацияни шакллантиради, ҳудудларни молиявий барқарор-лаштиради.

Мамлакатимиз иктиносидётининг барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигига таъсирини хар томонлама ва жиддий баҳолаган ҳолда мамлакатимизда жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга карши чоралар дастури Ўзбекистонни 2010 йилда ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб колади. Буғунги кунда мамлакатимизни, аввало, иктиносидётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация килиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация килиш борасида амалга оширилаётган, хар томонлама асосли ва чукур ўйланган молия сиёсати бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиласидиган кучли тўсик, айтиш мумкинки, мустахкам ва ишончи ҳимоя воситасини яратади.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йўналтирилган бозор иктиносидётининг яратилиши бошқа хўжалик тадбирлари билан бир қаторда бюджет ва солик тизимида туб ўзгаришлар юз беришини кўзда тутади.

² Поляк Г.Б. Территориальные финансы. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2008. – С. 39.

³ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация килиш йўлини изчил давом этириши – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи // “Халқ сўзи”, 2010 йил 6 декабрь.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш ва барқарорликни таъминлаш худудларда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, жойларда иктисодий ислохотларни амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқ. Маҳаллий бюджетлар ўзининг молиявий маблағлари ва умумдавлат даромадлари хисобига шаклланади. Лекин маҳаллий бюджетларда харажатлар мажбуриятлари ва даромад имкониятлари орасида мувозанат яхшиланиши лозим маҳаллий бюджет маблағларини мустақил ва керакли ҳажмда шакллантириш имконияти кенгайтирилиши керак.

Худуднинг молиявий салоҳияти таркибига куйидагилар киритилади:

- маҳаллий бюджет ва турли давлат мақсадли жамғармалари;
- маҳаллий давлат органларининг муомалага чиқарган кимматли қоғозлари;
- худудда истиқомат килувчи аҳоли ихтиёридаги накд пул, тижорат банкларида турли омонатлари ва кимматли қоғозлар;
- худудда жойлашган банк-кредит ташкилотларининг молиявий ресурслари, жумладан, тижорат банклари томонидан ўзга худудлардан жалб этилган маблағлар;
- худудда фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларининг молиявий потенциали.

Худудларда маҳаллий бюджетлар – даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш, бюджетларро муносабатларни ислоҳ килишининг асосий йўналишларидан бири хисобланади. Республикаизда маҳаллий соликлар ва соликсиз тушумлардан шаклланган даромадлар маҳаллий бюджетлар харажатларининг жуда кам кисмини қоплаганилиги туфайли, маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий кисми бюджетлараро тартибга солиш оркали шакллантирилади. Барча даражадаги маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигидан келиб чиқиб, уларни давлат томонидан кўллаб-куватлаш, минтақавий даромадлар манбаларини, маҳаллий бюджетлар даромадларини ўз даромадлари ёки бириктирилган соликлар ва тартибга солинувчи соликлар хисобига шакллантирилади.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлиги мамлакатимизда худудларнинг куйи бўғинларида вилоятлар, туманлар, шахарлар доирасида амалга оширилаётган иктисодий ислохотларнинг муваф-факиятини белгилаб берища мухим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда маҳаллий бюджетлар барқарорлиги юзасидан олиб борилаётган бюджет муносабатларини тартибга солища бир қанча ютукларга эришилганига қарамай, ушбу масала юзасидан худудларда бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Республикаизда айрим вилоят ва туманларда бюджетлараро муносабатларга риоя этишда хатолар бартараф этилмоқда. Маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларнинг камлиги, айрим маҳаллий бюджетларнинг ҳамон дотация ва субвенциядан чиқа олмаётганилиги бунинг асосий асоратларидан бириди. Кейинги беш йил давомида дотацион вилоятлар сони кескин қискарган бўлишига қарамасдан, бутунлай

дотацияядан тўлик чикиб кетишининг иложи бўлмаяпти. Шу нуқтадан назардан маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, унинг баркарорлигига эришиш, худудларда соликлардан тўлик фойдаланишнинг замонавий йўналишларини ишлаб чикишини тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири – бу иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида маҳаллий бюджетларнинг баркарорлигини таъминлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлган давлатнинг тартибга солиш сиёсатидир. Жойларда фуқароларнинг ҳаётини яхшилаш, ахоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётнинг самадорлигини ошириш, истиқболдаги режалаштириш ишларини амалга ошириш, қандай масалани кўрмайлик, биринчи навбатда, маҳаллий бюджетларнинг баркарорлигига бориб тақалади. Маҳаллий бюджетлар худудий иқтисодиётни ривожлантиришда, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишида, долгзарб бўлган ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларни ечишда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Худудий иқтисодиёт ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг бўлинмас ва узвий бир бўғини сифатида фаолият юритади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётини модернизациялаш шароитида маҳаллий бюджетларнинг худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги роли янада ошади. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш, хозирги даврда маҳаллий бюджетнинг молиявий имкониятларини ошириш ва хавфсизликни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъқидлаганлариdek, «бешинч устувор йўналиш – марказий ва юқори давлат бошқарув органи идоралари вазифаларини давлат ҳокимиётининг куйи тузилмаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига боскичма-боскич ўтказа боришини таъминлаш»⁴ зарур. Республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимиёт органлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда маҳаллий бюджетнинг даромад қисмини шакллантириш масалаларида ижобий силжииш кузатилди. Худудий мамлакатларга мўлжалланган маблағларнинг шаклланиши юз берди, айрим маҳаллий бюджетнинг харажатлари жойларда олинган даромадларнинг ҳажми билан мос келмаслиги оқибатида уларни кўшимча маблағлар билан таъминлаш зарурияти вужудга келди, барча куйи бюджетларни баланслаштириш амалга оширилди.

Мамлакатимиздаги маҳаллий ҳокимиёт органлари зиммасига давлатимизнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш бўйича муҳим вазифалар юқлатилган. Ахолига ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича тадбирларни молиялаштириш, асосан, маҳаллий бюджетларнинг маблағлари хисобидан амалга оширилади. Бу нарса, ўз навбатида, маҳаллий бюджетлар

⁴Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. “Халқ сўзи”. 2002 йил 30 август.

даромад базасининг барқарорлигини таъминлаш ва уни янада мустаҳкамлаш вазифаларини кун тартибига юйяди.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатларини мувофиқлаштириш ҳозирги даврда Республика ҳамда ҳудудларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, биринчи навбатда, бошқарув тизими таркибини ўзгартиришни ва бу жараёнлар давомида ҳудудларда маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириб боришни талаб этади. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти натижаларига маҳаллий бюджетлар боғлиқлиги кучаймокда, маҳаллий бюджет ресурсларидан фойдаланиш соҳалари кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасида минтақаларни 2008–2010 йилларда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури ишлаб чиқиди. Мазкур дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичида дастурни ишлаб чиқишининг концептуал асослари тайёрланди. Мамлакат иктиносидиётининг ҳудудий таркиби таҳлил этилди, минтақаларни барқарор, ҳавфсиз, динамик ва комплекс ривожлантиришдаги мавжуд номутаносибликлар, омиллар, шартшароитлар аниқланди. Мамлакат ва минтақаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари асосланди ва минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати ҳамда ҳудудлардаги мавжуд муаммолар чукур таҳлил қилинди. Шунингдек, минтақаларни барқарор ривожлантириш омиллари, имкониятлари ва шартшароитлари баҳоланди.

Дастурнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- маҳаллий бюджет даромадларининг барқарор ўсишини таъминлаш;
- меҳнат ва маҳаллий хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- минтақалар иктиносидиётининг таркибий тузилишини такомиллаштириш, саноат ва хизматлар соҳалари улушкини ошириш;
- кичик бизнес, касаначилик, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш асосида аҳоли бандлигини ошириш;
- шахарлар ва туманларда экспортта йўналтирилган ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этиш.

Дастурни амалга оширишнинг иккичида 2008–2010 йилларда минтақаларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари асосланди. Белгиланган мақсадга эришиш учун комплекс чоратадбирлар тизими асосланди, албатта, молиявий ресурсларнинг зарурӣ миқдори ва дастурдан кутилаётган ижтимоий-иктисодий натижалар хисобкитоб қилинди. Иктиносидиётни модернизациялаш шароитида давлат дастурларидан самарали фойдаланиш милий иктиносидиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга мамлакат ичидаги бюджет даромадларида барқарорликнинг юзага келишини таъминлайди.

Минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг 2008–2010 йиллардаги кўрсаткичлари асосан Ўзбекистон Республикаси бўйича давлат томонидан белгиланган қуйидаги мақсадли параметрларга асосланди:

- саноатнинг ЯИМдаги улушкини 2010 йилда камидаги 26 фоизга етказиш;
- хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушкини 2008 йилда 45 фоизга, 2010 йилда 49 фоизга етказиш;
- кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушкини 2008 йилда 48 фоизга, 2010 йилда 50–52 фоизга етказиш;
- ўргача иш ҳакини 2010 йилга қадар 2,5 марта ошириш;
- ҳар йили камидаги 550 минг янги иш жойларини ташкил килиш, 2010 йилга қадар касаначилик асосида ташкил этиладиган иш жойларининг сонини 250 минг кишига етказиш;
- маҳаллий бюджет харажатларини биринчирилган даромадлар ёрдамида молиялаштиришга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси иктисодиётидаги кузатилган барқарор ва мувозанатлашган иктисодий ўсиш шароитида айнан минтақавий сиёсатни янада кучайтириш, айрим минтақаларнинг иктисодий салоҳиятидан фойдаланиш негизида уларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини бир поғона юқори бўғинга олиб чикиш ҳам мамлакат миқёсида умумиқтисодий ривожланишга эришиш имкониятини берди.

Худудларда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак:

- республика ва маҳаллий бюджетлар, бюджетдан ташкари жамғармалар, аҳоли маблағлари, банк кредитлари, хорижий инвестициялар, ҳалқаро ташкилотлар грантларидан самарали фойдаланиш ва худудлар бўйича тўғри тақсимлашни амалга ошириш;
- дастурни амалга оширишнинг доимий мониторинг тизимини шакллантириш;
- қабул қилинган мақсадли давлат дастурларида белгиланган молиявий механизмлардан оқилона фойдаланиш.

Мамлакатимиздаги барқарор иктисодий ўсишга эришиш, мавжуд иктисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига худудлар ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш асосида миллий иктиносидиётнинг худудий таркибини такомиллаштириш, худудий бирликлар ривожланиш даражасидаги мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш зарур. Худуднинг иктисодий салоҳияти ва молиявий барқарорлиги саноат ҳамда курилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватлари ҳажми, меҳнат ресурсларининг сони ва касбий тайёргарлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятлари, транспорт воситаларининг мавжудлиги, ижтимоий соҳа тармокларининг ривожланиш даражаси, фан ва техника ютуқлари, ишлатилаётган фойдали қазилма ресурслари кўплиги билан биргаликда аҳоли бандлиги каби омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджет даромадларининг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, мазкур бюджетларнинг

бириктирилган ва тартибга солинувчи даромадлари нисбатига ҳам боғлик. Вилоят маҳаллий бюджетининг маҳаллий соликлар ва йигимлар миқдори жами тушум улушида паст кўрсаткичга эга бўлиб колмоқда, тушумларниң катта қисми умумдавлат соликлар хисобига тўғри келмоқда. Амалдаги қонунчилика биноан, даромадларниң режадан ортиқ миқдорининг мълум қисми маҳаллий ҳокимият органлари тасаруфида қолиши лозим.

9.2. Маҳаллий бюджетларниң молиявий имкониятлари

Республикамизда худудларниң иктисодий ривожланишини ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларини иктисодий ва хукукий база билан таъминлайдиган етарли даражада шароит яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкilotларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу ҳужжат маҳаллий бюджетлар даромадлар имкониятларини кенгайтириб, маблағларниң бюджетдан ташкари манбаларини ишлаб топиш ва фойдаланиш имкониятини беради. Лекин жойларда бюджет ташкilotлари раҳбарларининг кўшимча маблағ ишлаб топишга қизиқиши юкори эмас, тушаётган кўшимча маблағлар миқдори жуда ҳам кам.

Бюджетлар ўртасидаги муносабатларни бошқариш механизмидаги маҳаллий ҳокимият органларининг рағбатлантирилмаётганлиги сабабли, вилоят бюджети даромадларининг кўшимча манбаларини очиб беришга қизиқиши паст бўлиб қолмоқда. Ҳар йиллик маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш нормативлари ва механизмлари ўзгариб туриши, бюджетни ижро этиш жараёнда ёки хисобот даврининг охирида худуднинг даромадлар режасига ўзгартириш киритилаётганлиги сабаб бўлиб колмоқда. Демак, кейинги даврда ҳам истиқбол кўрсаткичларининг ошириб бажарилишига рағбатлантириш керак.

Маҳаллий бюджетларни дотациядан чиқариш дастурининг чора-тадбирларининг амалиётга тўлиқ жорий этилиши ижобий натижалар беради. Маҳаллий бюджетга тушадиган кимматли тошлар ва кимматли металлар билан савдо қилиш хукуки учун тўланадиган йигим миқдорини ошириш мумкин. Маҳаллий бюджет даромад базасининг барқарорлигини таъминлашда маҳаллий бюджетларниң бириктирилган даромадларига эътибор каратиш керак. Ҳар бир худуддаги маҳаллий бюджетга ундирилиши лозим бўлган умумдавлат соликларининг мълум қисмини маҳаллий бюджетларга бириктирилган даромадлар кўринишида берилиши лозим. Маҳаллий бюджетларда солик бўқимандалигини камайтириш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш зарур.

Республика ва маҳаллий бюджетларниң даромадлари ва харажатлари соҳасидаги ваколатлари аник ва барқарор белгилаб кўйилиши керак, маҳаллий бюджетларниң бириктирилган даромадлари хажми умумий

даромадларнинг ярмидан кам бўлмаслиги керак. Ҳудудларда маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустакиллигини кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳокимият органларининг тасдиқланган бюджет режасидан ортиқча соликлар тушумини йиғишини рағбатлантириш мақсадида тартибга солувчи соликлар бўйича тушган даромадларни белгиланган режадан ортиқча қисмининг 50 фоизини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида колдириш шарт.

Мазкур тадбирлар маҳаллий бюджетларнинг даромадларини оширади, молиявий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлайди, шунингдек, республикамиз иқтисодиёти барқарорлиги ва истиқболи учун ўз натижасини беради.

Хорижий инвесторларнинг зътиборини жалб этиш учун чет эл инвестицияларининг эҳтимоли бўлган оқимлари билан боғлиқ жами масалаларни ҳисобга оладиган, замонавий, раббатлантирувчи конун ҳужжатларидан ташқари. бюджет-солик сиёсатини такомиллаштириш ва миллий валюта мавқенини мустаҳкамлаш зарур бўлади. Мамлакатнинг валюта тизими инвестиция фаолиятига ва чет эл инвестицияларини мамлакат ичига жалб қилишга жиддий таъсир кўрсатади. Хорижий инвестициялар ҳамкорлигига ташкил этилаётган кўшма корхоналарнинг мамлакатимиздаги ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда жойлаштирилиши, айниқса, юкори самара беради.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар иқтисодиётига инвестицияни жалб қилишда инвестицион фаолиятни жадаллаштиришнинг куйидаги воситаларидан фойдаланиш керак:

- хорижий капитал маблағларининг минтақа иқтисодиётига киритилишида маҳаллий бошқарув органлари томонидан кафолат бериш;
- хорижий инвестицияларни иқтисодиётининг турли соҳаларига йўналтирилиши билан боғлиқ жараёнлар, яъни таваккалчиллик (хавфхатарлар) даражасини аниқлаш, минтақадаги минерал хомашё конларига доир маълумотлар ҳамда маҳаллий соликлар ва бошқа имтиёзларни бериш;
- хорижий капитал билан маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобига кўшма корхоналар очиш;
- чет эл инвестицияларини республика иқтисодиётига жалб қилиш соҳаларини аниқлаш масалаларини ҳал қилишда, кўшма корхоналар ташкил қилишда, ҳудудий мақсадни ластурларни ишлаб чиқиш;
- минтақа иқтисодиётида амал килувчи корхоналар фаолиятини янада жадаллаштириш учун, ҳудуд миқёсида амалга оширилиши зарур деб ҳисобланган йўналишларда инвестиция грантлари ажратиш;
- тендерлар эълон қилиш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кузатилган барқарор ва мувозанатлашган иқтисодий ўсиш шароити айнан минтақавий сиёсатни янада кучайтириш, колоқ минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш негизида уларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини бир поғона юкори бўғинга олиб чиқиши ҳам мамлакат миқёсида умуниқтисодий ривожланишига эришиш имкониятини берди.

Республикамизда ўтган йилларда хорижий инвестициялар, биринчи навбатда, табиий ресурсларга энг бой, нисбатан қулай иқтисодий шароит ва инвестиция мухитига эга бўлган, аҳолини иш билан таъминлаш ва бошқа ижтиомий муаммолар кескин турган минтақаларга жалб этилиши керак. Хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича энг қулай инвестицион мухит экспорт фаолиятида кўшма корхоналар мавқеи нисбатан юқори бўлган Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида яратилди. Аммо мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида хорижий инвестицияларни киритиш учун етарли даражада шарт-шароитлар яратиш керак.

Таҳлил маълумотлари шуни кўрсатади, 2010 йил якуни давомида Қоракалпоғистон Республикасида барча молиявий манбалар хисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ўтган йилга нисбатан 63,1 фоизни ташкил килган (режа 1331778,4 млн.сўм, факт 457852,4 млн.сўм). Жами тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритишнинг йиллик режаси 560925,3 млн. сўм миқдорида белгиланди, амалда 32584,1 млн. сўм (5,8%) миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган, холос. Ишлаб чиқариш соҳасига барча капитал қўйилмаларнинг 67,2 фоизи жалб қилинган бўлса, марказлаштиришмаган инвестицияларнинг асосий капиталдаги улуши 72,1 фоизни ташкил қилган. Қоракалпоғистон Республикаси умумий капитал қўйилмалари куйидаги манбалардан ташкил топган.

11-жадвал

Қоракалпоғистон Республикасида умумий капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари⁵

| Умумий капитал қўйилмалар | 2009 йил якуни | | 2010 йил якуни | |
|--|----------------|----------|----------------|----------|
| | хажм, млн. сўм | хажмга % | хажм, млн.сўм | хажмга % |
| Бюджет маблағлари | 26597,7 | 4,1 | 33847,0 | 7,4 |
| Бюджетдан ташкари фонdlар | 33907,4 | 5,2 | 65818,0 | 4,4 |
| Хукумат кафолати билан хорижий инвестиция ва кредитлар | 68485,9 | 10,5 | 28096,9 | 6,1 |
| Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар | 41185,8 | 6,3 | 32584,1 | 7,1 |
| Бошқа хорижий инвестициялар ва кредитлар | 118,7 | - | 130,6 | 0,03 |
| Корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари | 394239,7 | 60,4 | 156536,1 | 34,2 |
| Гижорат банклари кредитлари | 21440,9 | 3,3 | 43976,4 | 9,6 |
| Аҳоли маблағлари | 55440,2 | 8,5 | 91001,7 | 19,9 |
| Махаллий бюджет | 4131,7 | 0,6 | 1294,2 | 0,3 |
| Бошқа қарз маблағлари | 3781,8 | 0,6 | 4087,9 | 0,9 |
| Хомийлар маблағлари | 3028,2 | 0,5 | 479,5 | 0,1 |
| Жами: | 652357,9 | 100,0 | 457852,4 | 100,0 |

⁵ Қоракалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджети маълумотлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпогистон Республикасида 2010–2012 йилларда саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича худудий дастури тўғрисида»ги (2010 йил 21 январь) 02-25-51-сонли баёни бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Қорақалпогистон Республикаси саноат салоҳиятини ошириш бўйича худудий дастурга асосан 2010–2012 йилларда киймати 13,5 млн. АКШ доллари ва 126,5 млрд. сўмни ташкил этувчи 325 та лойиҳани амалга ошириш ва 6733 та янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган.

9.3. Худудларда маҳаллий бюджет даромадларини ошириш истиқболлари

← Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш республика ва худудларини ривожлантириша мухим аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлиги мамлакатимиз маъмурий худудларининг қуи бўғинларида, яъни вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва бошқалар доирасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли белгилаб беришда мухим аҳамиятга эга. Чунки маҳаллий бюджетлар барқарор даромад базаларига эга бўлса-да, улар хизмат қилувчи маҳаллий худудлар доирасида иқтисодий ислоҳотларни молиявий жиҳатдан таъминлашда муаммолар бўлмайди ёки пайдо бўлган муаммолар осонлик билан ҳал қилиниши мумкин.

Умумдавлат соликларидан маҳаллий бюджетларга ажратиш меъёрлари худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, бюджет даромадлари ва ҳаражатлари ўртасида номутаносиблик келиб чиқсан холда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Меъёрларни аниқлашда маҳаллий ва умумдавлат соликларнинг тущуши мумкин бўлган истиқболдаги микдоридан ва маҳаллий бюджетларнинг минимал ҳаражатлари истиқболларидан келиб чиқилади. ↴

Бутунги кунда маҳаллий бюджетнинг даромадларини шакллантириш тартиби қуидаги камчиликларнинг олдини олишга имконият бермади.

1. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан йигиладиган молиявий мабаглар, ҳаражатларни қоплаш учун етарли бўлмайди, маҳаллий инфратуilmanni ривожлантириш имкониятларини сезиларли даражада пасайтиради.

2. Бюджет ҳаражатларининг даромадлар етмайдиган кисмини республика бюджети хисобидан тўлдириш маҳаллий ҳокимиятларнинг марказий органларига нисбатан бўлган қарамлигини кучайтиради.

3. Маҳаллий ҳокимият органлари маблағларга бўлган объектив ва асосланган эҳтиёжлардан келиб чиқиб, даромадларнинг кўшимча манбаларини излашга бўлган қизиқишни маълум даражада йўқотади.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджет даромадлари ҳамда ҳаражатларини мувофиқлаштириш ҳозирги даврда республика ва унинг худудларининг ривожланишида мухим аҳамият касб этади. Худудларда маҳаллий

бюджетларнинг молиявий мустакиллигини кучайтириш, маҳаллий ҳокимият органларининг тасдиқланган бюджет режасидан ортиқча соликлар тушумини йиғишни раббатлантириш мақсадида тартибга солувчи соликлар бўйича тушган даромадларнинг белгиланган режадан ортиқча қисмининг 50 фондини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириши керак.

Юкорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар балансини мустаҳкамлаш йўлларини айтиб ўтиш мумкин:

- маҳаллий бюджетлар учун субвенциялар факат устувор йўналиштарга каратилиши лозим ва ушбу маблағларни мақсадли сарфлашни назоратта олиш;
- маҳаллий бюджет даромадларини оширишда корхона ва ташкилотларнинг солик юқини камайтириш билан уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ҳамда молиявий фаолиятини мустаҳкамлаш;
- маҳаллий органлар томонидан маҳаллий соликларни жорий этишдаги шукукларидан тўлик фойдаланиш;
- даромад режаларининг бажарилишига караб режадан ортиқ олинган даромадлардан маҳаллий бюджет қисмiga ҳисобланадиган фоиз ставкалари нормативларини кўпайтириш.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш маҳаллий органлар даромад режаларининг ортиги билан бажарилишига боғлиқ бўлган кизиқишини кучайтиради. Даромадларни туширишда молия ва ғазначилик органларининг жавобгарлигини оширади.

Худудларда қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- республика ва маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари, ахоли маблағлари, банк кредитлари, хорижий инвестициялар, ҳалқаро ташкилотлар грантларидан самарали фойдаланиш ва худудлар бўйича тўғри тақсимлашни амалга ошириш;
- дастурни амалга оширишнинг доимий мониторинг тизимини шакллантириш;
- қабул қилинган мақсадли давлат дастурларида белгиланган молиявий механизмлардан оқилона фойдаланиш.

Маҳаллий бюджет ижросининг асосий вазифаси – бюджетгега тасдиқланган соликлар ва бошқа тушумларнинг ўз вактида, тўлик тушиши ҳамда тадбирларни тўлалигича молиялаштириш ҳисобланади. Маҳаллий бюджетларда бюджеттга маблағ тушуши номувофиқлиги ва маблағ этишмовчилиги – йилдан-йилга қайта такрорланиб келаётган муаммолардан биририд.

Мамлакатимизда маҳаллий бюджетларни бошқариш тақчилликсиз баланслаштириш тамойилига асосланади. Бюджет даромадларини ошириш ва янги даромад манбаларини излаб топиш бюджет харажатларини тўхтовсанз молиялаштиришда катта аҳамиятта эга. Бюджет даромадлар қисмини оширишнинг бир қанча йўллари мавжуд. Бюджет даромадларини оширишнинг оддий усусларидан бири – солик ставкаларини ошириш. Лекин

солик ставкасининг юқорилиги тадбиркорлик субъектларининг юқори фойда олишига кизикишини камайтиради. ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва инвестиция жараёнларини такомиллаштиришга йўл кўймайди. Натижада хўжалик юритувчи шахсларнинг даромадлари қисқаради, шу билан биргаликда бюджетта тушумлар ҳам камаяди. Бу ерда бюджет даромадларини оширишда бошқа йўллар кидирилади.

Хозирги вақда, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан даромадларни кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги, кўпгина худудларнинг даромадлари умумдавлат соликларидан ажратмалар, дотациялар ва субвенциялар ҳисобига шаклланмоқда.

Биректирилган ва тартибга келтирувчи даромадлар кесимида амалга оширилган таҳлиллар натижалари бу соҳада кейинги йилларда сезиларли ишлар килинган бўлишига қарамасдан ҳамон талай муаммоларнинг мавжуд эканлигини ҳам кўрсатди. Мана шундай муаммолардан бири – маҳаллий бюджетлар даромад базаси барқарорлигини таъминлаш ҳамда уни мустаҳкамлаш нутқи назаридан уларнинг биректирилган ва тартибга келтирувчи даромадлари ўргасидаги нисбатни оптималлаштириш ҳисобланади.

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳаражати самарадорлигини ошириш маблағлар сарфлаш учун белгиланган максад билан боғлиқ. Бюджет даромадларини ошириш доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, худудлар даромадларининг мустаҳкамланиши, даромадларни бошқаришининг такомиллаштирилиши ва ҳаражатларнинг мувофиқлаштирилиши, уларнинг белгиланган параметрларда амалга оширилиши жараёнларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бюджет даромадларини ошириш ва ҳаражатларни оптималлаштириш, маҳаллий бюджетларга юкори бюджетдан маблағ келишини қисқартириш – худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши йўналишларини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлар бўлиб қолади. Охир-оқибатда, ушбу кўрсаткичлар давлат томонидан олиб борилаётган иктисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини аниқлаб беради./

Республика, вилоятлар худудларининг иктисодий ривожланишининг ҳар хиллиги, ахолининг жойлашув хусусиятлари, ҳаттоқи, табиий шарт-шароитлар бюджет даромадларини шакллантиришга таъсир кўрсатади.

9.4.Худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириши йўллари

Иктисодий ислоҳотларнинг хозирги босқичида устувор вазифалардан бири – ахолини кичик бизнесга жалб қилишни янада кучайтириш, мамлакатда тадбиркорлар ва мулкдорлар қатламини шакллантиришни кенгайтириш ва асосан шу орқали аҳоли бандлигини, иктисодий ўсишни таъминлашга эришишдан иборатдир. Ишсизлик муаммосини бартараф

этишда кичик бизнесни ривожлантириш ахоли бандлигининг ошишига жиддий таъсир этади. Мазкур соҳада янги иш ўринларининг ташкил этилиши бюджетнинг ижтимоий химоя харажатларини енгиллаштириш ва маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайишига имкон беради.

/ 2/ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафакат ҳал килувчи мавке эгаллаши, айни пайтда унинг ахоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришиш лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши худудий иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди./

“Ўзбекистонда ҳали бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар белгиланган. Масалан, мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан мухит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсик ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти мухитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятининг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланади”⁶.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл мақсади иктисодиётининг барча тармоқларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали худудларда иктисодиётни баркарор-иктисодий ўсишини таъминлаш ва шу асосда ахоли турмуш даражасини муттасил яхшилаб боришига эришишдан иборат. “Тадбиркорларга, аввало, кичик бизнес субъектларига моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имконини берадиган барқарор бозор механизми шаклландии”. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқалиижтимоий қатлам – яни ўрга синф юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва баркарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир.

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг мустаҳкамлигини таъминлаш учун, жаҳон амалиётида синалган солиқка тортиш механизмини татбик этиш

⁶ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруzasи. // Халқ сўзи. 2010 йил 16 ноябрь.

⁷ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иккисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишиланган Вазирлар Махкамаси мажлисидаги маъруzasи. // Халқ сўзи. 2008 9 февраль.

лозим. Оптимал солиқ юки солиқ тизимининг самараадорлигининг муҳим кўрсатчиларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганлариdek, «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси ишлаб чиқариши ривожлантиришга, моддий хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўплangan mol-mulkdan, самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир»⁸. Республика иқтисодиётини янада юксалтиришда маҳаллий молия идораларининг амалга ошириши лозим бўлган устувор вазифалардан бири – минтақанинг иқтисодий ривожланишини тезлаштиришда кўмаклашиб ва давлатнинг бюджет, солиқ тизимини юксалтиришга қаратилиши зарур.

Соликлар иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг таркибий кисми, унинг ички ҳаракатлантирувчи омили бўлган ҳолдагина, иқтисодий ислоҳотлар мақсадга мувофиқ келиши мумкин. Соликлар хўжалик фаoliyatiinинг барча соҳаларини қамраб олиш билан бирга, худудларда ҳар бир тармоқка, корхонага алоҳида ёндашувни таъминлаши лозим. Соликлар даромадларининг бир кисмини қамраб олади, улар ҳалқ хўжалигида ахолига зарур бўлган маҳсулот ва товарларни ишлаб чиқаришга интигувчи корхоналар ҳамда фуқароларни ҳар жихатдан рағбатлантиради.

12-жадвалдан кўринадики, кейинги ўн йил мобайнида юридик шахслардан олинидиган фойда солиги ставкаси 3,4 баробар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2,1 баробар, юридик шахсларнинг mol-mulkiga олинидиган солиқ ставкаси 1,1 баробар, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1,6 баробар пасайтирилган. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги умумий солиқ юки ҳам йиллар давомида сезиларли равишда пасайиб бормоқда.

12-жадвал

Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши

| Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури | 2000 йил | 2010 йил |
|--|--------------------|---------------|
| Юридик шахслардан олинидиган фойда солиги | 31 | 9 |
| Жисмоний шахслардан олинидиган даромад солиги | 15%, 25%, 36%, 40% | 11%, 17%, 22% |
| Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови | 15 | 7 |
| Юридик шахсларнинг mol-mulkiga олинидиган солиқ | 4,0 | 3,5 |
| Ягона ижтимоий тўлов | 40 | 25 |

Мамлакатимизда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташки бозорларда рақобатдош бўлишини кўллаб-куватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратишга эътибор қаратилди. Қайси тармоқда фаoliyat

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Ўзбекистон”. 1998. 359-б.

юритишиларнга боғлиқ равишда кичик бизнес субъектлари күйидаги солик имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин:

– 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаёттан таъмирлаш-курилиш ташкилотлари соликларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тұлашдан озод қилинган;

– 2012 йилнинг 1 январигача гүшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солик тұлов ставкасы 50 ғоизга камайтирилған ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналарни божхона тұловларидан озод қилинган;

– 2012 йил 1 январгача 15 хилдаги ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар фойда солиги ва мулк солиги, ягона солик тұловлари ва Республика йүл жамғармасында мажбурий ажратмалар тұлашдан, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилинша божхона тұловларидан озод қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестициялар хисобига ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва роли алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараён мустақиллик йилларида амалга оширилған ислоҳотлар самараси, айниқса, кишилек жойларда хусусий бизнес субъектларининг шаклланиши ва уларнинг молиявий күштебек күватланишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хомашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

– четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тұловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташкири) тұлашдан озод қилинди;

– маҳаллийлаштириш лойихалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиги, ягона солик тұлови (солик солишининг соддалаштирилған тизимини кўлладиган субъектлар учун) тұлашдан озод қилинди;

– маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқарип фондлари бўйича мулк солиги тұлашдан озод қилинди;

– уй-жой куриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинётган ихтисослаштирилған пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги соликлардан озод этилди;

– корхоналар мусассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритиши йўналтириладиган дивиденdlари ҳам ана шу муддатга соликқа тортилмайди.

Хукуматимиз томонидан 2009–2012 йилларга мүлжаллаб қабул қилинган Инкирозга қарши дастурнинг инкироз таъсирини юмшатиш ҳамда бартараф этишда роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган хужжатларда, аввало, мамлакатимиз молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими ning баркарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иктиносидётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий кўллаб-кувватлашга каратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини бермоқда.

Маҳаллий корхоналарни молия, солиқ, кредит ва инвестиция жихатдан кўллаб-кувватлаш бўйича муайян ишлар амалга ширилмоқда. Тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш бўйича давлат ҳамда минтақавий дастурлар ишлаб чиқилди ва бутунги кунда ҳам ҳаётга изчил равишда татбик қилинмоқда. Мавжуд имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда, кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан молиявий кўллаб-кувватлаш натижасида уларнинг экспортбоп, ракобатбардош сифатли товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган мустаҳкам иктиносидий соҳага айланиши таъминланади. Маҳаллий бюджетнинг баркарорлиги ушбу худудда фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектларининг фаолиятига боғлиқ. Корхоналарнинг вилоят ва шаҳар маҳаллий бюджетининг даромадларини шакллантиришдаги хиссаси юксак. Лекин корхоналарнинг маҳаллий бюджет олдидағи солиқ бокимандалиги, дебитор ва кредитор қарздорлиги маҳаллий молия баркарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Маҳаллий бюджетларда дебитор ва кредитор қарздорлигини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Худудларда амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсатининг вазифаси бир томондан бюджетни тўлдириш, бошқа томондан иктиносидётнинг фаоллашувига олиб келиши керак. Лекин маҳаллий бюджет даромадларининг тўлиқ тушишини таъминлаш солиқ органларининг фаолиятига боғлиқ. Худудларда бюджетга бокиманда қарздорлик йилдан-йилга ошиб бориши юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ конунчилигининг бузилишига олиб келмоқда. Маҳаллий бюджетларда солиқ бокимандалигини камайтириш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш зарур.

Хорижий тажрибалар шуни кўрсатадики, худудда истиқомат қилаётган аҳолини иш билан таъминлаш, худудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани сақлаб туриш ҳамда уни ривожлантиришда корхоналар ва хўжалик субъектларининг маблағларидан кенг фойдаланиш мумкин. Айни пайтда республикамизда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди. Бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсикларни бартараф этиш мақсадида “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида

рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиши ва қабул килиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг катъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб кўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортикча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур.

Таяинч сўз ва иборалар

Худудий иқтисодиёт, худуднинг молиявий имкониятлари, худуднинг молиявий барқарорлиги, маҳаллий бюджет даромадлари, қимматли қоғозлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, кичик бизнес субъектлари, маҳаллийлаштириши лойиҳалари.

Назорат саволлари:

1. Маҳаллий бюджетларнинг барқарорлиги қайси омилларга боғлиқ?
2. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари нималардан иборат?
3. Худудий иқтисодиётта инвестицияларни жалб килишда инвестицион фаолиятни жадаллаштиришнинг қандай воситаларидан фойдаланиш мумкин?
4. Худуднинг молиявий салоҳияти нималардан иборат?
5. Ўзбекистон Республикасида минтақаларини 2008-2010 йилларда ижтимоий-иктисодий ривожлантариш дастури ҳақида нима дея оласиз?
6. Маҳаллий бюджет барқарорлиги учун худудларда қандай чоратадбирларни амалга ошириш керак?
7. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўринини қандай баҳолайсиз?

УЧИНЧИ БЎЛИМ

10-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА ФАЗНАЧИЛИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЖОРӢӢ ЭТИШ

10.1. Фазначиликнинг ахборот тизими

Фазначиликнинг ахборот тизимини яратиш ва қайта кўриб чиқиши мухим аҳамиятга эга. Давлатнинг барча молиявий операцияларини рўйхатдан ўтказадиган бўғин билан бирга янги компьютерлаштирилган ва автоматлаштирилган ғазналик тизимини яратиш; барча тўлов операцияларини рўйхатта олиш; ажратмаларни таксимлаш учун бюджетнинг ижро тизимини жорӣ қилиш; бюджет маблағларини ишлатиш ваколатларига нисбатан ажратмаларни ишлатиш назорати ҳамда бюджет ижросига алоқадор барча зарурий хисоботларни тайёрлаш; ғазнанинг турли бўғинлари ўргасида электрон алоқа тизимини жорӣ этиш масалалари ғазначилик тизимини жорӣ қилишнинг мухим вазифаларидир.

Фазначиликнинг ахборот тизимининг хизматчи қисмлари қўйидагилардан иборат:

- маълумотлар хавфсизлиги ва ҳимояси;
- информацион хизматлар;
- идораларо муносабатлар;
- тизим администраторлиги.

Ғазначиликнинг ахборот тизимини (АТ) модернизация қилиш қисми ғазначиликнинг дастурий маҳсулотларини танлаб, сотиб олиш, мослаштириш/параметрлаштириш, интеграциялаш, синовдан ўтказиш ва бошлангич маълумотлар дастурларини жойлаш, ахборот технологиялари жихозлари ва телекоммуникациялар (ишлаб чиқариш, нусха кўчириш, маълумотларни саклаш, тармоқ ва почта серверлари, ишчи станциялар, тармоқ принтерлари ва глобал тармоқ (LAN/WAN), коммутаторлар ва маршрутизаторлар)ни сотиб олиш ҳамда ғазначиликнинг ахборот тизими ходимлари ва охириғи фойдаланувчиларни ўқитишни ўз ичига олади. Ғазначиликнинг АТни яратиш билан боғлиқ харажатлар давлат молиясини бошқариш харажатларининг 80 фоизини ташкил киласди.

Ғазначилик ахборот тизимининг қўйидаги ахборот тизимлари билан ўзаро алоқалари таъминланади.

- Молия вазирлигининг глобал уйғунлашган ахборот тизими;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг ахборот тизими;
- Давлат Солиқ қўмитасининг ахборот тизими;
- Давлат Божхона қўмитасининг ахборот тизими;
- Давлат мақсадли жамгармалари ва бюджет ташкилотларининг ахборот тизими.


ДМБАТнинг архитектурасида ғазначиликнинг ахборот таъминоти асосий роль ўйнайди. У кўрсаткичлар йигиндисини, бирламчи маълумотлар, классификаторлар, хужожатларнинг унифицияланган тизими, автоматлаштирилган хизмат учун маҳсус ахборот ташувчиларни, шунингдек, ахборотларнинг ўз вақтида ва сифатли ишлашини ҳамда ишончли сақланиш технологиясини таъминлайдиган ходимни ўз ичига олади.

ДМ маълумотлар базаси

«Ганачилик-2»



«Ганачилик-3»



12-расм. ДМ маълумотлар базаси

Ахборотлар обьекти ва уларнинг ўзаро алоқаларининг йигиндиси ахборот архитектураси асосини ташкил этганлиги учун ДМБАТнинг технологик жараёнларидаги ахборот обьектларини куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- бирламчи маълумотлар – харажатлар сметаси, бюджет ёзуви, ёзув ўзгаришлари тўғрисида маълумот, тўлов топширикномалари, банк кўчирмалари, шартномалар, қимматли қофозлар ва кредит келишувлари;
- ҳисоб-китоб маълумотлари – бирламчи маълумотларни ишлаш натижасида пайдо бўлган маълумотлар, бюджетнинг аниқланган ёзуви, молиялаштириш қолдиклари, турли шаклдаги ҳисобот маълумотлари, аналитик ҳисоб-китоб кўрсаткичлари;
- мөъёрий хужжат сифатидаги маълумотлар – бюджет таснифи, маъмурий-худудий бўлиниш классификаторлари, бюджет ташкилотларининг реестрлари, бюджет счётларининг реестрлари;
- технологик маълумотлар – автоматлаштирилган тизимнинг ишлашини таъминлаш учун зарур хизмат учун маълумотлар, рўйхатдан ўтган кўрсаткичларнинг кетма-кетлиги, ҳаракатлар тури ва фаолияти бўйича ишловчининг хукуқи, ишловчининг ҳаракатлари ёзиладиган жадвалилар.

Ахборот архитектурасининг асосий қисми бутун тизимнинг фаолиятини кўллаб-куватлайдиган режали дастурлаштириши таъминлаш (РДТ) хисобланади. У ахборот тизимида ишлатиладиган ахборотларга ишлов беришни автоматлаштиради, дастур воситаларининг таркиби ва ўзарс боғлиқлигини аниклади. Келгусида ғазначиликнинг ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва уларнинг ўзаро ҳамда бошқа ахборот тизимлари билан алокасини таъминлайдиган очик, жаҳон стандартларига асосланган ахборот архитектураси яратилади. Асосий архитектура тамойиллари раҳбар талаб киладиган даражада ахборотлар ишловини таъминлаш негизи бўлади. Асосий архитектура тамойиллари ташкилот ҳар кунги фаолиятида риоя қиладиган тартиб ва интизом қоидаларини белгилайди.

Ахборот тизим маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш куйидагилардан иборат: маълумотларни марказлашган ҳолда сақлаш; маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш; тизимни марказлашган ҳолда бошқариш; тизим хавфсизлигини марказлашган ҳолда таъминлаш.

Дастурий таъминот куйидагилардан иборат:

- Марказий Банк серверлари, Дастурий серверлар, Фойдаланувчиларнинг иш ўринлари яратилади;
- Фойдаланувчиларнинг иш ўринларида оддий интернет браузери ишлатилади (масалан, Microsoft Internet Explorer)
- on-line режимида ишланади.

Хозирги кунда «Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш» лойихасини амалга ошириш бўйича ишлар доирасида мавжуд тизимни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда. Республикаимизда ғазначиликнинг ахборот тизими мукаммал бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Бугунги кунда ғазначилик тизими фаолиятининг куйидаги модуллари ишлаб чиқилди:

- бюджет мажбуриятларини ва тўловларини бошқариш;
- режадаги бюджет ажратмаларини бошқариш;
- даромадларни бошқариш;
- кассали режалаштириш ва бошқариш;
- банкни бошқариш;
- қарзларни ва молиявий активларни бошқариш;
- бухгалтерия;
- ҳисбот юритиш;
- ахборот хизмати;
- маъмурий тизим.

Миллий ғазначилик ахборот тизимининг концептуал модели – бу тизимнинг барча ахборот оқимлари, функционал қисмлари, уларнинг ўзаро ахборот алокалари қуий тизимлари ва жараёнларини акс эттиради. Мамлакатимизда миллий ғазначилик ахборот тизимини такомиллаштириш ишлари янада кенг кўламда олиб борилмоқда. Вилоят ва туман ғазначилик бўлинмаларини “Ғазначилик-2” дастурлар комплексига ўткизиш тўлиқ

якунланди. Ягона марказлашган маълумотлар базасига эга бўлган ғазначилик ахборот тизими жорий этилди. 2008 йил якунида ғазначилик бошкармалари ва бўлинмалари “Банк-Ғазначилик” тизими орқали банк тизимига боғланиш ишлари такомиллаштирилди. 2010 йил бюджет ижроси давомида маълумотлар хар куни Миллий ғазначилик ахборот тизимидан Молия вазирлигининг ахборот тизими (ГИАТ)га ўтказилади. Бу жараёнда куйидаги маълумотлар таъминланиши керак:

- тури даражадаги маҳаллий бюджет маблағларининг фойдаланилмай колган ҳисми ҳақидаги ҳисобот;
- юридик мажбуриятлар ҳақидаги ахборотлар;
- молиявий мажбуриятлар ҳақидаги ахборотлар;
- мақсадли жамгармалар ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларидан тўловлар ҳақидаги ахборотлар;
- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳақидаги ахборотлар.

Ўзбекистонда миллий ғазначилик тизимини яратиш, замонавий ахборот тизимини такомиллаштириш жараёнлари, мавжуд шароитни ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич олиб борилади.

1. Даромадларни бошқарища солиқ тўловчи муайян соликларни ғазначиликнинг ягона ҳисобракамига ўтказиш учун тўлов хабарномаси тузади, даромадларнинг транзит ҳисобракамлари бекор қилинади. Тўлов хабарномасида бюджет таснифи асосида тўловнинг тури ва мақсади акс эттирилиши керак. Тўлов хабарномаларини кабул қилишда солиқ тўловчиларга хизмат қилувчи банклар бюджет таснифи кўрсаткичларни кўшган ҳолда тўлов хабарномаларининг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

2. Марказий банкнинг КХМ (кассали ҳисоблаши маркази) Ғазначиликнинг Бош бошқармасига тушган маблағлар бўйича кўчирма тақдим этади.

3. Ғазначиликнинг Бош бошқармаси Марказий банкнинг КХМдан олинган маълумотларга ҳамда белгиланган тарқатиш меъёрларига асосан даромадларни республика ва маҳаллий бюджетларга бўлади.

Ахборот тизими тўлов хабарномасида акс эттирилган бюджет таснифига биноан, келтирилган маълумотларни деталлаштиришга имкон беради. Ғазначилик бўлими куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- тўланган соликлар бюджет таснифининг тегишли бўлимларига тўғри киритилганлигини текшириш;

- киримлар тўғри амалга оширилган ҳолда, бўлим ходимлари томонидан даромадларни республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида таксимлаш учун Ғазначилик Бош бошқармасида тасдиклаш.

Кун охирига аникланмаган тушумлардан ташқари аникланмаган ва тарқатилмаган маблағлар қолиши мумкин эмас. Аникланмаган тушумлар суммаси автоматик равишда республика бюджетига кирим қилиниб, ғазначиликнинг алоҳида ҳисоб ракамида ҳисобга олинади. Юқори бюджетдан куйи бюджетта дотациялар, субвенциялар ёки бюджет ссудалари ажратишда

тизим тегишли бюджетлар назорат ҳисоблариға ўзгаришлар киритиш ҳамда бюджет ссудалари ажратиш имконини бериши керак. Ссудалар қайтарилган ҳолда ҳам тегишли бюджетлар ҳисобрақамларига тегишли ўзгаришлар киритилади. Тушган соликлар Фазначилик органлари томонидан солик органи далолатномасига асосан қайтарилади. Даромадлар хакидаги кунлик ахборотлар ғазначилик штампи билан мос равишида маҳаллий молия, солик ва божхона органларига электрон шаклда узатилади, кейинчалик улар қоғозларда тегишли реестрлар, түлов хабарномалари ва бошқа зарурий ҳужжатлар билан тасдиқланади.

1. Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштиришда счёт-фактуралар, бажарилган ишлар хакидаги далолатномалар ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бюджет маблағларини олувчилар ғазначилик бўлимларига тўлаш учун счётлар тақдим этади.

2. Режалаштирилган маблағлар мавжудлиги, товарлар (хизматлар) етказилганлиги ва тўловчи, маблағларни олувчиларнинг реквизитлари текшириб бўлингандан сўнг ғазначилик бўлимлари тўлов ҳужжатининг электрон версиясини тузади. Бундай қоғоз тўлов ва бошқа ҳужжатларнинг асл нусхалари туман ғазнасида колади. Туман ғазнаси томонидан тўлов қўлланилган ҳолда Тошкент шаҳридаги Фазначилик Бош бошкармасининг тўлов хабарномалари асосида ФЯХРдан етказиб берувчилар ҳисобрақамларига назоратдаги ҳисобракамлардаги накд маблағлар эътиборга олинган ҳолда тўловлар пакети шакллантирилади.

Иш хаки, стипендия, нафакалар, хизмат сафарлари учун бюджет харажатлари ФЯХРдан маблағларни тегишли жисмоний шахслар ҳисобракамига ўтказиш оркали амалга оширилади. Айни пайтда, бюджет маблағлари ФЯХРдан бюджет маблағларини олувчиларнинг қоғоз ёки электрон кўринишида тақдим этган ведомостлари асосида ўтказиб берилади.

Накдлийкнинг назорат ҳисоби қўйидагича амалга оширилади. Бюджетнинг барча даромадлари Марказий банкдаги ФЯХРга тушиши сабабли банкда даромадларни бюджетнинг барча бўғинларида ҳисобга олиш учун алоҳида ҳисобракамлар очилмайди. Бюджет барча бўғинларининг қолдиклари Марказий ғазнадаги тегишли бюджетлар накдлийк назорат ҳисобларида амалга оширилади. Харажатлар накдлийк назорат ҳисобларида қолдиклар доирасида амалга оширилади. Назорат рақамларида маблағлар йўқлиги ёки етарли бўлмаганда тизим харажатларини амалга оширишга йўл қўйилмаслиги керак. Назорат ҳисоблари устидан назорат ғазначиликнинг Бош бошкармаси томонидан амалга оширилади.

Худудий ғазначилик бўлимларидан тушаётган тўловлар пакети шакллантирилади. Устуворлик тартиби ва накдлийк назорат рақамларидаги маблағларнинг мавжудлигига қараб, Марказий банк тушган тўлов хабарномаларини ФЯХРдан товарлар ва хизматлар етказиб берувчиларга тўлаш учун йўналтиради. ФЯХРдан тўловлар амалга оширгандан сўнг амалга оширилган операциялар натижалари ва накдлийк назорат рақамларидаги

қолдиклар билан солиширишни амалга оширади. Тўловлар натижалари солиширилгандан сўнг амалга оширилган харажатлар автоматик равиша Фазначиликнинг Бош китобида акс эттирилади.

**Янги юзлий газни хисобваракларни исчадаи
шахсий газни хисобваракларни Фазначиликни**

“Фазначилик-2”

| Разряд рақамлари | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|------------------------------|---|---|---|---|------------|----------|----------------------|----|----|----|----|----------------------|----|----|----|----|----|----|---|----|--|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | Л | 22 | | |
| Меблангар макабиси коди за бўлдигат дарозаси | Хуҷдид тегиштирилган коди | | | | | Бўлим коди | Боб коди | Парта раф коди | | | | | Шахсий ракам коди | | | | | | | | | | |

“Фазначилик-4”

| Разряд рақамлари | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|----------------|---|---|---|---|------------------------------|---|---|----|----|------------------------------|----|----|----|----|----------------------------|----|----|----|----|-------------------------|----|----|----|----|----|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 |
| Меблангар макабиси коди за бўлдигат дарозаси | Валюта коди | | | | | Хуҷдид тегиштирилган коди | | | | | Возифа жонсалали тасниф коди | | | | | Ташкилот тасниф коди | | | | | Шахсий ракам коди | | | | | |

13-расм. Бюджет ташкилотларининг шахсий хисобвараклари

Тизим бюджет ташкилотларининг асосий фондларини хисобрақлари режаси бўйича бюджет таснифига асосан амалга оширилади. Сотиб олинган асосий воситалар бюджет ташкилоти томонидан улар сотиб олинганлигини тасдиқловчи хужожатлар ғазначилик бўлимларига тогширилганидан сўнг хисобга олинади. Асосий воситалар хисобга олинганда ФЯХР кредитланади, тегишли асосий воситалар хисоблари эса дебетлаштирилади. Бюджет ташкилотлари олган асосий воситалар ғазначилик бўлимларининг хисоботларида ойма-ой акс эттирилади.

Давлатнинг молиявий активлари ўз ичига кўйидагиларни олади:

- Корхоналар, молиявий институтлар ва бошқа тижорат бўғинларининг ҳукумат ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига тегишли акциялари.
- Хукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан корхона ҳамда ташкилотларга берилган кредитлар, халқаро молиявий институтларининг кредитлари.
- Хукуматнинг олтин-валюта заҳира.
- Бюджет ташкилотлари ва бошқаларнинг бюджетдан ташкари маблағлари.

Молиявий активларнинг хисобга олиниши хисобрақлари режалари асосида амалга оширилади. Тизим кредитларни тўлаш графигини кузатиб боришиб имконини бериши керак. Қарзларни ёпиш графиклари қайта тузилган ёки ўзгартирилганда назорат рақамларига тегишли ўзгартиришлар киритиш мумкин бўлиши лозим. Тизим алмашув курси ва акциялар бозор курсининг

ўзгариши ва бошқа турли ўзгаришлар муносабати билан қайта баҳолашни юритиш имконини бериши керак Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги хукуматнинг ташки ва ички мажбуриятларини хисобга олиб боради. Газначиликнинг бўлимлари маҳаллий ҳокимлик органларининг мажбуриятларини хисобга олиб боради. Тизим барча ахборотларни газначиликнинг юкори босқичида жамланишини тъмминлади.

10.2. Республика ва ҳудудий Газначилик хисобракамлари юритилиши

Ўзбекистон Республикасида Газначилик органларининг фаолияти кўйидагилардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги, Газначилик Бошқармалари, Газначилик бўлинмалари (туман ва шаҳарларда). Газначилик Марказий банкда ва тижорат банкларида ҳудудий Газначилик хисобракамларини очиш ва ёпиш ҳукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси коидаларига мувофиқ, нақд пул маблағларини олиш учун, жумладан, бюджетдан маблағ олувчиликнинг ҳодимларига иш ҳаки тўлаш, хизмат сафари ва конунчиликда назарда тутилган бошқа нақд пул шаклидаги ҳаражатларни тўлаш учун газначилик бўлинмалари томонидан тижорат банкларда 23212-“Молия вазирлиги Газначилиги маблағлари” ва 23214-“Газначиликнинг ҳудудий бўлинмалари маблағлари” хисобвараклари очилади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси коидаларига мувофиқ, Давлат бюджетига юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар банклар томонидан ўрнатилган тартибда кабул қилинади ва 23402(005)-“Республика бюджетининг маблағлари” хисобварағига кирим қилинади ҳамда белгиланган меъёрларга мувофиқ, банкларда очилган тегишли бюджетларнинг ғазна хисобваракларига ажратилади. Республика бюджетидан молиялаштириладиган барча бюджетдан маблағ олувчиликнинг ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингунга қадар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначиликнига Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказида (ХККМ) 23402 (006) баланс рақами билан Республика ғазна хисобвараги (РФХ) очилади. РФХга республика бюджетининг ғазна ижроси билан қамраб олинган бюджетдан маблағ олувчиликнинг касса ҳаражатларини амалга ошириш учун маблағлар ХККМда 23402 (005) хисобвараги билан очилган республика бюджетининг асосий хисобварагидан тушади. РФХдаги маблағлар тақсимловчиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармаси (ДБББ) бюджетдан маблағ олувчиликнинг тайинлаш сертификатлари асосида республика бюджетининг асосий хисобварагидан РФХга маблағ ўtkазиш учун тўлов топшириқномаларини ўрнатилган тартибда расмийлаштиради ва уларни ХККМга ижро учун тақдим этади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги дебиторлик карзларининг жорий молия йилида қайтарилган суммалари, товар-моддий бойликларни, асосий воситаларни сотишдан ва инвентаризация (текшириш) натижалари бўйича келиб тушган суммалар РFXга кирим қилинади ва ушбу суммалар бюджетдан маблағ олувчилар жойлашган худуднинг шартли хисобварак раками (ШХР) билан очилган, 23402 (005) “Республика бюджети маблағлари” даромадлар транзит хисобвараклари орқали республика бюджетининг даромадларига ўtkазилиши билан алоҳида шахсий хисобваракларда хисобга олинади.

Республика бюджетида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларни ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олингандан сўнг, уларнинг харажатларини республика бюджетининг асосий хисобварагидан РFXга молиялаштириш тўхтатилади ва асосий республика бюджети хисобвараги РFX билан бирлаштирилади. Республика бюджети даромадлари 23402(005)-“Республика бюджетининг маблағлари” худудий даромад транзит хисобваракларидан маблағлар тўғридан-тўғри РFXга кирим қилинади. Корақалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қарамоғида бўлган бюджетдан маблағ олувчиларнинг пул маблағларини кирим қилиш ва ўтказиш бўйича операциялар худудий ғазна хисобвараклари (XFX) орқали амалга оширилади. XFX шахсий хисобваракларидан кўчирмалар XFX да операциялар амалга оширилганлигини тасдиқловчи, бирламчи тўлов хужжатларининг асл ва кўчирма нусхалари иловалари билан, шунингдек, накд пул маблағларини бериш учун 23212-“Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари” ва 23214-“Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари маблағлари” хисобваракларидан кўчирмалар билан, банклар томонидан XFX да ва 23212-“Молия вазирлиги Ғазначилиги маблағлари” ва 23214-“Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари маблағлари” хисобваракларида маблағлар ҳаракатининг кейинги иш кунида доимий равишда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилади.

10.3. Ғазначилик тизимида бюджет таснифидан фойдаланиш

Бюджет таснифи Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан маблағ олувчи ташкилотларга кўлланилади ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилиш, шунингдек, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги хисоботларни тайёрлаш мақсадида фойдаланилади. Бюджет таснифи Давлат бюджетинни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан қиёсланишини таъминлайди.

Бюджет таснифининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- тўлиқлилик – бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчиларини қамраб олиши шарт;
- ягоналик – бюджет таснифи бюджет жараёнининг барча иштирокчилари учун ягона бўлиши шарт;
- ўзаро мувоғиқлик – бюджет таснифининг кодлари бир вақтнинг ўзида бюджет жараёнининг турли операцияларини акс эттириши учун кўпланилмайди, бюджет таснифининг ҳар бир коди ўзига хос бўлиши шарт.

Бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, такчилликни молиялаштириш манбалари гурухланиши бўлиб, бюджет таснифи турлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Давлат бюджети даромадларининг таснифи;
- Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан ташкилий ва иктисодий таснифи;
- Давлат бюджети такчилигини молиялаштириш манбалари таснифи.

Ғазначилик тизимининг самарали ишлаб туриши учун асос бўладиган хужоқат – мамлакат иктисодиётининг барча соҳалари бўйича харажатлар батафсил ажратиб чиқилган, барча режаларнинг бажарилишини ўз ичига олган сифатли бюджетдир. Шуни таъкидлаш зарурки, ғазначиликда мамлакат бюджети молия йили бошлангунга қадар имкони борича батафсил ҳолда қабул китиниши керак. Акс ҳолда, ғазначиликнинг меъёрий фаолияти бекарорлашиши ва самарадорлиги пасайиши мумкин. Шунингдек, Давлат бюджетини ижро этишнинг ғазначилик тизимида бюджет вазифасига оид ва иктисодий аник таснифи бўлиши зарур. Бу талаб килинадиган фискал очик-ойдинликни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазириининг 2010 йил 20 августдаги 65-сонли буйргуи билан (2010 йил 11 октябрда 2146-раками билан рўйхатта олинган) Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўрикнома тасдиқланди. Йўрикнома миллий бюджет таснифини давлат молияси таснифининг халқаро стандартлари билан уйғунлаштириш мақсадида ишлаб чиқида ва 2011 йилнинг 1 январидан амалга киритилди. Мазкур хужжатнинг афзаллilikлари ва муҳим жиҳатларини қўйидаги асосий йўналишлар бўйича кўрсатиш мумкин:

- миллий бюджет таснифини давлат молияси таснифининг халқаро стандартлари билан уйғунлаштириш;
- бюджет таснифининг давлат бюджети газна ижроси бухгалтерия хисобининг ягона хисобвараклар режаси билан уйғунлаштириш натижасида давлат бюджети ижроси билан боғлиқ маълумотларни тақомиллаштириш (тизимлаштириш);
- бюджет жараёнининг барча иштирокчиларининг (давлат бюджети, маҳаллий бюджет, бюджетдан маблағ олувчилар, давлат мақсадли ва бошқа

жамғармаларни) түлиқ қамраб олиниши натижасыда бюджет таснифида давлат бюджети ижросининг янада түлиқ акс эттириш.

Давлат бюджети даромадларининг таснifi барча даражадаги бюджетлар даромадлари, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадларининг гурухланишидан иборат. Йигирма бир коддан иборат бўлган даромадлар таснifi тузилмаси (амалдаги даромадлар таснifi тўрт коддан иборат эди) тўрт кисмли кўринишга эга:

- маблаглар манбай ва бюджетлар даражаси таснifi;
- даромадлар тури;
- ташкилий таснif;
- ҳудудий таснif.

Бюджет таснifi бўйича даромадлар таснifининг тузилмаси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

| Маблаглар манбай ва бюджетлар даражаси таснifi | | | | Даромадлар тури | | | Ташкилий таснif | | Ҳудудий таснif | |
|--|-----|---|---|-----------------|-----|-----|-----------------|----|----------------|--|
| X | xxx | X | x | x | xxx | xxx | xxx | xx | xxx | |

Бюджет таснifi бўйича давлат бюджетига (давлат мақсадли ва бошқа жамғармаларни ҳам кўшган ҳолда) келиб тушаётган барча даромадлар қўйидаги бўлимлар бўйича гурухлаштирилган бўлиб, ушбу маълумотларни ҳалқаро таснif тизимининг маълумотлари билан ўзаро солишириш имконини беради:

- соликлар;
- ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар/бадаллар;
- грантлар;
- бошқа даромадлар;
- актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар.

Юкорида кўрсатилган даромадлар турлари ҳам мазкур даромадларни соликка тортиш базаси бўйича гурухланган ҳолда (параграфлар бўйича) акс эттирилади. Жумладан, соликли даромадлар соликка тортиш базаси бўйича қўйидаги асосий параграфлардан ташкил топади:

- даромад, фойда ва капитал ўсишига соликлар;
- мол-мулкка солинадиган солик;
- товарлар ва хизматларга соликлар;
- халқаро савдо ва операцияларга соликлар;
- бошқа соликлар.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, янги бюджет таснifi бўйича даромадларни таснifлаш амалдаги даромадлар таснifига нисбатан тизимлашди, тўлиқ ва ҳалқаро талабларга мос равишда ишлаб чиқилди.

Харажатлар таснifi Давлат бюджети, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар харажатлари таснifi барча бюджет даражалари харажатлари гурухланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий

функцияларини бажаришга, ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал қилишга бюджет маблағларнинг йўналтирилишини акс эттиради. Харажатлар таснифи кўйидагилардан ташкил топган:

- маблағлар манбай ва бюджетлар даражаси таснифи;
- харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи;
- ташкилий тасниф;
- харажатларнинг иқтисодий таснифи;
- ҳудудий тасниф.

Харажатлар таснифи тузилмаси кўйидаги кўринишда акс эттирилади.

| Маблағлар манбай ва бюджетлар даражаси таснифи | | | | Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи | | | Ташкилий тасниф | | Харажатларнинг иқтисодий таснифи | | | Ҳудудий тасниф | |
|--|-----|---|---|--|-----|-----|-----------------|--|----------------------------------|----|-----|----------------|-----|
| x | xxx | X | x | x | xxx | Xxx | xxx | | xx | xx | xxx | xx | xxx |
| | | | | | | | | | | | | | |

Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифи барча бюджет даражалари харажатлари гурухланишини ўзида ифодалайди ҳамда давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришга, ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал қилишга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнин йўналтирилишини акс эттиради.

13-жадвал.

| Харажат турлари | Кодлар | | |
|--------------------------------------|--------|-----|-----|
| Умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари | 7 | 010 | 000 |
| Мудофаа | 7 | 020 | 000 |
| Жамоат тартиби ва хавфсизлик | 7 | 030 | 000 |
| Иқтисодий масалалар | 7 | 040 | 000 |
| Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш | 7 | 050 | 000 |
| Үй-жой ва коммунал хизматлар | 7 | 060 | 000 |
| Соғлиқни сакланиш | 7 | 070 | 000 |
| Дам олиш, маданият, спорт ва дин | 7 | 080 | 000 |
| Таълим | 7 | 090 | 000 |
| Ижтимоий химоя | 7 | 100 | 000 |

Харажатларнинг вазифа жиҳатдан таснифини қўйидагича асосий бўлимларга бўлинган ҳолда акс эттиришимиз мумкин. Йўрикномада келтирилган харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифи амалдаги таснифга нисбатан давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш сектори бирликлари асосий функцияларини бажаришга, ижтимоий-иктисодий вазифаларни ҳал қилишга бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг йўналтирилишини янада аникроқ акс эттиради. Давлат бюджетидан таълим соҳасига амалга ошириладиган харажатларни қўйидаги солиштириш жадвали оркали амалдаги ва янги вазифа жиҳатидан таснифни солиштириш мумкин:

| Амалдаги тасниф | | | Янги тасниф | | |
|-----------------|---|--|-------------|-----------|---|
| Бўйим | § | Номи | Кодлар | | Номи |
| 000 | 0 | Жами харажатлар | 7 | 000 000 | Жами харажатлар |
| 200 | x | Умумий таълим | 7 | 090 000 | Таълим |
| | 1 | Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари | 7 | 091 000 | Мактабгача таълим |
| | 2 | Мактаблар – болаларни мактабгача тарбияланган муассасалари | 7 | 091 100 | Мактабгача болалар муассасалари |
| | 3 | Бошлангич, тўлиқисз ўрга ва ўрга мактаблар | 7 | 091 200 | Мактабгача мактаб-болалар муассасалари |
| 205 | x | Ўрта маҳсус, олий таълим ва кадрларнинг малакасини ошириш | 7 | 096 400 | Республика мақсадли китоб жамғармаси харажатлари |
| | | | | 7 096 500 | Мактаб таълим жамғармаси |
| 202 | x | Фан | 7 | 097 000 | Таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот тажриба конструктив ишланмалар |
| | 2 | Илмий-техникавий дастурларнинг устувор йўналишлари | 7 | 098 100 | Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигини саклаш харажатлари |
| 214 | x | Давлат бошқарув органларини саклаш харажатлари | 7 | 098 200 | Ўрта маҳсус касб ҳунар таълими марказини саклаш харажатлари |
| | 4 | Вазирликлар, давлат кўмитгалари ва бошқа органларни саклаш харажатлари | 7 | 098 400 | Халқ таълими вазирлигини саклаш харажатлари |
| 240 | x | Капитал кўйилмалар ва умумий лойиҳалаштириш | 7 | 098 800 | Капитал кўйилмалар ва намунавий лойиҳалаштириш |

Янги бюджет таснифида таълим соҳаси учун давлат бюджетидан (давлат мақсадли ва бошқа жамғармалар бюджетидан амалга оширилган харажатларни ҳам кўшган ҳолда) амалга оширилган барча харажатлар кўрсатилади. Таълим муассасаларини саклаш харажатлари, таълим соҳасидаги илмий тадқиқот тажриба конструктив ишланмалар бўлсин таълим учун амалга оширилган барча харажатларни ўзида тўлиқ акс эттиради. Амалдаги харажатларнинг вазифа жиҳатидан таснифида эса, ушбу харажатлар (масалан, таълим соҳасидаги амалга оширилган капитал қурилиш харажатлари, таълим соҳасидаги илмий тадқиқот тажриба конструктив ишланмалар) таълим соҳаси харажатларида эмас, балки бошқа йўналишдаги харажатлар таркибида акс эттирилган.

Иқтисодий харажатлар таснифи Ўзбекистон Республикасининг барча даражадаги бюджетлари харажатларини хўжалик белгиларига, ишлаб чиқариш элементларига кўра фарқлашни назарда тутади, давлат бошқарувида

амалга оширилаётган харажатларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб бюджет харажатлари йўналишларини белгилаб беради. Давлат бюджетининг иқтисодий харажатлар таснифининг тузилмаси кўйидаги кўринишида бўлади.

| Тоифа | Модда ва кичик модда | Элемент |
|-------|----------------------|---------|
| Xx | xx | Xxx |

Иқтисодий харажатлар таснифини ҳам қўйидаги харажатларнинг иқтисодий жиҳатдан асосий йўналишларига бўлинган ҳолда акс эттиришимиз мумкин:

15-жадвал

| | | | |
|----|----|-----|---|
| 40 | 00 | 000 | Харажатлар |
| 41 | 00 | 000 | Ишчислар меҳнатига ҳак тўлаши |
| 41 | 10 | 000 | Иш ҳаки |
| 41 | 20 | 000 | Ижтимоий эхтиёжлар учун бадаллар / ажратмалар |
| 42 | 00 | 000 | Маҳсулот ва хизматлар бўйича харажатлар |
| 42 | 10 | 000 | Хизмат сафарлари харажатлари |
| 42 | 20 | 000 | Коммунал хизматлар |
| 43 | 00 | 000 | Асосий воситалар бўйича харажатлар |
| 44 | 00 | 000 | Фонклар |
| 45 | 00 | 000 | Субсидиялар |
| 46 | 00 | 000 | Грантлар |
| 47 | 00 | 000 | Ижтимоий нафакалар |
| 48 | 00 | 000 | Бошقا харажатлар |
| 49 | 00 | 000 | Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича харажатлар |

Иқтисодий харажатлар таснифини ҳам амалдаги тасниф билан мисол тариқасида иш ҳаки харажат моддаси бўйича солиштириш орқали қўйидагиларни кўришимиз мумкин.

Амалдаги харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича давлат бюджетидан амалга ошириладиган коммунал хизматлар бўйича компенсация тўловлари, вактинча меҳнатга қобилиятсизлик нафакаси ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафакалар иш ҳаки харажат моддаси бўйича акс эттирилган бўлса, эндиликда ушбу харажатлар харажатларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқсан ҳолда иш ҳаки харажатлари таркибида эмас, балки харажатларнинг тегишли моддаларида (маҳсулот ва хизматлар бўйича харажатлар ва ижтимоий нафакалар) акс эттирилади.

| Амалдаги тасниф | Янги тасниф |
|--|--|
| 01 1 00 – Иш ҳақи – жами | 41 10 000 – Иш ҳақи |
| 01 1 10 – Иш ҳақи | 41 11 000 – Пул шаклидаги иш ҳақи |
| 01 1 20 – Коммунал хизматлар бўйича компенсация тўловлари | 41 11 100 – Асосий иш ҳақи |
| 01 1 30 – Умумтаълим, ўрга маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари | 41 11 200 – Иш ҳақига устамалар ва кўшимчалар |
| 01 1 40 – Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва кўшимчалар | 41 11 210 – Умумтаълим, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари |
| 01 1 50 – Вақтингча меҳнатга қобилиятсизлик нафакаси | 41 11 220 – Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва кўшимчалар |
| 01 1 60 - Хомиладорлик ва туғиш бўйича нафака | |

Давлат бюджети ижросини якунлаш бўйича куйидагилар эътиборга олинади:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг 2010 йил ижроси бўйича тақдим этиладиган тегишли йиллик ҳисобот шакллари;
- молия органлари томонидан тақдим килинадиган тегишли бюджетларнинг 2010 йил ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот шакллари;
- разнацилик бўлинмалари томонидан тақдим этиладиган тегишли бюджетларнинг 2010 йил ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот шакллари;
- давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан тақдим килинадиган тегишли жамғармаларнинг 2010 йил ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот шакллари;
- 2010 йил давлат бюджети ижроси билан боғлиқ бўлган бошқа барча операциялар амалдаги бюджет таснифи асосида тузилади.

Республикамизда 2011 йилнинг 1 январидан амалга киритилган янги бюджет таснифи бюджет конунчилиги борасидаги мухим хужжат сифатида амалда кўлланилиши мумкин. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан 2010 йилнинг 1 ноябридан 20 декабрига қадар 2011 йилнинг биринчи чораги учун вақтингчалик харажатлар сметалари янги бюджет таснифи бўйича ўрнатилган тартибда тузилади ва рўйхатга олиш учун молия органларига тақдим этилади.

- бюджетдан маблағ олувчиларга янги шахсий газна ҳисобвараклар очиш, шунингдек, молия органлари томонидан белгиланган муддатда янги бюджет таснифи бўйича бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар

сметаларини ўрнатилган тартибда “Газначилик-3” дастурий мажмуга киритишлари ва рўйхатта олишлари талаб этилади;

– Газначилик бўлинмалари томонидан 2011 молия йилида (молия йилига кўшимча вакт бундан мустасно) бюджетдан маблаг олувчиларнинг харажатлари вактингчалик ва асосий харажатлар сметалари асосида янги бюджет таснифи бўйича маълумотлар базаси орқали амалга оширилади;

– 2011 йилдан бошлиб барча даврий хисоботлар бюджетдан маблаг олувчилар, молия ва газначилик органлари, шунингдек бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан янги бюджет таснифи бўйича тузилади ва тақдим этилади.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджет таснифи, бюджет харажатларининг таснифи, бюджет даромадларининг таснифи, молиявий хисобот, газначиликнинг ахборот тизими, шахсий газна хисобвараклари, харажатлар сметаси, дастурий таъминот, элемент, тоифа, код, объект.

Назорат саволлари:

1. Газначилик ахборот тизимининг хизматчи кисмлари нималардан иборат?
2. ДМБАТнинг технологик жараёнларида ахборот обьектларини қандай турухларга ажратиш мумкин?
3. Газначилик тизими фаолиятининг қандай модуллари ишлаб чиқилган?
4. Нақд пул шаклидаги харажатларни тўлаш учун тикорат банкларида газначилик бўлинмалари томонидан қандай хисобвараклар очилади?
5. Бюджет таснифининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
6. Давлат бюджетининг иктисадий харажатлар таснифининг тузилмаси қандай кўринишда бўлади?
7. Солиқли даромадларни солиқка тортиш базаси бўйича қандай параграфлардан ташкил топади?
8. Республикаизда янги бюджет таснифи бюджет амалиётига қачондан кўлланилиди?
9. Давлатнинг молиявий активларини гурухланг.

11-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

11.1. Маҳаллий бюджетларда ғазначилик фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари

Мамлакатимиздаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда асосий эътиборни молия тизимини ривожлантириш, Давлат бюджетини самарали бошқариш хамда бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишга каратиш муҳим вазифалардан бириди. Ўзбекистон шароитида бюджет тизими бошқариш тизимидағи ислоҳотларнинг энг асосийси ғазначилик тизимини тўлиқ жорий қилишдир. Бюджетнинг кассали ижросида фойдаланилаётган ғазначилик тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос ҳолда давлат харажатларини самарали бошқаришига йўналтирилган чора-тадбирлар йигиндисидан иборат. Бу чора-тадбирлар бюджетнинг харажатлари ижросидаги молиявий назорат бўйича долзарб муаммоларни қамраб олади. Жаҳон амалиётида хорижий давлатларнинг бюджет ижроси айнан ғазначилик тизими орқали амалга оширилади. Ғазначилик узоқ ривожланиш босқичига эга бўлган тизим бўлиб, унинг бир неча ижобий томонлари борки, бу бюджет ижросининг аниқлилиги, мақсадлилиги ва бюджет маблағларининг самарали бошқарилишини таъминлайди. Турли даражадаги маҳаллий бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига замин яратиб беради.

Республикамиз мустакилликка эришганидан сўнг ўтган йигирма йил ичida чуқур иқтисодий сиёsat негизида барқарор молия тизими, шунингдек, унинг асосини ташкил этувчи маҳаллий бюджетни бошқариш соҳасида муайян ижобий ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бюджет тузилмаси, бюджет ижросини таъминлаш жараёни ва маблағлардан самарали фойдаланиш тамоилларини белгилаб берувчи йўрикномалар, услубий кўлланмалар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Мазкур хужжатлар маҳаллий бюджет ижросининг самарали таъминлашига муносиб ҳисса кўшмоқда. Булар бюджетдан маблағ олувчиларни харажатлар сметасининг ижро этиш жараёнларида, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз аксини топиши лозим. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи борасида Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги ва бошка хукукий-мэърий хужжатлар талаблари доирасида боскичма-боскич бир қанча ўзгаришлар амалга оширилди.

Жаҳон иқтисодиёти интеграциялашуви жараёни мамлакатимизда хам бюджет тизимини бошқаришни доимий тарзда такомиллаштириш зарурятини юзага келтирмоқда. Ҳозирги кунда маҳаллий бюджетнинг самарали ижросини таъминлашнинг давлат тадбирлари ичida ғазначилик хизматидан кенг фойдаланиш ва бюджет амалиётида шу асосда туб

ўзгаришларни амалга ошириш мухим аҳамият касб этади. Республикаизда маҳаллий бюджетларда ғазначиликни жорий этиш учун зарур ҳукукий, дастурий ва услубий базани шакллантириш ҳамда ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар аниқ белгиланди.

Бюджет тизимини бошқаришда ўтказилаётган ислоҳотлар маҳаллий бюджет харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишни назарда тутади. Маҳаллий бюджетда ғазначилик тизимини жорий килиш бўйича ҳукумат топшириғига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуннинг умумий ҳолатлари ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни 2006 йил 1 январдан амалга киритилди. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2005 йилда лойиҳа тажрибалари Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида, 2006 йилда республиканинг барча ҳудудларида синаб кўрилди ва 2009 йилда ғазначилик тизими мамлакатимизда тўла фаолият кўрсата бошлади. Бюджет ижросида хорижий давлатлар, жумладан, МДҲ давлатларида олиб борилган ишлар ўрганилди ва улар тўплаган ижобий тажрибалардан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 610-сон қарорининг 20-бандига мувофиқ, «Давлат бюджети ижросининг ғазна тизимига ўтиш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Самарқанд вилоятида, шунингдек, республика бюджетидан молия паштириладиган айрим бюджет ташкилотлари иштироқида, тажриба лойиҳасини 2005 йилдан бошлаб амалга оширишга рухсат берилди. Самарқанд вилоятида пилот лойиҳасини амалга ошириш тадбирлари ташкил этилди ва унинг амалга оширилиши таъминланди.

Ғазначилик тизими жорий килиниши маҳаллий бюджетни режалаштириш, харажатларни амалга ошириш ва уларни бошқаришга, молиявий хисобот, назорат вазифаларига ёндашиш ва бажариш ишларига жиддий таъсир қиласи. Бу – функцияларни ҳозирги кунда амалга оширувчи субъектлар фаолиятига тегишли ўзгаришилар киритиш зарурятини юзага келтирди. Республикаизда бюджет тизимининг тури босқичларида ғазначилик тизимини татбиқ этиш бўйича амалий ишлар қилинди. Ғазначилик фаолиятини иқтисодиётга татбиқ этиш мазкур тизимнинг ҳукукий-мъерий ҳужжатлар ҳолати, ташкилий-услубий ва ахборот тизимини яратиш жараёнларини камраб олади.

Маҳаллий бюджет харажатларини ўз вақтида молиялаштириш ҳамда маблагларнинг бюджет ташкилотлари томонидан самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан назоратни амалга оширишда банк тизимининг камчилклари яққол кўринди. Ғазначиликка маҳаллий бюджетларда маблаглардан самарали ва мақсадли фойдаланиш, молия органларида янги

ахборот технологияларини, тегишили компьютер дастурларини ҳамда турли даражадаги молия органлари ўртасида алоқалар ўрнатишни ҳам хисобга олган ҳолда, дастлабки, жорий ва якуний назорат жараёнини такомиллаштириш бўйича ўзгаришларни амалга ошириш имконияти чекланди. Бунинг асосий сабаблари бюджет ижроси тизимида молия органларининг суст ролга эга бўлганилиги, шу билан бир вақтда банк ва бюджет ташкилотларига юклатилган функцияларни мустақил бажарип, молия органларини амалга оширилган бюджет жараёнларидан кейингина хабардор қилишидир. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетдаги ўта муҳим ижтимоий тадбирлардан бири – даромадларнинг тушиши билан харажатларни амалга ошириш вақтидаги узилишлар бўлди.

Маҳаллий бюджетда асосий аҳамиятта эга бўлган харажатлар ҳалқ таълими, ижтимоий таъминот, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқа харажатлардан иборат. Банк тизимида қайси бюджеттега қарашлигидан қатъи назар, ҳар бир бюджет ташкилотларига банкларда алоҳида хисобракамлар очилган. Бу – йиғилган маблағларнинг кўплаб бюджет ташкилотлари учун очилган хисобракамларда қолиб кетишига олиб келди. Бунинг натижасида маҳаллий бюджетларда маблағ этишмовчилиги юзага келиб, юқори турувчи бюджетдан бюджет ссудасини олишга тўғри келади. Ушбу бюджет ссудаларини олиш тартиби жуда кўп вақтни талаб этади. Энг асосийси, бунинг натижасида аҳолини ижтимоий химоялашга қаратилган биринчи даражали харажатлар – иш ҳақи, нафакалар, пенсиялар, стипендиялар, моддий ёрдамларни молиялаштиришни ўз вақтида амалга оширишни маълум муддатларга кечикишига олиб келди. Маҳаллий бюджет ижросини амалга оширишда юқорида таъкидланган барча камчиликларни бартараф қилиш учун бюджет ижросини ғазначилик тизими орқали амалга ошириш керак бўлди. Бюджет ижросини ғазначилик орқали амалга оширишда молиявий операциялар бажарилишидан олдин дастлабки назорат ўтказилади ва оқилюна бошкарув ечимлари қабул қилиниши таъминланади. Унинг максади ноконуний операциялар, самараслиз харажатларнинг олдини олишdir. Жорий назорат эса молиявий операциялар амалга оширилганидан кейин ўтказилади, текширилаётган хужжатлар ва муассаса ҳамда ташкилотнинг молиявий фаолияти ўрганилади.

Маҳаллий бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий хисобракамларидан харажатларни тўлаш жараёнида ғазначилик органлари томонидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширишда барча бюджет ташкилотлари ҳамда муассасалар қамраб олинади. Муҳими шундаки, ғазначилик тизимининг фаолияти фақат давлат молиявий ресурсларини сафарбар қилиш орқали давлат харажатларини мунтазам бошқариш имкониятини яратибгина қолмай, улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради. Ғазначилик тизими бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатиш ҳамда кредитор тўлов интизомини мустаҳкамлаш, натижада дебитор ва кредитор қарздорликларни кескин қисқартириш имконини беради.

Давлат бюджетининг ғазна ижросининг жорий қилиниши билан бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга эришилди. Шунингдек, ўрга муддатли истикболни режалаштириш, бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича тадбирларни олиб бориш, бюджет ижросининг сифатини ошириш, тўловларни такомиллаштиришга янада кенгроқ шароит юратилди.


Бюджет харажатлари сметаси ва бюджет мажбуриятларининг лимити чегарасида харажатларни амалга ошириш ва тўловлар учун бюджетдан маблағ олувчилар тўлов ва бошқа хужжатларни тайёрлайдилар. Бюджет ижросини амалга оширувчи орган мазкур хужжатларни назорат киласи ва тўловни тасдиқловчи ёзувни амалга оширади. Бюджет харажатларни сарфлаш ғазначиликнинг ягона хисобракамидан бюджет мажбуриятлари билан тасдиқланган маблағларни юридик ва жисмоний шахслар ҳисобига пул ўтказиш орқали бажарилади. Харажатлар – бюджет ташкилотининг сарфлари бўлиб, унинг маблағларининг камайишига ва мажбуриятларининг кўпайишига олиб келади. Харажатлар мажбуриятлари – қонулар, меъёрий-хукукий хужжатлар билан тартибга солинган, хўжалик субъектларининг шартномалари ва келишувлари билан давлат бошқарув органларига, юридик ва жисмоний шахсларга турли даражадаги бюджетларнинг ҳамда бюджетдан ташкари маблағлардан харажатларни тўлашдир. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конунининг “Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш” бўлимидаги “Давлат бюджети мажбуриятларини қабул қилиш учун бюджет сўрови, давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш муддатлари, давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш, бюджетнома, давлат бюджетининг қабул қилиниши ҳамда қабул қилинган давлат бюджети мажбуриятларини бюджет маблағлари олувчиларига етказилиши кўрсатилган”¹.

14-расмда бюджет ташкилотларининг харажатларини тўлаш асослари кўрсатилган. Ғазначилик органлари томонидан бажариладиган вазифаларнинг мураккаблиги ва кўп кирралиги шундаки, ғазначилик фаолиятини жорий қилиш билан ғазначилик органлари ўз ишларида замонавий автоматлаштирилган аҳборот технологияларидан фойдаланаадилар. Бу эса бюджет ижроси жараённида нафақат банк тизимини боғлайди, балки бу жараёнларда турли даражадаги молия органлари, бюджет ташкилотлари, тармоқ идоралари, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташкари фондлар, банк, божхона, солиқ органларининг ўзаро алоқаси ўрнатилади.

Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар кунлик асосида ягона ғазначилик хисобракамида ва ҳудудий ғазначилик хисобракамларида маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги аҳборотни электрон шаклда тақдим этади. Бюджетдан маблағ олувчиларга улар учун ғазначиликда ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисоб-ракамларидан

¹Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижроси.

кўчирмалар, уларнинг харажатларини қоплашга бюджет маблағлари ўтказилганилигини тасдиқлайдиган тўлов хужжатлари ва бошқа хужжатларни тақдим этади ҳамда манбалар бўйича тегишли бюджетлар даромадлари тушуми хисоби юритилади.



14-расм. Бюджет ташкилотлари харажатларининг тўланиши

Молия органларининг топшириғига кўра юкори бюджетларда назарда тутилган режали дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудалари суммаси ва бошқа тўловлар куйи бюджетларнинг ғазначилик хисобракамларига ўтказилади. Бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар доирасида ва мақсадларга мувофиқ тузилиши устидан қаттиқ назорат килиш асосида шартномалар рўйхатга олинади. Бюджет ташкилотларини, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб борилади, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини ҳамда қоидага кўра, воситачилик хизматларидан воз кечиш назарда тутилади.

Мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилди. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий, молия ва солиқ сиёсати бюджетнинг ғазна ижроси ва республика аҳолисининг манбаатларига қаратилган, бундай ўзгаришлар ўзининг ижобий натижаларини бермокда. Буни мамлакатдаги ЯИМ ҳажмининг ошиб бораётганлиги, йил сайин инфляция даражасининг пасаяётганлиги, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганлигига кўриш мумкин.


11.2. Маҳаллий бюджетни ғазна ижросида нақд пул билан таъминлаши масалалари

Халқаро амалиётда бюджетнинг касса ижроси билан боғлик бўлган нақд пул таъминоти учун масъулият ва жавобгарлик Марказий банк зиммасига юклатилган. Газначилик нақд пулсиз шаклда бюджет харажатларини молиялаштириб беради. Марказий банк эса молиялаштириладиган бюджет харажатларининг нақд пул таъминотини амалга оширади. Марказий банкнинг туман, шахарларда филиаллари бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тижорат банклари бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш жараёнида иштирок этади. Аммо бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш жараёнида тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган операциялар улар фаолиятининг молиявий кўрсаткичларига таъсири кўрсатмаслиги лозим.

Республикамизда пул массаси ҳажмида нақд пуллар салмоғининг юқорилиги сабабли нақд пул муомаласи билан иқтисодий фаоллик ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Мамлакатда давлат бюджетининг касса ижроси билан боғлик бўлган нақд пуллик тўловларнинг Марказий банк томонидан тўлиқ таъминланмаётганлиги, бу тўловларнинг асосий қисмининг тижорат банклари зиммасига юкланганлиги, нақд ва нақдсиз пулларнинг қиймати ўртасида сезиларли фарқнинг мавжудлиги, пластик карточкаларга асосланган тўловлар тизимининг такомилашмаганини нақд пулларга бўлган талабнинг кучайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасида газначилик институтининг жорий килиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва жаҳон талабларига жавоб берадиган бюджет ижросини ташкил этиш борасидаги ишларнинг муҳим қисми хисобланади. Газначилик тизимини жорий килиш эвазига республикамизда бюджет тизими, жумладан, маҳаллий бюджет ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишда жиддий илгари силжиш юз бермоқда.

Газначиликни жорий этиш бюджетни бошқаришнинг мавжуд тизимини янада такомиллаштиришга кўмаклашади. Газначилик органларидан ўз вақтида ва муҳим ахборот олиниши Молия вазирлиги томонидан молия тизими ҳамда иқтисодиётдаги қисқа муддатли кундалик ҳолатларни тезкор аниқлашга ёрдам беради. Мамлакат бюджетининг таъсиричан ролини кучайтиради. Газначиликда касса оқимлари режалаштирилади.



15-расм. Ғазначиликда касса оқимины режалаштириши

Ғазначилик бўлинмаси бюджет ташкилотлари ва бошқа бюджетдан маблағлар олувчиларга нақд пул тўлаш учун банкларнинг ваколатли муассасаларида маҳсус транзит ғазначилик хисобраками очади. Ҳар бир транзит хисобракамига жойлашувига боғлиқ тарзда нақд пул маблағлари олувчи бюджет ташкилотлари бириктирилиши лозим. Банкларнинг ваколатли муассасалари Ғазначилик томонидан ёзib берилган чек асосида мазкур транзит хисобраками орқали бюджет ташкилотларига нақд пул маблағлари беришни амалга ошириш лозим. Бунда Ғазначилик бўлинмалари ўзларига хизмат кўрсатаётган банкларга аризаларига кўра ҳар бир бюджет ташкилоти бўйича алоҳида равишда худудий (республика) ғазначилик хисобракамидан транзит хисобракамига маблағ кўчириш учун тўлов топширикномаси тақдим этади. Республика изда хозирги вақтда тўлов топширикномасига асосан Ғазначилик бўлинмаларига хизмат кўрсатувчи “Банк-Ғазначилик” тизимини тўлиқ жорий этилгунга қадар Ҳудудий ғазначилик хисобраками ва Республика Ғазначилик хисобракамидан транзит хисобракамига маблағ кўчирилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг тури соҳаларидаги муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда давлат томонидан бошқарув тизимларининг фаолияти ўзгартирилади. Бугунги кунда бюджет маблағларини иқтисод қилиш ва самарали ишлатилишида ғазначиликнинг вазифалари ҳамда функциялари ўзгартирилади ва янада такомиллаштирилади.

Республикамизда Давлат бюджети касса ижросини нақд пул билан таъминлаш амалиётининг моҳияти қуидагича: республикамизнинг бир қатор тижорат банклари (Пахта банк, Ипотекабанк, Ҳалқ банки, Миллий Банк, Саноатқурилишибанк) бюджет ташкилотларига, таълим, соғлиқни саклаш

муассасаларига банк хизмати кўрсатадилар. Шу сабабли, Давлат бюджети (газна) касса ижроси жараёнида мазкур банклар фаол тарзда иштирок этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет харажатларини молиялаштириш суммаси мазкур тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик хисобракамига ўтказилгандан сўнг, уларнинг накд пулда тўланадиган қисми уч иш куни мобайнида тижорат банкларининг айланма кассаси орқали тўланиши лозим.

Тижорат банкларининг накд пулдаги тушумлари, биринчи навбатда, бюджет харажатларини молиялаштиришга йўналтирилади. Бу эса тижорат банкларининг мижозлари бўлган моддий ишлаб чиқариши соҳасида фаолият кўрсатадиган хўжалик субъектларини накд пул билан таъминлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки вилоятларда накд пул тушумининг барқарорлигини таъминлашда сезиларли муаммолар мавжуд. Ана шундай муаммолардан бири – савдо ва умумий овқатланиш корхоналари орқали банклардан ташқарида айланётган накд пуллар миқдорининг йириклиги ҳамда уларни банкларга жалб этиш муаммосининг ҳал килинмаганлиги хисобланади. Бундай шароитда накд пул маблағларининг етишмаслиги муаммоси чукурлашади ва тижорат банклари мижозларининг накд пул билан ўз вактида таъминланмаслигига сабаб бўлади.

Аҳоли пуллик тўловларнинг асосий қисмини накд пулларда амалга ошираётганилиги, пластик карточкалар ва пуллик чеклар воситасидаги тўловларнинг ривожланмаганлиги накд пулларга бўлган талабнинг юкори даражада қолишига сабаб бўлиши мумкин. Накд пулсиз хисоб-китоблар тизими, пластик карточкалар ва пуллик чекларга асосланган тўлов тизими ривожланмаган мамлакатларда пул айланмасининг сезиларли қисми накд пулда амалга оширилади. Бунинг натижасида, биринчидан, накд пул муомаласи билан мамлакатдаги иқтисодий фаоллик ўртасида бевосита боғлиқлик юзага келади; иккинчидан, накд пул муомаласининг миллий валюстанинг алмашув курсига нисбатан таъсири кучаяди. Накд пулсиз хисоб-китоблар тизимининг ривожланмаганлиги накд пулларга бўлган талабнинг юкори даражада қолишига сабаб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, накд пул муомаласининг миллий валюта курсига таъсирини кучайтиради.

Банк тизимида бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси – Молия вазирлиги кайсиdir маънода бу маблағларнинг харакати ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш имкониятидан четлаштирилди. Бюджет маблағларини банкда бир хисобракамдан иккинчи хисобракамга ўтказишда тўхтаб қолишига, уларнинг мақсадсиз ишлатилишига йўл кўйилиши бунинг салбий натижасидир. Бундан ташқари, бюджетнинг банк тизими орқали ижро этилишининг кўзга кўринган энг катта камчиликларидан бири – инфляция жараёнининг ўсиши бўлди.

Марказий банк ахборот тизимида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ГУАТ томонидан Фазначиликнинг ҳудудий бўлинмалари билан Марказий банкнинг вилоят бошкармалари (вилоят бюджети бўйича) ва

тижорат банклари (шаҳар, туман бюджетлари бўйича) ўртасида “Банк-Газначилик” тизими фаолиятини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кабул килинди.

Куйидаги расмда накд маблағлар тўлашда газначилик бўлимлари ва банклар ўртасида ахборотларниг алмашиш жараёнлари кўрсатилган.



16-расм. Накд маблағлар тўлашда газначилик бўлимлари ва банклар ўртасида ахборотларниг алмашиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли “Давлат бюджети газна ижроси тизимини келгусида ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Конуни ижроси доирасида ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Марказий банк томонидан маблағлардан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида 2009 йил 20 марта банкларда очилган ҳамда иш ҳаки ва унга тенгглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар тўлаш учун мўлжалланган 23404, 23426, 23430, 23432 депозит (транзит) хисобракамларни тўхтатиб қўйиш тўғрисида, шунингдек,

белгиланган муддатда ушбу максадлар учун янги 23212, 23214 депозит счёtlарини очиши ҳакида күшма хат имзоланди.

Марказий банкнинг вилоят бошқармалари ва тижорат банклари газначилик бўлинмалари транзит ҳисобрақамларидан нақд маблағ олиш учун тушумлар, тўловлар ва нақд маблағ тўловлари бўйича қолдиқлар (тўлов турлари бўйича ва бюджет ташкилотлари бўйича) микдорининг батафсил ҳисобини юритиш, бу ахборотларни Газначилик ва унинг худудий бўлинмаларига узатишга имкон берувчи маҳсус ахборот тизимлари (дастурий таъминот) яратиш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича тадбирлар қўлланилади. Банклар Газначилик бўлинмаларидан олинган чеклар ва бюджет ташкилотлари назорат маркаларига асосланиб, транзит ҳисобрақамига хизмат кўrsatiшда бюджет ташкилотлари кассирларига нақд маблаглар беришини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармаси (ДБББ) бюджетдан маблағ олувчилик тайинлаш сертификатлари асосида республика бюджетининг асосий ҳисобварагидан РРХга маблағ ўtkазиш учун тўлов топширикномаларини ўрнатилиган тартибда расмийлаштиради ва уларни Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса маркази (ХККМ)га ижро учун тақдим этади.

11.3. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш

Бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли бўлган пластик карточкалардан фойдаланиш тобора кенгайиб боришини кузатишимиз билан бир қаторда баъзи бир муаммоларга ҳам дуч келмоқдамиз. Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш учун эътиборни нафақат ахоли оладиган даромадларни пластик карточкаларга ўtkазишга, балки ушбу карточкалар орқали сифатли ва арzon товарлар сотиг олишлари учун шароит яратишга ҳам қаратиш лозим. Бунинг учун республикамизнинг барча худудларида савдо дўконлари ва хизмат кўrsatiш шохобчаларидан пластик карточкаларидан фойдаланиш имкониятини берадиган терминаллар ўrнатиш талаб этилади. Мазкур тадбирни амалга оширишда савдо ва хизмат кўrsatiш ташкилотлари билан тижорат банклари фаол ҳамкорлик килишларига тўғри келади.

Хукумат томонидан банк тизимида пластик карточкалар микдорини ошириш ва ахолини пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида бир қанча имтиёзлар берилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб килиш, хусусан, чакана савдо ва хизмат кўrsatiш соҳаларида тўловларни амалга ошириш бўйича кулайликлар тўғрисида ахолига кенг камровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоб килиш ўзининг кулайлиги билан кейингти пайтда бюджет ташкилотлари ходимларининг эътиборини

тортмоқда. Жаҳон амалиёти кўрсатадики, бюджет ташкилотларига пластик карточкалар билан хисоб-китоблар қилиш тизимини янада ривожлантириш яхши натижалар беради, нақдсиз хисоб-китоблар тизимида пластик карточкалар кенг кўлланилади. 2012 йилда бюджетдан таъминланувчилар газначилик ижроси томонидан тўлиқ камраб олингандан сўнг, газначиликка уларнинг хозирги вақтда банкларда хизмат кўрсатилаётган бюджетдан ташкари хисобрақлари тўлиқ жалоб килинади. Нақд шаклда тўловлар миқдори сезиларли дараҷада камаяди, чунки Ўзбекистон Республикаси баён тизимида пластик карточкалар асосида тўловлар тизими жадал ривожлантирилади.

Республикамизда пластик карточкалар билан тўловларни амалга ошириш бутунги кунда ҳар бир фукаро учун одатдаги ҳолга айланиб бормоқда. Бунга сабаб пластик карточкалар мижоз учун қулай тўлов воситаси бўлиб, нақд пулга бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада камайтиради. Республикамизда ҳозирги кунда пластик карточкалар орқали турли хил тўловларни амалга ошириш имконияти мавжуд. 2008 йил давомида муомаладаги пластик карточкалар орқали ўтказилган транзакциялар сони 1096,7 мингдан ортиб, тўловлар миқдори 41,9 млрд. сўмни ташкил этди. 2009 йилнинг биринчи чораги давомида муомаладаги пластик карточкалар орқали ўтказилган транзакциялар сони 682,87 мингдан ортиб, тўловлар суммаси 24,47 млрд. сўмга етди.

Банк тизимида нақд пулсиз хисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан, пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аник чора-тадбирлар кўриб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 2010 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминалларнинг умумий сони 60631 тани, карточкалар умумий сони 6058,9 мингтани, шундан ойлик иш хаки лойиҳаларидағи карточкалар сони 3546,7 мингтани ташкил қилди. Корпоратив карточкалар сони 14,1 мингтани ташкил қилди. Пластик карточкалар хисобваракларига 3846 млрд. сўмлик маблағлар ўтказилди. Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар амалга оширилган ўтказмалар хажмини йилдан-йилга юкори суръатларда ошириб бориш кўзда тутилди.

Хозирда Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш, Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солик кўмитаси томонидан ойлик иш ҳақларининг 50 фоизининг пластик карточкалар орқали берилишини кенг жорий қилиш юзасидан 2008 йил 4 июнда имзоланган кўшма кўрсатма хати ижросини таъминлаш максадида ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Халқ банки томонидан Соғликни сақлаш вазирлигига қарашли 220 та, Халқ таълими вазирлигига қарашли 224 та ва бошқа вазирликтарга қарашли бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларга хизмат кўрсатилмоқда. Бундан ташкари, жисмоний шахслар ҳамда ҳарбий пенсионерларнинг пенсияга чиқанидан сўнг ҳам иш фаолиятларини давом эттиришини, уларга тўланадиган пенсия миқдорининг катталиги туфайли бу маблагни одатда

кисмларга бўлиб олишларини ҳисобга олиб, Тошкент шаҳрида уларнинг пенсияларини пластик карточкалар орқали бериш анъанага айланди. Эндиликда Халқ банки пластик карточкалар тизимини янада ривожлантириш мақсадида жорий йил охирига қадар кўшимчада 70 минг дона милий валютадаги пластик карточкаларни жорий қилиш ҳамда аҳолини нақд пул билан таъминлаш учун бир қанча янги терминал ва банкоматлар ўрнатишни режалаштириди. Давлат тижорат Халқ банки мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш, фуқаролар маблағлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар асосидаги пул муомаласини ҳаётга кенг татбиқ этишига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг банк пластик карточкаларига бўлган ишонч ва кизиқишини оширмоқда.

Мазкур банк пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилиш ўзининг қулийлиги билан кейинги пайтда бюджет ташкилотлари ходимларининг зътиборини тортмоқда. Жаҳон амалиёти кўрсатадики, бюджет ташкилотларига пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қилиш тизимини янада ривожлантириш яхши натижалар беради. Ташкилотларга Халқ банки томонидан иш ҳаки лойиҳаси бўйича муомалага чиқарилган пластик карточкалардан фойдаланиш бир қанча қулийликлар яратмоқда. Бунга мисол сифатида ишчи-ходимларнинг маошларини банкдан олиб келиш, саклаш харажатлари ва уни тарқатишга кетадиган вакт ва оворагарчиликларнинг олди олинаётгандигини кайд этиб ўтиш мумкин. Бугун ходимлар замонавий банк хизматидан фойдаланиш билан бирга, ёнларида катта микдорда нақд пул олиб юриш, уни саклаш каби муаммолардан ҳам холи бўладилар. Пластик карточкаларнинг яна бир қулийлиги савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчаларида ўрнатилган ҳар қандай банкка қарашли терминаллар орқали савдоларни амалга ошириш, коммунал тўловларни ўтказиш имконияти мавжудлиги билан боғлиқ.

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида ғазначилик тизимида тўлов интизомини мустаҳкамлашнинг самарали усусларини кўллаш керак. Бюджет ташкилотларига пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар қилиш тизимини такомиллаштириш лозим.


11.4. Бюджет ташкилотлари харажат сметаларини тузиш ва рўйхатга олиш

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари зътиборига Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатлари микдорини, шунингдек, келгуси молия йили учун уларга Республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари микдорини ҳамда бюджеттага оид бошқа кўрсаткичларни, давлат бюджети қабул килинганидан кейин

республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига улар учун белгиланган харажатлар микдорини – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин ўн кунлик муддат ичидаги етказади. Республика ва маҳаллий бюджетлар томонидан маблағларни ўз эгаларига тўлиқ ҳамда муддатидаги бориши, ундан фойдаланилиши ва самарали сарфланиши бюджет назорати ёрдамида амалга оширилади. Давлат бюджетидан маблағ олувчиликрга бюджет маблағларининг етказилиши амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу жараённи қуидаги 16-расмда кўриш мумкин.

Давлат бюджетининг бюджет маблағлари олувчиликга етказилиши

Қоракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий
бюджетининг тегишли молия органлари



17-расм. Давлат бюджети маблағларининг бюджет ташкилотларига етказилиши

Қоракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин бюджетдан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари эътиборига улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар микдорлари етказилади.

Давлат бюджети ижросининг газначилик тизимига ўтиши ўзининг жуда кўп ижобий томонларига эга. Маблағларни ягона газначилик ҳисобида жамлаш касса узилишларининг олдини олади. Бюджетдан маблағ олувчиликрга бюджет ташкилотларининг маблағлар харакатини тезлаштиради ва ҳаққоний бюджет параметрлари шаклланишини таъминлайди. Бундай тизим бюджет ташкилотлари раҳбарларига бюджет маблағларидан жорий харажатлар учун самарали фойдаланишини ўргатади ва асоссиз кредитор қарздорликлар вужудга келишининг олдини олади.

Газначилик тизими бюджет харажатларини Ягона газначиликнинг ҳисобраками амалга оширилиши молиявий режалаштиришни амалга оширишга ёрдам беради. Яъни тўловлар режасини ва ягона ахборот тизимини жорий этиш, бюджет маблағлари ишлатилишини таҳлил қилиш, бюджет ташкилотлари харажатларининг дастлабки ва жорий назоратини такомиллаштириш имконини беради.


Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимиning жорий этилиши билан дастлабки ва жорий молиявий назоратни амалга ошириш бюджетдан маблағ оловчилар билан биргаликда ғазначилик органларига ҳам юклатилади. Харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товарлар етказиб берувчиликнинг бевосита ҳисобрақамига бюджетдан маблағ оловчилар номидан тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назорат таъминланади.

Бюджет ташкилоти йил давомида контрагентлар билан шартномалар тузади. Уларнинг бажарилишини таъминлаш учун пул тўловларини амалга оширади. Молиявий мажбуриятлар лимитини баҳолашда биринчи ва иккинчи гурух харажатлари ўз вактида молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вактида, кечиктирмасдан берилиши, иш ҳақи фондидан ажратмалар тўланиши шарт. Бошқа харажатларнинг амалга оширилишида ҳам бюджет ташкилоти тежамкорлик, мақсадлилик тамойилларига амал қилиши талаб этилади. Харажатларни амалга ошириш, рухсатномалар асосида амалга оширилиши ҳамда уларнинг ҳажми, йиллик ажратмалар ва харажатларни амалга ошириш рухсатномалари микдоридан ортиб кетмаслиги шарт. Шартномаларни рўйхатга олишда айрим турдаги харажатларни амалга ошириш бўйича ноаниқликлар мавжуд. Масалан, бюджет ташкилотларининг алоқа ва маҳсус алоқа хизмати бўйича шартномалар қандай тартибда амалга оширилиши аниқланиши керак.

Ғазначилик харажатларни амалга оширишга рухсатномалар чиқарилиши ва тўланиши, юридик мажбуриятларнинг рўйхатга олиниши, счётфактуралар ва тўловга аризаларнинг ёзилиши, аризаларнинг тасдиқланиши ва тўлов амалга оширилиши учун масъул бўлиб ҳисобланади. Маблағлар Ғазначиликнинг Марказий банкдаги Ягона ҳисобрақамларидан товарлар ва хизматлар етказиб берувчининг ҳисобрақамига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади. Тўловчи ва оловчилар учун тўловнинг тасдиғи ғазначилик бўгинларининг электрон кўринишдаги ахбороти орқали амалга оширилади.

Шартномани ҳисобга олиш ғазначилик томонидан бюджетдан маблағ оловчи ва етказиб берувчининг номи ҳамда реквизитлари, шартнома суммаси, унинг рақамлари ва тузиш санаси, Вактинчалик низомга кўра бюджетдан маблағ оловчилар билан етказиб берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш китобида рўйхатдан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. Ғазначилик тизимида юридик мажбурият шартнома тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейин вужудга келади. Ғазначиликда юридик мажбуриятларни ҳисобга олишдан асосий мақсад – бюджет назоратининг самарадорлигини янада оширишдир, яъни харажатларнинг тасдиқланган режадан ошиб кетишига, асоссиз дебигорлик ва кредиторлик карздорликларга йўл қўймаслиқдан иборат.

«Газначилик-3» Даствурида ХАОР



18 -расм. “Газначилик-3” дастурида Харажатларни амалга оширишга рухсатномаларнинг ўрни.

Бюджетнинг касса ижросида газначилик тизими услубий ва ташкилий жиҳатдан мукаммал жараён сифагида каралади. Газначилик тизимининг элементлари ва принципларини чуқур ўрганиб чиқмаслик, унинг ишлаш механизмига риоя қиласлик газначиликнинг амалиётда ишлаш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади ва бюджет ижросининг нотўғри бошқарилишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги 744-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида”ти Қарорига мувофиқ, товар (иш, хизмат)ларни харид килиш бўйича хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тегишли Газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг ўрнатилган тартибда ва тўлов графигига асосан 15% (электр энергияси тўлови ва 3 гурӯҳ харажатларидан капитал курилишга 30%, 4-гурӯҳ харажатларидан капитал курилишга 30% гача ҳамда ЁММ ва алоқа хизмати учун 100%) олдиндан тўловни амалга ошириши керак. Молиявий мајбурият Газначиликнинг Бош китобида қайд қилинади. Молиявий мајбурият шартнома ёки бошқа келишувларнинг муддати ўтгунга қадар копланиши лозим.

Бюджетдан маблаг олувчиларнинг харажатлари тўлови молия йили учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида, тасдикланган (аниқланган) харажатлар сметалари, газначиликда рўйхатга олинган, бюджетдан маблаг олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари асосида:

– Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ёки унинг худудий бўлинмалари томонидан белгиланган тартибида;

– Коракалпогистон Республикаси бюджети ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг худудий ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Бюджетдан маблағ олувчиликар бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхалари ва уларга иловаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси захира жамғармаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши захира жамғармаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги захира жамғармалари маблағлари ҳисобига ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни, улар молия органларида ўрнатилган тартибида рўйхатга олинганидан сўнг, ғазначилик бўлинмаларига тақдим этадилар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат бюджетининг ғазна ижроси” коидаларига мувофиқ, нақд пул маблагларини олиш учун, шу жумладан бюджетдан маблағ олувчиларнинг ходимларига иш хақи тўлаш, хизмат сафари ва конунчиликда назарда тутилган бошқа нақд пул шаклидаги харажатларни тўлаш учун ғазначилик бўлинмалари томонидан тижорат банкларида 23212-“Молия вазирлиги Фазначилиги маблағлари” ва 23214-“Ғазначиликнинг худудий бўлинмалари маблағлари” ҳисобвараклари очилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги дебиторлик қарзларининг жорий молия йилида қайтарилган суммалари, товар-моддий бойликларни, асосий воситаларни сотишдан ва инвентаризация (текшириш) натижалари бўйича келиб тушган суммалар РРҲга кирим қилиниди ва ушбу суммалар бюджетдан маблағ олувчиликар жойлашган худуднинг шартли ҳисобварак рақами (ШҲР) билан очилган, 23402 (005)-“Республика бюджети маблағлари” даромадлар транзит ҳисобвараклари орқали республика бюджетининг даромадларига ўtkазилиши билан алоҳида шахсий ҳисобваракларда ҳисобга олинади.

Республикамизда ғазначилик тизимиning жорий қилиниши давлат бюджетини режалаштириш, харажатларни амалга ошириш, бюджетлараро муносабатларни шакллантириш ва молиявий ҳисобот ишларига жиддий таъсир киласи. Иктисадиётни модернизациялаш шароитида бу функцияларни амалга оширувчи органлар, хусусан, худудий молия ва ғазначилик органлари, куйи ва юқори бюджетларни бошқариш жараёнларига ҳамда бюджетдан маблағ олувчи бюджет ташкилотлари фаолиятига янги ўзгартиришлар киритилади.

Таянч сўз ва иборалар

Харажатларини амалга оширишига рухсатномалар, бюджетдан ташқари маблаглар, бюджетдан ташқари фонdlар, газначиликнинг ахборот тизими, бюджет ташкилотлари, харажатлар сметаси, шахсий газна ҳисобварақлари, пластик карточкалар, дастурий таъминот, бюджет ташкилотларида иш ҳақини тўлаш, пенсиялар, ижтимоий нафакалар.

Назорат саволлари:

1. Махаллий бюджетларда фойдаланиладиган ғазначилик тизимининг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Бюджет ташкилотларининг харажатларини тўлаш асослари нималардан иборат?
3. Газначиликда кассали режалаштиришнинг аҳамиятини тушунтириинг.
4. Накд маблағлар тўлашда ғазначилик бўлинмалари ва банклар ўртасида ахборотларни алмасиши жараёнлари тўғрисида нима дея оласиз?
5. Республикаизда пластик карточкалар билан тўловларни амалга ошириш ишлари ҳақида нима дея оласиз?
6. Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, пластик карточкалардан фойдаланишини ривожлантириш бўйича қандай чора-тадбирлар кўрилди?
7. Газначилик тизимида харажатлар сметаси қандай бошқарилади?
8. Газначилик-3 Дастурида ХАОРларнинг аҳамиятини тушунтириинг.
9. Коракалпогистон Республикаси бюджети ва махаллий бюджетдан маблағ олувчиликнинг бюджетдан ташқари маблаглари қандай тартибда XFХга кирим килинади?
10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамгармалари, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамгармалари маблағларининг бошқарилишини тушунтириинг.

12-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

12.1. Бюджет харажатлари ижросида юридик мажбуриятларининг аҳамияти

Республикамиз мустакилликни қўлга киритганидан кейин бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли танланди. Иқтисодиётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг замонавий боскичларида, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда молия тизимининг аҳамиятини ошириш тобора мухим вазифалардан бирига айланди. Шундай ислоҳотларнинг бири бюджет тизимини бошқаришни ислоҳ қилишга таалкуқидир.

Макроиктисодий мутаносибликларни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, пул ҳажми ва бюджет тақчиллигини чеклаш, молиявий-иктисодий баркарорликни таъминлашнинг мухим шарти – давлат молиясини бошқариш, бюджет мажбуриятларини янада такомиллаштиришни талаб килади. Мамлакатимизда ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнлари давлат томонидан тартибга солиниши давр талабига мос келадиган бюджет механизми асосида амалга оширилади.



19-расм. Давлат бюджетининг функциялари

Давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, давлат маблағларини тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда Давлат бюджетининг аҳамияти бекиёсdir. Давлатнинг пул маблағлари жамғармасини бирор соҳага маълум мақсадлар учун тақсимлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар Давлат бюджетининг сарфлари деб аталади. Бюджетнинг харажатлар категорияси сарф-харажатларнинг аниқ турлари орқали ифодаланади, буларнинг хар кайсиси сон ва сифат жиҳатидан изоҳланади. Сифат жиҳатидан изоҳланishi бюджет турларининг қайси мақсадларга сарфланишини кўрсатади. сон жиҳатидан микдорини кўрсатади.

Бюджет харажатлари бу – давлатнинг ўз вазифаларини бажариши жараёнидаги сарфлардир. Харажатлар иқтисодий муносабатларни билдиради, унинг асоси марказлашган жамғарма пул маблағларини хар хил йўналиш бўйича сарфлашдир. Сарф-харажатлар бутун иқтисодиётни қамраб олади, чунки давлат жамиятнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олади. Бюджет харажатлари микдори ва тузилишига кўпгина омиллар таъсир этади:

- давлат тузилиши;
- давлатнинг ташқи ва ички сиёсати;
- иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси;
- ахолининг турмуш даражаси;
- давлат ва хусусий сектор ҳолати.

Давлат харажатлари муайян бир даврда мавжуд бўлган ижтимоий ва иқтисодий алокаларни кайта тиклашга хизмат киласди.

Газначилик – бюджетнинг ҳар бир сўмини окilonona ишлатишни таъминловчи механизmdir. Давлат бюджетининг касса ижросини самарали тарзда ташкил этиш, давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни янада кучайтириш, давлат бюджети маблағларини бошкариш орқали давлат бюджетининг иқтисодиётимиздаги ролини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конуни қабул килинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конунининг қабул килиниши давлат маблағларини тўплаш ва улардан самарали фойдаланишини тартибга келтириш, бюджет маблағларидан тўловларни амалга ошириш бўйича муҳим қадам бўлди. Мазкур конунга асосан газначиликнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланди:¹

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошкариш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетинин ғазна ижроси тўғрисида»ги Конуни.

- Давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топширигига биноан тўловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун тузадиган шартномаларни, буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари хисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларни рўйхатга олиш;
- Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия хисобини юритиш;
- Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш.

Ғазначилик органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш жараёнида давлат бошкарувининг тегишли органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Белгиланган тартибга кўра, мазкур органлар ва ташкилотлар давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначиликка кўмаклашишлари лозим. Ғазначилик ўзининг бир қатор вазифа ва функцияларини бажариш билан биргаликда давлат бюджети мажбуриятларини қабул қилиш, тўловларни амалга ошириш, давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия хисобини юритиш, давлат бюджети ижросининг кандай бораётганилиги тўғрисида хисоботларни йиғиши, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан ҳам шуғулланади.

Мажбурият – бу фуқароларнинг хуқуқий муносабатлари бўлиб, маълум бир шахс (карздор) бошка бир шахс (кредитор) манфаати хисобига маълум бир ҳаракатларни амалга оширишидир. Масалан, мол-мулкни бериш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш, пул тўловларини амалга ошириш ёки маълум ҳаракатлардан воз кечиш ва бошқалар. Бошқача қилиб айтганда, мажбурият – бу одатда, ёзма равишда расмийлаштирилган, сўзсиз бажарилиши талаб қилинувчи ваъда демакдир. Шартномаларга асосан вужудга келадиган мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқади. Бюджет мажбуриятлари давлат бюджети мажбуриятларининг йигиндисидан иборат бўлади. Давлат бюджетининг бюджет таснифи орқали тартибга солиниши, бюджет мажбуриятлари назорати, бухгалтерия хисоб-китобининг юритилиши, хисоботнинг сифатли тайёрланиши ҳалқаро иқтисодий алокаларнинг амалга оширилишида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунининг “Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш” бўлимида давлат бюджети мажбуриятларини қабул қилиш учун бюджет сўрови, давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш муддатлари, давлат бюджети

лойиҳасини тайёрлаш, бюджетнома, давлат бюджетининг қабул қилиниши ҳамда қабул қилинган давлат бюджети мажбуриятларини бюджет маблаглари олувчиларига етказилиши кўрсатилган.

Бюджет тизимида мажбуриятларни қабул қилиш – бу бюджет ташкилоти томонидан смета харажатларида кўзда тутилган маблаглар доирасида келажакда молиявий харажатларни амалга ошириш ҳаракатидир. Мажбурият хукуқий-меърий хужжатларга асосан мажбурият қабул қилиш хукуки бўлган шахс томонидан амалга оширилади. Ташкилот раҳбари ёки унинг бўйруғи билан ваколат берилган масъул шахс бўлиши мумкин. Бюджет ташкилотларининг товар етказиб берувчилар олдида қабул киладиган мажбуриятлар суммаси тасдиқланган бюджет маблаглари меъридан ошиб кетаслиги лозим.

Ғазначилик тизимининг хукуқий-меърий хужжатларида мажбуриятларни қабул қилиш асослари белгиланган:

- контракт ва шартномаларни имзолаш (тендер бўйича харидлар, товар ва хизматлар сотиб олиш, карздорлик бўйича шартномалар, патентлар, лицензияларни талб қилиш);
- қонуний асосланган стипендия, нафақалар ва бошқаларни тўлаш;
- давлат ваколатли органлари қарорлари асосида жарималар тўлаш ва суд қарорларига асосан пенялар тўлаш;
- дотациялар ажратиш, грантлар, мукофотлар берниш.

Ғазначилик тизимида бюджет мажбуриятларини қабул қилиш хукуқига эга жавобгар шахслар белгиланган. Бюджет мажбуриятларини қабул қилиш бюджет маблагларини олувчи вазифасига киради. Бюджет маблаглари олувчи бюджет ташкилоти раҳбари ёки бу вазифа юклитилган шахслар хисобланади.

Юридик мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон олдидаги тузилган шартномалар, келишувлар ва тегишли ҳокимият органларининг қарорлари бўйича юзага келган мажбуриятлари.

Юридик мажбуриятларнинг хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- шартнома рўйхатдан ўтгандан кейин вужудга келади;
- шартномани имзолашдан олдин бюджет маблаглари мавжудлиги текширилади;
- шартнома тўлиқ юридик кучга эга бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармалари ва бўлимларида рўйхатдан ўтилади.

Ғазначилик ходимлари қўйидагилар асосида юридик мажбуриятларнинг вужудга келишидан аввал, дастлабки назоратни амалга оширадилар. Жумладан:

- бюджет таснифидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш;
- бюджет маблаглари олувчилар ва бошқа жавобгар шахсларнинг имзо ва муҳрларини солиштириш;
- нархларнинг асослилиги ва белгиланган тартиблардан ортиқ эмаслигини текшириш;

- бухгалтерия хисоб-китобларининг тўғри юритилишини назорат килиш;
- кредиторнинг реквизитлари аниқлигини назорат қилиш;
- бюджет маблағлари мавжудлигини назорат қилиш

Юридик мажбуриятларни рўйхатдан ўтказишда нархлар мониторингини амалга ошириш зарурияти вужудга келади. Бунда бюджет ташкилоти томонидан сотиб олинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан такқосланади. Бюджет амалиётида муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, товар хомашё биржалари, бозорлардан маълумотномалар, рақобатчи ташкилотлардан тижорат таклифлари, оммавий ахборот воситалари ва ихтинослаштирилган реклама нашрларидаги маълумотларни умумлаштириш мумкин.

12.2. Газначилик органларида молиявий мажбуриятларни бошкариш

«Молиявий мажбурият – юридик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон, товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчилар олдидағи етказиб берилган товар (иш ва хизмат)лар учун ҳак тўлашни тасдиқловчи хужжатлардир»². Масалан, хисоб-тўлов хужжатларида хисобланган ходим ва ишчиларга иш ҳаки, тўлов хужжатлари, суд карорлари ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларни мол етказиб берувчи ёки тўловни қабул қилювчига маблағларнинг ўтказилиш мажбуриятини юкловчи хужжатлар бўлиши мумкин. Молиявий мажбуриятларни хисобга олишнинг асосий мақсади – қабул қилинган юридик мажбуриятлар, тасдиқланган бюджет режаси мебёрида харажатларни амалга оширишни таъминлаш ва бюджет ташкилотлари кредиторлик қарзларини назорат қилишdir. Молиявий мажбуриятларнинг хусусиятлари қўйидаги лардан иборат:

- товар ва хизмат етказиб берилгандан кейин счёт-фактура ёки бюджет ташкилотининг кредиторлик карзи мавжудлигини тасдиқловчи хужжат бўлган шароитда вужудга келади;
- молиявий мажбурият Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигининг Бош китобида қайд қилинади;
- молиявий мажбурият шартнома ёки бошка келишувларнинг муддати ўтгунга қадар копланади;
- бюджет ташкилотларининг харажатлари тасдиқланган режадан ошиб кетишига йўл кўйилмайди.

Газначилик тизими бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришда уч босқичли назоратни тўлиқ жорий

² Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ти Конуни. 1998 йил 29 август.

қилишни тақозо этади. Бюджет ташкилоти маҳсулот етказиб берувчи (контрагент)дан товарлар сотиб олиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) тўғрисида офертани (таклифни) кабул қилиб олганидан сўнг, шартномани акцептгайди (имзолайди) ва Ғазначиликка рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади. Юридик мажбурият вуҷудга келиши учун мазкур шартноманинг рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади.

Тўлов аризаси – счёт-фактура асосида тайёрланадиган бухгалтерия ҳужжатидир. Тўлов аризаси – бу бюджет ташкилоти кредиторга маълум суммани тўлаш учун Ғазначиликка тақдим этиладиган топширикнома. Тўлов аризасини (тузиш) тайёрлаш бюджет ташкилоти вазифасига киради. Бюджет ташкилоти счёт-фактурани қабул қилган пайтнинг ўзида тўлов аризасини тегишили Ғазначилик бўлимларига қонунчиликда назарда тутилган вактда тақдим этиши лозим. Аризага қонунчиликка асосан мажбурий ҳужжатлар (масалан, счёт-фактура, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва бошқалар) илова қилинади. Бюджет ташкилоти счёт-фактурада уни қабул қилган санасини акс эттириши шарт.

Ҳар бир шартномага бир нечта (энг камида 3 та) етказиб берувчининг тижорат таклифи илова қилиниши, бунда ҳар бир етказиб берувчининг реквизитлари (номи, манзили, телефон ракамлари, раҳбари тўғрисидаги маълумотлари) аниқ кўрсатилиши, етказиб берувчилар шу соҳада узок йиллик иш тажрибасига эга бўлган, юкори мавқели корхоналар бўлиши лозим. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилувчи товарлар воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчининг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтирилувчи товарлар эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархларнинг асоссиз ўсишининг олдини олади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотда кўрсатилган нархлардан ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Ғазначилик худудий бошқармалари ва бўлинмалари томонидан рўйхатта олинмайди. Бюджет ташкилоти ва таъминотчи ўртасида тузилган шартнома ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиб, таъминотчи рўйхатдан ўтган шартномани олгандан кейин, шартнома шартларига асосан товар ва хизматлар етказиб беришни бошлайди. Ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтмаган шартномалар бўйича таъминотчи товар ва хизматлар етказиб беришга хақли ҳисобланмайди.

Товар ва хизматлар етказиб берилигандан сўнг таъминотчи бюджет ташкилотига счёт-фактура (бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси)ни тақдим этади. У ёки бу томон шартнома шартларини бажармаган тақдирда шартнома суммаси камайтирилиши ёки шартнома умуман бекор қилиниши мумкин. Масалан, етказилган товар ва хизматлар шартномада кўрсатилган товар ва хизмат талабларига (сифати, ҳажми ва бошқалар) жавоб бермаган тақдирда бюджет ташкилоти Ғазначилик худудий бошқармалари ва бўлинмаларида шартномани бекор қилиш хақида сўров

хужжат тайёрлаб тақдим этиши лозим. Бекор қилиш ҳақидағи сұровномада күзде тутилған шартномани бекор қилиш мәқсадың рўйхатдан ўтказилған шартнома бўйича барча маълумотлар тўлиқ акс эттирилиши керак. Шартномани бекор қилиш сұровномаси қабул қилинган мажбурият суммасини қисман ёки умуман бекор қиласи. Маълум суммага бекор қилинган юридик мажбурият шу суммага бюджетта тикланади.

Иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги боскичида бюджет тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мәқсад бюджет маблағларидан янада самарали ва мәқсадли фойдаланишга эришиш, давлат молияси тўғрисида ишончили ва тўғри маълумотларни шакллантиришдан иборат. Давлат бюджетининг газна ижросини амалиётга татбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мәқсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш барча даражадаги бюджет даромадлари ва харажатларни бошқариш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сонли Қарори муҳим аҳамият касб этди, газначилик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни янги боскичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджети газна ижроси тўғрисида»ги Конунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» тартиби тўғрисида»ги 414-сон Қарори ва бошқа хуқуқий-меъёрий хужжатларда бюджетдан маблағ олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан харажатлар тўлови тартиби белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» тартиби тўғрисида»ги 414-сон Қароридаги «Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш(тўлаш) тартиби»га асосан бюджет тўловлари қўйидаги амалга оширилади.

Харажатлар учун тўловлар бюджет харажатларининг иқтисодий таснифида қўйидаги гуруҳлар бўйича Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади:

- Иш ҳаки ва унга тенглаштирилған тўловлар (кўп болали оиласарга нафакалар ва кам таъминланган оиласарга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар);
 - Иш ҳақига кўшимчалар;
 - Капитал қўйилмалар (Давлат инвестиция дастурида назарда тутилған аниқ рўйхатларга мувофиқ);
 - Бошқа харажатлар.

Бюджет харажатларини тўлаш бюджет ижроси жарёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда

тегишли йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг чораклар бўйича тақсимланмаган йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади. Харажатларнинг I ва II гурӯхларига киритилган бюджет ташкилотлари, биринчи навбатда, харажатларини тўлаш. Бунда III харажатлар гурӯхига тегишли маблаг ўтказмасдан I гурӯх харажатларини амалга ошириш тақиқланади. III харажатлар гурӯхи капитал қўйилмаларга ажратмалар жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига мувофиқ курилишларнинг аниқ рўйхатларига ва амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ажратилади.

Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар обьектлари курилишларига Давлат бюджетида назарда тутилган харажатлар Газначилик ва унинг худудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда курилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Газначилигига ва унинг худудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади. Харажатларнинг у ёки бу гурӯхда пайдо бўлган кредиторлик қарзлар жорий молия йилига белгиланган лимитлар доирасида уларнинг пайдо бўлиши навбатига кўра ҳар қайси гурӯх бўйича тўланади. Ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисобвараксларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни маблаг билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси”га ўтказилади ва белгиланган тартибда сарфланади. Бюджет ташкилотларини келгуси чоракда маблаг билан таъминлаш ҳажми ҳисобот чорагида тежаб қолинган (фойдаланилмаган) бюджет маблағлари суммасига камайтирилмайди. Газначиликдаги бюджет тўловларини амалга ошириш жарёнида бюджетдан маблаг олувчи ташкилот ва муассасалар томонидан тақдим этиладиган тўлов аризаси ҳамда унга мажбурий тарзда илова қилинадиган мажбуриятларни тасдиқловчи хужжатлар назорат қиласи.

12.3. Ғазначиликда нархлар мониторинги

Бозорда товар ва хизмат ҳарид этилган вақтда қанча пул тўлаш кераклигини нарх белгилайди. Нарх арzon бўлса, пул камроқ тўланади, нарх юкори бўлса пул кўп тўланади. Нарх бозордаги олди-сотди алокаларини таъминлайди. Нарх бозор алокаларининг асосий иктиносидий воситаси бўлиб, товар ва хизмат бирлигини сотиб олиш учун тўланадиган пул миқдорини билдиради. Давлатнинг (бюджет ташкилоти) қанча товар сотиб олиши мумкинлиги, унинг ҳарид қобилиятини, биринчидан, товар нархи белгиласа, иккинчидан, бюджет маблағларининг миқдори белгилайди. Товарнинг қандай нархда олди-сотди қилиниши сотувчи ва олувчи асосида белгиланади.


Сотувчи бозорга ўз нархини таклиф қилади, харидорнинг ўзининг мўлжаллаган нархи мавжуд. Товар етказиб берувчи ҳамда харидор нархи бир-бирига мос тушганда бозор нархи пайдо бўлади ва маҳсулотлар шу нарх билан сотилиади. Сотувчи ўз нархини оширади, фойдани кўпроқ олишни белгилайди. Харидор нархи эса пулга сифатли ва кўп маҳсулотлар олишга каратилади. Савдолашув ва келишув асосида ҳар икки томон учун маъкул нарх пайдо бўлади. Бозор тизимида барча иқтисодий алоқалар нарх воситасида амалга ошганлиги учун бозор хўжалигининг амал қилишида нарх асосий роль йўнайди. Нарх – хўжалик механизмида амал килувчи асосий иқтисодий воситадир. Бозор иқтисодиёти шароитида нархлар қиймат ўлчови, рағбатлантириш омили, даромадларни қайта тақсимлаш вазифаларини бажаради. Нарх – товар қийматининг пул кўринишидаги ифодасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида нархларнинг шаклланишига бир нечта омиллар таъсир кўрсатади. Буларга қиймат, талаб ва таклиф, бозорлар киради. Нархлар, биринчи навбатда, товарларни ишлаб чиқариш жараёнида шаклланади. Иқтисодиётда шундай омил борки, у бозорларнинг турлари, харидор ва сотувчининг хоҳиш-ихтиёридан қатъи назар, нарх учун объектив асос бўла олади. Шундай омил товарнинг қийматидир. Нархнинг шаклланишида товар ишлаб чиқаришдан тортиб, исъемолга етгунча килинган буюмлашган ва жонли меҳнат сарфлари, ишлаб чиқариш ва тижорат меҳнат сарфлари иштирок этади. Бунга ишлаб чиқариш ва тижорат харажатлари ҳамда жами харажатлар нарх таркибига киради.

Давлат товарлар ва хизматлар нархини бевосита ҳамда билвосита аралашиб услублари билан бошқаради. Нархни шакллантириш жараёнида давлат қуйидаги усуслар билан иқтисодиётга аралашиб мумкин:

- нархни музлатиб кўйиш (иктисодиётни ривожлантиришда инфляция суръатларини пасайтиришда кўлланилади) ёки айрим гурухдаги маҳсулотларнинг нархи (айрим маҳсулотлар);
- белгиланган нарх ва тарифлар кўлланиши мумкин (мазкур нархлар давлат ҳокимиюти органлари қарори билан белгиланади ва қатъий белгиланган тартибда амалиётга киритилади);
- маълум даврда нархнинг ўсиши ва тушиши нархнинг энг юкори ва энг паст даражаси катий белгиланади, бундай тартиблash тадбири бюджет такчиллиги ошганда муҳим бўлиб, эркин баҳоларнинг ўсиши, пировардида, ишлаб чиқаришнинг кисқаришига олиб келади;
- рентабеллик меъёри чегарасида нархлар белгиланади, маҳсулотга кетган харажатлар ва фойда эътиборга олинади;
- маший хизмат ва савдо баҳолари ҳамда устамаларининг энг юкори чегараси белгиланади;
- айрим муҳим маҳсулот турларига таклиф килинган нархлар белгиланади.

Давлатнинг товарлар ва хизматларнинг нархини белгилаш ҳамда нархни шакллантириш жараёнлари давлатнинг иқтисодиётга билвосята аралашиш услубларидан, бозорда товарга бўлган таклифни оширишга, аҳолининг даромадларини оширишга ёрдам берадиган воситалардан, бюджет маблағларидан, ишлаб чиқарилган ва исъемол қилинадиган товарларга белгиланган солиқлардан фойдаланиш орқали таъминланади.



20-расм. Давлатнинг маҳсулот ва товарлар нархини тартиблаш услуги

Юкоридаги расмда давлатнинг маҳсулот ва товарлар нархини тартиблаш услублари берилган. “Нарх (price) – шартнома асосида етказиб берилган ёки сотилган маҳсулот сони (бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат)га тўловни амалга оширишга ва молиявий мажбуриятни бажаришга таъсир кўрсатади. Нарх миллий ёки ҳалқаро валютада ифода этилади. Келишилган нархнинг пайдо бўлишига келишувда катнашувчи томонларга умуман боғлиқ бўлмаган ҳолда (маҳсулотнинг хусусияти, рақобатбардошлиги, бозорда талаб ва таклифнинг нисбати, мамлакатда давлат томонидан тартиблашнинг хусусиятлари, бозор монополияси), бир қатор объектив ҳолатлар таъсир этади. Шунингдек (контрагентни танлаш, бозор маркетенги, шартноманинг тузилган вақти, жойи ва шартномани тузиш воситалари, товар етказиб берувчиларнинг тижорат билими ва бозор конъюнктурасидан фойдаланиш тажрибаси ва савдолашиш маҳорати) субъектив ҳолатларнинг таъсири мавжуд.

Нарх иқтисодиётда куйидаги функцияларни бажаради.

1. Ҳисоб-китоб, ўлчов функцияси. Маҳсулот учун сарф-харажат, кўрилган фойда-зарар, бажарилган иш ҳажмининг ҳаммаси маълум нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади. Уларнинг умумий ўлчови гул, унда ифодаланган нарх бўлиши мумкин. Харажат – бу ҳар қандай нархнинг умумий асоси бўлади, чунки харажатсиз ҳеч қандай маҳсулот ёки хизматни яратиб бўлмайди. Харажат нарх таркибига киради. Чунки товарлар сотилгач, харажатлар қопланиши керак. Нарх ҳеч бўлмагандан харажатни қоплашга етарли бўлиши керак. Шу сабабли харажат миқдори нархнинг куйи чегарасини ташкил этади, нарх харажатдан паст бўлиши мумкин эмас.

Хисоб-китоб учун жорий ва таққослама нархлар кўлланилади. Нарх инфляция таъсиридан холи этилгандагина, реал иқтисодий натижани кўрсата олади.

2. Иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш функцияси. Нархнинг ўзгариб туриши ишлаб чиқариш ва истеъмолни рағбатлантиради. Нарх ошганда, агар харажатлар ўзгартирилмай қолса, фойда кўпаяди, бу ишлаб чиқарувчиларни товарни кўпайтиришга ундейди, чунки фойдани максималлаштириш имкони пайдо бўлади. Нарх истеъмолчини ҳам рағбатлантиради. Агар нарх пасайса, бу истеъмолни кўпайтиришни рағбатлантиради.

3. Иқтисодиётни тартиблаш функцияси. Бу функция шундан иборатки, нархнинг ўзгариши керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ундейди. Нарх қандай маҳсулотларни қанча ишлаб чиқариш зарурлигини белгилашиберади. Нарх барометр сингари бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Муайян маҳсулотнинг нархи ошиб боришга мойил бўлса, демак, бозорталаб маҳсулотларни кўпроқ чиқариш мумкин. Бунинг учун эса бозордан ресурсларни кўпроқ харид килиш керак. Ресурсларни турли соҳаларга буриш орқали нарх иқтисодиётни тартиблаб туради. Кераксиз товарлар ўнрига керакли бозорбоп маҳсулотларни яратишни таъминлайди.

4. Рақобат воситаси функцияси. Рақобат бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ўз манфаатларини юзага чиқариши учун, бир-бiri билан курашиши учун восита хисобланади, бошқача қилиб айтганда, хўжалик субъектларининг ўзаро беллашувидир. Рақобат қонуни – бозор тизимининг шундай иқтисодий қонуники, унга кўра иқтисодиёт субъектларининг ўз мақсади йўлидаги ўзаро кураши мукаарар бўлади. Бу кураш бозорга хос усусларда олиб борилади ва субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан сайланиб олинишини юзага келтиради. Нарх ғоят муҳим иқтисодий восита бўлганидан ракобат курашида ҳам кўлланилади. Товар етказиб берувчилар нархни пасайтириш орқали ҳаридорларни кўпайтирадилар. Эркин ракобатли бозорда нархлар турлича бўлади, нархларнинг шаклланишига таъсир этувчи харажат, талаб, таклиф, ракобат каби омиллар амал қиласди.

5. Ижтимоий ҳимоялаш функцияси. Шуни айтиб ўтиш керакки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида нарх ижтимоий ҳимоялаш функциясини бажаради. Давлат томонидан пасайтирилган нархлар кўлланилади. Ўта муҳим маҳсулотларнинг баъзилари арzon нарҳда ахолига сотилади. Бу маҳсулотларнинг ҳақиқий бозор нархи ўргасидаги фарқ. Давлат бюджети хисобидан копланади. Дотацияланган нархлар ижтимоий функцияни бажарган ҳолда, иқтисодий рағбатлантириш функциясини бажармай кўяди. Ўзбекистонда иқтисодий функцияларни бажарувчи эркин бозор нархларига ўтилди, бироқ айрим ижтимоий муҳим маҳсулотларга дотация нархлари сакланиб қолди.

Куйидаги жадвалда бозор нархларининг турланиши берилган. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос нархлар тизими мавжуд. Бунда нархларнинг шаклланиши ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо этувчи, аммо хар

мақсадда күлланиладиган нархлар йиғиндиси амал қиласы. Нархнинг шакллашыныш жараёни мұракаб, унинг иштирокчилари тоғыт күпчилік, нархлар түрли вазифаларни бажарады, шу сабабли нархларнинг турлари күп. Нархларни турларга ажратыши мезони – бу нархны шакллантириш механизмі, унинг амал қилиш соҳалари ва нархни күллашдан кутилган мақсадлар хисобланады.

17-жадвал

Бозор нархларининг турланиши

| Т/р | Нарх түрлери | Иккисіндегі мазмұны |
|-----|------------------------------|---|
| 1. | Шартнома нархи | Шартнома нархи ҳар иккى томоннинг розилигі билан белгиланған ва уларнинг шартномасыда қайд этилген нархтар. Бу нарх шартнома амал қиласы давырда одатта ўзғармайды, чунки у олдиңдан келишилген бўлади, унинг бузилиши иккى томондан бирининг ўз зиммасидаги маъжбуриятларини бажармаганлыгини билдиради. |
| 2. | Худудий нарх | Худудий нарх унга таъсир этувчи омилларнинг маълум худуд доирасида амал қилишиндан хосил бўлади. У факат маълум худудий бозорга хос бўлади. |
| 3. | Мавсумий нарх | Мавсумий нархлар ўзғарувчан нархлар жумласига киради. Мавсум бошида улар киммат турса, мавсум охирда арzonлашади. Масалан, киши мавсумда мема-сабзовот, сут-кетиқ нархи юкори бўлади, ёз фаслида улар арzon нархда сотилади. |
| 4. | Улгуржи нарх | Ишлаб чиқарувчи томонидан катта микдордаги маҳсулотларни бир йўла ёшасига харид этувчи сотилган пайтда күлланиладиган нарх. Улгуржи нархлар ишлаб чиқарувчи учун харажатларни қоплаш ва маълум микдорда фойда кўришини таъминлаши керак. Улгуржи нархлар товар биржаларида, савдо уйларида ёки сотувчи билан харидорнинг бевосита муносабатларида күлланилади. |
| 5. | Чакана нарх | Чакана нархлар билан истеъмол товарларни бевосита ахолига сотилади. Чакана нархга улгуржи нарх, савдо қилувчи фирманинг харажатлари ва оладиган фойдаси киради. Чакана нархлар савдо фирмасининг зарар кўрмай ишлаши, фойда кўришини таъминлаши зарур. Акс холда фирманинг фаолияти ўзи учун нафис изига яйланади. Амалда чакана нарх талаб ва таклифга қараб юкори ёки паст бўлиши мумкин. |
| 6. | Миллий нарх | Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва мамлекатнинг хусусиятини экс эттирувчи нархдир. Миллий нарх ракобатнинг боришини, мамлакат доирасидаги сарф-харажатларни, миллий бозордаги талаб ва таклифини хисобга олади. |
| 7. | Жаҳон бозори нархи | Жаҳон бозори нархи муайян маҳсулотта кетган интернационал сарф-харажатларни, маҳсулотнинг жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини, ниҳоят, талаб ва таклиф нисбетини ва ракобат шиддатини хисобга олади. Жаҳон нархи албатта, миллий нархдан фаржланади. |
| 8. | Стандарт нарх | Стандарт нархлар – маълум давр оралигида ўзғармайдиган нархлар. Шундай товарлар борки, харидорлар мазкур нархларнинг ўзғармаслигини афзал кўрадилар. Масалан, коммунал хизмат транспорт хизмати тарифи. |
| 9. | Махсус арzonлаштирилган нарх | Махсус арzonлаштирилган нарх билан маҳсулотлар мухтожларга хайр-эхсон койдасига биноан сотилади. |

Хозирги кунда озиқ-овкат маҳсулотлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан сотиб олинганда, Молия вазирлигининг 2007 йил 9 апрелдаги 798-сонли буйруғи асосида нархлар мониторинги амалга оширилиб келинмоқда. Бунда ғазначилик худудий бўлинмалари томонидан амалга оширилган бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овкат маҳсулотларининг мониторинги Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий истеъмол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилмоқда. Бу эса озиқ-овкат маҳсулотларига ажратилган маблағлардан окилона ва самарали фойдаланишта олиб келади, нархлар мониторинги жуда катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назоратда қўйидагилар эътиборга олинади:

- бюджет маблағлари олувчилар ҳамда бошқа жавобгар шахсларнинг имзо ва муҳрларини солиштириш;
- юридик мажбуриятнинг рўйхатдан ўтиш рақами мавжудлигини текшириш;
- бюджет таснифидан тўғри фойдаланилганligини назорат қилиш;
- хисоб-китобларнинг тўғрилигини назорат қилиш;
- кредиторнинг реквизитлари аниқлигини назорат қилиш;
- худудий ғазна хисобварағида бюджет маблағлари мавжудлигини назорат қилиш.

Бюджетнинг ғазна ижроси жараёнида нарх-наво мониторинги ўзига хос аҳамиятга эга. Бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш ва бюджет харажатларининг ортиқча сарф-харажатларини камайтириб, бюджет маблағларини иқтисод қилиш учун маҳсулотларни воситачиласиз, айнан ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан сотиб олиниши, четдан келтириладиган товарлар эса бевосита импортердан сотиб олиниши нархлар оширилишининг олдини олади.

12.4. Ғазначилик тизимида тўлов интизомини мустаҳкамлаш

Ғазначилик органлари давлат манфаатларини намоён этган ҳолда, Давлат бюджетини ижро этиш иштирокчиларининг харакатини назорат остига олади. Шу билан бир қаторда улар тузиладиган шартномалар ва товарлар етказиб берилганлигини тасдиқловчи хужжатларни ғазначиликда мажбурий рўйхатдан ўтказиш йўли билан, етказиб берувчилар олдида бюджет ташкилотлари томонидан кўзда тутилган, бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида молиявий мажбуриятларнинг қабул қилинишини таъминлайди.

Ғазначилик тизимини кўллаш натижасида, бюджет ижроси самарадорлигини оширишга, яъни мақсадсиз харажатларни амалга оширилиш ҳолатларига чек кўйилди, бюджетдан ажратилаётган тўловларни ўз муддатларида ва сифатли ўтказилишида ҳамда иқтисодий таҳлилларни ўтгазиша кўлланиладиган маълумотлар тезкорлиги ва аниқлiği ўсишига эришилди.

“Давлат бюджетининг газна ижроси Қоидалари”га мувофик, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иккинчи томон олдидаги молиявий мажбуриятлари уларга товар (иш, хизмат)лар етказиб берилганинги тасдиқловчи хужжатлар, шу жумладан иш ҳаки ва унга тенглаштирилган харажатларни хисоблаш ведомостлари асосида қабул қилинади. Молиявий мажбуриятлар, иш ҳаки ва унга тенглаштирилган харажатлар, шунингдек, суд қарорлари бўйича тўловлар, йигимлар, бадаллар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан ташқари, олдин тузилган шартномалар ва юридик мажбуриятлар қабул қилинганинги тасдиқловчи бошқа хужжатлар доирасида қабул қилинади. Газначилик бўлинмалари газна хисобваракларидан тўлов топширикномалар асосида ташкилот ва муассасаларни саклаш, марказлаштирилган тадбирларни ўтказиш, капитал қўйилмалар ва бошқа мақсадлар учун тўловларнинг тасдиқланган харажатлар сметаси ва капитал қўйилмалар лимитлари доирасида амалга оширади. “I ва II гурӯх харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар иш ҳаки ва унга тенглаштирилган харажатлар тўлови учун накд пул маблагларини олишга сўровнома, шунингдек, ушбу гурӯхлар харажатлари бўйича тўлов топширикномалари асосида рўйхатта олинади»³.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг I ва II гурӯх бўйича харажатлар тўлови биринчи навбатда амалга оширилади. Бунда, I гурӯх харажатларини II гурӯх харажатлари тўловисиз амалга ошириш тақиқланади. Тегишли бюджет бўйича I ва II гурӯх харажатлари тўлови учун газна хисобваракларида зарур маблағларни қоплайдиган қодиклар мавжуд бўлганда, I ва II гурӯх харажатларини тўлиқ амалга оширган ташкилотлар бўйича IV гурӯх харажатларини амалга оширишга рухсат этилади. Бюджет ташкилотининг ходимларига ижтимоий тўловлар бўйича харажатлари иш ҳаки ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатлар билан бир вақтда амалга оширилади. Газна ижросига ўтган бюджетдан маблағ олувчилар бўйича ўтган йил учун тўлов топширикномалари молия йилига қўшимча даврнинг тугашигача 5 иш кунидан кечикмаган муддатда ғазначилик бўлинмаларига тақдим этилиши лозим. Суд қарорлари асосида газна хисобваракларидан маблағларнинг хисобдан чиқарилиши қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади. Газна хисобваракларидан маблагларнинг сўзсиз тартибда хисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди. Газначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи)нинг масъул ходимлари тўлов учун сўровнома ва бошқа хужжатларни қабул қилишда ушбу хужжатларнинг иккинчи нусхасига хужжатларни қабул қилинганинги тўғрисида ўз имзоларини кўядилар ва улар қабул қилинган санани кўрсатган ҳолда бюджетдан маблағ олувчининг тегишли ходимига кайтарадилар.

³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Давлат бюджетининг газна ижроси Қоидалари” 2009 йил 4 август 69-сон буйруғи.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий хисобварагларидан операциялар амалга оширилиши бўйича ғазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи)нинг масъул ходимлари бюджетдан маблағ олувчиларга уларнинг шахсий хисобваракларидан кўчирмаларни берадилар ҳамда “Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий хисобвараклардан берилган кўчирмаларни рўйхатга олиш журнали”да рўйхатга оладилар. Бюджетдан маблағ олувчининг масъул ходими кўчирмаларни олишда журналга уларни олганлиги тўғрисида белги кўяди. Ғазначилик бўлинмаларининг молиявий мажбуриятларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш бўлими (гурухи) масъул ходимлари “Берилган ва ишлатилган чекларни хисобга олиш журнали”да берилган ва ишлатилган чекларнинг рўйхатини юритадилар. III гурух харажатлари бўйича молиявий мажбуриятларнинг қабул килиниши пурдатчиларнинг иш бажарилганини тасдиқловчи хисобварак-фактуралар асосида амалга оширилади.

Бажарилган ишлар учун харажатлар тўлови, жумладан, аванс тўловларининг тўланиши ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва буюртмачилар томонидан ғазначилик бўлинмаларига тақдим қилинган тўлов топширикномалари асосида амалга оширилади, бунда тўлов топширикномасининг “Тўловчининг номи” устунида ғазначилик бўлинмасининг номи, “Тўловчининг хисобраками” устунида – ғазна хисобвараги, “Тўлов мақсади” устунида – бюджетдан маблағ олувчининг шахсий хисобварак рақами, бюджет таснифининг тегишли коди, тўловни ўтказишга асос бўладиган хужжатлар, тўлов мақсади кўрсатилади.

Буюртмачи томонидан тақдим қилинган хужжатлар мазкур Коидалар талабларига мувофик бўлганда ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходими “ТЕКШИРИЛДИ” белгисини, тўлов топширикномасининг биринчи нусхасининг орқа томонига тўлов топширикномаси қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини кўяди. Тўлов топширикномасининг иккинчи нусхасини ғазначилик бўлинмаси бошлиги ва масъул шахсининг имзолари ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Ғазначилик IV гурух харажатлари бўйича молиявий мажбуриятлар маҳсулот етказиб берувчиларнинг хисобварак-фактуралари ёки товарлар етказиб берилганини (ишлар бажарилганини, хизматлар кўрсатилганини) тасдиқловчи бошқа хужжатлар, ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчига бюджет (бюджетдан ташкари) маблағларини (шу жумладан аванс тўловларини) ўтказиши лозимлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар асосида қабул килинади. Ғазначилик бўлинмаси бюджетдан маблағ олувчиларнинг тўлов топширикномалари асосида ғазна хисобваракларидан IV гурух харажатлари бўйича харажатларни бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаларининг тегишли моддаларида назарда тутилган ажратилган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга оширади.

Етказиб берилган товар (иш, хизмат)лар учун харажатлар түлови, шунингдек, аванс түловларини амалга ошириш учун бюджетдан маблағ олуучилар ғазначилик бўлинмасига ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномаларини қуидагича тақдим қиласидилар:

а) беш нусхада, агар ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилса. Бюджетдан маблағ олуучининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, бюджетдан маблағ олуучининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олуучининг шахсий ҳисобварагидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қиласиди. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланади ва банк учун ғазна ҳисобварагидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчига берилади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг тўртинчи нусхаси ғазна ҳисобварагидан кўчирмага илова килинади ва ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олуучининг шахсий ҳисобварагида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади. Ғазначилик бўлинмасининг “ТЎЛАНГАН” белгиси билан ва тўланган сана кўйилган тўлов топшириқномасининг бешинчи нусхаси бюджетдан маблағ олуучининг шахсий ҳисобварагидан кўчирма билан биргаликда бюджетдан маблағ олуучининг ваколатли ходимига берилади.

б) тўрт нусхада, агар ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига ҳар хил банк филиалларида хизмат кўрсатилса. Бюджетдан маблағ олуучининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, бюджетдан маблағ олуучининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олуучининг шахсий ҳисобварагидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат қиласиди. Тўлов топшириқномасининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланади ва банк учун ғазна ҳисобварагидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади. Банк филиалининг тўланганлик тўғрисидаги белгиси билан тўлов топшириқномасининг учинчи нусхаси ғазна ҳисобварагидан кўчирмага илова килинади ва ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ олуучининг шахсий ҳисобварагида касса харажатларини акс эттириш учун асос бўлади.

в) уч нусхада, агар ғазначилик бўлинмаси ва унга хизмат кўрсатувчи банк орасида “Банк-мижоз” дастурий мажмуи йўлга кўйилган бўлса. Бюджетдан маблағ олуучининг тегишли мансабдор шахслари томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган тўлов топшириқномасининг биринчи нусхаси, бюджетдан маблағ олуучининг ғазначилик бўлинмасига бюджетдан маблағ

олувчининг шахсий хисобварагидан касса харажатларини амалга ошириш учун сўровномаси бўлиб хизмат килади. Тўлов топширикномасининг иккинчи нусхаси ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ва масъул шахси томонидан имзоланади, ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан тасдиқланади ва ғазна хисобварагидан харажатлар тўловини амалга ошириш учун асос бўлади.

Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган хужжатлар мазкур Қоидалар талабларига мувоғиқ бўлганда, ғазначилик бўлинмасининг ваколатли ходими “ТЕКШИРИЛДИ” белгисини, тўлов топширикномасининг биринчи нусхасининг орқа томонига тўлов топширикномаси қабул қилинган санани ва ўзининг имзосини кўяди. Тўлов топширикномасининг иккинчи нусхасини ғазначилик бўлинмаси бошлиғи ва масъул шахсининг имзолари ва ғазначилик бўлинмасининг муҳри билан расмийлаштириш текширувлар тугаганидан сўнг амалга оширилади.

Ғазначилик бўлинмасига ғазначилик бўлинмасидаги мавжуд имзо ва муҳри намуналарини бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган, ғазна хисобваракларидан хисобдан чикариш учун банкка тақдим қилинадиган хужжатлардагилар билан солиштириш мажбурияти юклатилади. Тўлов топширикномалари бўйича ғазна хисобварагидан тўловлар амалга ошириш учун ғазначилик бўлинмаси банкка тўлов топширикномаларининг иккинчи ва учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, тўртингчи) нусхаларини (Банк-мижоз дастури ишлатилгандан ташқари ҳолатларда) тақдим қиласи. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан тўлов ўтказилгандан сўнг, тўлов топширикномасининг иккинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, учинчи) нусхаси банкда қолади, учинчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, тўртингчи) нусхаси банкнинг штампи ва масъул ходимининг имзоси билан ва ғазна хисобварагидан кўчирма ғазначилик бўлинмасига берилади. Ғазначилик бўлинмасининг тегишли ходими бюджетдан маблағ олувчининг тегишли шахсий хисобваракларига белги кўйгандан сўнг, бюджетдан маблағ олувчининг шахсий хисобварагидан кўчирма ва тўлов топширикномасининг тўртингчи (ғазначилик бўлинмаси ва маҳсулот етказиб берувчига битта банк филиалида хизмат кўрсатилган ҳолларда, бешинчи) нусхаси ғазначилик бўлинмаси масъул ходимининг белгиси билан бюджетдан маблағ олувчига қайтарилади.

Таянч сўз ва иборалар

Банк-мижоз дастури, бюджетдан маблағ олувчилар, тўлов топширикномалари, бюджетдан ташқари фонdlар, ғазначиликнинг ахборот тизими, бюджет ташкилотлари, харажатлар сметаси, давлат бюджети функциялари, бюджет харажатлари, шартномалар, юридик мажбурият, молиявий мажбурият, маҳсулотлар, хизматлар, ишлар нархи.

Назорат саволлари:

1. Бюджет харажатлари микдори ва тузилишига қандай омиллар таъсир этади?
2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Конунига мувофиқ ғазначиликнинг қандай вазифалари белгиланган?
3. «Мажбурият» категориясининг иқтисодий аҳамиятини тушунтириш.
4. Юридик мажбуриятларнинг хусусиятлари нималардан иборат?
5. Ғазначилик ходимлари юридик мажбуриятларни бошқариша дастлабки назоратни қандай амалга оширадилар?
6. Молиявий мажбуриятларни ҳисобга олишнинг асосий мақсади ҳақида нима дея оласиз?
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадибрлари тўғрисида» ги 594-сонли Қарорининг аҳамиятини тушунтириш.
8. Давлат нархни шакллантириш жараёнида қандай усууллар билан иқтисодиётга аралashiши мумкин?
9. Нарх иқтисодиётда қандай функцияларни бажаради?
10. Бозор нархлари турларини айтиб беринг.
11. Ғазначиликда тўлов аризасининг ўрнини кўрсатинг.
12. Ғазначилик томонидан амалга ошириладиган назоратда нималар эътиборга олинади?
13. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари” тўғрисида гапириб беринг.
14. Ғазначилик тизимида тўлов интизомини мустаҳкамлаш ишлари ҳақида нима дея оласиз?

13-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИЖРОСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

13.1. Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда молиявий назоратнинг ўрни

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мамлакатимизда чекланган бюджет маблағлардан манзилли фойдаланиш Давлат бюджетини бошқаришнинг барча босқичларининг асосий тамоили десак, муболага бўлмайди. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш зарурияти Давлат бюджети маблағларини мақсадли тақсимлашнинг доимий назоратини талаб килади. Республика мизда иқтисодий ривожланишнинг замонавий босқичида вужудга келган барча муаммолар бюджет тизимининг бутунлай янги қонунчиллик асосларини яратиш, бюджетни бошқаришни сифат жиҳатидан янгилашни талаб қилади. Бунда бизга Давлат бюджети газна ижросида амалга ошириладиган молиявий назорат ёрдам беради.

Молиявий назорат давлат назоратининг таркибий қисми бўлиб, молиявий назорат молиянинг маҳсус функцияси хисобланади. Молиявий назоратнинг мақсади молиявий ресурсларни бошқариш қонунийлиги ва самарадорлиги бўйича қабул килинган андозалардан четта чиқиш ҳолларини аниклашдир. Бундай ҳолатлар мавжуд бўлганида эса, уларни тузатиш ва олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ўз вактида қабул килишдан иборат. Молиявий назорат ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган ҳолда, пул жамғармалари ҳаракатининг бутун жараённида кузатилади. Шу сабабли молиявий назорат ишлаб чиқаришда хўжалик юритиш механизмининг объектив равищда зарурий бўлган таркибий қисмидир, деб айтиш мумкин.

Молиявий назорат тушунчасининг мазмун-моҳияти ва шакллари тўғрисида иқтисодий адабиётларда ҳамон мунозарали фикрлар давом этмоқда. Россиялик иқтисодчилардан А.С.Нешитой фикрича, «Молиявий назорат – хўжалик субъектлари (корхона, муассаса, ташкилот) фаолияти билан боғлиқ молиявий масалаларни текширишда маҳсус шакл ва услубларни кўллаган ҳолда амалга ошириладиган ҳаракатлар ва операциялар йигиндицидир»¹. «Молиявий назорат механизмидан нафақат услуг ва қоидаларнинг ягона тизими сифатида фойдаланилади, балки иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир киладиган бошқарув дастаги хисобланади»². Вознесенский Э. А. молиявий назорат билан молиявий фаолиятнинг ўзаро боғликлигига эътибор беради, у молиявий назорат чегараларини кенгайтириш кераклигини ҳаққоний равищда кўрсатади. Унинг фикрича, «молиявий назорат хўжалик муносабатларининг муайян мажмуига ҳам таъсир килиб, реал борликка, ҳакиқатга мувофиқ келади. Бундай хулоса чиқаришига ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолиятини тафтиш қилиш ва тексириш

¹ Нешитой А.С. Финансы. Учебник. – М.: Дашков и К. 2008. – С.122.

² Загородников С.В. Финансы и кредит. Учеб. пособие. – М.: Омега -Л. 2009. – С. 123.

хужжатлари хизмат килади»³. Мамлакатимизда қонунчиликнинг ривожланиши нининг хукукий асослари молиявий назоратдан далолат беради⁴. Молиявий назорат маблағлар ҳолати устидан олиб бориладиган назорат ёки бюджетни тўлдириш, марказлашган ва марказлашмаган пул жамғармаларидан фойдаланиш операциялари устидан олиб бориладиган назорат ва бошка кўринишларда бўлиши мумкин. Молиявий назоратнинг моҳияти унинг вазифасида ўз ифодасини топади.

Молиявий назорат кўйидаги асосий вазифаларни бажаради:

- молиявий фаолият жараёнида қонунчиликка риоя қилишни тъминлаш;
- молиявий ресурсларнинг аҳволини назорат килиш;
- корхона, муассаса ва ташкилотлардаги молиявий операциялар қонун асосида олиб борилиши билан бирга маблағлардан самарали ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни тъмин этишдан иборат.

Шундай қилиб, юкоридагиларга асосланган холда молиявий назоратга кўйидагича таъриф бериш мумкин. Молиявий назорат – бу пул маблағларини ийғиши, сарфлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида олиб бориладиган ҳамда қонунийликни тъминлашга қаратилган давлат назоратининг бир туридир.

Молиявий назорат кўйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин:

- жисмоний ва юридик шахслар томонидан давлат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдидаги молиявий мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш;
- давлат ва маҳаллий корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан уларнинг ихтиёрида ёки қундаклик бошқарувида бўлган пул маблағларидан тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланилаёт-ганилигини текшириш;
- юридик шахслар томонидан молиявий операциялар, хисоб-китоб, хисобот ва пул маблағларини саклаш ҳамда сарфлашнинг қонунчилик билан ўрнатилган талабларига риоя этилишини текшириш;
- ишлиб чиқарышнинг ички захираларини аниқлаш;
- молиявий интизом бузилиши ҳолларини бартараф этиш ва огоҳлантириш.

Молиявий назоратнинг асосий вазифаларидан бири – молиявий ресурсларнинг аҳволини назорат қилишдан иборат. Ушбу назорат давлат бюджети олдидаги мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларидан фойдаланишга доир операцияларнинг тўғри амалга оширилишини текширишни назарда тутади. Адабиётларда молиявий назоратнинг асосий вазифалари қаторига корхоналар, ташкилотлар томонидан уларнинг тасарруфидаги пул маблағлари (бюджет маблағлари, банк ссудалари)дан тўғри фойдаланилиши ва

³ Вознесенский Э.А. Финансовый контроль. Учебник.–М.: 2003. – С. 17.

⁴Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат этиш тўғрисида»ги Қонуни. 1999 йил 24 декабрь. // Давлат молия тизими. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. 1-жилд.

ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар томоницдан молиявий операциялар, хисоб-китобларни амалга ошириш ва пул маблағларини саклашга оид қоидаларга риоя этилишини текшириш киритилган. Яна бир вазифа сифатида бюджет интизомининг бузилишини бартараф этиш ва бунинг олдини олиш, огоҳлангириш алоҳидаги кўрсатилади. Улар аниқланган ҳолларда ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фукароларга нисбатан белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади. Давлат ва хўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарни коплаш таъминланади.

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш соҳасида олиб бориляётган ислоҳотлар текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш мазмунини тубдан ўзгартиришни талаб килади ҳамда молиявий назорат олдига принципиал жиҳатдан янги вазифаларни қўяди. Бу вазифалар шу билан белгиланадики, «бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг тармоқланган инфратузилмасини ташкил этишини талаб қиласди»⁵, уларсиз «бозор механизмлари тўлиқ даражада ишлай олмайди»⁶. Бундай инфратузилмалар категорига банк, кредит ва солиқ тизимлари, кимматли коғозлар ва фонд биржаси, сугурта ва аудиторлик хизматлари киради.

Молиявий назорат вазифаларини амалга ошириш натижасида молиявий фаолиятда қонунийлик тамоилии томонларидан бирини ифодалайдиган молиявий интизом мустаҳкамланади. Молиявий интизом деганда, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар пул жамғармаларини ташкил этиш, таксимлаш ва улардан фойдаланиш вақтида белгиланган кўрсатмалар ва тартибга қатъий риоя этилиши тушунилади. Молиявий интизом талаблари юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат органлари учун амал қиласди.

Молиявий назорат давлат манфаатларини таъминлайди ва аниқ жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хукук ва манфаатларига ҳимоя қиласди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунларига мувофик давлат бюджети касса ижросининг тўғри амалга оширилиши молиявий назоратни амалга оширишни талаб килади. Қонунийлик, объективлик, эркинлик ва мустақиллик молиявий назоратнинг тамоиллари хисобланади. Молиявий назорат институти давлат назорат органларининг умумий тузилишини ўзида мужассамлаштиради ва молиявий механизмининг асосий элементи сифатида намоён бўлади. Молиявий назорат ўзаро ҳамкорликдаги икки соҳага бўлинади: давлат молиявий назорати ва нодавлат молиявий назорат.

Давлат молиявий назорати – давлатнинг асосий қонунига асосланувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари хуқуқий-иктисодий фаолиятининг комплекс ҳамда мақсадли йўналтирилган тизимиdir.

5 Каримов И. А. Ўзбекистон – ўз янгиланиш ва тараққёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”. 1992. 52-б.

6 Каримов И. А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўз модели – Т.: “Ўзбекистон”. 1993. 46-б.

Молиявий назоратни ташкил қилишдаги аникловчи ролни мамлакат конституцияси ўйнайди. Молиявий назоратнинг хукукий регламенти давлатларнинг турларига, унинг ижтимоий-сиёсий усткурмасига, иқтисодий ривожланиш даражасига ва мулк муносабатларига боғлик. Давлат молиявий назорати мамлакат миқёсида яратилган ЯИМни қиймат нисбатларида таксимлашни қамраб олади. Давлат молиявий назорати давлат пул фондларининг шаклланиши ва ундан фойдаланиш билан боғлик давлат пул ресурслари оқимларини мувофиқлаштиради. Давлат назоратчиларига давлат секторида амалга ошириладиган тафтиш ва текшириш билан бирга, хусусий ва корпоратив секторда назорат ўтказиладиган объект умуммиллий иқтисодий манбаатларга эга бўлса, уларни ҳам тафтиш ва текшириш хукуқи берилади.

Давлат молиявий назорати – давлат молия сиёсатини амалга ошириш, молиявий барқарорлик учун шарт-шароитлар ташкил этиш учун мўлжалланган. Барча мамлакатларда давлат қурилишининг ўзига хослигига қараб, молиявий назоратнинг ўз тизими таркиб топган. Шунга қарамасдан, чет давлатларда назорат-тафтиш тармоғининг ташкил этилиши ва иш-фаолияти у ёки бу жihatдан кўп йиллик ҳалқаро тажрибада ифодалangan умумий тамойилларга асосланади.

Давлат молиявий назоратининг вазифалари куйидагилардан иборат:


- бюджетни тўғри тузишни ва ижро қилишни тъминлаш;
- бюджет ва соликка доир конун ҳужжатларига риоя қилиш;
- бюджет ва бюджетдан ташқари фондларнинг маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилишини текшириш;
- бюджет ва солик интизомига риоя қилишни яхшилаш;
- бюджетлараро муносабатлар механизмининг фаолиятини назорат қилиш;
- банкларда ва бошка кредит ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар маблағлари айланишини текшириш;
- худудларни молиявий кўллаб-куvvatлашда мақсадли бюджет маблағларининг шаклланиши ва тақсимотини назорат қилиш.

Молиявий назорат ўтказувчи субъектлар нуқтаи назаридан молиявий назорат куйидаги турларга ажратилади:

Ўзбекистонда давлат молиявий назоратини Президент, хукумат органлари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, барча даражадаги Халқ депутатлари Кенгашлари) ва ижроия ҳокимиятнинг тегишли органлари амалга оширади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимоти бўйича мамлакат бюджетини қабул қиласи ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади»⁷.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 78-модда, 8-банд. – Т.: «Ўзбекистон». 2008. 15-б.



21-расм Молиявий назорат турлари⁸

Халқ депутатлари Кенгашлари айрим минтақаларга ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини назорат қиласидилар. Бундан ташкири, ваколатли органлар айрим тармоқлар ва соҳаларда бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назорат ўрнатадилар.

Молиявий назоратни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида катта ваколатлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 8-бандига мувофиқ Президент ижроия ҳокимият аппарати ва жумладан давлат молиявий назорати функцияларини амалга оширувчи органлар (Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Давлат Солик кўмитаси ва бошқалар)ни шакллантириди. Давлат молиявий назорати тизимида Ҳисоб палатасига муҳим ўрин ажратилади. У мустақил ва объектив орган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради. «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, унинг зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар хамда бошқа бир қатор функциялар юклатилган.

Молиявий назорат бўйича муҳим функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бажаради. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 1993 йил 6 майдаги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, у вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари

⁸ Финансовое право. Учебник. Под. ред. О.Н.Горбунова –М.: Юрист.2006. –С 19.

фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси давлат молиявий назоратини амалга оширувчи органлар ваколати ва функциялари тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетта тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича хукумат комиссияси ҳамда Республика пул-кредит сиёсати комиссияси ташкил этилган бўлиб, уларга давлат молиявий назорати соҳасида катта ваколатлар берилган. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетта тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича хукумат комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўзининг минтақавий комиссияларига эга. Мазкур Комиссия томонидан унинг ваколати доирасида қабул килинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, тижорат банклари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг бирлашмалари (хўжалик уюшмалари), мансабдор шахслар ва фукаролар ижро этиши учун мажбурий ҳисобланади.

Давлат молиявий назоратининг асосий мақсади – давлат ғазнаси учун пул ресурсларининг максимал даражада тушишини назорат қилиш ва давлат харажатларини минимал равишда амалга оширишни назорат қилиш, яъни тежамкорликка риоя қилиши ҳисобланади.

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш, назорат органлари томонидан уларнинг фаолиятига асосиз равишда аралашувга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги Фармони билан Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгаш тузилди. «Кенгаш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат назорат этиш соҳасидаги марказий мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгаш қарорлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш бўйича давлат назоратини амалга оширишга ваколат берилган барча органлар учун мажбурий ҳисобланади»⁹. Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Кенгаш ўз фаолиятини “Республика назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгashi тўғрисида”ги низомга асосан амалга оширади. Кенгаш назорат органлари томонидан назоратни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка қатъий риоя этиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг назорат органларининг ноконуний харакатлари устидан тушган аризаларни ўз вактида кўриб чиқиши, улар юзасидан қарорлар қабул қилиши ва олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида хукуматга мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширувларни тартибга солиш ва назорат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги 1503-сон Фармони. 1996 йил 8 август.

13.2. Бюджет ижросида назоратни амалга ошириш усуллари

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида ғазначилик тизимида дастлабки назорат тобора кўпроқ роль ўйнамоқда. У молия операцияларини амалга оширишдан олдин ўтказилиб, огоҳлантирувчи хусусиятга эга. Бозор муносабатлари иктисодий ҳатолар, хўжасизлик ва конунбузарликлар натижасида юзага келадиган зарар, зиёллар ва йўқотишлар билан тўғри келмайди. Уларни имкон қадар камайтириш учун молиявий режаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш босқичида ноқонуний ҳаракатлар, камчилик ва тартиббузарликларнинг олдини олишдан иборат бўлган, яхши йўлга кўйилган дастлабки молиявий назорат тизими бўлиши зарур.

Жорий назорат – молиявий назоратни оператив бошқариш ва тартибга солиши жараёнининг узвий қисмидир. У молиявий режаларни ижро этиш босқичида амалга оширилиб, асосий мақсади – белгиланган донрадан четга чиқишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни қабул қилишдан иборат.

Якуний назорат (давомий молиявий назорат) – барча молиявий режалар бажарилганидан кейин, йўл кўйилган камчиликлар бартараф этиб бўлмайдиган вактда амалга оширилади. Бироқ ўтган давр учун молиявий фаолият натижаларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш дастлабки ва жорий назорат камчиликларини аниқлаш ҳамда келгусида молия интизоми бузилишига йўл кўймаслик бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун имкон беради.

18-жадвал **Молиявий назоратнинг муддатлари бўйича турланиши**

| Дастлабки назорат | Жорий назорат | Якуний назорат |
|--|--|---|
| 1. Корхоналар молиявий режасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнидаги молиявий назорат. 2. Бюджет ташкилотлари сметасининг назорати. 3. Давлат бюджети лойиҳасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнидаги молиявий назорат | Молиявий режанинг бажарилиши, бюджет даромадлари ва харажатларининг бажарилиши тўғрилигини текшириш максалида амалга оширилади. Бу ерда тезкорлик ва эгитувчанлик мухим роль ўйнайди | Амалга оширилган молиявий операцияларнинг сўнти натижаларининг самарадорлигини текшириш хисобланади |

Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тизимида асосан дастлабки ва жорий назорат шакллари мавжуд. Дастлабки назорат жараёни харажатлар сметасини текшириш билан бошланади. Мазкур текширишларни амалга оширишда қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

– Ўзбекистон Республикаси ва Қоракалпогистон Республикаси вазирларлари, идоралари, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан республика, вилоят, шаҳар (шаҳарга бўйсунувчи туман) ва туман бюджетларини тузиш учун тақдим қилингган смета молиявий хужжатларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилишни амалга ошириш, маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда молия-бюджет конун ҳужжатларига қатъий риоя қилиш ва бюджет маблағларини белгиланган мақсадларга иктисад қилиб йўналтиришга эришиш;

– Ўзбекистон Республикаси ва Қоракалпогистон Республикаси вазирларлари, идоралари, тегишли ҳокимиятлар бошқармалари ва бўлимлари томонидан бюджет ташкилотлари харажатлар сметаларини кўриб чикиш, тасдиқлаш ва ўз вақтида етказиш бўйича ишларни тўғри ташкил этишини таъминлашга эришиш;

– маҳсус маблағлар сметалари бўйича даромад ва харажатларнинг конуний ҳосил қилинишига ҳамда асосли режалаштиришга эътибор қилиш, бунда даромадларни янада тўлиқ ҳисобга олиш, ўтадиган пул маблағлари қолдигини, мазкур маблағларнинг тежамли ва мақсадли ишлатилишига эътибор бериш;

– сметани режалаштирища аниқланган камчиликларни тезлик билан бартараф этиш бўйича чоралар кўллаш, сметалар бўйича аниқланган ортиқча маблағлар миқдорини, ташкилотлар раҳбарларини огоҳлантирган ҳолда, бюджетдан ажратиладиган маблағларни қисқартириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича куйидаги асосий вазифалар ва функциялар юклатилган:

– республика вазирларлари, қўмиталари, идоралари ва корхоналари томонидан республика бюджетининг ижро этилиши, Марказий банк ва бошқа банклар томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя этилиши ҳамда банклар томонидан капитал қўйилмалар ва бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган бошқа чора-тадбирларнинг молияланиши устидан назоратни амалга ошириш;

– кимматли коғозлар бозори шаклланиши, кимматли коғозлар эмиссияси ва ҳаракатини назорат қилиш, молия бозорини шакллентиришга доир ишларни мувофиқлаштириш;

– Республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан молиялаштириладиган, шунингдек, барча кўринишдаги кимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошларни қазиб олувчи, кайта ишловчи ҳамда улардан бошқа мақсадлар (экспорт учун) учун фойдаланувчи корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молиявий-хўжалик фаoliyatiini тафтиш қилиш ва текшириш.

Молия вазирлиги хузурида Назорат-тафтиши бош бошқармаси “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиши бош бошқармаси ва унинг худудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида”ги Низомга асосан фаолият юритади. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва

Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг асосий вазифалари бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилишдир. Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармалари ўз иш-фаолиятларини Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган йиллик иш режаларига асосан амалга оширадилар. Улар, зарур бўлган ҳолларда, молия органлари ва бюджет муассасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш ва текширудан ўтказадилар, маҳсус ваколатли орган руҳсати билан эса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш ва назорат қиласидар.

Давлат молиявий назорат тизимида идоравий молиявий назорат ажратилиб, у вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг тизимида киравчи корхона, ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текшируларни тартибга солиш ва текширувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида»ги 1996 йил 8 авгуустдаги ПФ-1503-сонли Фармони билан хўжалик юритувчи субъектларни текширувчи идоравий тафтиш хизматларининг фаолияти тўхтатилди. Шу муносабат билан вазирликлар, идоралар (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси ва Молия вазирлигидан ташқар), компаниялар, корпорациялар, уюшмаларга мавжуд тафтиш хизматларини тутагиб, уларнинг таркибида киравчи хўжалик юритувчи субъектларда фаолиятни таҳлил этишининг аудиторлик шаклларини кўллаш ҳақида кўрсатма берилди. Бюджет назоратини амалга оширишдан мақсад – бюджет маблағларини шакллантириш ва ишлатишда мақсадлилик, самараదорлик, тартиблилик, қонунийликнинг тъминланишига эришишдир.

Нодавлат молиявий назорати ички (ички фирма, корпоратив) ва ташки (аудиторлик) назоратларга бўлинади. Назоратнинг давлат ва нодавлат турлари ўтказили усуllibарига кўра ўхшашиб ёлиши билан бирга охирги мақсадлари бўйича бир-биридан кескин фарқ килади. Нодавлат молиявий назоратнинг асосий мақсади эса, хўжалик субъектлари томонидан давлат хисобига соликлар ва бошқа иқтисодий агентларга қилинадиган харажатларни минималлаштириш хисобига кўйилган капиталлар хисобига фойда нормасини ошириш хисобланади. Молиявий назоратнинг турли усул ва шаклларини кўллаш бир қанча омилларга боғлиқ, уларга молиявий назоратни амалга оширувчи органларнинг ҳукукий аҳволи, назорат обьектлари ва мақсадлари, назорат ҳукукий муносабатларининг юзага келиш асослари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофик, молиявий назоратнинг усуllibари сифатида текширув, тафтиш ҳамда қарши текширув ва назорат тартиbidаги текширув мустаҳкамлаб қўйилган. «Назорат органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятини текширувларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомда назоратнинг кўрсатилган усулларига қўшимча равишда яна киска муддатли текширув, комплекс (ялпи) текширув ва режадан ташкари текширув хам назарда тутилган.

Текширув – назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошка қонунчилик ҳужжатларини ижро этишлари устидан бир марта ўтказиладиган назоратдир. Барча турдаги текширувлар молиявий назоратнинг самарали усуслари сифатида тан олиниб, уларнинг ижобий томонларини камайтиргмаган ҳолда, шуни қайд этиш зарурки, тафтиш алоҳида аҳамият касб этади. Молиявий назоратнинг мазкур усули ўзининг мақсади ва обьектлари нуқтаи назаридан хам, молия интизомини самарали таъминлай олиши жиҳатидан хам энг муҳим назорат хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофик, тафтиш – хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ва солик масалалари бўйича қонунчиликка риоя этишлари, солик органлари, давлат статистика органлари ва банкларга тақдим этиладиган хисоб юритиш ва хисоботлари тўғрилигини назорат этиш мақсадида уларнинг бухгалтерия, молиявий ва бошка ҳужжатларини текширишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 4 январдаги I-сонли Йўриқномаси тафтишларнинг мақсад ва вазифалари, тафтишини ташкил этиш ва ўтказиш, уларнинг натижаларини расмийлаштириш ҳамда аникланган молия интизомини бузишлар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш тартибини белгилайди. Тафтишнинг асосий вазифалари текширув обьектига караб фарқланади. Молия органларининг иш фаолиятини тафтиш қилиш вақтида қўйидагилар текширилади:

- бюджетларни тузиш, кўриб чиқиш ва ижро этиш тартибига риоя этилиши;
- бюджетда назарда тутилмаган чора-тадбирлар учун сарфланган қўшимча харажатларнинг қонунийлиги;
- молия органлари иқтисодий ва назорат ишларининг аҳволи, бюджет муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хисоботларни таҳлил этиш бўйича ишлар, молия органлари томонидан иқтисодий ва назорат ишлари режасининг бажарилиши, юқори молия органлари топширик, вазифаларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;
- молия органи аппаратини саклаш учун харажатлар сметасининг ижроси, молия органида бухгалтерия хисобининг аҳволи ва хисобот тузишининг тўғрилиги;
- молия органларига молия органлари ходимларининг хатти-харакатлари устидан келиб тушган шикоятлар ҳамда молия интизоми бузилганлиги тўғрисида фукаролардан тушган ариза ва хатларни кўриб чиқишига доир ишларнинг ҳолати.

Режали текширувлар – бир йил (бир чорак)га мўлжалланган режа-графиклар асосида ўтказилади. Бундай текширувларни ўтказиш ва тасдиқланган режа-графикларга тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Республика Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашига тақдим этилади. Назорат органлари объектларни, улар фаолиятининг мезонлари ва ўзига хос томонлари ҳисобга олинган ҳолда, ишлаб чиқилган текширувлар режа-графигига киритиш учун уларни синчилаб ташлаб оладилар. Ушбу таклифлар асосида текширувларнинг йиллик (чораклик) режа-графиклари, уларда комплекс текширувлар ажаратилган ҳолда, ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Режадан ташкари текширувлар (қисқа муддатли текширувлар) назорат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Конуни талаблари асосида ўтказилади. Юкорида кўрсатиб ўтилган назорат турлари барча назоратни олиб борувчи органлар фаолиятига хосdir. Бундан ташкари, молиявий назоратни мажбурий ва ихтиёрий назоратларга бўлиш мумкин.

Мажбурий назорат куйидаги ҳолларда олиб борилади:

а) қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда, масалан, бюджет ижроси устидан вакиллик органларининг олиб борадиган назорати;

б) ваколатли давлат органларининг қарорига биноан, масалан, хукукни муҳофаза килювчи органларнинг қарорига биноан олиб бориладиган назорат.

Ихтиёрий назорат – хўжалик юритувчи субъектларнинг мустакил қабул килган қарорлари асосида амалга оширилади. Молиявий назоратни умумдавлат ва соҳавий назоратларга бўлиш мумкин. Умумдавлат назорати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси томонидан кимга бўйсунишидан катъи назар, барча объекtlар устидан олиб борилади. Соҳавий назоратни ўз ички соҳавий ва ички хўжалик назоратига бўлиш мумкин. Ички соҳавий назорат вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари томонидан ўзига бўйсунувчи ташкилотларга нисбатан олиб борилиши мумкин. Назоратнинг бу турини амалга ошириш учун вазирликларда, давлат қўмиталарида назорат-тафтиш бўлимлари ташкил килиниши мумкин. Ички хўжалик назорати ташкилотларнинг ўзида ташкил этилган бўлимлар (хизматлар) томонидан олиб борилади. Давлат ва маҳаллий ички хўжалик назорати, масалан, бухгалтерия бўлимлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Молиявий назоратни олиб борувчи давлат органларига қараб куйидагиларга бўлишимиз мумкин: вакиллик органлари томонидан олиб бориладиган молиявий назорат; Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олиб бориладиган молиявий назорат; умумий ваколатли ижро ҳокимияти органлари томонидан олиб бориладиган молиявий назорат; маҳсус ваколатли ижро ҳокимияти органлари томонидан олиб бориладиган молиявий назорат ва бошқалар.

Молиявий назорат тизими – назорат қилиш субъектлари, назорат объектлари ва назоратни амалга ошириш шакллари, усуллари ва воситаларини ўз ичига олади. Молиявий назорат тизими таркибида – субъектлар (назорат килювчилар), объектлар (назорат килинувчилар) назоратнинг усул ва воситаларини биргаликда жамлайди. Бошқача қилиб айтганда, молиявий назоратнинг объектига молиявий ресурсларнинг ҳаракати, шаклланиши, фойдаланишдаги таксимлаш усуллари, шунингдек, иктисадиётнинг барча тармокларида жамғарма шаклидаги пул ресурслари хам киради.

Молиявий назоратнинг мақсади – текширилаётган объектдан амалдаги молиявий конунчилик талабларига қай даражада риоя этилаётганлигини аниқлаш, конунбузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда уни бартараф қилиш чораларини кўриш, айборд шахсларни ва уларнинг жавобгарлиги масалаларини ҳал этиш, келгусида шундай конунбузарликлар юз бернишига йўл қўймаслик салбий шарт-шароитларга барҳам бериш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқицдан иборат.

Молиявий назорат қилиш объектиларига кўра: бюджет назорати, бюджетдан ташқари жамғармалар юзасидан назорат, солик назорати, валюта назорати, кредит назорати, сугурта назорати, инвестиция назорати, пул массаси бўйича назоратдан иборат.

Давлат молиявий назорати амалга ошириш усулларига кўра гурухланади: текширув, тадқик этиш, молиявий таҳлил, мониторинг, аудит, тафтиш (21-расм).



22-расм. Давлатнинг молиявий назоратини амалга ошириш усуллари

Молиявий назоратнинг мухим шаклларидан бири бюджет назорати хисобланади. Бюджет назорати орқали давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари мунтазам равишда тасдиқланган бюджетнинг даромад ва харажатлар режаларини тўлиқ ҳамда сифатли бажарилишини назоратга олиш, уларнинг бажарилишига таъсир қилювчи турли салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан зарур чора-тадбирлар белгилаш имкониятига эга бўлади. «Назоратнинг услугубий йўлларидан фойдаланиш механизmlарини таомиллаштириш билан молиявий назорат яхшиланади. Хужжатлар асосидаги назорат усуллари расмий ва арифметик текширув, юридик баҳолаш, мантиқий назорат, муқобил текшириш, хисоботларнинг саноқ баҳоси; фактлар бўйича назорат усуллари: рўйхатга олиш, экспертиза, кўз би-

лан кузатиш, назорат ўлчови, назорат тарикасида ишга тушириш, вақтни аник ўтчаш, иш куни таксимланишини ўрганиш, лаборатория таҳлилидан иборат.

Назорат тамойиллариға қўйидагиларни киритиш мумкин: режалилик, тизимлилик, узлуксизлилик, қонунийлик, объективлилик, ошкоралик, самаралилик.

Назорат услугларига қўйидагилар киради: таҳлил, синтез, инвентаризация, бажарилаётган ишнинг назорат ўлчови, танлаб кузатиш, узлуксиз кузатиш, лойиҳалар ва смета хужжатлари экспертизаси, эксперимент, аналитик ҳисоб услуги, иқтисодий таҳлил, статистик ҳисоб, камерал текширув, ёпласига текшириш, танланма тартибда текшириш ва умумий маънода молиявий хужжатларни текшириш.

Молиявий хужжатларни текшириш – журнал, китоб, харажатлар сметаси (иловалари билан), билдиришнома, хўжалик шартномаси (иловалари), сўровнома, ҳисоб-фактура, юқ-хати, солиштирма далолатнома, тўлов топширикнома, шахсий ҳисобваракдан кўчирма, чеклар, корешоклар ва бошқаларни текшириш.

– камерал усул – ғазначилик операцияларини компьютердаги тегишли ғазначилик дастури орқали назорат тушунилади;

– ёпласига текшириш – муайян даврдаги ғазначилик операцияларини молиявий хужжатларни ёки камерал усулда барча тўлиқ текширишларни қамраб олади;

– танланма тартибда текшириш – муайян даврдаги ғазначилик операцияларини молиявий хужжатларни ёки камерал усулда танлаб текшириш тушунилади.

13.3. Ғазначиликда маҳаллий бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганларидек, «Давлат бюджетини бошқаришга қаратилган ғазначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади»¹⁰. Мана шу жараёнларда молиявий назоратни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотларнинг бюджет интизомига риоя қилишини яхшилаш муаммоси ҳозирги кунда ҳам долзарблигича колмоқда. Бюджет жараённада баъзи ҳолларда бюджет таснифига етарлича эътибор берилмаётгандиги бюджет ижросида аниқлик ва тўлиқлик тамойиллариға зид бўлмоқда, натижада бюджет маблағларининг

¹⁰ Каримов И.А. Йисон манфаатлари устуворлигини таъминлап – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси. 2008 йил февраль.

самарадорлиги чегараланмоқда. Ҳар бир мамлакатда давлат алохидә субъект бўлиши билан бирга жамиятни бошқарувчи асосий ўзак хисобланади. Бозор иктисадиёти шароитида шуни унутмаслик зарурки, давлат даромадларини доимо кўпайтириш билан бир каторда харажатлар самарадорлигини ошириб бориши зарур. Молиявий назоратни давр талабига мос равишида ташкил этиш орқали давлат харажатлари самарадорлигини ошириш мумкин. Харажатлар самарадорлигини яхши ва тўлиқ йўлга қўйишда молиявий назоратни одилона ва оқилона ташкил этиш лозим. Молиявий назоратдан энг кўп самара унинг барча шаклларининг ўзаро ҳаракатида эришилиши мумкин. Айниқса, бу – бюджет маблағларини талон-торож килишга қарши курашда зарур. Содир бўлаётган ўғирликларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларнинг сабабларини аниқлаш, келгусида уларга йўл қўйилмаслиги учун ўзаро боғлиқ бўлган чора-тадбирлар тизимини ўз ичига қамраб олиши керак.

→ Газначилик операцияларини назорат қилиши бўлимларининг вазифалари

газначилик операцияларини амалга ошириш жараённида меъёрий-хукукни хужжатларга риоя этилиши устидан белгиланган тартибда назорат қилиш ва мониторинг ўтказиши;

газначилик операциялари жараёнининг амалдаги меъёрий хужжатларга мувофиқлигига баҳо бериш ва хулосалар тайёрлаш; шартномалар (хисоб-фактуралар) билан боғлик бўлмаган газначилик операцияларининг белгиланган тартибда ўтказилишини назорат қилиш;

газначилик операциялари жараённида юзага келадиган ҳар қандай кўринишдаги риск (хатар), қонун ва тартиб бузилишлар ва хато-камчилкларни оператив аниқлаш, таклиф бериш;

Молия вазирлиги Газначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида газначилик операциялари назорати натижалари бўйича тегишли бошкарма, бўлим ва бўлинмаларга тавсиялар тақдим этиш, назорат натижалари хисобини юритиш ва Газначилик раҳбариятига аҳборот бериш;

газначилик операцияларининг меъёрий хужжатларга мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида самарали ички назоратни ташкил этиш, назорат ва мониторинг натижалари бўйича газначилик операциялари аҳволи ва тегишли чоралар кўриш тўғрисида раҳбариятта аҳборот тақдим этиш;

Газначилик операцияларини назорат қилиш бўлимларининг вазифалари

- Газначилик операцияларининг назорати ва мониторингти натижалари тўғрисида ҳисоб ва ҳисбот шаклларини юритиш ҳамда ахборот бериш, муддатида топшириш;
- Газначилик операцияларини амалга ошириш жараёнида меъёрий-хукукий хужжатларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ва мониторинг ўтказиш;
- Бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларини, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал курилиши бўйича буюртмачиларининг шартномаларининг рўйхатдан ўтказилиши ва ҳисобга олиннишини белгиланган тартибда назорат қилиш;
- Бюджетдан маблағ олувчилар харажатлар сметаларининг ўрнатилган тартибда ва шакллarda қабул қилиб олинганлигини ва Дастурга киритилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;
- Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва рўйхатта олинган шартномаларида тасдиқланган ва белгиланган харажатлар доирасида тўловларининг амалга оширилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатиш.

23-расм. Газначилик операцияларини назорат қилиш бўлимларининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги тизимида Газначилик операцияларини назорат қилиш бўлими мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 594-сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилган. Мазкур Қарор ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида Газначилик операцияларини назорат қилиш бўлими (сектор, гурӯҳ)ларига бир қатор масъулиятли вазифалар юқлатилди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан бюджетнинг кўлқиррали алоқаларини бюджет кўрсаткичларининг аниқ манзилли характеристи ифодалайди ва бюджет маблағларини иқтисодиётнинг турли тармоқларида тўғри ишлатилишини назорат қилишга асос яратади. Бюджет даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари тизими орқали назорат қилинади. Молия, бюджет, солиқ интизомига етарли даражада риоя қилинмаётгандиги ва бюджет маблағларининг мақсадиз ишлатилиш холатларининг мавжудлиги барча мамлакатларда давлатнинг молиявий назоратини кучайтириш зарурлигини кўрсатмокда. Иқтисодиёти ривожланган бирон-бир мамлакат йўқки, молия соҳасида давлатнинг назорат органлари мавжуд бўлмасин.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга кириттагч, энг аввало, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, кўп укладли тизимни яратиш, жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, бозор инфраструктурасини яратиш йўлида муҳим стратегик мақсадлар ишлаб чикилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ва бозор муносабатлари ривожланган тақдирда ҳам молиявий назоратнинг салоҳияти пасаймасди, балки ошиб боради. Бу шароитда молиянинг ўзи каби молиявий назоратнинг ҳам мақсад ва вазифалари, шакллари тубдан ўзгаради. Энди у факат жазоловчи орган сифатида эмас, балки давлатнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маблағларнинг тўлиқ тўпланиши, бюджет маблағларидан мақсадли, самарали харажат қилишни назорат қилиш, маслаҳат ва кўрсатмалар бериш каби вазифаларни бажаради.

Газначиликда бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари хисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофик, асоссиз харажатларининг олди олинади.

Газначиликка куйидаги асосий вазифалар юклатилган:

– Давлат бюджетинининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувларнинг харажатлар сметалари ижроси ва Давлат бюджети ижроси тўғрисида хисобот тузиш;

– Давлат бюджети маблағларини ятона газначилик хисобраками, шунингдек, тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган худудий газначилик хисобракамларини жорий этиш орқали бошқариш;

– бюджет ташкилотларини, шу жумладан мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялашга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишини мақбуллаштириш устидан мониторингни амалга ошириш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланшини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш, амалда воситачилик хизматларидан воз кечиш;

– харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчиларнинг бевосита хисобракамларига бюджет маблағлари олувларнинг номидан ва уларнинг толшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсиричан назоратни таъминлаш;

– Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерлик хисоби ва хисобитини юритиш, Давлат бюджети ижроси ҳакида ахборот йигиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат

ички ва ташки қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолагларини ижро этиш.

Газначилик операциялари – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг газна ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш ва хисобини юритиши, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва бюджет ижроси тўгрисида ҳисоботлар билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига камраб олади. Давлат молиясини бошқариш тизими устидан назоратни такомиллаштириш ресурсларни Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг амалга ошираётган сиёсатига ва устувор йўналишларига мувофиқ тақсимлаш, ресурслардан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатиш ва умумий солик-бюджет интизомини таъминлаш каби вазифалар ечимида қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқаришни ислох килиш стратегиясига кўра, Молия вазирлиги Газначилигига Ички назорат тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Давлат молиясини бошқариш тизими устидан назоратни такомиллаштириш пировард мақсад килиб белгиланди.

Газначилик тизимини кўллаш натижасида бюджет ижроси самарадорлигини ошириш мумкин, яъни мақсадсиз харажатларни амалга ошириш холатларига чек кўйилади. Бюджетдан ажратилаётган тўловларни ўз муддатларида ўtkазилиши хамда иктисодий таҳлилларни ўtkазища кўллантирадиган ҳисоботлар сифатини ошириш орқали бухгалтерия ҳисобкитоби маълумотлар тезкорлиги ва аникилиги ўсишига эришилади.

Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимини бошқариш соҳасида чукур иктисодий ўзгаришлар юз бермокда. Бу ўзгаришлар, аввало, турли мулк шакллари эга субъектларининг юзага келиши ва бюджет ташкилотлари билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг тубдан ўзгариши билан боғлиқ. Бозор иктисодиёти шароитида бундай муносабатларнинг йил сайин кенгайиб бориши бюджетнинг ахамияти ошиб боришида ўз аксини топмокда. Давлат бюджетининг касса ижросини самарали тарзда ташкил этиш, Давлат бюджети маблагларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни янада кучайтириш, Давлат бюджети маблағларини газначилик тизимида бошқариш орқали бюджетнинг иктисодиётдаги роли янада кучайтирилмоқда.

Таянч сўз ва иборалар

Бюджетдан маблағ олувчилар, молиявий назорат, ички назорат, мониторинг, камерал назорат, текширув, харажатлар сметаси, давлат молиявий назорати, Ҳисоб палатаси, тафтиши, аудит, бюджет ташкилотлари, ҳўжалик субъектлари, бюджет маблагларининг самарадорлиги.

Назорат саволлари:

1. Молиявий назоратнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Молиявий назорат қандай максадда амалга оширилиши мумкин?
3. Давлат молиявий назоратининг вазифалари нималардан иборат?
4. Молиявий назорат турларини айтиб беринг.
5. Молиявий назорат муддатлари бўйича қандай турланади?
6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига давлат молиявий назоратини амалга ошириш бўйича қандай вазифалар ва функциялар юклатилган?
7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида нима дея оласиз?
8. Молия органларининг иш фаолиятини тафтиш килиш вактида нималар текширилади?
9. Давлат молиявий назорати амалга ошириш усусларига кўра қандай гурухланади?
10. Газначиликка молиявий назорат бўйича қандай вазифалар юклатилган?
11. Бюджет жараёнида газначилик операциялари тўғрисида нима дея оласиз?
12. Газначиликда бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш масалалари қандай ҳал этилади?

14-Боб. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА ҒАЗНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.1. Ғазначилиқда давлат мақсадли жамғармалари ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини бошқариш

Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ғазначилик томонидан, шунингдек, давлат солик ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади. Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этишининг ягоналигидан иборат. Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби Ғазначилик, давлат солик ва божхона хизмати органлари, бюджет ташкилотлари ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг ягона режаси ва бюджет таснифи асосида ташкил этилади ҳамда амалга оширилади¹.

Бюджет тизимида ғазначилик механизмининг самарадорлиги оширилади ва бюджет муносабатларини тартибга солишнинг замонавий йўналишлари ишлаб чиқилади. Ўзбекистонда давлат молиясини бошқариш, Ғазначилик институтини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизимини ислоҳ килиш ҳамда бозор талабларига мос келувчи ғазначилик хизматини жорий этиш билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш зарурини кучаяди. Турли даражадаги бюджетларнинг барча даромадларини жамлаш ва маблағларини тақсимлашда амалдаги механизм такомиллаштирилади.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йигимлар ва бошка мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар Республика бюджети, Коракалпогистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва Республика бюджети, Коракалпогистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети ғазна ижроси тўғрисида”ги Конуни. Меъёрпий-хукукий хужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент. 2007. -366.



24-расм. Давлат молиясининг таркибий тузилиши

Давлат молияси миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг бир кисмини давлатта қарашли корхона, ташкилотларнинг пул фондига айлантиради. Уларнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш, жамият аъзоларининг умумий эҳтиёжини қондириш, мамлакатни идора килиш учун тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатлар йиғиндисидир. Давлат молияси ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан-техника тараққиёти, ижтимоий эҳтиёжни қондириш масалаларини, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш соҳалари самарали тартибга солинади. Шу йўл билан давлат жамиятнинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож бўлган қатламларини ижтимоий ҳимоя киласи, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш чораларини кўради. Мамлакатда давлатнинг бюджет-фискал сиёсати макроиктисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омилларидан саналади. Иқтисодий ўсиш, макроиктисодий барқарорликка эришиш ва инвестиция муҳитини яхшилашда мамлакатдаги фискал сиёсат алоҳида ўрин тутади ва бу масалаларни такомиллаштириш лозимлиги бугунги кун миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий талабидир.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек, солиқ мажбурияtlарини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади»².

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш ва ғазнани тўлдиришнинг аҳамияти бекиёс ҳисобланади. Шу сабабли республикамизда Давлат бюджети ижросини амалга оширишда давлат мақсадли жамғармаларини ғазначилик тизимиға ўтказиш зарурияти пайдо бўлди.

² Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикасининг конуни ҳужжатлари тўплами. 2007 йил 25 декабрь.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларида максалди жамгармалар даромадларининг
салмоғи³**

| | ҲИЛДАР | | | | | | 2010 |
|---|-------------------|-----------------------------|-----------------------------|-----------------------------|-----------------------------|-----------------------------|------------|
| | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | | |
| МЕМОРИ МЛН.СҮМ | ФОНДЛА МЛН.СҮМ | МЕМОРИ ФОНДЛА МЛН.СҮМ | МЕМОРИ ФОНДЛА МЛН.СҮМ | МЕМОРИ ФОНДЛА МЛН.СҮМ | МЕМОРИ ФОНДЛА МЛН.СҮМ | МЕМОРИ ФОНДЛА МЛН.СҮМ | |
| Давлат бюджети даромадлари (Максалди жамгармалариз) | 3310854,0 | 69,9 | 5100867,9 | 59,9 | 7108257,4 | 59,3 | 10421382,5 |
| Давлат максалди жамгармалари даромадлари (Пенсия жамгармаси, Йўл жамгармаси. Иш билан таъминланган кўмакчашувчи жамгарма, давлат мулки кўмитасинни маҳсус хисобраками) | 1274001,1 | 30,1 | 2165915,5 | 25,2 | 3200362,5 | 26,7 | 4963075,5 |
| Ўзбекистон Республикаси Тикшитни ва таражиёт жамгармаси | - | - | 928508,4 | 10,8 | 1115646,0 | 9,3 | 762883,0 |
| Мактаб таъчили жамгармаси | - | - | 364550,0 | 4,1 | 494369,6 | 4,1 | 577335,1 |
| Молия вазирлари хуъзирдаги ерлаарнинг меснуротив холатини яхшилаш фондиди | - | - | - | - | 75000,0 | 0,6 | 130000,0 |
| Давлат бюджети даромадларининг жами | 4730862,1 | 100,0 | 8559841,8 | 100,0 | 11993634,0 | 100,0 | 16854681,0 |
| | | | | | | 100,0 | 21317230,7 |
| | | | | | | 100,0 | |

³ Матба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг карорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарорига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2009 йилдан бошлаб (рўйхатга мувофиқ) давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари фонdlар даромадлари ва харажатларининг газначилик ижроси механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилиши тъминланади»⁴.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлигининг Газначилиги бюджет ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда 2009 йилнинг январь ойидаги ўтказилган операцияларни 2008 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги хисоботда акс эттирган ҳолда 2008 йилги Давлат бюджети ижроси бўйича конун хужжатларида белгиланган тартибда якуний операциялар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 4 августдаги 125-сонли бўйруғи ҳамда 2008 йил 27 ноябрдаги КК/31-03/3-34-14-258-сонли хатига асосан Республика давлат мақсадли жамғармалари, яъни Мактаб таълим жамғармаси, Йўл жамғармаси, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Иш билан тъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат жамғармалари 2009 йил 1 январдан газна ижроси билан камраб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогноз ва давлат параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1024-сонли Қарорига мувофиқ, Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан жамғармаларининг даромад ва харажатлари Давлат бюджети газна ижроси билан камраб олинди.

Иш билан тъминлашга кўмаклашувчи жамғарма 2009 йил 1 январдан газна ижроси билан камраб олинган. Ушбу жамғарма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сонли «Ўзбекистон Республикаси бандликка кўмаклашувчи давлат жамғармасидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги бўйруғи билан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1245-сон Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги 2010 йил 1 январдан бошлаб барча вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармалари Давлат бюджетининг газна ижросига ўтказилди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси максадли ва бюджетдан ташкари фондларининг Молия вазирлиги Газначилиги томонидан камраб олинини тўғрисида маълумот

| Т/р | Фондлар номи | Фаолият тuri | Банклаги хисобракамлар сони ва кўринини | Газначилик томонидан камраб олинишни | Газначилик дастурда юритилishi | Даромадлар тасини | Маблагъ-тар манбани | Харажатлар тасини | Ташки-лий | Иктисолий устуби | Ишлан |
|-----|--|---|--|--------------------------------------|---|-------------------|--------------------------|--|-----------|------------------|--------|
| | | | | дараражаси | корхона | 4002... | P-80 II-XX | P-920 Г-77 II-XX | Мавжуд | Мавжуд | Мавжуд |
| 1. | Бюджетдан ташкари пенсия фонди | Пенсионерларга пенсия тўловларини стказиш | битта хисобракам, республика даражасида, вылоят ва туманларга доступ | вилоят, шахар, туман | деромадлари. пенсияга харажатлар шартномасиз | | | | | | |
| 2. | Давлат муслиқ мулкнининг макус хисобраками | девлат мулкни сотини, ижарага берим | худудий хисобракамлар, вылоят дараражасида, туманларга доступ | вилоят, шахар | ота-оналардан туплан гўёвкер, фойз бўйича харажатлар шартномасиз | 2004... | P-60 II-XX | P-910 Г-21 II-XX | Мавжуд | Мавжуд | Мавжуд |
| 3. | Китоб фонди | мактаблар китобхонастини китоблар билан таъминлан | битта хисобракам, республика даражасида, вылоят ва туманларга доступ | | китобларни реализация ки-лини ва ижарага беринчидан тунгган тунумлар, китобларни солиб олини харажетлари шартнома асосида | 3004... | P-50 II-XX P-51 II-XX | P-550 Г-218 II-XX P-551 Г-218 II-XX | Мавжуд | Мавжуд | Мавжуд |

| Жадед алғомы | | | | | | |
|--------------|--|--|---|---|---------------------------------------|---|
| | | | | | | |
| 4. | Республика штат Фонди | республика йүзлүктини тәммирлап, яның күшлүрни курип | бигта хисобракам, республика даражасыда, вилоят ва түмандарга доступ | корхоналардан даромадлар йүзлүктини тәммирлап шартнома асосида | P-100 II-ХХ P-101 II-ХХ 2003... | P-940 Г-300 II-ХХ мавжуд мавжуд |
| 5. | Ин болтан тальминашга күмаклашув- чи жамгарма | ишсизлик на- факаларини берши, им- тиёзли нафака- ларни Генсия Фондига берип | худудий хисобракамлар, вилоят даражасына, түмандарга доступ | республика, вилоят, шахар түмен | P-90 II-ХХ 2002... | P-930 Г-237 II-ХХ мавжуд мавжуд |
| 6. | Молния вазирлиги Хүрүрлөттү ерларнинг менинратив холатини яхшиланыш фонди | кишлек хүжигали сүторлүп тизимини йүзла күниш ва тәммирлап | бигта хисобракам, республика даражасыда, вилоят ва түмандарга доступ | республика, вилоят, шахар | P-500 II-ХХ 3007... | P-600 Г- 233 II-ХХ мавжуд мавжуд |
| 7. | Мактаб фонди | маскабларни тәммирлап, курип, жихозлар билиш тәммирлап | бигта хисобракам, республика даражасыда, вилоят ва түмандарга доступ | барча түрдөгү корхоналардан даромадлар таббларни гаймэр- лап, курит учун харажаттар шартнома асосида | P-411 II-ХХ P-42 II-ХХ 3003... | P-95 Г-188 II-ХХ P-952 Г-188 II-ХХ мавжуд мавжуд |

Жадоғат дағомы

| | | | | | | | | | | |
|-----------|--|---|---|------------|--|---------|-------------------------|-----------------------|--------|--------|
| 8. | Ипотека фонди | ёш осталарта ипотека кредитини берип | бигта хисобрекам, республика дарражасыла, визит ва тұмандарға достуры | республика | бюджет дотациялари бүйіча тұпымдар, кредиттің линияларын үчүн харажаттар шартнома ассоциация | 3006... | P-70 II-XX 015 II-XX | P-900 Г- 145 II-XX | мавжуд | мавжуд |
| 9. | Кишилек хұжалиниң техникасы фонди | кишилек хұжалиниң техника болан тәъминшылыш | бигта хисобрекам, республика дарражасыла, визит ва тұмандарға достуры | республика | корхоналар яғона ер соңындан тұпымдар, техниканы молиялаштырып үзүн харажаттар шартнома ассоциация | 3002... | P-70 II-XX 145 II-XX | P-900 Г- 145 II-XX | мавжуд | мавжуд |

Манба. Ўзбекистон Республикасы Министерстлеги мәдениет министрлігі

Давлат бюджетининг харажатлари Ягона ғазна ҳисобвараги ёки Газначиликнинг бошка банк ҳисобваракларидан белгиланган муддатларда ва тегишлича республика бюджети, Қоракалпогистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Қоракалпогистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ўрнатилган тартибда ҲФХга кирим қилинади:

– ота-оналарнинг мактабгача таълим муассасаларида болалар учун тўловлари;

– ота-оналарнинг мусика ва санъат мактабларидан болаларни ўқитиш учун тўловлари;

– мактабгача таълим муассасалари ишчиларидан овқатланиш учун тушган тушумлар;

– бюджет ташкилоти ходимларига пенсия ва ижтимоий нафака тўлаш учун тушган маблағлар.

Давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари фондларини газначилик механизмида бошқаришининг амалиётга татбиқ этилиши давлатнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларининг аниқ вактда тўлик ҳисобга олинишини, Давлат бюджети ижроси жараёнининг тизимли назорат қилинишини, Давлат бюджети маблағларининг Ягона ғазна ҳисобварагига тушган вақтдан бодилаб, давлат буортмасининг сўнгги пурратчи ҳисобракамига келиб тушунга қадар бўлган даврда самарали бошқарилишини таъминлайди.

Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ижроси жараёнига янги ташкил этилган газначилик органлари, яъни янги субъектларнинг киритилиши билан барча бюджет жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларидан ўзига хос механизм ишлай бошлайди. Давлат бюджети, давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг смета харажатлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлари ижроси билан боғлиқ барча молиявий жараёнлар янада батафсил тартибландади.

Газначиликда бюджет ташкилотларини молиялаштириш механизмига боғлиқ маҳаллий бюджет харажатларини оптималлаштириш имкониятларини тұхтатиб турувчи күйидаги омилларни кўрсатиб ўтиш лозим:

– турли даражадаги бюджетларда ташкилотларни молиялаштиришда бюджет маблағлари билан бир қаторда, бюджетдан ташқари манбалардан тўлик фойдаланилмай қолмоқда;

– маблағга ҳақиқий талабни белгиловчи бюджет харажатлари режасини тузишда услубий базанинг ишлаб чиқилганингига қарамасдан, чекланган бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари учрамоқда. Натижада, майлум бир обьектлар ортиқча пул маблағларига эга бўлса, бошка

объектлар ҳақиқий талабга нисбатан молиялаштиришда катта етишмовчиликка дуч келади.

Республикамизда худудларнинг иқтисодий ривожланишини ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларини иқтисодий ва ҳуқукий база билан таъминлайдиган етарли даражада шароит яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли "Бюджет ташкилотларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу ҳужжат маҳаллий бюджетларнинг даромадлар имкониятларини кенгайтириб, маблағларнинг бюджетдан ташқари манбаларини ишлаб топиш ва фойдаланиш имкониятини беради. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жойларда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари топган қўшимча маблағларининг ҳисоб-китобида муаммолар пайдо бўлди.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлари тўлови молия йили учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида, тасдикланган (аниқланган) харажатлар сметалари, ғазначиликда рўйхатта олинган, бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан тузган шартномалари асосида:

- Республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ёки унинг худудий бўлинмалари томонидан белгиланган тартибида;
- Корақалпогистон Республикаси бюджети ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг худудий ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Бюджетдан маблағ олувчилар бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхалари ва уларга иловаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi захира жамғармаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги захира жамғармалари маблағлари ҳисобига ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларни, улар молия органларида ўрнатилган тартибида рўйхатга олинганидан сўнг, ғазначилик бўлинмаларига тақдим қиласди.

Куйидаги жадвалда боскичма-боскич ғазначилик механизмига ўтказилган давлат бюджети таркибидаги давлатнинг мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари фонdlар рўйхати берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 29 мартағи «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг турли даражадаги бюджетларига ва худудий таснифга, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибидаги Корақалпогистон Республикаси бюджети, Тошкент шаҳар бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари манбалари таснифига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 6 декабрдаги 112-сон буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 51-сон буйруғига мувофиқ, Давлат бюджети ижросининг ғазначилик шароитида

ғазначилик хисобракамларига тушадиган тушумларнинг бухгалтерия хисобини юритиш, жумладан, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташкари маблағларини ишлатиш тартиби такомиллаштирилади.

21-жадвал.

Ғазначилик механизмига ўтказилган Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таркибидаги давлатнинг мақсадли хамда бюджетдан ташкари жамғармалари рўйхати⁵

| Г/р. | Давлат бюджети таркибидаги мақсадли ва бюджетдан ташкари жамғармалар | Ғазначилик томонидан камраб олинанинг | | |
|------|---|---------------------------------------|--------|-------|
| | | レスпублика | вилоят | туман |
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси | x | x | x |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Йўл жамғармаси | x | x | |
| 3. | Давлат мулки кўмитасининг маҳсус хисобраками | x | x | |
| 4. | Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи жамғарма | x | x | x |
| 5. | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Мактаб таълими жамғармаси | x | x | |
| 6. | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондни | x | x | |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Китоб жамғармаси | x | | |
| 8. | Ипотека кредитлашни кўллаб-куватлаш фондни | x | | |
| 9. | Қишлоқ хўжалиги техникасини давлат томонидан кўллаб-куватлаш фондни | x | | |

Давлат бюджети ғазна ижроси бухгалтерия хисоби бюджет ижросининг ядрои ҳисобланади, уни янада мукаммаллаштиришни талаб этади. Давлат бюджети ғазна ижроси жараёнида бюджет бухгалтерия хисоби юклатилган вазифаларига караб, икки турга бўлинади: бюджет ижроси операциялари хисоби (Давлат бюджети, республика бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари); бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2008. 52-сон, 515-модда.

сметаси ижроси операцияларининг хисоби. Давлат бюджети, давлатнинг максадли жамғармалари ижроси бухгалтерия хисоби тегишили бюджетларни ижро этувчи ва хизмат кўрсатувчи ғазначилик органлари томонидан олиб борилади.

14.2. Ғазначиликда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг пиравард максади – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши учун қулай шароит яратишдир. Албатта, ушбу вазифаларни амалга оширишда бюджет ва бюджетлараро муносабатлар мухим роль ўйнайди. Давлат томонидан бюджетлараро муносабатлар ёрдамида иқтисодиётни тартибга солища юқори бюджетлар марказий бўғинда иштирок этиш билан турли ҳудудларда ахолининг катламлари манфаатларини ўзида акс эттиради. Бошқача килиб айтганда, бюджетлараро муносабатлар тушунчасида ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришининг аниқ максади акс эттирилади.

Бюджетлараро муносабатларга давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет жараёнида мамлакатнинг бюджет тизимига келиб тушувчи даромадлари ҳамда ҳаражат ваколатларининг доимий равишда чегараланиши, умумдавлат солиқлари бўйича вактингчалик асосда мөъёрий ажратмаларнинг аникланиши, бюджетлараро тартибга солиш тизимида юқори турувчи бюджетлардан қуий бюджетларга турли даражадаги ҳокимият органларининг ҳудудий манфаатлари нуктаи назаридан ҳаражатларни молиялаштириш учун қайтариш ва қайтармаслик ҳамда текинга ёки тўловлар шартлари асосида даромадларни қайта тақсимлаш шаклидаги маблағлар ажратиш бўйича муносабатлардир деб, таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси молия тизимида давлат бюджетини бошқаришда ўтказилаётган туб ислоҳотлар замирида Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини жорий этишдан асосий максад – бюджет маблағларини самарали бошқариш, давлат молиявий назоратини кучайтириш, турли даражадаги бюджетлар ўртасида муносабатларни такомиллаштириш, република ва маҳаллий бюджет ташкилотлари фаолиятининг молиявий назорати учун Ягона ғазначилик хисобвараги фаолиятини такомиллаштиришдир.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш шароитида асосий эътиборни бюджет тизимини бошқаришни ривожлантириш, самарали бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишга қаратиш каби мухим вазифалар белгиланган. Шу туфайли, бюджетлараро муносабатларни ривожлантириш стратегияси ва бюджет тизимини бошқаришнинг ҳалқаро тажрибаларига таянган ҳолда, ғазначилик тизимида бюджетлараро муносабатларни самарали бошқариш зарур.

Маҳаллий бюджетлар даромад базасининг барқарорлиги мамлакатимизда худудларнинг куий бўғинларида, яъни вилоятлар, туманлар, шахарлар доирасида амалга оширилаётган иктисодий ислоҳотларнинг муваффақиятни белгилаб беришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бюджетлараро муносабатларни тартибга солишда бир қанча ютукларга эришилганига қарамай, ушбу масала юзасидан худудларда бир қанча муаммолар юзага келмоқда. Республика изда кўпчилик вилоят ва туманларда бюджетлараро муносабатлар қоидаларига риоя қилишда хатолар тўғри йўлга кўйилаётганилиги сабабли ушбу худудларда ғазначиликда бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айрим маҳаллий бюджетларнинг ҳамон дотация ва субвенциядан чиқа олмаётганилиги бунинг асосий асоратларидан бириди. Кейинги беш йил давомида дотацион вилоятлар сони кескин қискарған бўлишига қарамасдан, дотациядан тўлиқ чиқиб кетишнинг иложи бўлмаятти. Шу нуткази назардан бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш, худудларда соликлардан тўлиқ фойдаланиш ва бюджет муносабатларини тартибга солишнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиши тақозо этмоқда.

Давлат бюджетининг ғазна ижросини татбиқ этиш ҳисобига бюджет тизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражалардаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ги 594-сон Қарори қабул қилинди. Ғазначилик зиммасига бошка вазифалар билан бирга куйидаги асосий вазифалар юклатилди⁶:

– Давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўргасида тақсимлап, бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;

– Давлат бюджети маблағларини Ягона ғазначилик ҳисобраками, шунингдек, тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўргасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган худудий ғазначилик ҳисобракамларини жорий этиш орқали бошқариш;

– Осиё тараққиёт банки (ОТБ) ва бошка халқаро молия ташкилотларининг қарз маблағларини жалб этган ҳолда Давлат бюджетининг барча даромадларини Ягона ғазна ҳисобракамига жамлаш ва ундан харажатлар тўловини амалга ошириш имконини берувчи Давлат бюджети ғазна ижросининг ягона интеграциялашган ахборот тизимини ташкил этиш.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ги 594-сон қарори.

Газначилик тизимини яратишида замонавий компьютер технологияларини кўллашдан асосий мақсад бюджет тизимининг турли даражаларида ахборотларга бўлган талабни тўлиқ қондириш, давлат миёсида молиявий ахборотларни қайта ишлашнинг янгича автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш натижасида молиявий ресурсларни бошқариши тубдан ўзгартиришга эришишга қаратилиади. Газначилик тизимида молиявий ресурслар таҳсимилашниши ва улар тегишли каналлар бўйича Республика ва маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун юборилиши, сўнгра молиявий ресурсларнинг жисмоний ва юридик шахсларга йўналтирилиши тартибга солинади.

Бюджетнинг газна ижроси жараёнида Газначилик ходимларининг вазифалари бюджетнинг касса ижроси, даромадлар ва харажатлар устидан назорат, бюджет маблағларини бошқариш, шартномаларни рўйхатга олиш ва тўловларни амалга ошириш ҳамда бюджетлараро муносабагларни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари бўйича туркумланади:

- бюджетнинг касса ижроси, тушган даромадларни қўйи бюджетлар ўргасида таҳсимлаш;
- бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси;
- маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисида ҳисобот тузиш;
- бюджет маблағларини Ягона газначилик ҳисобвараги, шунингдек, тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўргасидаги касса узилишлари олдини олишини таъминлайдиган худудий газначилик ҳисобваракларини жорий этиш орқали бошқариш.

14.3. Газначиликда маҳаллий бюджет даромадларини бошқариш услугиётини мукаммаллаштириш

Бюджетдан маблағ олувчиларга Газначиликда ёки унинг худудий бўлинмаларида улар учун очилган шахсий ҳисобракамларидан кўчирмалар, уларнинг харажатларини коплашга бюджет маблағлари ўтказилганлигини тасдиқлайдиган тўлов хужжатлари ва бошқа хужжатларни тақдим этади ҳамда манбалар бўйича тегишли бюджетлар даромадлари тушуми ҳисоби юритилади.

Давлат бюджетининг газначилик ижроси шароитида маҳаллий бюджетнинг даромадлар кисми ижроси жараёнига тўхталиб ўтадиган бўлсан, ушбу жараёнда бир катор муаммолар мавжудлигини кўришимиз мумкин:

- бюджетга келиб тушадиган солисклар ва йигимларни мазмунига тушунган ҳолда газначилик дастурларида тўғри акс этирувчи кадрларга эҳтиёж сезилаётганлиги;
- бюджетга келиб тушаётган маблағларнинг ҳақиқатда тўғри келиб тушганлигини тасдиқлаш ҳамда таққослаш факат ҳар ой якунига кўра банклар томонидан тақдим этилаётган ҳисоботларга таянган ҳолда амалга оширилаётганлиги;

— айрим холларда куйи ғазначилик бўғинларида давлат бюджети даромадларига оид маълумотларни ўз вактида ғазначилик дастурларида акс эттирасмаслик.

Худудий ғазначилик бўлимларида давлат бюджети даромадларининг Шартли хисобракам (УНС)лари мазмунини тушунмаслик оқибатида Давлат бюджетига келиб тушаётган даромадларни нотўгри акс эттириш ҳолатлари кузатилиб, молия, худудий ғазначилик, солик ва банк хисоботлари орасида тафовутлар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 7 марта 1914-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2009 йил 6 февралдаги 18,2\8, 2008-47-сонли карори билан тасдикланган «Ўзбекистон Республикасининг» Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлиш тартиби ҳақида» Низом тасдикланган. Ушбу Низомда Давлат бюджетига келиб тушган тушумлар тўғрисидаги маълумотлар Давлат Солиқ қўмитаси томонидан фақат Молия вазирлигига тақдим этилиши белгиланган. Худудий давлат солик инспекциялари Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни мазкур низомга асосан худудий молия органларига тақдим этилиши йўлга кўйилади. Давлат бюджети, жумладан, маҳаллий бюджетга келиб тушган тушумларни таққословчи хисоботлардаги тафовутлар бартараф этилади.

Ғазначиликда бошқарув тизимини яратишда ахборот технологияларини тақомиллаштиришнинг асосий вазифаси таркибига қуидагилар киради:

- турли даражадаги бюджет маълумотларини қайта ишлашни марказлаштириш;
- маълумотларни таҳлил қилиш, йиғиш ва хужжатларни қайта ишлаш учун талаб қилинадиган тезликни таъминлаш;
- ҳисоб-китоблардаги режалаштирилган қолдиқларга мувофик молиявий ресурсларга бўладиган келажақдаги эҳтиёжларни таъминлашни жадаллаштириш ва башоратлаш;
- бюджет ижроси жараёнларини янада самарали бошқаришни таъминлаш;
- маблағларни тўлиқ ва тўғри сарфлашни тезкор назорат қилиш;
- бошқарув аппаратининг ишлаш самарасини ошириш, камчилик ва хатоларни камайтириш, аппаратни таъминлашдаги харажатларни кискартириш;
- давлат бошқарувининг ваколатли шахсларини бюджет ҳолати ҳакидаги тезкор маълумотлар билан доимо таъминлаб бориш.

Ғазначиликда даромадларни бюджетларнинг турли погоналари ўртасида тақсимлаш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг смета харажатлари ижросини амалга ошириш ва Давлат бюджети ижроси хисоботларини тайёрлашни инобатта олган холда Давлат бюджетининг касса ижроси амалга оширилади. Тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги касса

узилишларини огохлантиришни таъминлайдиган Ягона ғазна ҳисобвараги ҳисобини ҳамда худудий ғазначилик ҳисобларини татбиқ қилиш орқали Давлат бюджети маблаглари бошқарилади.

Бюджет даромадлари ижроси жараёнида маълумотлар оқими ва ўзаро муносабатлар ҳар кунлик даромад тушумини ғазначилик дастурига тушириб боради. Даромад тушумлари Ғазначилик бўлинмаси томонидан банкдан олинган хужжатлар асосида ғазначилик дастурига тушириб борилади ва ҳар кунлик даромад кисми бўйича тенглик баланс чиқарилади, ўтган кунги ҳисоб варакдаги қолдик ва бугунги тушум қўшилиб баланс чиқарилади.

Давлат бюджети ғазна ижроси жараёнида соликлар ва бошқа тўловлар аниқ кўрсатилади. Солик тўловчилар солик мажбуриятларини ўз вактида ва тўлик ҳажмда бажаришлари шарт. Ҳар бир солик тўловчи соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни качон, канча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ билишлари керак. Давлат бюджетига тўланадиган соликлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши лозим яъни:

- солик солиш обьекти;
- солик солинадиган база;
- ставка;
- ҳисоблаб чиқариш тартиби;
- солик даври;
- солик ҳисоботини тақдим этиш тартиби;
- тўлаш тартиби.

Давлат бюджетининг харажатлари Ягона ғазна ҳисобвараги ёки Ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобваракларида белгиланган муддатларда ва тегишинчя республика бюджети, Қорақалпогистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиклари доирасида амалга оширилади. Ягона ғазна ҳисобварагига келиб тушган умумдавлат соликлари ва даромадларидан ажратмаларнинг ҳисоби худудий ғазначилик бўлинмалари томонидан маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиккан холда белгиланган “Даромадлар дафтари” (5-ф-сонли) шаклига биноан олиб борилади. Ушбу шаклда давлат соликлари ва даромадларидан ажратилиладиган ажратмалар ҳар бир куйи бюджет бўйича ҳамда куйидаги кўрсаткичлар ҳажмида мазкур бюджет бўйича умумий тарзда ҳисобга олинади: соликка тортиладиган даромаднинг номи, ажратма учун белгиланган фоиз, ажратилган сумма. Ёзувлар банк муассасаларидан маҳаллий бюджетга ажратмалар ажратиш кайдномалари олинниши билан ёзилади. Ёзув ёзилишидан олдин худудий ғазначилик органининг бухгалтерияси кайдномада кўрсатилган фаркларга мос келишини текшириши шарт. Ҳар бир ой охирида мазкур шаклда ой бўйича ва йил бошидан бошлаб йигиндилар чиқарилади. Ҳар бир бюджет бўйича умумдавлат соликлари ва даромадларидан ажратмалар суммаси ҳар ойда куйи бюджетларнинг ижро

этилиши тұғрисидаги хисоботлар билан таққосланып борилади. Бундан ташқари, худудий бюджет бүйінча умумдаулат солиқлари ва даромадлардан тушумлар ҳамда ажратмалар банк мұассасаларининг ойлик хисоботларидаги маълумотлар билан таққосланади. Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқта тұланған солиқлар, үйгимлар ва бошка мажбурий тұловлар суммалари конун хужжатларыда белгиланған тартибда Ягона газна хисобварағидан ёки Ғазначиликнинг бошка банк хисобвараклардан қайтарылыш амалға оширади.

Таянч сұз ва иборалар

Бюджеттәраро мұносабатлар, таршыға солынуечи даромадлар, бюджеттән ташқари фонdlар, газначиликнинг ахборот тизими, бюджет ташкылшыларининг бюджеттән ташқари маблаглари, махаллий бюджеттәр, давлат максадлы жамғармалари, шахсий газна хисобварағлари, Ягона газначилик хисобварағи, Худудий Ғазначилик Хисобварағи, дастурый таъминот, ота-оналарнинг мактабгача таълим мұассасаларыда болалар учун тұловлары.

Назорат саволлари:

1. Давлат ва махаллий бюджеттән газна ижросида бухгалтерия хисоби қандай ташкил этилади?
2. Давлат бюджети ижросини амалға оширишда давлат максадлы жамғармаларини ғазначилик тизимиге ўтказиш зарурияты қандай пайдо бўлди?
3. Коракалпогистон Республикаси бюджети ва махаллий бюджеттән маблағ олувчиларнинг бюджеттән ташқари маблағлари Худудий Ғазначилик Хисобварағига қандай кирим килинади?
4. Ғазначиликада бошқарув тизимини яратишда ахборот технологияларини такомиллаштиришнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Давлат бюджетига тұланадиган солиқлар, үйгимлар ва бошка мажбурий тұловларнинг элементлари тұғрисида нима дея оласиз?
6. Ягона газна хисобварағида умумдаулат солиқлари ва махаллий бюджет даромадларини юритиш бүйінча ғазначилик тизимидә қандай чоратадбірлар күрілди?
7. Бюджет ташкылшыларининг бюджеттән ташқари күштимча маблағларининг хисоб-китобида қандай мұаммолар мавжуд?
8. Бюджеттәраро мұносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги Ғазначилик ходимлари вазифаларининг аҳамиятини тушунтириңг.

15-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ГАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

15.1. Газначилик тизимида ички назорат тартиби

Давлат бюджети ижросида газначилик тизимини жорий этиш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши ушбу тизимга ўтган барча давлатларда қабул қилинган ислоҳотлар борасида юксак иқтисодий ва ижтимоий самара олишни кўзлайди. Барча даражадаги бюджетларнинг газначилик ижросига хос хусусият шундан иборатки, бюджетни ижро этиш жараёнинга иштирокчиларнинг салбий таъсирини истисно этади. Давлат бюджети харажатларининг Ягона газна хисобварагидан амалга ошириш жарабёнлари газначилик тизимининг тўлиқ жорий этилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида ўтказилаётган туб ислоҳотлар замирида Давлат бюджети ижросининг газначилик тизимини жорий этиш асосий йўналиш хисобланади. Газначилик институтининг жорий қилиниши Давлат бюджетини бошқаришда ижобий бурилиш ясади. Газначиликни жорий қилишдан асосий мақсад – бюджет маблағларини самарали бошқариш, молиявий назоратни кучайтириш ва барча бюджет ташкилотлари учун Ягона газна хисобвараги фаолиятини амалга киритишдан иборат. Газначилик тизимининг фаолияти нафакат молиявий ресурсларни сафарбар қилиш орқали Давлат бюджети харажатларини мунтазам равишда бошқариш имконини яратади, балки улар устидан самарали назорат қилиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қўйилган Давлат бюджетининг газна ижросини таъминлаш билан боғлик вазифаларни изчил ва офишмай амалга ошириш, унинг самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги ва унинг худудий бўлнимлари фаолияти бошқарувининг амалдаги назорат тизими томонидан амалга оширилади. Назорат функцияси кўп киррали бўлиб, белгиланган мақсад билан амалга оширилган ишни таққослаш мақсадида ҳақиқий аҳволни таҳлил килиш, назорат қилинаётган фаолиятни баҳолаш ва аниқланган камчиликларни тузатиш юзасидан чоралар кўришини ўз ичига олади.

Давлат бюджети касса ижросини амалга ошириш бўйича белгиланган тартибининг тўғри амалга оширилишини назорат қилишга қаратилган “Ички назорат” хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Бу борада газначилик органларида ташкил этилган Ички назорат бўлимларининг моддий-техник базасини барча погоналарда мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш каби кенг кўламли ишларни амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади. Давлат молиясини бошқариш тизими устидан назоратни такомиллаштириш, ресурсларни Ўзбекистон Республикаси

хукуматининг амалга ошираётган сиёсати ва унинг устувор йўналишларига мувофиқ маблағларни тақсимлаш, улардан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатиш ва солик-бюджет интизомини таъминлаш каби вазифалар ечимига каратилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегиясига кўра, Молия вазирлиги Газначилигига Ички назорат тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Давлат молиясини бошқариш тизими устидан назоратни такомиллаштириш пировард мақсад қилиб белгиланди. Газначиликда ички назоратнинг мақсади куйидагилар хисобланади:



24-расм.Газначиликда ички назоратнинг мақсади¹

Давлат бюджети газна ижросидаги Ички назоратни ташкил этиш тамоилилари белгилаб олинган:

- Газначиликнинг барча бошқармалари ва бўлимларида ички назоратни ташкил этилиши;
- Газначилик бошқармалари ва бўлимларининг мансабдор шахслари ва ходимлар томонидан ички назоратни амалга оширилиши;
- Ички назоратни узлуксиз ва давомий тартибда амалга оширилиши;
- ходимларнинг лавозим мажбуриятларининг самарали тақсимланиши;
- газначилик операцияларини факат бир нафар ходим томонидан бажарилмаслиги (яъни газначилик операциялари бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқланниши ва газначилик операциясига рухсат берилиши).

¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 24 декабрдаги “Коракалпогистон Республикаси, ўйлоятлар ва Тошкент шаҳар Газначилик бошқармалари ва туман (шаҳар) газначилик бўлинмаларида “Газначилик операцияларини назорат қилиш гурӯҳи/сектори/мутахассисликларини кадрлар билан тўлдириш ҳамда Ички назоратни мустаҳкамлаш” тўғрисидаги томонириғи.

Газначилиқдаги ички назорат ўз ваколатларига мувофиқ, ғазна операциялари жараёни устидан тезкор бошқарувни ва назоратни амалга оширади. Газначилиқдаги ички назорат – бу давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнида амалга ошириладиган барча операцияларнинг тўғри йўлга кўйилиши ва амалга оширилиши устидан назоратдир.

Давлат бюджетининг касса ижросини самарали тарзда ташкил этиш, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни янада кучайтириш, Давлат бюджети маблағларини газначилик тизимида бошқариш орқали бюджетнинг иқтисодиётдаги ролини янада кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни амалиётта киритилди.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ва ғазна ижросининг амалга киритилиши муҳим аҳамият касб этади. Бунинг натижасида газначилик тизими орқали бюджет маблағларининг максадли сарфланниши юзасидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу жараёнда газначилик органларида Давлат бюджетининг касса ижросида дастлабки ва жорий назорат амалга оширилади. Шу билан биргэ, ушбу жараёнда газначилик органларида ички назорат бўлимлари ташкил килинди.

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонундаги тамойилларни ҳамда Давлат бюджети касса ижросини амалга ошириш бўйича белгиланган тартибларнинг тўғри амалга оширилишини назорат килишга қаратилган “Ички назорат” хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Бу борада газначилик органларида ташкил этилган Ички назорат бўлим (сектор)ларининг моддий-техник базасини барча погоналарда мустахкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш каби кенг кўламли ишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда бюджет интизомига риоя килиш, молиявий назоратнинг ролини ошириш масаласи назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам, аввало умумжамият манфаатлари нуқтаи назаридан намоён бўлмоқда. Бюджет интизомига риоя этилиши, шу жумладан ғазна ижросидаги ички назорат аксарият ривожланган давлатларда самарали тарзда амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шаротида давлат фаолиятидаги молиявий маблағларга эҳтиёж ошган ҳолда, маблағларни тақсимлаш янада мураккаблашмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда ички назорат аҳамиятининг янада оширилиши зарурлигини талаб қиласи. Газначилиқдаги ички назоратда белгиланган мақсадга эришиш учун кўйидаги вазифаларни бажариш зарур:

– газначилик тизимида белгиланган жараёнлар ва процедураларнинг ижросида ўрнатилган тартибиға, белгиланган регламентга, тегишли операцияларни бажариш ва хисобини юритиш, уларни хисоботларда акс этиришда ўрнатилган тартибиға риоя қилиниши бўйича ички назорат ва ички аудитни амалга ошириш, бунда берилган ваколатлар доирасида иш кўриш;

- фаолият бўйича ўрнатилган кўрсаткичлардаги фарқларни, конун бузилишининг туб сабабларини таҳлил қилиш, жараёнлардаги рискларни аниклаш, баҳолаш, огоҳлантириш ва бартараф этиш чоралари бўйича тақлифлар киритиш;
- бажарилаётган жараён ва операциялар, амалдаги норма ва қоидалар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;
- бажарилаётган жараён ва операциялар, фойдаланилаётган молиявий ва бошқа ресурсларнинг самарадорлигини аниклаш;
- қонунлар ва меъёрий-хукукий хужожатларга риоя қилиниши, жараёнларнинг амалга оширилишининг самарадорлиги, бажарилаётган функцияларнинг сифати ҳамда молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланилиши тўғрисида ҳакконий маълумот тақдим этиш.

Ички назорат – ғазначилик операцияларини амалга оширишда қонунчиликка, меъёрий-хукукий хужожатларга ва регламентга қатъий риоя қилинишини таъминлашга, фаолиятнинг самарадорлигини ва натижавийлигини оширишга, лавозим мажбуриятларининг мақбул тарзда таҳсиланишига, риск (хатар), хото ва камчиликларни тезкор аниқлашга, ишончли бухгалтерия ҳисобининг юритилишига ва ҳисоботларнинг сифатли тузилишига йўналтирилган мониторинг, жараёнлар, тадбирлар ва тузилмалар мажмуасидир.

Назорат бошқарувнинг бир функцияси сифатида бошқариладиган обьект фаолияти мониторингини амалга оширади. Мониторинг қабул қилинган қарорлар мақсади ва самарадорлигини баҳолаш, уларнинг ижроси натижалари юзасидан четланишларни аниқлаш ва уларни тузатишни амалга ошириш имконини яратади. Шундай қилиб назорат бошқаруви шундай боскичда амалга оширилади, ҳакиқий содир этилган вөкелик қабул қилинган режаларга мувофиқ келиши аниқланади. Агар четланишлардаги холатлар салбий бўлса, у ҳолда уларнинг вужудга келиш сабаби ва айбдорлари аникланилади ва уларни тузатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади.

Давлат бюджетининг газна ижросида ички назорат ўзига юқлатилган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

- а) юридик мажбуриятлар – бюджетдан маблағ олувчиларнинг шартномаларини рўйхатдан ўтказиш бўйича:
 - бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларининг тўғри қабул қилиниши ва Дастурга киритилишини назорат қилиш;
 - бюджет ташкилотларининг товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчилар билан шартномаларининг рўйхатдан тўғри ўтказилишини ва ҳисобга олинишини белгилангандар тартибда назорат қилиш;
 - Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномаларининг рўйхатдан тўғри ўтказилиши ва ҳисобга олинишини ҳамда тўловларнинг амалга оширилишини белгилангандар тартибда назорат қилиш;

б) молиявий мажбуриятлар (хисоб-фактура), харажатлар тўловларининг амалга оширилиши бўйича:

– бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатлар сметасига мос равища “Харажатларни амалга оширишга рухсатнома”нинг белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ва берилишини белгиланган тартибга мувофиқ назорат килиш;

– бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва ғазначиликда рўйхатдан ўтказилган шартномаларда белгиланган харажатлар доирасида тўловларни катъий амалга оширилиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатиш;

– Давлат бюджети маблағлари хисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномаларига мувофиқ тўловларининг амалга оширилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

в) юридик ва молиявий мажбурият билан боғлик бўлмаган ғазначилик операциялари бўйича:

– бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳаки ва унга тенглаптирилган бошқа тўловлар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан нақд пул маблағлари билан тўланадиган бошқа тўловларни тўлаш учун Ғазначиликнинг банк хисобракамларига маблағларнинг тўғри ўтказилиши назоратини амалга ошириш;

– ғазначилик хисобракамидан юқори бюджетларда назарда тутилган режали дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудалари суммаси ва бошқа тўловларни қуий бюджетларнинг ғазначилик хисобракамига тўғри ва ўз вактида ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириш;

– бошқа тўловлар (бож, жарима, суд қарорлари бўйича тўловлар ва бошқалар) бўйича белгиланган тартибда мониторинг ўтказиш,

г) бошқа вазифалар бўйича:

– ғазначилик операцияларини назорат қилиш жараёнида қонун бузилиши холатлари аниқланган тақдирда белгиланган шаклдаги маълумотнома ва далолатнома билан расмийлаштириш ҳамда белгиланган тартибда ҳисобини киритиш;

– Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг худудий бўлинмаларида ғазначилик операцияларининг назорати натижалари бўйича тегишли бошқарма, бўлим ва бўлинмаларга таклиф, тавсия ва кўрсатмалар тайёрлаш ҳамда раҳбариятга тасдиқ учун киритиш.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси жараёнида ички назорат бошқармаларда ва бўлинмалarda амалга оширилаётган ғазначилик операциялари, умуман, фаолият жараёнида юзага келган ҳар кандай кўринишдаги риск, ўрнатилган тартибга номувофиқ бўлган хато ва камчиликлар ёмон оқибатларга олиб келмасдан аввал оператив аниқланган тақдирда самарали ҳисобланади.

15.2. Газначиликда дебитор ва кредитор қарздорликларни қамайтириш

Республикамизда келгусида газначилик тизими фаолиятини янада такомиллаштириш учун доимий Газначиликнинг Ягона газна хисобвараги мониторингини ўтказиш керак. Газначиликнинг Ягона газна хисобвараги ҳолатининг мониторингини ўтказиш учун қуидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади: буюртма килинган маблағлар ҳажми, Давлат бюджетининг касса тушуми ва тўловлари, ягона хисобваракдаги маблағларнинг касса қолдиги.

Ягона газна хисобвараги ҳолати мониторингининг мақсади қуидагилардан иборат:

- Давлат бюджетининг касса ижросида маҳаллий бюджетларни маблағлар билан таъминлаш тартиб-коидаларининг ижросини баҳолаш;
- Ягона газна хисобварақ ҳолатини характерловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва таҳлил килиш;
- касса тушуми ва тўловларни прогноз килиш.

Республикамизда янги тартиб газначилик технологиясини ривожлантириш вазифаларидан бири – Ягона газна хисобвараги фаолиятида операцияларни тезкор бошқариш ва Ягона газна хисобварагининг ликвидлигини бошқариш концепциясини амалга ошириш имконини беради. Ҳозирги кунда бюджет амалиётида газначилик технологияларини такомиллаштириш ва давлатнинг молиявий ресурсларини самарали бошқариш учун Давлат бюджети маблағларини прогнозлаштириш ва кассали режалаштиришини такомиллаштириш билан бирга, Давлат бюджети маблағлари ликвидлигини оширишга олиб келадиган Газначиликнинг Ягона газна хисобварағидаги операцияларни бошқариш механизмини такомиллаштириш зарур.

Бюджет ижросида энг муҳим вазифа қилиб бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш, харажатларнинг аниқ мақсадли ва эгали бўлишига эришиш масаласи кўйилган бир пайтда, ижтимоий-иктисодий харажатларга ахратилган бюджет маблағларидан фойдаланиши самарадорлигини ошириш, бюджетдан маблағ оладиган бюджет ташкилотлари тўловларини амалга ошириш механизми соддлаштирилади, кредитор қарздорликлар камайтирилади. Шу тарика бюджет маблағларининг эгаларига тез ва ўз вақтида етиб бориши таъминланади. Кредитор қарздорлик – корхона, ташкилот ёки муассасанинг тегишли юридик ёки жисмоний шахстарга тўланиши лозим бўлган пул маблағлари бўлиб, улар меъёрдаги (муддати ўтмаган) ва муддати ўтган қарздорликларга бўлиниши мумкин.

Мамлакатимизда тўлов айланмасининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш нуқтаи назаридан дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзларининг умумий суммаси муҳим бўлиб қолмасдан, балки уларнинг тўлаш муддатлари ўтиб кетган кисмлари принципиал аҳамиятта эгадир. Таҳлиллар шуну кўрсатадики, республикамизда бугунги кунда ҳам хўжалик субъектлари ўргасида ўзаро дебиторлик ва кредиторлик

карзларини кисқартириш борасида бир катор вазифалар мавжуд бўлиб, уларни хал килиш муҳим иқтисодий аҳамият касб этади.

Давлат бюджети газна ижросининг банк тизимидан афзаллиги шундаки, давлат бюджетининг ғазначилик ижросида ортиқча дебитор ва кредитор қарздорликларга йўл кўйилмайди. Республика изда ғазначилик тизими жорий қилиниши натижасида ғазначилик бўлимларида бюджет ташкилотларининг шахсий ҳисобракамлари очилди ва харажатлар сметалари асосида маблағлар тўғридан-тўғри бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатувчи корхоналарга ўтказилади. Бу эса бюджет маблағларининг бюджет ташкилотлари ҳисобракамларида харакатсиз колиб кетишининг олдини олиб, мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш имконини яратди. Ҳозирда бюджет ижроси бўйича ҳисоб-китоб юритиш ва ҳисоботларни тўлиқ ғазначилик бўлимлари томонидан олиб бориш йўлга кўйилмоқда. Натижада бюджет ташкилотларининг дебитор ва кредитор қарздорликлари нисбатан кескин камайди. Ажратилаётган маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан кунлик мониторинг кучайтирилди.

15.3. Ғазначиликда давлат хариди тизими

Давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми сифатида давлат хариди алоҳида ўринга эга. Ижтимоий соҳаларга давлат харидини амалга ошириш зарурити умумжамият манфаатларидан келиб чиқади. “Ўзбекистонда Давлат харидининг хажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этгани холда, унинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил эканлигини кўрсатади. Давлат хариди ЯИМнинг шаклланисига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади². Тўғри ташкил килинган Давлат харидидан фойдаланиш – мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлайди ва долзарб иқтисодий-ижтимоий вазифаларни хал килади.

Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳадаги бюджетдан маблағ олувчиларнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги дастлабки назорат тобора кўпроқ роль ўйнамоқда. Давлат бюджети газна ижросида давлатнинг молиявий назоратини кучайтириш, бюджетдан маблағ олувчиларнинг товарлар (хизматлар, ишлар) учун давлат харид нархларини самарали шакллантириш тартибини тубдан ўзгартириш бюджет маблағлари олувчиларнинг юридик ва молиявий мажбуриятларини бошқариш ишларининг ривожланишига кулаг имконият яратади.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат хариди бюджетнинг харажатлар қисмида катта салмокни эгаллайди, шу билан бирга иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Кўпигина мамлакатларда давлат хариди жараёнида янги технологиялар амалиётга жорий этилмоқда. Айтиш мумкинки, барча мамлакатларда давлат хариди

² О проблемах управления государственными закупками в Республике Узбекистан и направлениях совершенствования. Аналитическая записка. UNDP. Ташкент. 2008.

тизимиға кизиқиши юқориличигча қолмоқда, давлат харидини ташкил этиш муаммолари хар доимигидек долзарб ҳисобланади.


Давлат хариди – бу давлат эхтиёжлари учун товарлар ва хизматларни кисман ёки түлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олиши. Ўзбек тилидаги “харид” термини (procurement – прокюрмент) “сотиб олиши” маъноси билан бир хилда ишлатилиб, замонавий тушунчаларда маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни маълум ҳақ эвазига олиш демакдир. Давлат томонидан бу харидлар (жихозлар, озиқ-овқатлар) умумжамият эхтиёжлари учун ва ахолининг талабини тъминлаш мақсадида ҳамда захира (буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари) учун амалга оширилади.

Ривожланган мамлакатларда давлат ташкилотларининг миллый ва жаҳон бозорига харидор бўлиб чиқиши давлат иқтисодиётини тартиблашнинг янги тури бўлиб – давлат хариди деб аталади. Давлат хариди – бу тижкорат операциялари бўлиб, мамлакат ахолисига ўз вактида ва самарали хизмат кўрсатиш учун давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Давлат хариди юридик, маъмурӣ ва иқтисодий меъёрлар асосида доим тартибга солинади.

Давлат буюртмаларининг шартнома-харид тизими ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш мамлакатда шартнома тизимининг асосий қисми хисобланиши кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги 454-сонли “Давлат эхтиёжлари учун озиқ-овқат етказиб беришни танлов асосида ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ва унга илова қилинган “Давлат эхтиёжлари учун импорт озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш тендерларини ўтказиш тартиби”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 апрелдаги 136-сонли “2000 йил давлат эхтиёжлари учун сотиб олинидиган озиқ-овқат асосий турлари тўғрисида”ги карори ва унга илова қилинган “Ижтимоий соҳа ташкилотлари, маҳсус истеъмолчилар давлат захираси учун асосий озиқ-овқат билан тъминлаш тартиби”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли “Давлат бюджетининг газна ижроси коидалари ва бошқа меъёрий-хукукий хўжжатлар асосида тартибга солинади. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлайдиган, кайта ишлайдиган ва маҳсулотларни етказиб берувчилар билан шартнома тузадиган давлат харидини амалга оширувчи ташкилотлар хукукий, молиявий, иқтисодий, ташкилий механизмларни ва давлат муносабатларининг ижтимоий йўналишларини ифода этади. Давлат харидини ташкил этиш жараёнлари давлат хариди тамойиллари, объектлари ва съектларидан иборат.

Давлат бюджетини бажаришга қаратилган газначилик хизмати институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини анча оширади. Бу борада Молия вазирлиги

хузурида янги ташкил этилган Газначилик тузилмасининг моддий-техник базасини барча поғоналарда мустаҳкамлаш, уни малакали кадрлар билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



25-расм. Давлат хариди тизими

Товар ва хизматлар нархини шакллантириш жараёнларидағи давлат иштироқи унинг иқтисодиётта аралашиш воситаси ҳамда бюджет амалиётида маблағлардан самарали фойдаланиш йўлларидан биридир. Нарх шартнома асосида етказиб берилган ёки сотилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар)га тўловни амалга оширишга ва молиявий мажбуриятни бажаришга таъсир кўрсатади. Келишилган нархнинг пайдо бўлишига, келишувда маҳсулотнинг хусусияти, рақобатбардошлиги, бозорда талаб ва таклифнинг нисбати, мамлакатда давлат томонидан тартиблашнинг хусусиятлари, бозор монополияси каби бир катор объектив ҳолатлар таъсир этади. Шунингдек, контрагентни танлаш, бозор маркетенги, шартномани тузилган вақти, жойи ва шартноманинг тузиш воситалари, товар етказиб берувчиларнинг тижорат билими ва бозор конъюнктурасидан фойдаланиш тажрибаси ҳамда савдолашиби маҳорати каби субъектив ҳолатларнинг таъсири мавжуд.

Газначиликда бюджет ташкилоти сотиб олмоқчи бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Муқобил етказиб берувчилар тўғрисида маълумот тўплашнинг турли усулларидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда рўйхатга олинган 2007-сонли

“Давлат бюджетининг газна ижроси қоидаларга мувофик, бюджет амалиётида ўрнатилган тартиб бўйича маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўргасида тендер савдолари ҳамда танлов ўтказишда рақобатчилар томонидан таклиф этилган маҳсулот сифати ва нархларини ўрганиб чиқиши, маъкул бўлган сифат ва нархда маҳсулотлар сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланиши мумкин. Лекин бюджет амалиётида айрим ҳолларда рақобатчилар таклифлари юзаки ўрганилган ҳолатлари учрамоқда. Масалан, бир бюджет ташкилоти томонидан тақдим этилган учта таъминотчи корхоналарнинг ракобат варақаси доирасида шартномалар рўйхатдан ўтказилади. Айрим ҳолларда айни бир турдаги сотиб олинаётган товарлар нархи учала рақобатчи томонидан келишилган ҳолда юқори баҳоланиб, улардан бири голиб деб топилиб, шартнома имзолангандан бўлса, бошқа бюджет ташкилоти томонидан айни шу маҳсулот бошқа ракобатчилар таклифи асосида унга нисбатан паст нархда харид килинган.

Давлат бюджетининг газна ижроси жараённида нарх мониторинги катта аҳамиятга эга. Бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланшишининг олдини олади, бюджет харажатларининг ортиқча сарф-харажатларини камайтиради. Бюджет маблағларизи иктисолдиши учун маҳсулотларни воситачиларсиз, айнан ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан, четдан келтириладиган товарлар эса бевосита импортёрдан сотиб олиниши нархлар ошишининг олдини олади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чекланган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш Давлат бюджетини бошқаришнинг барча босқичларининг асосий тамоили десак муболага бўлмайди. Давлат бюджети маблағларини мақсадли таксимлашнинг молиявий назорати, бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятларини бошқариш тартиби, нархлар мониторингини амалга ошириш механизми, бюджет ташкилотларининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар ва товарлар харид нархининг аниқланиши шулар жумласидандир. Юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар ҳар қандай бюджет ташкилотига мос келади, самарали давлат харидини ташкил қилиш ва бошқаришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ҳар бир бюджет ташкилотларининг ўз хусусияти ва фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, бажарадиган вазифа ва функцияларига кўра, иқтисодиётнинг қайси соҳа тармоғига киришига қараб, харид фаолиятини ташкил қилишда кўшимча йўналишлар ва қоидаларни ишлаб чиқиши мумкин. Газначиликнинг худудий бошқармалари ва бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг назорати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинадиган асосий исътемол маҳсулотларининг ойлик ўртacha нархлари тўгрисидаги маълумот асосида олиб борилади.

**Тошкент шаҳри ҳудуди ички бозорларида белгиланган энг юкори
харид нархлари³**

(2010 йил 1 июндан)

| Т/р | Озиқ-овқат маҳсулотлари турлари | Нархи (сўмда) |
|-----|---------------------------------|------------------|
| 1. | Ун, маҳаллий – биринчи нав (кг) | 500 |
| 2. | Нон (0.600 гр) | 310 |
| 3. | Гуруч (кг) | 2300 |
| 4. | Пахта ёғи, кадокланмаган (кг) | 1750 |
| 5. | Сарпиеф махаллий (кг) | 6800 |
| 6. | Шакар (кг) | 2300 |
| 7. | Мол гўшти (кг) | 8000 |
| 8. | Кора чой, кадокланмаган (кг) | 3500 |
| 9. | Қўқ чой, кадокланмаган (кг) | 2500 |
| 10. | Тухум (дона) | 1900 |
| 11. | Картошка (кг) | 400 |
| 12. | Сабзи (кг) | 500 |
| 13. | Пиёз (кг) | 300 |

Изоҳ*: Мазкур нархлар 2010 йилнинг 1 шонидан бошлиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан келгуси нархлар бўйича маълумотлар етказилгунга қадар ўз кучида колади.

Жадвалда Тошкент шаҳри ҳудуди ички бозорларидағи асосий исътемол маҳсулотларини бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларга сотилишида фойдаланиладиган энг юкори харид нархлари тўғрисида маълумот берилган. Мазкур нархлар Тошкент шаҳрида жойлашган Республика бюджетидан молиялаштириладиган ва Тошкент вилояти махаллий бюджетидан маблағ оладиган муассасаларнинг янгидан тузилган шартномаларни Фазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш жараёнида фойдаланилади. Бунда нон маҳсулотларининг нархи транспорт харажатлари билан белгиланади. Бюджет амалиётида белгиланган ўртача нархларни хисобга олган ҳолда Фазначилик бўлинмаларида хисоб-китоб ишлари олиб борилади. Шартномалар ўртача нархлар асосида тузилади, хисоб-фактурапалар ҳам ушбу нархлар доирасида қабул қилинади, тўловлар мазкур нархлар асосида амалга оширилади. Белгиланган 13 хил озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига эса ҳудудий бозордаги ўртача нархлар белгиланади. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотлар кўрсатилиш нархлардан

³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 1 июнданги №БА\20-01-30-224\327-соали хатига илова.

ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Фазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди.


Бюджет ташкилотлари сотиб олмоқчи бўлган товарлар, ишлар, хизматлар нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Бюджет ташкилотлари озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлсалар, худудий бозорлар ўртача нархлари ва улгуржи озиқ-овқат етказиб берувчи ташкилотларнинг тижорат таклифини хамда маъкул деб топилган ташкилот шартномасини тақдим этишлари талаб этилади. Бюджет маблағи олувчилари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишда нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган нархлар мониторинги орқали амалга оширилади⁴. Бюджет маблағи олувчилари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олинганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган нархлар орқали нархлар мониторинги амалга оширилади. Бунда Фазначиликнинг худудий бошқармалари ва бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан харид қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг назорати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим килинадиган асосий исътемол маҳсулотларининг ойлик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумот асосида олиб борилади. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид килиш бўйича тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш жараёнида Молия вазирлиги томонидан тақдим килинган маълумотлар кўрсатилган нархлардан ортиқ бўлган нархларда тузилган шартномалар Фазначилик бўлинмалари томонидан рўйхатга олинмайди. Бюджет ташкилотлари сотиб олмоқчи бўлган товарлар, ишлар, хизматлар нархи муқобил етказиб берувчилар нархлари билан таққосланади. Масалан, бюджет ташкилоти озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олмоқчи бўлса, худудий бозорлар ўртача нархлари ва улгуржи озиқ-овқат етказиб берувчи ташкилотларнинг тижорат таклифини хамда маъкул деб топилган ташкилот шартномасини тақдим этиши талаб этилади.

Фазначиликда бюджет ташкилотлари томонидан сотиб олинаётган товарлар нархлари тўғрисида электрон маълумотлар базасини шакллантириш, уни тузиш ва янгилашиб бориш керак.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғази изкорси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 594-сонли Қарорига кўшичмалар киритиш тўғрисида.

Товар (иш.хизмат)ларнинг танлов асосида харид қилиниши

Товар (иш.хизмат)ларнинг электрон савдолар асосида харид қилиниши



26-расм. Товар ва хизматларни танлов асосида ҳамда электрон савдолар оркали харид қилиш тартиби

Республикамизда бюджет ташкилотлари учун харид қилиш жараёнини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ҳамда уларга кінгік бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш түғрисида”ги Қарорига мувофиқ давлат харидлари амалга оширилади. Мазкур Қарорга мувофиқ битта контракт суммаси 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги айрим турдаги товар (иш, хизмат)лар бўйича давлат харидлари Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси томонидан ташкил қилинадиган, электрон савдолар оркали амалга оширилади⁵.

Хозирги давр талабларидан келиб чиқиб, мазкур қарорнинг мақсади Давлат бюджети маблағларини тасарруф этишда товар, иш ва хизматлар самараси ва сифатини, шу билан бир қаторда, бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб оптималь нархларни белгилаган ҳолда, бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш хисобланади. Бундан ташкири, ушбу қарор маҳсулот етказиб берувчилар ўргасида рақобатни кучайтириш, мамлакатимиз корхоналари, жумладан, кінгік бизнес субъектларини тендер савдолари жараёнинга кент жалб этиш мақсадида қабул қилинди.

⁵ Тендер ўтказишида ҳамда шартномаларни рўйхатдан ўтказишида солик (статистика) органларининг иштирокчиларнинг кінгік бизнес субъекти эканликлиги түғрисидаги маълумотномалари талаб қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2011й. ПК-1475-сонли Карорига мувофиқ марказлаштирилган манбалар хисобига Давлат харидларини амалга оширувчи барча ташкилотлар, кўзланадиган харидлар бўйича эълонларни, товар (иш, хизмат)лар етказиб берувчини аниқлаш кунидан 30 кун олдин, маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши шарт.

Давлат харидларини амалга оширувчи барча бюджет ва бошқа марказлаштирилган манбалар маблағлари хисобидан молиялаштирилувчи ташкилотларга харидлар режасини олдиндан тузиш ҳамда унинг маҳсус ахборот порталида эълон қилинишини таъминлаш масъулияти юклатилади.

Давлат харидлари бўйича тендерлар ўтказилгандага кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.

23-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида Давлат харидларини амалга ошириш тартиби

| T/р | Товар (иш, хизмат)лар номи | Энг кам улуш (квота) майдори, % да |
|-----|---|------------------------------------|
| 1. | Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш | 30 |
| 2. | Кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-тилофлар сотиб олиш | 50 |
| 3. | Мебель ваофис жиҳозлари сотиб олиш | 50 |
| 4. | Ўкув-лаборатория асбоб-ускуналари сотиб олиш | 10 |
| 5. | Кутубхона фонди ва ўкув адабиётларни сотиб олиш | 10 |
| 6. | Бошқа машиналар, жиҳозлар ва техника ижараси бўйича харажатлар | 10 |
| 7. | Электр энергияси ва бошқа коммунал хизматларни хисобга олиш асбоблари жорий таъмирлаш бўйича харажатлар | 40 |
| 8. | Компьютер жиҳозларини, хисоблаш ва аудио-видео техникасини, ахборот технологияси ва ашёларни сотиб олиш | 50 |
| 9. | Автомобиль йўлларини таъмирлаш | 25 |
| 10. | Бошқа иншоотларни капитал ва жорий таъмирлаш | 50 |
| 11. | Бошқа машиналар, жиҳозлар ва техникиларни капитал ва жорий таъмирлаш | 40 |
| 12. | Турар ва иотураржой бинолари ижараси бўйича харажатлар | 30 |
| 13. | Транспорт воситаларининг ижараси бўйича харажатлар | 20 |
| 14. | Мебель ваофис жиҳозларининг ижараси бўйича харажатлар | 40 |
| 15. | Ижара бўйича бошқа харажатлар | 30 |
| 16. | Бошқа иншоотларни саклаб туриш ва жорий таъмирлаш | 25 |
| 17. | Товар-моддий заҳиралари сотиб олиш бўйича харажатлар (Канцелярия буюмлари ва бошқа кам баҳоли, тез эскирувчан асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш) | 50 |
| 18. | Коммуникация хизматлари ва ахборот олиш билан боғлиқ харажатлар (халқаро ахборот агентликлари хизматларидан ташқари) | 50 |
| 19. | Хизмат сафарларидаги яшаш (мехмонхона) харажатлари (республика худудида) | 10 |

Ҳар қандай мамлакатда давлат харидини ташкил этишининг хукукий асосларини шакллантириш ва уни доимий тарзда такомиллаштириб бориш давлат молия тизимининг муҳим стратегик вазифаларидан хисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида “Давлат хариди тўғрисида” Конун кабул килинмаган. Ўзбекистонда давлат харидини ташкил этишининг хукукий асосларини такомиллаштиришга, жумладан, “Давлат хариди тўғрисида” Конун кабул килишининг долзарбилиги қуидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- давлат харидини ташкил этищда маълумотлар очик-ойдинлигини таъминлаш;
- давлат харидини амалга оширувчи давлат субъектлари ваколатларини тартибга солиш;
- харидни режалаштириш ва тартибга солиш;
- маҳсулотлар етказиб берувчиларнинг хукукий химоясини таъминлаш;
- тендер асосида савдоларда харид механизмларини тартибга солиш;
- Давлат бюджети маблагларининг самарадорлигини ошириш.

15.4. Хорижий мамлакатларда ғазначилик тизими тажрибалари

Европа хамкорлигига кабул килинадиган мамлакатлар учун давлат бошқаруви секторида ички назорат ва аудит олиб бориш хамда ривожлантириш зарур деб мажбурий талаб кўйилди. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида давлат молиясини бошカリшни ривожлантириш тарихи тажрибаси шуну кўрсатади, ҳозирги кунда ички аудитнинг жозибадорлиги давлатга қарашли ташкилотларнинг молиявий натижаларини яхшилашнинг муҳим омилига айланмоқда. Бюджет харажатларининг натижасини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга ҳозирги замон молиявий менежментини яратиши билан эришиш мумкин. Мазкур тизимнинг асосий компонентларидан бири – ички назорат ва аудитdir. Давлат бошқаруви органлари мажбурий атрибути сифатида ички назорат ва аудит АҚШда 1950 йилдан «Бюджет ташкилотлари соҳасида бухгалтерия ҳисобини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Аудит ва ҳисоб-китоб юритиш тўғрисида»ги конунларга асосан шакллантирилди.

Мазкур конунлар ва АҚШнинг Бош Назорат бошқарувининг талабларига мувофиқ ҳисоб-китоб юритиш, бюджет ташкилотларининг молиявий натижалари ва уларда самарали назоратни амалга ошириш тўғрисида тўлик ахборот берадиган Ички назорат ва аудит тизими яратилди. Давлат бошқаруви секторидаги ички назорат ва аудит жорий килиш ишлари йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатлардаги корпоратив сектордаги катта тажрибага таянилди. Ички назорат ва аудит тизими фаолиятининг янги функцияларини аниқлашда биринчи марта А.Кент 1948 йил март ойида нашр этган «Ички аудит» маколасида операцион аудит (operations audit) термини ишлатилди. Кейинчалик бошқарув аудити (management audit), комплекс аудит (comprehensive audit), аудит самарадорлиги

(performance audit), ишлатилган пуллар натижасида эришилган қиймат (value-for-money audit), хатар(риск)лар таҳлилига асосланган аудит (risk-based\system audit) каби бир катор тушунчалар амалиётга киритилиб, ички назорат ва аудит тизими ходимларининг функциялари такомиллаштирилди.

Газначиликда ички назорат функциялари бюджет ташкилотлари ходимларининг бухгалтерия хатоларини кидириш, бюджет ташкилотларида менежерларга қарорлар қабул килишда (хатарларни бошқариш бўйича) консультация бериш билан муракаблаштирилмоқда. Корпоратив секторда тажрибадан ўтган ёндашувлардан фойдаланиш билан бюджет ташкилотларида ички назорат кучайтирилди. Жаҳон стардартларига мувофиқ давлат молиясини бошқариш соҳасида ташкил этилган ички назорат ва аудит ривожланган жамиятга эришишнинг зарур куроли деб баҳоланмоқда. Тредвей Ҳомийлик Ташкилоти Комиссиясининг (Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission) 1992 йилда COSO IC модели нашр қилинди. Бунда Ички назорат тузилишининг COSO IC методикаси берилди⁶. Кейинги ўн йиллар мобайнида Ички назорат функциялари тузилишининг асосий модели сифатида COSO IC моделидан фойдаланилади. Мақоланинг мақсади куйидагилар ёрдамида ташкилот раҳбари ва бошқа турли манбаатдор гурухларнинг эҳтиёжи ҳамда талабини ифода этишдан иборат эди:

- турли манбаатдор гурухлар ўртасидаги муносабатларда ишлатиладиган ягона тушунчалар ва умумий тилни аниклаш;
- ташкилотларнинг ички назорат тизимини аниклаш ва баҳолашга ёрдам берадиган ягона стандартларни шакллантириш.

Ички назорат деганда, ташкилот олдилда турган мақсадга эришишга бўлган ишончни таъминлайдиган ва ташкилотнинг барча даражаларида (директорлар кенгаши аъзолари, ташкилотда вазифаларни ижро этувчи ходимлар) амалга ошириладиган жараён тушунилади. Бунда ташкилотда хар бир ходимнинг ички назорат бўйича ўзининг мажбуриятларидан иборат назорат муҳитининг умумий атмосфераси аникланади. Назорат муҳити ички назорат тизимининг бошқа компонентларининг асоси хисобланади. Бу муҳитни яратиш учун ташкилот раҳбари берилган мақсадга эришиш учун рискларни баҳолайди. Бу вазифаларни бажараётганда ахборотлар коммуникацияси пайдо бўлади. Ички назоратнинг мақсадига эришишда жараёнларнинг барча босқичларида мониторинг амалга оширилади.

Модель компонентларнинг тузилиши ва ўзаро боғликлигини аниклади. Компонентларни икки гурухга ажратиш мумкин:

- ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсадига кўра (операцион самарадорлиги ва натижавийлиги, талабларга мослиги ва молиявий хисоботнинг ишончлилиги);
- ташкилотнинг таркибий тузилишига кўра.

⁶ COSO IC рекомендована Комиссией по рынку ценных бумаг США (SEC) в качестве методологии построения системы внутреннего контроля.

COSO IC модели деталларга ажратилган ҳолда ишлаб чиқилган, уни амалиётга кўллашда катта тажриба тўпланган. Бугунги кунда ривожланган ва МДҲ давлатларида ички назоратнинг ишлаб чиқиш ва ривожлантириша айнан COSO IC модели фойдаланилади. Электр энергия савдоси соҳасидаги йирик компаниянинг (ENRON) молиявий ҳисоботида кўплаб хатоларга йўл қўйганлиги натижасида ташки аудиторларнинг талаби билан Буюк Британияда 2002 йилда «Сарбейнса-Оксли» конуни кабул килинди. Конунга мувофиқ фонд биржада компаниялар бажариши талаб қилинадиган аниқ мажбуриятлар аниқланди. Ички назоратнинг СОВИТ моделида «Сарбейнса-Оксли» конуни талабларига мувофиқ қўшимчалар килинди. 2006 йил сентябрда СОВИТ моделининг охирги версияси нашр килинди ва амалиётга киритилди⁷. Ҳозирги кунда Ички Аудиторлар Институтининг (The Institute of Internal Auditors) кўмагида GAIT модели ишлаб чиқилди. GAIT Модели бизнес мақсадларида фойдаланиладиган ички назоратни баҳолашнинг тамоийлари ва услубиётидан иборат.

Давлат харидларини тартибга солишнинг жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, давлат харидлари тизими фаолиятининг куйидаги асосий тамоийлари мавжуд:

- бюджет маблағларини самарали ишлатиш;
- харидларни ўтказиш асосида маблағларни тежамли ишлатиш (аниқ шароитларда нарх ва сифат нисбатини яхшилаш);
- ўтказилаётган хариднинг мақсадига етиш ва белгиланган вазифаларини амалга ошириш;
- харидни ўтказиш жараёнида давлат бошқаруви органи ходимларининг фаолиятида ноқонуний ҳолатларни тўхтатиш;
- харид жараёнининг очиклиги, ахборотларнинг тиниқлигини тъминлаш;
- давлат буюртмасини кабул қилишда бозорнинг барча қатнашчилари учун адолатли муносабатларни тъминлаш;
- давлат харидлари бўйича карорлар қабул қилишда бошқарув органлари масъулиятини ошириш.

Давлат хариди – турли даражада бошқариладиган бир бутун макроиктисодий тизимни ташкил этади, албатта, халқ ҳўжалиги корхоналари иқтисодиёти билан боғлиқ ва улар билан ўзаро яқиндан муносабатда бўлади. Давлат харидининг самарали ташкилий-иктисодий механизмини шакллантириш давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатининг устувор вазифаларини амалга оширишга ёрдам беради ва бюджет харажатларини иқтисодий режалаштириш ҳамда прогнозлаштиришни, қолаверса, мамлакатда бозор механизми

⁷Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Ғазничилиги тизимида ички назорат ва ички аудитнинг аҳамияти, роли ва ўрни» мавзусидаги семинар материаллари тўплами. Тошкент. 2008. –344 б.

самарадорлигини оширади. Давлат харидида давлат ҳокимияти органлари ва бюджет ташкилотларининг иштироки билан макроиктисодий сиёсатни амалга ошириш таъминланади.

Францияда Иктиносидиёт ва Молия вазирлиги хузурида давлат сектори (бюджет ташкилотлари, касалхоналар, мактаблар, университетлар, маҳаллий ҳокимият органлари) учун зарур буюртмаларни шакллантирадиган Махсус Харид Маркази мавжуд. 2004 йил 7 январдан бошлаб Франция Ҳукуматининг Қарорига мувофиқ, барча харидлар маҳсус қоидалар асосида бошқарилади. Франциянинг ички қоидалари Европа Иттифоки директиваларига мос бўлиши керак. Хариднинг асосий тамойили – процедурулар тинклигидир. Харидлар жорий ва инвестиция харидларига бўлинади. Францияда ҳар бир корхона давлат харидида иштирок этиши мумкин. Ҳар бир ташкилот камида 5,9 млн. евро миқдорида давлат харидида катнашиши мумкин. Давлат функциялари кўриб чиқилади, шу функциялардан қайси бири стратегик аҳамиятга эга бўлса, шу бозордан, албатта, конкурс асосида сотиб олинади. Барча харидларнинг рекламаси бўлиши керак. Ҳар бир бюджет ташкилотида давлат хариди учун жавобгар ҳодим ишлайди⁸.

Давлат Харид Маркази хўжалик хисобида ишлайди, барча ташкилотлар учун хизмат кўрсатади. Конкурсни бюджет ташкилотининг ўзи ўтказиши мумкин, бунда барча масъулият бюджет ташкилотининг ўзига юкланди. Агар бюджет ташкилоти харидни ўтказмаса ёки ўтказишни хоҳламаса, бу ишни Давлат Харид Марказига юклайди. Лекин маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш тўғрисидаги қарорни асосий буюртмачи – бюджет ташкилоти қабул килади. Давлат Харид Маркази етказиб берувчи билан шартнома тузади, кейин ўзининг фойдаси (харажатларини қоплаш учун) билан бирга маҳсулот нархини бюджет ташкилотига тақдим этади. Товар етказиб берувчилар билан шартнома кўпі билан Зийлга тузилади.

Давлат Харид Маркази факат айрим турдаги маҳсулотларни сотиб олади. Масалан, обьектларни кўриклаш, биноларни йиғиштириш, кўчишни ташкил этиш. Давлат Харид Маркази маҳсулотлар бўйича конкурслар ўтказади, бу конкурсларда давлат секторига карашли ташкилотларга тавсия қилинадиган маҳсулот нархи аниқланади. Йирик давлат буюртмачилари айнан шу маҳсулот бўйича ўзлари конкурс ўтказишлари мумкин. Кейин конкурс натижаларига кўра маҳсулотларга Давлат Харид Маркази (нарх + наценка) орқали буюртма берадилар. Бу – бюджет ташкилотларига зарур маҳсулотларни конкурс ўтказиш процедуруларига кетадиган вактни тежаган ҳолда, тезда харид қилиш имкониятини беради.

⁸Бриль Д.В., Саакян Т.В., Ревенко М.В., Чмыхов М.Н., Гули В.А. Управление государственными ведомственными проектами в Казначействе Франции. Краткий информационный обзор.

Давлат Харид Маркази харидларни “электрон аукционлар” оркали ўтказади. Давлат Харид Маркази давлат секторига маҳсулотлар сотиб олишнинг хуқукий-меъёрий асослари ўзгаришининг доимий мониторингини ўтказади. Давлат Харид Марказининг 31 та филиали мавжуд. Йиллик оборот 600 млн. европа тенг, йилга 70 та янги шартнома тузилади, ҳозирги кунда марказда 1800 та шартнома асосида иш олиб борилмоқда. Мазкур марказда 800 нафар ҳодим ишлайди, шулардан 15 нафари давлат бошқаруви ҳодимларидир, шунингдек, аниқ маҳсулотларни сотиб олиш бўйича малакали мутахассислар ишлайди.

Давлат харидини ўтказиш ишлари куйидагилардан иборат:

- эҳтиёжларни баҳолаш;
- давлат харидини гурухлаш;
- конкурс ўтказиш процедураларини баҳолаш;
- конкурс ўтказиш;
- нарх бўйича таклифларни кўриб чиқиш;
- таклифларни қабул қилиш.

Таклифларни кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади. Кечиктирилган таклифлар кўриб чиқилмайди, таклифлар иккита конвертда тақдим этилади: биринчисида маҳсулотларниң ҳусусияти ва иштирокчиларниң ўзларини тасдиқлаши; иккинчисида нарх бўйича таклифлар. Биринчи конверт талаби бўйича тасдиқланмаган (тендердан ўтмаган) иштирокчиларниң иккинчи конверти очилмайди.

Давлат хариди тизимини такомиллаштиришнинг муҳим стратегик масалаларидан бири – давлат харидини режалаштиришни қискартиришdir.

Қонун ҳужжатлари асосида давлат органлари эҳтиёжлари тўғрисида “пастдан юкори”га ахборот оқимларининг ташкил этиш механизми яратилганиги, шу мақсадда маълум микдорда маблағлар ажратилганилигига қарамасдан, давлат органлари эҳтиёжи кетма-кетлигига риоя қилмасдан “юкоридан пастга”га бир томонлама ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ортича ва асосланмаган ҳамда устувор бўлмаган бюджет ҳаражатларини оширмоқда. Давлат харидини режалаштириш механизмида, бюджет маблағи тақсимловчилари эҳтиёжлари ва молиялаштириш учун маблағлар ҳажмини аниқлашда меъёрий-ҳаражатлар услуги (нормативно-затратний метод) асос сифатида фойдаланилмоқда. Бюджетни шакллантиришнинг мезони сифатида бюджет имкониятларининг юкори чегараси олинади, товар-моддий бойликларга бўлган реал эҳтиёжлари ҳисобини қилмасдан, ҳаражатлар учун маблағлар ажаратилади. Давлат хариди фаолиятини режалаштиришнинг тамоилии бюджет маблағларининг ишлатилиш самарадорлигини ва тежамкорлигини ошириш деб белгиланиши керак. Ваколат берилган органлар ва бюджет маблағи олувчилари минимал маблағлар билан белгиланган мақсадга эришиш натижаларига қараб бюджетни тузишлари ва ижро қилишлари шарт.

“...Чинакам талаб ва тақлиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иктисолиётининг ғоят муҳим бўғини

бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истемолчиларнинг ўзаро жисп таъсирини таъминлайди»⁹. Жамиятда давлатнинг бажарадиган функциялари, давлат хариди учун зарур маҳсулотлар хусусиятларининг ранг-баранглигига караб, шартнома тизими ягона бўлиши мумкин эмас. Бу тизимда умумий тамойиллар асосида ишлаб чиқилган турли ташкилий схемаларни яратиш мумкин. Мазкур схемалар асосида идоралараро-бујуртмачилар ёки бир идорага қарашли бујуртмачилар учун харид-шартнома тизими яратилади ва модернизация қилинади. Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича аник давлат дастурларини ишлаб чиқишини ва амалга оширишини янада кенгайтириш мухим.

Таянч сўз ва иборалар

Давлат хариди, ички назорат, давлатнинг молиявий назорати, газначиликнинг ахборот тизими, бюджет ташкилотларининг шартномалари, маҳсулотлар, ишлар, хизматлар нархи, юридик ва молиявий мажбуриятлар, бюджет маблагларининг самараодорлиги, дебитор ва кредитор қарздорлик.

Назорат саволлари:

1. Давлат бюджети газна ижросида ички назоратнинг аҳамияти қандай?
2. Давлат бюджети газна ижросидаги ички назоратни ташкил этиш тамойиллари нималардан иборат?
3. Газначиликдаги ички назоратда белгиланган мақсадга эришиш учун қандай вазифаларни бажариш зарур?
4. Юридик ва молиявий мажбурият билан боғлик бўлган газначилик операциялари бўйича ички назорат қандай амалга оширилади?
5. Давлат бюджетининг газначилик ижросида дебитор ва кредитор қарздорликлар қандай камайтирилади?
6. Давлат бюджети харажатларида давлат хариди тизимининг аҳамиятини тушунтиринг
7. Ягона газна ҳисобварагининг ликвидлигини таъминлаш ишлари нималардан иборат?
8. Давлат хариди тизими тўғрисида нима дея оласиз?
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш хамда уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида”ги Қарори бўйича республикамида қандай чора-тадбирлар кўрилди?
10. Давлат бюджети газна ижросининг хорижий тажрибаларидан республикамида фойдаланиш тўғрисидаги фикрларингизни айтинг.

⁹Каримов И.А.Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”. 1995. 88-б.

Глоссарий (Асосий тушунча ва изоҳлар)

А

Автоматлаштирилган ахборот тизими – ахборотлар йигиндиси, ахборотларни ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул килиш учун йўналтирилган математик-иктисодий усуллар, моделлар, дастурлар, механизмлар, технологик воситалар ва мутахассислар йигиндиси.

Автоматлаштирилган иш жойлари (АРМ) – мутахасисларнинг бажарадиган функцияларини автоматлаштириш учун керакли ахборотлар, дастурлар ва ахборот ресурслари йигиндиси.

Автоматлаштирилган банк маълумотлари – автоматлаштирилган ахборот тизими, марказлаштирилган ҳолда сақланадиган ва биргаликда ишлатиладиган маълумотлар.

Айланма касса маблағлари меъёри – молия йилида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар хисобрақамларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун хужжатлари билан белгиланган энг кам микдори.

Аналитик хисоб-китоб – хисоб-китобни аниқлаштириш ва ривожлантириш мақсадида олиб бориладиган хўжалик субъектларининг фаолиятини назорат килиш, шунингдек, хисоботлар тузиш учун зарур бўлган хўжалик жараёнлари ва маблағлари айланишининг бухгалтерия хисоб-китоби.

Ахборот ресурслари (захиралари) – ташкилот учун қадр-кимматга эга бўлган моддий заҳира сифатида қатнашадиган маълумотлар йигиндиси, улар жумласига маълумотлар файлли, хужжатлар, матнлар, графикалар, билимлар, аудио-видео ахборотлар киради.

Асосий фаолият тури – юридик шахснинг умумий реализация қилиш хажмидағи тушум улуши устунлик қиласидаги фаолияти.

Б

Биринчирилган солиқлар – ҳар бир даражадаги бюджетларга биринчирилган солиқли даромадларнинг барча турлари.

Бюджет – Марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини таъминлаш учун пул маблағлари йигиндисини шакллантириш ва ишлатиш шакли.

Бюджет жараёни – Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат килиш, ижроси хисоботини тайёрлаш ва тасдиклаш, шунингдек, Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун хужжатлари билан тартибга солинган жараёни.

Бюджет даромадлари – Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ, бегараз ва қайтармаслик шарти билан бюджетта тушадиган ва Ўзбекистон Республикасининг марказий ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруф этадиган пул маблағлари.

Бюджет дотацияси – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошка маблағлар етишмаган тақдирда куйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фаркни қоплаш учун юқори бюджетдан куйи бюджетта қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет ёзуви – Ўзбекистон Республикасининг бюджет таснифига мувофиқ тузиладиган бюджет даромадлари ва харажатларини, бюджет тақчилигини молиялаштириш манбалари тушумининг чораклик тақсимоти тўғрисидаги хужоат, мазкур хужоатда тасдиқланган бюджет маблағларининг бюджет маблағларини олувчилари ўртасидаги тақсимоти белгиланади.

Бюджет интизоми – корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек, раҳбар ва жисмоний шахслар томонидан бюджетдан тўланадиган барча тўловларни аник тартибда, ўз вақтида ва тўлиқ равишда амалга ошириш ҳамда бюджет маблағларини белгиланган йўналишларга мувофиқ мақсадли сарфлаш.

Бюджетдан маблағ ажратиш – конун хужоатларида назарда тутилган тартибда Давлат бюджетидан бюджет ташкилотларига ва бошка бюджет маблағларини олувчиларига ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет маблағларининг тақсимловчилари – Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари. Уларга Давлат бюджетини харажатлар таснифига мувоғиқ, Давлат бюджети маблағларини идоравий тақсимловчиларга ва бюджет маблағларини олувчиларга маблағларни тақсимлаш хукуки берилган.

Бюджет маблағи олувчилар – бюджет маблағларининг тақсимловчиси ёки жорий молия йилида бюджет ёзувига мувофиқ, бюджет маблағларини олишга хукуқ берилган ва тасдиқланган смета доирасида молиялаштириладиган бюджет ташкилоти ёки бошка муассасалар.

Бюджет мажбуриятларининг лимити – бюджет ижросини амалга оширувчи, бюджет маблағларини тақсимловчи ва олувчи органлар учун аниқланган ҳамда тасдиқланган бюджет мажбуриятлари йигиндиси.

Бюджетдан ажратиладиган субсидия – давлат томонидан муайян мақсадлар учун бюджет хисобидан бериладиган пул маблағлари.

Бюджетнинг кассали харажатлари – давлат бюджети маблағлари хисобидан корхона, ташкилот ва муассасаларга банк орқали берилган ёки бюджетда кўзда тутилган харажатларга уларнинг тўлов қоғозлари асосида ўтказилган пул маблағлари суммаси.

Бюджет профицити – муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган сумма.

Бюджет сеудаси – юқори бюджетдан куйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юридик шахсга, ёки чет эл давлатига қайтариш шарти билан ажратиладиган маблағлар.

Бюджет субвенцияси – конун хужоатларида назарда тутилган муайян тартибда аниқ мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан куйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бюджет сўрови – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги маълумот.

Бюджет ташкилоти – зиммасига юқлатилиган вазифаларни бажариш билан боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш низарда тутилган ва бу маблагни молиялаштиришнинг асосий манбани хисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти хисобланади.

Бюджет таснифи – Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчилигини молиялаштириш манбаларини гурухлаштиришдан иборат.

Бюджетни тартиблаш – бюджетлар даромадлари ва харажатларини баланслаштириш мақсадида даромадларни тақсимлаш жараёни ҳамда турли даражадаги бюджетлар ўртасида маблағларнинг қайта тақсимланиши.

Бюджетни тартиблаш даромадлари – бюджет даражасига қараб ажратмалар микдори белгиланадиган барча турдаги солиқли даромадлар ва бошқа тўловлар.

Бюджет тақчиллиги – муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортик бўлган сумма.

Бюджет тизими – турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилари йигиндисини, бюджетларни ташкил этишини ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилари ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Бюджет трансферти – бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари.

Бюджет харажатлари – давлат, шунингдек, ўзини ўзи бошкарувчи органлар вазифаларининг бажарилшини таъминлаштга йўналтирилган пул маблағлари.

Бюджет харажатларини амалга оширишни тўхтатиш – (блокировка қилиш) – бюджет ассигнацияларига нисбатан бюджет мажбуриятлари лимитини қискартириш ёки бюджет маблағлари билан кабул қилинган пул мажбуриятларини тасдиқлашдан воз кечиши. Бунда бюджет тизими тўғрисидаги конунга мувофиқ бюджет ажратмалари бюджет маблағларини бош тақсимловчисига аниқ шартларни бажаргандагина ажратилади. Шунингдек, бюджет маблағларини ноконуний ишлатиш ҳолатлари аниқланганда бюджет харажатларини амалга ошириш тўхтатилади.

B

Валюта бозори – чет эл валютасининг олди-сотдисини, чет эл валютасидаги қимматбаҳо қофзларни ва валютаий капитални инвестиция қилиш муносабатларини, шунингдек, иқтисодий муносабатларни амалга оширувчи иқтисодий муносабатларни намоён қилувчи марказ.

Верификация – хужожатнинг ҳақиқийлигини белгилаш жараёни.

Винчестер – қаттик магнит дискларда хотирада сакловчи жуда кўп ёзувларнинг ёзилишини таъминлайдиган ююри ишончли тузилма.

Г

Грант – давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, ҳалқаро ва чет эл ҳукуматига қарашли ташкилотлар томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган ҳалқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасига, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органларига, юридик ва жисмоний шахсларга бегараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига бегараз бериладиган мол-мулк.

Д

Давлат бюджети – Давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар маёнбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Давлат бюджетининг касса ижроси – Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек, унинг давлат даромадлари ва харажатларини хисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

Давлат бюджетининг газна ижроси – Давлат бюджетининг барча даромадларини Ягона газна ҳисобракамига киритишдан, шунингдек, Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобракамдан тўлашдан иборат.

Давлат бюджети маблағларини сарфлаш – тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида, харажатлар сметасига мувофиқ Давлат бюджети маблағлари бюджет маблағлари олувчилари томонидан молия йили мобайнида босқичма-босқич тайинлаш сертификатини муайян даврга ва тегишли суммага расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат бюджети тақчиллиги – Давлат томонидан маълум ва муайян бир давр давомида, бюджет йилида амалга оширилган харажатларнинг даромадлардан ортиб кетиши.

Давлат мақсадли жамғармалари – Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар маёнбалари, ҳар бир маёнбадан маблағ тушиши мезёrlари ва шартлари, шунингдек, шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар конун хужжатлари билан белгиланади.

Давлат қарзи – давлат томонидан ички маблағ ва хориждан маблағ жалб килиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари йигиндиси.

Давлат ташки қарзи – давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари йигиндиси.

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши – активларни чет эл манбаларидан (хорижий давлатлар, уларнинг юридик шахсларидан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш хамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитлари (заёмлари)ни тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши.

Дастурли таъминлаш – автоматлаштирилган ахборот тизими бошкарувидаги хисоблаш жараёнларини самарали ташкил қилинча фойдаланиладиган дастурлар йигиндиси.

Депонентлаштириш – пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа бойликларни кредит ташкилотларига сақлаш учун топшириш; ходимларнинг ўз вақтида олинмаган иш хақларини, пул маблағлари қолдигини кредит муассасаларига топшириш.

Девальвация (лот.) – қадр тушиш маъносини англатади, мислий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрининг тушиши.

Дивидендер – акциялар бўйича тўланиши лозим бўлган даромад; юридик шахс томонидан унинг муассислари ўргасида (иштирокчилари, аъзолари ўргасида уларнинг улушлари, пайлари, ҳиссалари бўйича) тақсимланадиган соф фойданинг бир кисми; юридик шахс тутагилганда молмукни тақсимлашдан олинган, шунингдек, муассис (иштирокчи, аъзо) томонидан юридик шахсда иштирок этиш улушкини (пайини, ҳиссасини) олгандаги даромадлар, бундан муассис (иштирокчи, аъзо) устав фондига ҳисса сифатида кирилган мол-мulkнинг қиймати чегирилади.

Ж

Жамланган бюджет – Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг географик тузилишига мувофиқ, турли даражадаги барча бюджетлар йигиндиси.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти – фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобрақамларидаги маблағлардан давлат пенсиясига кўшимча равищда пул маблағлари билан таъминлаш.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобрақамларига мажбурий тартибида киритиладиган пул маблағлари.

Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари – шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобрақамларига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари.

Жисмоний шахслар – юридик шахслар макомини олмасдан фаолият кўрсатадиган ёки ҳар хил сабабларга кўра ишламадиган пенсионерлар, нафакаҳўрлар ва бошкалар. Бунда шахсларга Ўзбекистон Республикаси фукароси, фукаролиги бўлмаганлар ва чет эл мамлакатлари фукаролари киради.

И

Идентификация рақами – тизим ичидаги обьектни аникладиган код ёки ном берилиши. Ажратма, соликлар ва пенсия тұловлари бўйича ахборотларни марказлаштириш учун индивидуал ижтимоий кодларга эҳтиёж туғилади. Молиявий хужожатлаштириш бўйича молиявий ахборотлар ишончлилиги ва доимийлигини таъминлаш учун, халқаро андозаларга мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг янги андозалари кўлланилиши учун индивидуал ижтимоий кодларнинг қабул килиниши тақозо этилади.

Ички маблағларни жалб этиш – давлат томонидан активларни ички манбалардан (резидент-юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари йиғиндинсизнинг вужудга келиши.

Инвестиция – фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида, давлат, хукуқий ва жисмоний шахслар (инвесторлар) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойланган ҳолда, чекланган эҳтиёжни кондириш учун иктисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар.

Инвестиция лойиҳаси – инвестициянинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик жараёнларни, техник ва ташкилий хужожатлаштириш жараёнини, обьектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг харакатини, шунингдек, тегишли бошқарув карорлари ва чора-тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим.

Инфляция – муомалда керагидан ортиқча пул пайдо бўлиб, нарх-наво ўсиб, пулнинг қадр-қиймати, яъни харид қобилиятининг пасайиши, пулнинг обрўсизланиши.

Инфляцион солик – хукуматнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиши учун зарур маблағларни тўплаш, бюджет такчиллигини молиялаштириш учун, пул таклифини ошириш йўли билан аҳолининг пул маблағларини бильосита олиши.

Инновацион фаолият – ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришда янги шаклларнинг кўлланилишига асосланган фаолият.

Инвесторлар – қимматли қоғозларни сотиб оладиган ва бу билан ўзгаларнинг бўш молиявий ресурсларини жойлаштирадиган юридик ҳамда жисмоний шахслар.

Индоссамент – қимматли қоғоз устидаги ушбу хужожат бўйича хукуқларнинг бошқа шахсга ўтказилганлигини тасдиқловчи ўтказма ёзув.

Иктисодиётни эркинлаштириш – давлатлаштиришдан қайтиш ёки бу давлатнинг иктисодий фаолиятидаги хукмронлигини, монопол мавқеини йўқотиб, иктисодиётни бошқаришда ягона давлат механизми ўрнига аралаш иктисодиётга хос бозор механизмига кенг йўл беришни ифодалайди. Иктисодиётни эркинлаштириш – иктисодиётни тартибга солишни тўла бозор

механизмига топшириш эмас, балки бозор механизми билан давлат аралашувининг оптималь даражада бўлишини таъминлашдан иборат.

Ижара (лизинг) тўлови – ижарачи (лизинг олувчи) тузилган ижара (лизинг) шартномаси асосида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўлайдиган сумма.

Ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади – бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ аниқланадиган ижара (лизинг) тўлови суммаси билан ижара (лизинг) объектигининг қийматини қоплаш: суммаси ўртасидаги фарқ кўринишидаги ижара (лизинг) тўловининг бир кисми.

ИНСОНПАРВАРЛИК ёрдами – аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож гурухларига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-кувватлаш, табиий оғатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш. Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий аҳамиятта молик буюмлар, ҳалқ истеъмоли товарлари, бошқа товарлар, шу жумладан асбоб-ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек, ихтиёрий равишдаги хайр-эҳсонлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, шу жумладан инсонпарварлик ёрдами юкларини ташиш, кузатиб бориш ва сақлаш тариқасида берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ваколатли ташкилотлар орқали тақсимланади.

Ишлар (хизматлар)ни экспорт килиши – ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойидан катиб назар, Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш.

К

Камерал назорат – солик тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солик ҳисоботини, шунингдек, солик тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солик хизмати органидаги мавжуд бошқа хужжатларни ўрганиш ва тахлил этиш асосида амалга ошириладиган назорат. Камерал назорат солик тўловчининг хузурига бормасдан, давлат солик хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади. Агар давлат солик хизмати органи томонидан камерал назорат жараённida солик ҳисоботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солик ҳисоботидаги ва давлат солик хизмати органдаридаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда солик тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма равишда хабар қилинади. Солик тўловчи аниқлаштирилган солик ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузатилган солик ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

Концепция – (лотинча – тушунча, тизим) маълум предмет, ҳодиса ва жараёнларни тушунтириш услуги, предмет ва бошқаларга қаратилган бош ғоя ва уларнинг моҳиятини ёритиб берадиган асосий фикрни ёритишида кўлланилади.

Коммуникация – аниқ територияда ахборотларнинг дистанцион алмашуви жараёнларини ташкил этиш қоидалари ва техника воситалари йигиндиси.

Компьютер вируси – хисоблаш тизими ёки тармоқ ишига салбий таъсир килиш максадида тузилган маҳсус дастур.

Кредит – бир шахс томонидан, масалан, давлатдан, корхонадан вақтингчалик фойдаланиш учун, лекин қайтиб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилган молиявий маблаглар.

Кредит берувчи – хориждан маблаг жалб килиш тўғрисидаги шартнома бўйича активлар берган ёки активлар бериш ниятида бўлган хорижий давлат ёки нерезидент (хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари). Агар норезидентлар бир нечта бўлса, у ҳолда кредиторлар гурухидағи ваколатли бошқарувчи вазифасини бажарувчи норезидент кредит берувчи хисобланиши мумкин.

Кредит ташкилотлари – тегишли лицензияга эга бўлган банклар, кредит уношмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари.

Курс бўйича фарқ – миллий валютага нисбатан чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан чет эл валютасида амалга оширилган операцияларда вужудга келадиган (ижобий, салбий) фарқ.

Л

Локал хисоблаш тармоғи – маҳсус мутахассислар ўртасида алмасиши учун маълум территория чегарасида ташкил этилган ҳамда каналлар билан бирлаштирилган дастурлаш ва ахборот узатиш ресурслари.

Лизинг – кўчар ва кўчмас обьектларга эгалик қилишнинг алоҳида ижара муносабатларига асосланган, тадбиркорликни ривожлантиришига қаратилган иктисодий хукукий, кредит-молиявий муносабатлар мажмуи ва мулкий хукуқларнинг йигиндиси.

Лизинг муносабатлари – қарз олиш асосидаги ижара муносабатларининг алоҳида тоифасида ифодаланувчи ўзаро боғлик иктисодий-хукукий, молия-кредит муносабатлари мажмуасидан иборат.

М

Макромолия – давлат, мамлакат миқёсидаги молия алоқаларидан иборат.

Маълумотлар базаси – тартиблашнинг умумий тамойиллари кўзда тутилган ҳолда аниқ қонун-коидалар асосида тузилган ҳамда ҳимоя қилинадиган ва сакланадиган маълумотлар йигиндиси.

Молиялаштириш лимити – жорий молия йили мобайнида ажратиладиган пул маблагларининг чегараси.

Молиявий транзакция – маблағларнинг электрон кўринишдаги харакати.

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш – ўз вактида ғазна ахборот тизимиға киритилган, бюджет ташкилотларига етказилган товарлар ва хизматлар ҳажмини тасдиқловчи ҳужжатлар, тўлов ҳужжатлари ва ҳудудий ғазна бўлимларига топширилган бюджет ташкилотларининг ойлик ҳисоботлари асосида барча ҳудудий ғазна бўлимлари маҳаллий бюджетларни бошқариш учун ва уларнинг ижросини назорат килиш учун керакли ҳисоботларни марказий ғазначиликда ўрнатилган маҳсус компютер дастури орқали тезда умумлаштириш.

Мониторинг – фуқароларга атроф-муҳитда нохуш ўзгаришлар бўлиши тўғрисида ўз вактида ахборот бериш ва бошқариш. Бюджет амалиётида мониторинг ўтказиш – бюджетдан ажратилган пул маблағлари ишлатилишининг охирги босқичигача назорат қилиш.

Мол-мулк – эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш предметлари бўла оладиган моддий обьектлар, шу жумладан пул маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳамда номоддий обьектлар. Объектларни мол-мулк жумласига киритиш фуқаролик конун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Мулкий даромадлар – (жисмоний шахсларнинг) таркибига фоизлар, дивиденdlар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар, саноат мулки обьектларига берилган патент (лицензия) сотилган тақдирда, патент (лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахс сотишдан олган даромад, роялти, қимматли коғозларни реализация қилишдан тушган даромадлар ва юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини (пайини) реализация қилишдан олинган даромадлар, соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин хусусий корхона мулқдори ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ихтиёрида қоладиган фойда суммаси киради.

Молиявий ижара – мол-мулкни шартнома асосида эгалик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга топширишда вужудга келадиган ҳамда қўйидаги талаблардан бирiga жавоб берадиган ижара муносабатлари: молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара обьекти ижара олувчининг мулкига ўтса; молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара обьекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара обьектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдик қиймати унинг бошлангич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса; молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара обьектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса; молиявий ижара шартномасининг амал қилиши даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати молиявий ижара обьектининг узок муддатли ижарага

топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошиб кетса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

O

Операция куни – молия-кредит ташкилотлари иш кунининг бир кисми ёки мижозларга хизмат кўрсатиш ва мижозлар билаш ишлаш вақти.

Операция кунида даромадларни хисобга олиш – ғазначилик органларидаги маълум лавозимдаги ходимларнинг давлат бюджети маблағларини хисоблаш, тақсимлаш, ўтказиш ва хисобини юритишдан иборат аник ҳаракатдан иборат фаолияти.

Оператив ижара – молиявий ижара шартномаси бўлмаган мулкий ижара (ижарага бериш) шартномаси асосида мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш.

P

Протекционизм – импортта қарши сиёсат бўлиб, юқори бож ҳаки белгилаш, маълум товарлар импортини тақиқлаш ва унинг стандартларини киритишда ўз аксини топади. Протекционизм миллий ишлаб чиқаришни ташки ракобатдан ҳимоя қилишга қаратилган.

R

Республика бюджети – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларини молиялаштиришда фойдаланиладиган кисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар микдори, шунингдек, молия йилида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва микдори назарда тутилади.

Ревальвация – лотинча сўздан олинган бўлиб, қадрини ошириш маъносини англатади, миллий валютани чет эл валюталарига ёки халкаро хисоб-китоб пул бирликларига нисбатан қадрини ошириш.

Реквизит – ифода этиладиган объектнинг аниқ белгиларини кўрсатадиган хужжатнинг ажралмас элементи.

Резидент – Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий солик даврида якунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн иккى ойлик давр ичida жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган жисмоний шахс.

Реализация қилиш – сотиш, айрбошлиш, бегараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк хукуқини гаровга кўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Хисобварак-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа хужжатлар реализация қилинганини тасдиқловчи хужжатлар.

Роялти – күйидагилар учун ҳар қандай турдаги тұловлар: фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электрон-хисоблаш машиналари учун дастурлар, аудиовизуал асарлардан ҳамда турдош хуқуклар объектларидан, ижролар ва фонограммалардан фойдаланғанлық ёхуд улардан фойдаланиш хуқуқини бергандык учун; саноат мулки объектінде, савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, махфий формула ёки жараёнга бўлган хуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллукли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланғанлық учун.

C

Свифт – халқаро битимлар учун мухим коммуникация тармоги. Свифт – хорижий валюта бозоридаги битимлар, тұловларни тасдиқлаш ва қымматбаҳо қофозлар, халқаро савдо хужжатлари ва бошқа молиявий ахборотлар тұғрисидаги маълумотларни узатыш бўйича чегараланмаган имкониятларга эга бўлган тизимдир.

Солик оғирлиги – тұловчининг ҳамма соликлар ва йигимлар йиғиндинеси бюджетта тұлаши. Солик оғирлиги фойдага ёки жами даромадга нисбатан олинади. Бюджетта тұланған ҳамма солик ва йигимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солик оғирлигини ифодалайди.

Соликлар ва бошқа мажбурий тұловларнинг элементлари – солик со-лиш обьекти, солик солинадиган база, ставка, хисоблаб чиқариш тартиби, солик даври, солик хисоботини тақдим этиш тартиби, тұлаш тартибидан иборат.

Соликка тортиш тизими – конун чиқарувчи идоралар томонидан белгиланған ва ижрочи идоралар томонидан ундиріладиган соликларнинг ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамошайлари йиғиндинесига айтилади.

Соликка тортишнинг тенглиги – солик тұловчилар соликларни ўз имкониятларига, яъни уларнинг давлат ёрдамида олинған даромадларига боғлиқ ҳолда тұлаши лозим. Бошқача килиб айтганды, имкониятлардан келиб чиқиб, солик тұлаши керак.

Соликка тортишнинг мақбуллiği – тұловчининг муддатлари, тури ва суммалари ҳар бир кишиға, яъни ҳам солик тұловчиларга, ҳам солик олувчиларға тушунарлы бўлиши керак.

Солик солишининг соддалаштирилган тартиби — солик солишининг айрим тоифадаги солик тұловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги соликларни хисоблаб чиқариш ва тұлашнинг, шунингдек, улар юзасидан солик хисоботини тақдим этишининг маҳсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солик механизми – соликка тортиш билан боғлиқ бўлган соликларни ташкил қилишнинг барча элементлари, усуулар ва тамошайлар йиғиндинеси тушунилади. Бундай элементларга солик обьекти, субъекти, манбаи, ставкаси, тұлов муддатлари, солик хукуки ва хужжатлари киради.

Солик сиёсати – давлатнинг солик соҳасидаги барча тадбирларини режалаштириш, конун, фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилишдаги ишлаб чиқилган чоратадбирлар йиғиндинеси.

Солиқ ҳуқуки – соликларни белгилаш, амалга ошириш, ундириш ва улар билан боғлиқ бўлган ихтисослашган маҳсус давлат назоратини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий-хукуқий муносабатлар мажмуи.

Савдо фаолияти – қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият.

Солиқ солишининг соддалаширилган тартиби – солиқ солишининг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган хамда айрим турдаги соликларни хисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек, улар юзасидан солиқ хисоботини тақдим этишининг маҳсус қоидалари кўлланилишини назарда тутивчи алоҳида тартиби.

Солиқ қарзи – соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича карз суммаси, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган муддатда тўланмаган молиявий санкциялар.

Соф тушум – товарлар (ишлар, хизматлар) нархida хисобга олинадиган кўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғи суммаларини киритмаган ҳолда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум.

Соф фойда – соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда.

Ставка – солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан хисобланадиган фоизлардаги ёки мутлақ суммадаги микдорни ифодалайди. Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари Солиқ кодексида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг карори билан белгиланади.

Т

Тартибга солувчи соликлар – бюджет даражасига қараб ажратмалар микдори белгиланадиган барча турдаги солики даромадлар.

Ташки маблағларни жалб қилиш – давлат томонидан активларни хориж манбаларидан – чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва ҳалқаро ташкилоглардан жалб этиш ва бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг карз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини – қарзларини тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари йиғиндинсининг юзага келиши.

Тўлов тошириқномаси – муассасанинг бошқа шахснинг хи-собракамига пул ўтказиши кўрсатиладиган ва ушбу муассасага хизмат кўрсатадиган банкка берган топшириғи мазмунига кўра тайёрланган хисоб-китоб хужояти.

Таннарх – маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишида фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек, товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймат баҳоси. Таннарх бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун хужожатларига мувофиқ белгиланади.

Товар обороти – муайян давр ичидә савдо фаолиятини амалга ошириш чөғидә товарларни сотишдан олинган (олиниши лозим бўлган), тулда ифодаланган маблағлар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушум – реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳак тўлаш ёки қарзни узиш хисобига тушадиган мол-мулк қиймати.

Товарларни экспорт қилиш – Ўзбекистон Республикасининг божхона худудидан товарларни, агар қонун хужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қайта олиб кириш мажбуриятисиз олиб чикиш.

Тўлов манбай – солик тўловчига тўловларни амалга оширувчи юридик шахс.

У

Умидсиз қарз – суд карорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз.

Ф

Фавқулодда ҳолатлар — тарафларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлик бўлмаган, табиат ҳодисалари (зилзила, кўчкилар, бўрон, курғокчилик ва бошқалар), бошқа табиий оғатлар ёки ижтимоий-иқтисодий вазиятлар (уруш ҳолати, қамал ҳолати, давлат манфаатларини кўзлаб импортни ҳамда экспортни тақиқлаш ва бошқалар) келтириб чиқарган муайян шароитлардаги фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар бўлиб, қабул қилинган мажбуриятлар шулар туфайли бажарила олмайди.

Фискал сиёсат – давлат ҳаражатлари ва солиқса тортиш бўйича чоратадибирлар кўриш орқали мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга қаратилган сиёсат. Фискал сиёсатнинг энг асосий вазифаси – иқтисодий-ижтимоий сиёсатни амалга ошириш учун давлат пуд фонdlарини марказлашган тарзда ташкил этиш ва ишлатиш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш.

Фоизлар – ҳар кандай турдаги қарз талабларидан олинган даромад, шу жумладан облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, шунингдек, депозит кўйилмалар ва бошқа қарз мажбуриятларидан олинган даромад.

Х

Халқаро хисоб-китоблар – турли мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида юзага келадиган туллук талаблар ҳамда мажбуриятлар юзасидан тўловларни амалга ошириш тизими. Ҳозирги кунда мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан кенг халқаро хисоб-китобларнинг турли шакллари кўлланилади.

Хориждан маблаг жалб қилиш – Ўзбекистон Республикаси ёки унинг резиденти томонидан хорижий давлатлар ёки норезидентлар активларининг (кредитлар, замлар ва бошқалар) мазкур хорижий давлатга ёки норезидентга

ёхуд уларнинг талабига кўра учинчи шахсга шартлашилган даврда адекват активларни, жумладан, активлардан фойдаланганлик учун тўловларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда жалб этилиши.

Хусусийлаштириш – давлатта қарашли мулкнинг фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк шаклида берилиши.

Ш

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобраками – фуқароларнинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобраками бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобракамларидаги маблагларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобракамга келиб тушади ва унда ҳисобга олинади.

Шахсий ҳисобракам – корхоналарнинг ҳисоб-китоб операциялари кўрсатишга мўлжалланган алоҳида таъминотчилар, сотувчилар ва жавобгар шахслар билан, шунингдек, кредит муассасаларининг мижозлар, молиявий органлар ва солик тўловчилар билан аналитик ҳисоб-китоб юритиш бўйича ҳисобраками.

Э

Электрон офис – ташкилотлар ва муассасаларда автоматлаштирилган офис фаолияти тизими.

Электрон почта – элекрон хужжатларни масофага узатиш шакти.

Электрон хужжатларнинг айланиши – автоматлаштирилган ахборот тизимида электрон хужжатларнинг шакллантирилиши ва узатилишини ташкил килиш схемаси.

Эмиссия – пулларни ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

Эмитентлар – қимматли қоғозларни чиқарадиган ва молия ресурсларини жалб қиласидиган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Ю

Юридик шахс – деб ўзининг ихтиёрида, қарамогида, фойдаланишида мулкка эга бўлган, ўзининг мажбуриятларини шу мулк билан қайтара оладиган, бухгалтерия баланси ва банкда ҳисобракамига эга бўлган шахсларга айтилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига тўланадиган солик ва йигимларнинг ҳал килувчи кисмини юридик шахс соликлари ҳамда бошқа тўловлари ташкил этади. Статистика органларида уларнинг ўз фаолият кодлари кўрсатилади.

Ютуқ – лотереялар, ўйинлар, танловлар, мусобакалар (олимпиадалар), фестиваллар ва шу каби бошқа тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва бошқа даромадлар.

Я

Ягона касса тамойили – бюджет даромадларининг барча тушумини, бюджет тақчиллиги манбаларини жалб этиш, молиялаштириш ва бюджетнинг ягона ҳисобракамидан барча ҳаражатларни амалга оширишни кўзда тутади.

Ягона ғазна ҳисобраками – Газначилик томонидан бошкариладиган маҳсус банк ҳисобраками бўлиб, бу ҳисобракамга Давлат бюджети маблаглари

ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобрақамидан Давлат бюджети маблағларида назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ер солигини тўловчилар – қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи бюджетта солик тўловчилар ҳисобланади.

Ў

Ўзбекистон Республикаси солик тўловчиларининг ягона реестри – солик тўловчиларга оид давлат маълумотлар базаси тизими.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси – Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг чегаралари, эркин божхона зоналари ва эркин омборлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси – соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилап, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек, солик мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Қ

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар – буюртмачига тегишли хомашё ва материаллар бўлиб, буюртмачи уларни маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошқа шахсга саноат асосида қайта ишлашга беради ва тузилган шартномага мувофиқ маҳсулот кейинчалик буюртмачига қайтарылади.

Қарзли молиялаштириш – давлат томонидан олинаётган қарзлар – бу давлат харажатларини молиялаштириш учун зарур бўлган пул маблағларини молия бозорларидан қарз олиш йўли билан маблағ жалб қилишдаги давлат фаолияти. Асосан, давлат қарзлари иккита вазифани бажаради: фискал-давлат ғазнасига пул маблағларини жалб қилиш ва иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш.

Қарз олувчи – хориждан маблағ жалб қилган ёхуд хориждан маблағ жалб қилиш ниятини хужжат билан тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси нормидан иш кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки резидент.

Ғ

Ғазначилик – давлат бюджети ижросини таъминлашнинг бир шакли бўлиб, унда маҳсус идора давлат соликлари йигимини ва улардан фойдаланишни таъминлайди, маблағлар устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, давлат ташки ва ички қарзларини бошкаради ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимлари мониторингини олиб боради.

Ғазна мажбуриятлари – давлат эмитети бўлган кимматли қоғозлар ёки унинг охирги эгасига маълум белгиланган шартлар асосида номинал суммаси ва фоизларни тўлаш бўйича давлат мажбуриятлари.

X

Химояланган моддалар – иш хаки ва унга тенглаштириладиган тўловларга – нафакалар, пенсиялар, стипендиялар, моддий ёрдамлар ва бошқа ижтимоий химояга йўналтирилган молиявий маблағлар.

Хисоб палатаси – мустакил орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар ижроси, давлат активлари ва пассивларининг холати ҳамда ҳаракати, олтин-валюта захиралари ва ташки қарзларни бошқариш ҳамда тасарруф этиш мониторинги ва давлат назоратини амалга оширади.

Хужжатлар айланиши – хўжалик операцияларини расмийлаштириш ва хисоб-китоб маълумотларини ишлашда хужжатларнинг белгиланган кетмакетликда ўтиши.

Хужжат билан тасдиқланган харажатлар — операция санасини, суммасини, хусусиятини аниқлаш ва унинг иштирокчиларини идентификация қилиш имконини берадиган хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”.
2008.

✓ 2. Ўзбекистон Республикасининг «Солик кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни. 2007 йил 25 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижроси. Меъёрий хукукий хужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – Т.: 2007.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижроси. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – Т.: 2007.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чоратадибрлари тўғрисида»ги 594-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1245-сон Қарори.

✓ 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сон Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги меъёрий-хукукий хужжатлари

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижроси. Меъёрий-хукукий хужжатлар тўплами. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ҳудудий ғазна бўлинмаларининг Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги 77-сон буйргуи.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Давлат бюджетининг газна ижроси Қоидаларини тасдиқлаш ҳакида”ги 2007-сон бўйрги. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2009 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси конун хужоатлари тўғриами.2009.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 20 авгуустдаги “Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 65-сон бўйрги.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

13. Каримов И.А.Халқимиз фаровонлигининг баркарор ўсишини таъминлаш-устувор вазифа. // Халқ сўзи. 2001 йил 12 январь.

14. Каримов И.А. Эришган мэрраларимизни мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. –Т.: “Ўзбекистон”. 2004.

15. Каримов И.А.Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”. 1995.

16. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон” 2005.

17. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни баркарор ривожлантириш йўлида. 16-Т. –Т.: “Ўзбекистон” 2008.

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – хаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

21. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. 17-Т –Т.: “Ўзбекистон”. 2009.

22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”. 2010.

23. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”. 2010.

24. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. – Т.: “Ўзбекистон”. 2011.

V. Махсус адабиётлар ва илмий мақолалар

25. Акперов И.Г., Коноплева И.А., Головач С.П. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: “Финансы и статистика”. 2002.
26. Абруев У. Тайминотчи, бюджет ташкилоти ва ғазначилик: давлат харидларини амалга ошириш жараёнидаги ўзаро муносабатлар. // Солиқ союиш ва бухгалтерия ҳисоби. 2008. 10-сон.
27. Аллаёров Ш., Аваҳхўжаев С. Давлат бюджети самарали ижросини таъминлаш: муаммо ва ечимлар. // “Молия”. 2009. 1-сон.
28. Адизов А. Ғазначилиқда солиқларнинг фискал функциясининг намоён бўлишида аҳборот технологияларинг кўллаш. // “Молия”. 2009.
29. Ахмеджонов А. Амерка Кўшма штатларининг федерал бюджет тизими: шакллантириш, мувофиқлаштириш ва ижро этиш тамойиллари. Дарслик. “Фан”. 2004.
30. Абдуллаева З. Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришининг долзарб масалалари. “Молия”. 2010. 1-сон.
31. Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. ЮНИТИ.
32. Бурханов У. Давлат хариди. Ўқув кўлланма Т.: Infocom uz lizm. 2010|160. бет
33. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Дарслик. “Янги аср авлоди”. 2003.
34. Ваҳобов А., Бурхонов У., “Жумаев Н. Дарслик.Халқаро молия мунфасабатлари. – Т.: “Шарқ”. 2003.
35. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув кўлланма. –Т.: “Иқтисод-молия”. 2008.
36. Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиқقا тортиш. Дарслик. – Т.: “Шарқ”. 2009.
37. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети. Ўқув кўлланма. – Т.: “Молия”. 2007.
38. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув кўлланма. – Т.: “Иқтисод ва молия”. 2008.
39. Дьяконова М.Л., Ковалёва Т.М. Финансы и кредит. Учебник. – М.: КНОРУС. 2008.
40. Дроздов О.И. Совершенствование механизма кассового исполнения бюджета. // – М.: Финансы. 2007. № 8.
41. Ефимова Е.П. О правообеспечении повышение эффективности государственного финансового контроля. //Российский экономический журнал. – 2000. №10.
42. Жамалов Х., Алиев С., Бюджетная система. –Т.: Издательский дом “Тасвир”. 2008.

43. Журавлева Л.В. Бюджетная политика как метод государственного регулирования.-2 изд. –М.: Дело ЛТД. 2001.
44. Жамолов X., Хакимова Ш. Взаимодействие звеньев бюджетной системы в условиях либерализации экономики. // Экономический вестник Узбекистана. 2001. №6.
45. Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. Соликлар ва солиқка тортиш. «NORMA». Ўкув кўлланма. 2009.
46. Избосаров Б. Харажатлар самарадорлигини оширишда молиявий назоратнинг роли. // “Молия”. 2009 1-сон.
47. Иванова Н.Г., Маковник Т.Д. Казначейская система исполнения бюджетов. -СПБ: Пе-тер, 2001. -С 251.
48. Кильберг В.Г.Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг разничилик ижросини жорий этиш. // Солик солиш ва бухгалтерия хисоби. 2006. 5-сон.
49. Мысляева И.И. Государственный и муниципальные финансы: Учебник. – М.: ИНФРА-М. 2003 г.,
50. Маликов Т.С., Хайдаров X.Н. Давлат бюджети. Ўкув кўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2007.
51. Маликов Т.С., Ҳайдаров X.Н. Молия: умумдавлат молияси. Ўкув кўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”. 2009.
52. Маликов Т.С., Хайдаров X.Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўкув кўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”. 2007.
53. Маликов Т.С. Соликлар ва солиқка тортишнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: “Академия”, 2002.
54. Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Учебное пособие. Справочник. – М.: 2002.
55. Максимова Н.С. О реформировании межбюджетных отношений в Российской Федерации. //Финансы. 2008. №6.
56. Муминов Н., Сугирбоев Б. Совершенствование нормативно-правовой базы по казначейскому исполнению государственного бюджета Республика Узбекистан. – Т.: “Иқтисод ва молия”. 2009. 1-сон.
57. Нурмухamedova B., Kабирова Н. Финансы. – Т.: Издательский дом “Тасвир”, 2008.
58. Рой О.М. Система государственного и муниципального управления. Учебное пособие. Питер. 2004.
- 59.Райзберг А., Лозовский Л, Стародубцева Е. Современный экономический словарь.
- 60.Романенков А.И. Федеральное казначейство и бюджетная реформа. Псков: Псковский педагогический институт им. С. М. Кирова. 2000.
- 61.Практика государственного управления во Франции: Государственное Казначейство. Сборник документов Франко-Российского сотрудничества №8.
62. Поляк Г.Б. Финансы. Учебник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2008.

63. Поляк Г.Б “Бюджетная система Российской Федерации.. ЮНИТИ. – М.: 2001.
64. Седова М.Л. Казначейская система исполнения бюджета. Учебно-методическое пособие для студентов экономических направлений и специальностей ВУЗов. – М.: Финансовая Академия при правительстве РФ. 2004.
65. Принципы организации казначейского исполнения Государственного бюджета Республики Узбекистан. Под. ред. Дж. Кучкарова. – Т.: “Мир экономики и права”. 2005.
66. Остонакулов М. Бюджет ҳисоби ва бюджет ижросининг назорати. – Т.: “Молия”. 2005.
67. Остонакулов М., Сугирбаев Б. Газначилик органларида маҳаллий бюджетлар фазна ижросининг бухгалтерия ҳисоби. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2008.
68. Тажибаева К. Роль и значение местных бюджетов в бюджетной системе. // “Молия”. 2010 2-сон.
69. Эрдонов А. Конунчилик иктисадий ислохотларнинг асоси. // Бозор, пул ва кредит. Тошкент. 2009. 1-сон.
70. Эшназаров Т. Газначилик тизими муносабатлари. Монография, – Т.: “Фан”. 2008.
71. Эшназаров Т. Газначиликнинг Ягона ҳисобварағи: назария ва амалиёт. // “Молия”. 2009 йил. 1-сон.
72. Хайдаров М., Сувонкулов А., Нурматов Б., Сугирбаев Б. Давлат бюджети ижросининг газначилик тизими. Ўкув кўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2010.
73. Ходиев Б. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. – Т.: “Икътисодиёт”, 2009.
74. Ходиев Б. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация килиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш – устувор максадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўкув-услубий мажмуа. – Т.: “Икътисодиёт”. - 2010.
75. Христенко В.Б. Межбюджетные отношения и управление региональными финансами: опыт, проблемы, перспективы. – М.: “Дело”. 2002.
76. Шаакрамов К.К., Қосимова Г.А. Газначилик тизими шароитида маҳаллий бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш муаммолари // Биржа эксперт. 2011, 4,
- ✓ 77. Қосимова Г. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўкув кўлланма. – Т.: “Фан ва технологиялар”. 2007.
78. Қосимова Г. Давлат бюджети ижросининг газначилик тизими. Ўкув кўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.

79. Қосимова Г.А. Ғазначилик тизимини жорий этишда хорижий тажрибалар // Бозор, пул ва кредит. 2003. №3.
80. Қосимова Г. А. Ғазначилик фаолияти механизмини ташкил килиш. Ўқув-услубий кўлланма. Молия. – Т.: 2010.
81. Қосимова Г. Ихтимоний-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. Молия. Монография. – Т.: 2004.
82. Қосимова Г. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув-услубий кўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2007.
83. Қосимова Г. Ихтимоний сиёсатнинг асосий йўналишлари. Монография. “Иқтисод-молия”. – Т.: 2008.
84. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув кўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009.
85. Кўчкоров Т.С. Ўзбекистонда миллий ғазначилик ахборот тизимини шакллантириш одимлари. // “Иқтисод ва молия”. Тошкент. 2009. №1.
86. Кўчкоров Т., Хайдаров М. Давлат бюджети газна ижросининг ахборот тизими. Ўқув кўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2010.
87. Қосимова Г.А. Ихтимоний соҳаларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишга давлат харидининг ахамияти. “Молия”. 2011. 1-сон 23–28-бет

VI. Илмий-амалий анжуман материаллари ва статистик тўпламлар.

88. Ашрафхонов Б.Б. Современное состояние и перспективы развития государственных финансов в Республике Узбекистан. «Актуальные аспекты современного состояния и перспектив развития государственных финансов». Международная научно-практическая конференция. Ташкент. 2008. 2 апреля.
89. Вахабов А.В. Современные проблемы согласования межбюджетных отношений в Республике Узбекистан. Давлат молиясининг ҳозирги замон долгарб масалалари ва ривожлантириш перспективалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2008 йил.
90. Исломкулов А., Абдухакимова С. Давлат бюджетининг газна ижросини ташкил килиш. Бюджет ижросига ғазначилик тизимини жорий этишнинг долгарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. Тошкент молия институти. 2011 йил. 9 апрель.
91. Кучкаров Т.С. Кильберг В.Г. О необходимости совершенствования системы сбора налогов и пошлин при казначейской системе. Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долгарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. «IQTISOD-MOLIYA». 2010 йил. 18 июнь.
92. Пардаев У. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети газна ижросини такомиллаштиришда Канада тажрибасидан фойдаланиш йўналишлари. Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долгарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Ташкент. 2009. 2 декабрь.

93. Узоков Н., Эркаева Г. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш-минтака ривожининг асоси. Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2009. 2 декабрь.

94. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ижтимоий таракқиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Т.: “Ўзбекистон”. 2011.

95. Срожиддинова З. Межбюджетных отношения: современное состояние и пути развития. Давлат молиясининг ҳозирги замон долзарб масалалари ва ривожлантириш перспективалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2008 йил.

96. Шаакрамов К.К., Қосимова Г.А., Камолов К.Ю. Махаллий бюджетларнинг маблағлари самарадорлигини ошириш йўллари. Бюджет ижросига Фазначилик тизимини жорий этишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами –Т.: Тошкент молия институти. 2011 йил 9-апрель.

97. Ҳакимов С. Фазначилик шароитида давлат бюджетининг даромадлари ижросидаги муаммолар. Давлат молиясини ислоҳ этишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. «IQTISOD-MOLIYA». 2010 йил. 18 июнь.

98. Кувонов Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет даромадларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш. Республика илмий-амалий анжуман тезислар тўплами. Тошкент. Тошкент молия институти. 2011 йил. 9 апрель.

99. Ali Hashim Bair Allan. Treasure reference model. Word Bank & IMF. March. 2001. Page -120.

100. A.Premchand “GOVERNMENT BUDGETING AND EXPENDITURE CONTROLS” (INTERNATIONAL MONETARY FUND) Washington, D.C.-2003. Page -274.

101. “Understanding the Japanese Budget” (Budget bureau of MOF) - 2006. Ministry of Finance of JAPAN, August -2006. Page -197.

VII. «Internet» сайти маълумотлари

- www.mf.uz
- www.gov.uz
- www.treasury.uz
- www.undp.uz
- www.stat.uz
- www.lex.uz
- www.japantoday.ru
- www.budjet.ru

Мундарижа

| | |
|-------------------|----------|
| КИРИШ..... | 3 |
|-------------------|----------|

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1-БОБ. «МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАЗМУНИ

| | |
|---|----|
| 1.1. Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва аҳамияти..... | 5 |
| 1.2. «Маҳаллий бюджетлар» фанининг мақсади, предмети ва вазифалари..... | 10 |
| 1.3. «Маҳаллий бюджетлар» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлнти..... | 12 |

2-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

| | |
|--|-----|
| 2.1. Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти..... | 14. |
| 2.2. Маҳаллий бюджетларнинг асосий вазифалари..... | 16 |
| 2.3. Худударий ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда маҳаллий бюджетларнинг роли..... | 18 |
| 2.4. Маҳаллий бюджетларнинг таркибий тузилиши..... | 21 |

3-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

| | |
|--|----|
| 3.1. Иктисолидётни модернизациялаш шароитида маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти..... | 24 |
| 3.2. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Конунига мувофиқ маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқ ва вазифаларининг белгиланиши..... | 27 |
| 3.3. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конунининг аҳамияти..... | 32 |

4-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ТУЗИШ ТАРТИБИ

| | |
|---|----|
| 4.1. Маҳаллий бюджетларни бошқариш..... | 36 |
| 4.2. Маҳаллий бюджетлар фаолиятининг тамомиллари..... | 38 |
| ✓ 4.3. Маҳаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартиби..... | 41 |
| 4.4. Маҳаллий бюджетларни бошқаришда молия ва газначилик органларининг роли..... | 42 |

5-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

| | |
|---|----|
| 5.1. Маҳаллий бюджет даромадлари ва ҳаражатлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда кўриб чиқиш босқичлари..... | 47 |
| 5.2. Хорижий мамлакатларда бюджет лойиҳасини тузиш жараёнлари..... | 52 |
| 5.3. Маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисида хисоботларни тайёрлаши..... | 53 |

6-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ БОШҚАРИШ

| | |
|--|----|
| 6.1. Маҳаллий бюджет даромадларининг аҳамияти..... | 61 |
| 6.2. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш манбалари ва усуллари..... | 64 |
| 6.3. Бюджет даромадларини шакллантиришида молия ва солик органларининг вазифалари..... | 69 |
| 6.4. Хорижий мамлакатларда маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш тажрибалари..... | 74 |

7-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

| | |
|---|----|
| 7.1. Маҳаллий бюджет харажатларининг аҳамияти..... | 78 |
| 7.2. Маҳаллий бюджет харажатларининг таркибий тузилиши..... | 83 |
| 7.3. Маҳаллий бюджетда ижтимоий-маданий тадбир харажатлари..... | 85 |
| 7.4. Маҳаллий бюджетлар ўргасида харажатлар мажбуриятларининг тақсимланиши..... | 87 |

8-БОБ. БЮДЖЕТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

| | |
|---|-----|
| 8.1. Бюджетлараро муносабатларнинг иқтисодий-ижтимоий мазмуни..... | 91 |
| 8.2. Бюджетлараро муносабатларни амалга ошириш механизми..... | 94 |
| 8.3. Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришида умумдавлат соликларининг аҳамияти..... | 98 |
| 8.4. Бюджетлараро муносабатларни шакллантиришнинг хорижий тажрибалари..... | 106 |

9-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

| | |
|--|-----|
| 9.1. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги..... | 112 |
| 9.2. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари..... | 118 |
| 9.3. Худудларда маҳаллий бюджет даромадларини ошириш истиқболлари..... | 121 |
| 9.4. Худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш йўллари..... | 123 |

УЧИНЧИ БЎЛИМ

10-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА ГАЗНАЧИЛИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

| | |
|--|-----|
| 10.1. Газначиликнинг ахборот тизими..... | 129 |
| 10.2. Республика ва худудий Газначилик хисобракамлари юритилиши..... | 135 |
| 10.3. Газначилик тизимида бюджет таснифидан фойдаланиши..... | 136 |

11-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ ГАЗНАЧИЛИК ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

| | |
|---|-----|
| 11.1. Маҳаллий бюджетларда газначилик фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари..... | 144 |
| 11.2. Маҳаллий бюджетни газна ижросида нақд пул билан таъминлаш масалалари..... | 149 |

| | |
|---|-----|
| 11.3. Пластик карточкалар орқали хисоб-китобларни ривожлантириш..... | 153 |
| 11.4. Бюджет ташқилотлари харажат сметаларини тузиш ва рўйхатга олиш..... | 155 |

12-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

| | |
|---|-----|
| 12.1. Бюджет харажатлари ижросида юридик мажбуриятларнинг аҳамияти..... | 161 |
| 12.2. Фазначилик органларида молиявий мажбуриятларни бошқариш..... | 165 |
| 12.3. Фазначиликда нархлар мониторинги..... | 168 |
| 12.4. Фазначилик тизимида тўлов интизомини мустаҳкамлаш | 173 |

13-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИЖРОСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ

| | |
|--|-----|
| 13.1. Бюджет маблағларидан самараали фойдаланишда молиявий назоратнинг ўрни..... | 179 |
| 13.2. Бюджет ижросида назоратни амалга ошириш усуллари..... | 185 |
| 13.3. Фазначиликда маҳаллий бюджет маблағларининг самарадорлигини ошириш.... | 191 |

14-БОБ. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРДА ФАЗНАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

| | |
|---|-----|
| 14.1. Фазначиликда давлат мақсадли жамғармалари ва ташқилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини бошқариш..... | 197 |
| 14.2. Фазначиликда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш..... | 207 |
| 14.3. Фазначиликда маҳаллий бюджет даромадларини бошқариш услубиётини мукаммаллаштириш..... | 209 |

15-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

| | |
|---|-----|
| 15.1. Фазначилик тизимида ички назорат тартиби..... | 213 |
| 15.2. Фазначиликда дебитор ва кредитор қарздорликларни камайтириш | 218 |
| 15.3. Фазначиликда давлат ҳариди тизими..... | 219 |
| 15.4. Хорижий мамлакатларда ғазначилик тизими тажрибалари..... | 227 |

| | |
|-----------------------|-----|
| Глоссарий..... | 233 |
|-----------------------|-----|

| | |
|--------------------------------------|-----|
| Фойдаланилган адабиётлар..... | 249 |
|--------------------------------------|-----|

Қайдлар учун

Касимова Г. А.

Шаакрамов К. К.

Маҳаллий бюджетлар

Ўқув қўлланма

Муҳаррир – А. Зиядов

Техник муҳаррир – Ё. Иногомов

Компьютерда сахифаловчилар – Р. Шарипов, Д. Абдурахманов

Босишига руҳсат этилди 10.01.2012 й. Бичими 60x84^{1/16}.
«TimesNewRoman» ҳарфида терилди. Шартли б.т. 16.25. Нашр т. 15.4.
Адади 105. 29-сонли буюртма. Шартнома №-84

Оригинал-макет Банк-молия академиясининг нашриёт бўлимида
тайёrlанди. Тошкент ш., X. Арипов, 16-уй.

«EXTREMUM PRESS» ХК босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Богишамол, 57 б.